

"БИЗНЕС КАТАЛОГ" КОМПАНИЯСИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВМУЛҚЎМИНИНГ НАШРИ

*Демократик давлат қурилишининг
назарияси ва амалиёти*

В.А. ЧЖЕН

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

1

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Муаллиф - Иқтисод фанлари доктори
Виктор Анатольевич Чжен

Муҳаррирлар -

Ж. Саъдуллаев, Ў. Ҳошимов

Муқовани бадий безаш ва дизайн -

В. Ю. Шумилов

Компьютерда саҳифалаш ва дизайн -

А. В. Манюрова

© "Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи

◆ **ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ** ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Бу мамлакатда иқтисодий ислохотларни мустақил равишда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов таклиф қилган модель замирида амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратди. Чинакам миллий, маҳаллий ўзига хосликка мутаносиб хусусийлаштириш моделини рўёбга чиқариш имконияти пайдо бўлди. Бу модель ҳозирдаёқ амалда ўзини оқлади ва унга дадил “ўзбек модели” номини бериш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пиروвард мақсади эркин бозор иқтисодиёти ва очиқ ташқи сиёсат ўтказувчи кучли ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришдан иборат эканлигидан келиб чиқиб, 1992 йилнинг охирида ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулк ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси (Давмулкқўм) мамлакат ҳукумати билан биргаликда хусусийлаштиришнинг стратегияси ва тактикасини белгилаб чиқди.

Ўзбекистон иқтисодий барқарорлаштириш ва таркибий ислохотлар борасида кейинги вақтда катта тараққ-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

ийётга эришди. Миллий валютанинг жорий этилиши билан пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин кискарди. Ҳукумат чет эл валютасининг расмий ва тижорат киймати яқинлаштириш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини либераллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйди. Қаттиқ бюджет ва молия-кредит сиёсатининг амалга оширилиши ҳам кўп жиҳатдан барқарорликка эриштиришга хизмат қилди.

Давлат бюджетигаги етишмовчилик 1994 йили 1993 йилдагидан анча пасайди, 1995 йили эса амалда энг кам даражага келтирилди. Таркибий қайта тузишлар борасида нархларнинг либераллаштирилиши, субсидиялар ҳажмларининг кескин қисқартирилиши, зарар келтирувчи корхоналарни тугатиш борасидаги ишларнинг фаоллашганлигини қайд қилиш лозим.

Ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин тушиб кетишининг олди олингани гоят муҳимдир. 1990-1993 йиллар давомида МДҲ мамлакатлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқаришининг уртача курсаткичи 40,9 фоизни ташкил этгани ҳолда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг қисқариши фақат 14,4 фоизга тўғри келди. Ҳозирги давр республика иқтисодий ислохотларнинг янги босқичга кутарилганлиги билан характерланади. Улкан бунёдкорлик иши давом этапти, миллий тадбиркорликнинг азалий анъаналари тикланмоқда, бозор муассасалари ва муносабатлари шаклланмоқда ва фаол ривожланмоқда, буларнинг ҳаммаси хусусийлаштириш билан боғлиқ ислохотлар стратегиясига жиддий тузатишлар киритилишига олиб келаётир.

Мулк масаласининг ҳал этилиши бозорни вужудга келтириш борасидаги барча тадбирлар тизимининг негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг 1992

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида барча мулк шаклларининг тенглиги ҳуқуқий муҳофазаси таъминланди.

Ўзбекистоннинг хусусийлаштириш модели Президент Ислам Каримов эълон қилган беш қоида асосига қурилган, амалга оширилаётган ислохотлар шунга асосланади. Бу модель қуйидагича:

- 1 хусусилаштириш амалга оширилаётган ислохотларнинг ички мантиқига бўйсундирилган ва уларнинг ўзагини ташкил этади;
- 2 давлат бош ислохотчидир, шунинг учун хусусийлаштириш жараёни бошқарилди;
- 3 конуннинг устиворлиги, мулкчилик шаклларида катъий назар, ҳеч истисносиз ҳамманинг конунлар ва метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиши;
- 4 аҳолининг кам таъминлашган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўсишини ҳисобга олиш, аста-секин ижтимоий кафолатлар тизимида ўтишни ўз ичига олувчи хусусийлаштиришнинг адресли йўналтирилиши;
- 5 хусусийлаштириш чуқур ўйлаб, жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, инқилобий сакрашларсиз, яъни эволюцион йўл билан амалга оширилади.

Дастурий ёндашув ва хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш - Ўзбекистонда утказилаётган ислохотларга хос хусусиятдир. Бу ишларнинг ҳаммасига изчил, узлуксиз тўе берилган. Хусусийлаштиришнинг давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Ижтимоий муҳофаза ҳар бир фуқарога аниқ йўналтирилган имтиёзларнинг пухта кафолатлари орқали таъминланмоқда. Мавжуд ҳолатлар ҳисобга олиниб, хусу-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

сийлаштириш муаммосини ҳал этиш йирик ишлаб чиқариш ва бошқариш таркибларининг ҳукмронлигини қисқартириш билан уйғунлаштирилмоқда.

Хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлаш учун бир туркум қонунлар ва ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Уларда мулк шакллари, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бу ишнинг асоси қоидалари, амалга ошириш объектлари, шакллари, шарт-шароитлари ва усуллари, сотиб олиш тартиби ва бошқалар белгилаб қўйилди.

Республикада хусусийлаштириш босқичлари ҳукумат томонидан “оддийдан мураккаб сари” қоиласи бўйича белгиланди.

Биринчи (1992-1993 йиллар) босқични савдо, маиший хизмат соҳаси ва кичик саноатни уз доирасига олган кичик хусусийлаштириш ташкил этди.

Иккинчи (1994-1995 йиллар) босқичда оммавий хусусийлаштириш амалга оширилди, бу босқич енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноатини, тайёрлов шохобчаларини, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналарини, шунингдек саноатнинг база иншоотларини уз ичига олди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги қарори қабул қилиниши билан Ўзбекистонда кичик хусусийлаштириш бошланди. Натижада халқ ҳужалигининг 53902 иншооти янги мулк шаклини касб этди.

Улардан:

- 10638 тасини - савдо, .
- 12561 тасини - маиший хизмат кўрсатиш;
- 24316 тасини - матлубот кооперацияси;
- 4753 тасини - тайёрлов соҳаси иншоотлари ташкил этди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистонда дуқонлар, ошқоналар, қаҳвахоналар, саргарошқоналар, корқоналар, тайёрлов идоралари, матлубот жамиятлари маҳаллий саноат корқоналари хусусийлаштирилмаган биронта ҳам аҳоли манзилгоҳи қолгани йўқ. Ишлаб чиқариш воситаларининг бир неча юз минг янги мулкдорлари пайдо бўлди.

Шу нарса диққатга сазоворки, 1996 йилиёқ хусусийлаштирилган корқоналар давлат тасарруфида қолган корқоналарга кура 7-8 фоиз юқорироқ фойда олди. Савдо мустақиллик касб этди. Бу республика товар бозорини тўлдиришни тезлаштиришга кумақлашди.

Оммавий хусусийлаштириш дастури 1994 йили 5127 иншоотни давлат тасарруфидан чиқаришни кузда тутган эди. Амалда 9744 та корқона хусусийлаштирилди. Давлат мулкани сотиб олиш истагини билдирган меҳнат жомаларининг хоҳишига кура кўпгина кичик ва ўрта корқоналар “дастурдан ташқари” хусусийлаштирилди.

Жаҳон банки ялпи хусусийлаштириш механизмини ишлаб чиқишга катта ёрдам курашди. Чунончи, унинг мутахассислари тавсиясига кура корқоналарни акциядорликка ўтказиш чогида давлатнинг мулкка бўлган якка эгаллигини бартараф этиш акцияларнинг турт хилини шакллантириш йўли билан амалга оширилиши кузда тугилди. Улар:

- 25 фоизгача - меҳнат жамоасига;
- 25 фоизгача - давлатга (давлат билан меҳнат жамоасининг хиссаси 49 фоиздан ошмаслиги керак);
- камида 50 фоизи эркин сотувга, шу жумладан:
- 25 фоиз ва ундан ортиқроғи - хорижий инвесторга сотилиши белгиланди.

Оммавий хусусийлаштириш дастури акцияларнинг

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

назорат пакети хорижий фирмалар томонидан сотиб олинishiга йул қуяди.

Чунончи, Республиканинг жамики тамакичилик тармоги халқаро “БАТ индастриз” фирмаси назорати остига утди. Моторлар ишлаб чиқариш бўйича гоят йирик корхоналарда эса, назорат пакетига Италия фирмаси эга бўлди. Бундай мисоллар оз эмас.

Хорижий инвесторларга корхоналарни тамомила ўз мулки қилиб сотиб олиш имкони берилди.

Бозор тизими амал қилишининг самарадорлиги бозор инфраструктурасининг ривожланиш даражаси ва хусусияти билан белгиланади. У бозорнинг асосий субъектлари - ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди ва бозор тизимига яхлитлик ҳамда мукамаллик бағишлайди. Бу инфраструктуранинг асосий элементлари - савдо корхоналари, биржалар, банклар, молия ва солиқ тизими, аудиторлик ва суғурта мезанизми Ўзбекистонда барпо этилди.

Улар сирасига:

- Республика валюта биржаси;
- вилоятларда даллоллик идораларига эга бўлган Республика фонд биржаси;
- вилоятларда филиаллари бўлган Республика товар-хон ашё биржаси;
- Республика кўчмас мулк биржаси;
- Хусусий сармоёга асосланган суғурта компаниялари;
- Хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон халқаро банки - “Ўзхусбанк”
- тижорат банклари;
- вилоят марказларида инвестиция жамғармалари ва

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

инвестиция дўконлари киради.

Иқтисодийнинг нодавлат сектори корхоналарини хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш учун Республика Ҳукумати қуйидаги асосий тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда:

- 1 хусусийлаштиришдан тушаётган маблағлар ҳисобидан энгил қарзлар ажратиш;
- 2 бозор инфраструктуралари муассасаларини барпо этиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш;
- 3 ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантириш ва тайёр маҳсулотни биржалар, ярмарка, кичик улгуржи бозорлар ва дўконлар орқали сотиш;
- 4 корхоналарнинг акцияларини фонд биржаси, инвестфондлар ва фонд дўконларида сотиш йўли билан ички ва хорижий инвесторларни жалб қилиш;
- 5 ўз маҳсулотини четта чиқариш йўлини тутган корхоналар учун, шунингдек, ишлаб чиқариш изга тушаётган дастлабки босқичда имтиёзлар тизими, шу жумладан солиқ имтиёзларини яратиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ислохотларнинг ташқи дунёга нисбатан очиқлиги, республикани жаҳон ҳужалик алоқалари тизимига жалб этишнинг мақсадли йўналтирилганлигидан иборатдир. Шунинг учун Ўзбекистон иқтисодийига хориж сармояси замонавий технологиялар ва бошқарув тажрибаси жалб этилишини таъминлашга қобил инвестицион иқлимни шакллантириш айниқса муҳимдир.

Республикада чет эл инвесторлари учун имтиёз ва рағбатлар тизими амал қилмоқда. Чет эл инвестицияла-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

ри тугрисидаги Қонунга мувофиқ хорижий шериклар учун миллийлаштириш ва реквизициялашдан кафолатлар белгиланган. Уларга, шунингдек қонуний фаолиятлари натижасида жамгарган фойдалари ва бошқа сумларни чет элга ўтказиш, Ўзбекистон ҳудудида фойдани реинвестрлаш, унинг банкларида ҳар қандай валютада чекланмаган ҳисобларга эга бўлиш кафолатланади. Шундай қилиб, хорижи шерикларга Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг манфаатлари ва сармояларини муҳофазалаш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Республикамиз раҳбарияти кураётган чоралар Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга, чет эл инвестицияларининг кўпайишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонга 1350 дан ортиқ қўшма корхоналар рўйхатга олинган. Улар орасида жаҳонга машҳур “ДЭУ корпорейшн” (Қурия республикаси), “РЭНК ксерокс” (буюк Британия), “Бурсел” (Туркия), “Буллер” (Швейцария), “Ньюмонт”, “Кока-кола” ва “Пепси-кола” (АҚШ), “Мерседес-Бенц” (ГФР) ва бир қатор бошқа фирмалар бор.

Эътироф этиш керакки, бой ресурсларга қарамадан Ўзбекистон жаҳон бозорида ҳали етарли танилмаган, шунинг оқибатида унинг ташқи иқтисодий имкониятлари тула ҳажмда ишга солинмаяпти. Шунинг учун Республика раҳбарияти томонидан Ўзбекистон тугрисидаги тулақонли ахборотни ҳар бир потенциал шерикка, барча мамлакатларнинг ишбилармон доираларига етказиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. шу мақсадларда чет эл инвесторлари фаолияти учун устун соҳалар таъкидлаб кўрсатилган, энг қулай шарт-шароитлар яратилган инвестицион дастур ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Бу соҳалар:

- кишлок хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш;
- минерал-ҳом ашё ресурслари, шу жумладан нефть ва газни казиб олиш ҳамда қайта ишлаш бўйича экологик соф ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;
- саноат ва маиший чикитлар ҳамда қолдиқ тоғ жинсларини қайта ишлаш;
- ишлаб турган ёқилги-энергетика мажмуи, металлургия ва кимё корхоналарида табиатни муҳофазатлаш тадбирларини амалга ошириш;
- радиоэлектрон саноати ва асбобсозлик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- замонавий ахборот ва телекоммуникация, шу жумладан космик тизимларни ташкил этиш;
- ресурсларни ва энергияни тежовчи ускуналар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- дори-дармонлар, тиббий техника ва ускуналар ишлаб чиқариш;
- саёҳат индустриясини ривожлантириш қабиларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай давлатнинг сиёсий мустақиллигини иқтисодий мустақилликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мана шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати иқтисодий имкониятларни кучайтиришга гоят катта эътибор бера бошлади. Бу ҳайрли ишда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришга алоҳида муҳим ўрин берилган.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Республика Президенти Ислом Каримов 1990 йилнинг апрель-май ойларида Ўзбекистонда дастлабки хусусий корхоналарни барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилганлигини бугун ҳар бир киши яхши билади. Ўзбекистонни мустақилликка олиб келган тарихий воқеаларни ҳали ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган. Бир шароитда шундай қалам қўйилган эди.

Бироқ уша вақтлардаёқ республика раҳбарияти хужаликни юритишнинг янги усулларини излай бошлаганди. Дастлабки хусусий корхоналар узоқ вақт урганилди ва яхши хусусийлаштириш мобайнида уларнинг тажрибасидан фойдаланилди.

Шунингдек, Республика Президентининг туман-шаҳар саноат комбинатлари (ТШСК)ни барпо этиш тўғрисидаги қарорини ҳам 90-йилларнинг энг кучли ва самарали қарорларидан бири деб ҳисобламоқ лозим. Уларга давлат-кооператив корхоналари мақоми берилган эди. 1990 йили қабул қилинган бундай ноёб қарор корхоналарга ижодий ташаббусларни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистоннинг барча туманларида хусусий ва давлат мулкчилиги замирида қисқа муддат мобайнида 200 дан ортиқ тумшаҳсанкомлар ташкил этилди. Бинолар ва иншоотлар бепул бериб қўйилиши билан бир қаторда солиқ тулаш, бюджетга бошқа туловлар буйича улар учун белгиланган имтиёзлар бу корхоналар тез оёққа туриб, купчилигига мустақкам хужаликларни вужудга келтириш имконини берди.

ТШСК лар бир-бири билан боглиқ уч вазифани ҳал қилди:

1. Ижтимоий - ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишиларнинг купчилигини, шу жумладан куп

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

болали оналар ва ёшларни иш жойлари билан таъминлаш:

2. Сиёсий - қишлоқ жойларида миллий ишчилар синфини вужудга келтириш;

3. Иқтисодий - халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва товар етишмовчилигини қисқартириш.

Ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган уруш ва меҳнат ногиронлари, кўп болали оналар, уй бекаларини иш билан таъминлаш республика учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Уларни иш билан таъминлаш учун касаначилик ривожлантирилди. Корхона касаначиларга хом ашё, материаллар, тагликлар етказиб беради, улар тайёр маҳсулотни корхона омборига топширишади. Касаначилар миқдори йилдан йилга кўпайиб бормоқда. 1995 йили уларнинг миқдори 35 минг кишидан ортиб кетади.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти республикада тобора кенг ёйилмоқда. Рўйхатга олиш тизими (патент сотиб олиш ва солиқ идорасида рўйхатдан ўтиш) ва бухгалтерия ҳисоб-китоби соддалаштирилганлиги бундай фаолият усулининг афзаллигидир. Натижада, 1995 йили республикада 220 мингдан ортиқ тадбиркор мустақил меҳнат фаолияти билан шугулланди.

Савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноат корхоналари, ижтимоий соҳада давлат мулкани хусусий қилиб қайта ташкил этиш жараёни ҳийла қийин кечди.

Бу соҳаларда аввалига йирик ишлаб чиқариш булинмаларини давлат тасарруфидан чиқариш юз берди. Улар замирида очиқ ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилди.

Бироқ, ҳаёт бу йирик жамиятлар таркибига кирувчи булинмаларга кўпроқ мустақиллик бериш мақсадида

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

уларни кичиклаштиришга мажбур қилди. Натижада, Ўзбексавдо, Ўзмаишийуюшма, Ўзбекбирлашув каби тармоқларда 13 мингга яқин хусусий корхона пайдо бўлди.

Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этишга 1995 йили гоят катта эътибор берилди.

Шу йил 64 минг янги тадбиркорлик таркибларининг дунёга келиш йили бўлди. Улар орасида қишлоқ жойларда урнашган корхоналар салмоғи анча катта урин тутади.

Шундай қилиб, 1995 йилнинг охирига келганда Ўзбекистонда кичик бизнес тадбиркорларининг салмоқли синфи юзага келди. Улар деярли 100 минг хусусий корхоналарининг эгалари ва 220 мингдан кўпроқ якка тартибда фаолият курсатувчи тадбиркорлардан иборатдир.

Ҳукумат 1995 йили давлат тасаррувидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг бу ишни яқунлашни кузда тутувчи асосий йўналишларини тасдиқлади.

Давлат мулки объектларининг 1996-1997 йилларда хусусийлаштирилиши лозим бўлган энг кам рўйхати белгилаб қўйилди.

Йирик корхоналар ва бирлашмаларнинг холдинглар, молия-саноат гуруҳлари сингари янги ташкилий шакллари эътибор кучайтирилди.

Қишлоқ хужалигида хужаликни юритишнинг кооператив, шунингдек, ёпиқ усулдаги ҳиссадорлик жамиятлари шаклларидан фойдаланиш тавсия этилди. Хужаликлар иштирокчиларининг пай ҳиссаси белгиланиши янгилик бўлди. мулкдорлар синфини вужудга келтириш гоят муҳим вазифага айландики, улар амалга оширилаётган ислохотларда давлатнинг асоси ва таянчлари бўлмоғи керак.

Қишлоқ хужалигида таркибий ўзгартиришларни амал

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

га ошириш энг жиддий муаммога айланди. Бу жараён бир неча йилга мўлжалланган. Шу муддатда қишлоқда кучли бозор, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктураларни барпо этиш вазифаси турибди. Улар ортиқча кучларни деҳқончиликдан ажратиб, янги иш жойлари барпо этиш ҳисобига бу кучларнинг иш билан бандлигини таъминламоқлари керак. 2000 йилгача Ўзбекистонда 2 миллиондан кўпроқ кишига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва маҳаллий материалларни қайта ишлаш, илмий ечимлар кўп талаб қилинадиган хизматлар кўрсатиш, бозор таркибларида фаол қатнашиш имкониятини тугдириб бериш белгиланган. Шу тадбирлар ҳисобита бевосита деҳқончиликда банд бўлган ходимлар миқдори камайиши, улар меҳнатининг унумдорлиги ортиши керак.

Қимматбаҳо қогозлар бозори жадал ўсиши, амлок согуви кўпайиши, товар-хом ашё биржалари ва ярмаркаларида хизмат ҳажмлари ва улгуржи бозорлар кенгайиши 2000 йилгача бўлган энг муҳим вазифалардир.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш стратегияси шундай.

Республикада амалга оширилаётган ўзгартиришларнинг асосий йўналишларини илғаб олиш, унинг хусусиятларини англаб етиш учун бурларни аниқ тасаввур этмоқ лозим.

Иқтисод фанлари доктори

В.А. Чжен

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

1-Бўлим

Хусусийлаштириш иқтисодий тушунча бўлиб, мулкка эгаллик ҳуқуқини давлатдан фирмалар ва алоҳида шахсларга берилишини, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишини, чеклашни ёки хусусий ташаббускорлик учун ғоят кенг имкониётлар бериш мақсадларида давлатнинг фаолияти соҳасини торайтиришни билдиради*. У бозор муносабатлари шаклланишининг негизи, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни оёққа турғизишнинг чинакам асосини ташкил этади.

Хусусийлаштириш жараёни биринчи навбатда сиёсий ва иқтисодий кўрсатмалар билан бошланадики, бу мамлакатнинг молиявий ва ижтимоий шарт-шароитлари билан белгиланади.

Бозор қайта қуришлари йўлига ўтган давлат муқаррар равишда хусусийлаштиришни қандай амалга ошириш, қайси соҳаларни хусусийлаштириш, корхона мулкани қандай тақсимлаш ва уни соғиб олувчини қандай тан-

Шўролар тарқатиб кетганидан кейин вужудга келган давлатларда хусусийлаштириш мулкдорлар синфи юзага келишига қўмақлашди. уларсиз бозор иқтисодиётини шакллантириш мумкин эмас.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

лаш муаммоларига дуч келади. Танлаб олинган стратегия кенг маънода ҳар бир алоҳида олинган мамлакат учун ундаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга боғлиқ ҳолда фаркланувчи хусусийлаштиришнинг миллий дастури мақсадларини ифодалайди.

1.0. Хусусийлаштириш усуллари

Мувофиқ келадиган хусусийлаштириш чизмасини танлаб олиш мураккаб вазифа ҳисобланади, зеро корхоналар турли шароитларда иш олиб боради ва бир қатор омиллар таъсирида бўлади.

Бу омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- асосида хусусийлаштиришга рағбат бўлган омиллар,
- аниқ ҳолатлар билан боғлиқ омиллар.

Биринчи гуруҳга давлат сиёсатининг давлат билан иқтисодиётнинг ўзаро муносабатлари хусусиятини ўзгартриш ва такомиллаштиришга қаратилган йўналиш, масалан, сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, бозор кучлари ҳаракати ва рақобатни рағбатлантириш корхоналар фаолиятининг кўрсаткичларини яхшилаш, ички молиявий бозорларни мустаҳкамлаш ва мулкчилик шакллари кенгайтириш киради. Бу билан баробар кўриб чиқилиши зарур бўлган аниқ ҳолатларга ислоҳ қилинаётган давлат корхонасининг молиявий аҳволи ва иш кўрсаткичлари, шунингдек унинг ташкилий шакли ва иқтисодий фаолият доираси, хусусий секторнинг инвестиция ресурслари потенциали, сармоя бозорининг мавжудлиги ва баъзи ижтимоий шарт-шароитлар киради.

Хусусийлаштириш дастурини амалга оширишга киришсаётиб, ҳар қандай ҳукумат энг камида икки асосий

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ

мақсадни: корхоналарга ажратилаётган маблағлар камайиши ва давлат активларини сотишдан тушувчи маблағлар ҳисобига бюджетни тўлдиришни кўзлайди. Корхоналарнинг хўжалик фаолияти устидан ҳукуматнинг маъмурий-молиявий назоратининг сусайтирилиши кучгайрат ва маблағларни ижтимоий-иқтисодий таракқиётнинг устувор йўналишларига жамлаш имконини беради.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида хусусийлаштиришнинг тахтили унинг етти асосий усулини алоҳида ажратиб олиш имконини беради.

1. Давлат корхоналари акцияларининг очиқ сотуви-ни ўтказиш.

Фонд бозорлари етарли ривожланмаган мамлакатларда акцияларни очиқ сотиш қийин бўлиб, қимматга тушиши мумкин. Бу кенг қўламли реклама кампаниясига заруриятдан келиб чиқади. Лекин бу сабъ-ҳаракатлар тамомила ўзини оқлайди. Масалан, Ямайкада шундай кампания давлат банкни сотиш бўйича кимошди савдосини муваффақиятли ўтказилишига ёрдам берди.

2. Акцияларни кимошди савдоси йўли билан сотиш.

Хусусийлаштиришнинг кенг тарқалган бу усули кимошди савдоси орқали амалга оширилиши керак. Бунда порахўрлик ва айрим фуқароларга устунлик берилишининг олди олинади. Чунончи, Мексикада хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичи корхоналар ҳукмрон партияга яқин турган шахсларга анча-мунча арзон нархларда сотилишида айблаш туфайли кўплаб бахсларни келтириб чиқарган эди.

3. Давлат корхоналарини хусусий инвестираш.

Бу усул ёхуд объектни тўғридан-тўғри сотиб олиш, ёхуд акциялар пакетини сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

Хусусий инвестрлашни йирик корхоналар учун самарасиз ҳисоблайдилар, чунки давлат акцияларнинг назорат пакетини ўз қўлида сақлаб қолади, бу эса келгуси муваффақиятлар олдида масъулият кучли бўлган асноларда инвестиция тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда ўз ақсини кўрсатиши мумкин. Янги инвестициялар ёхуд акцияларни очик сотиш, ёхуд хусусий бадаллар ёрдами билан жалб этилиши мумкин.

4. Корхонанинг мулкни сотиш ва кейинчалик мавжуд қарзларни тўлаш йўли билан давлат корхонасини тугатиш*.

Бу услубдан факат ички қайта қуришлар йўли билан корхонани сақлаб қолишга бўлган жамики умидлар йўқка чиққанида фойдаланилади. Польшада саноат корхоналарини хусусийлаштирини чоғида шу усул кенг қўлланилган.

5. Давлат корхонасини алоҳида бўлинмаларга ажратиш ёки бўлиш ва қайта қуриш йўли билан уларни қисмлар бўйича сотиш.

Иқтисодиёт марказлаштирилган кўпгина мамлакатларда йирик корхоналар турли турдаги кўпдан кўп корхоналарни ўз ичига олади. Ҳар қандай кўринишдаги хусусийлаштириш амалга оширилишидан аввал уларни ажратиш ва қичиклаштириш лозим бўлади. Бунда корхонанинг фойда келтирувчи бўлинмалари алоҳида корхоналар тарикасида сотилади.

6. Корхоналарни раҳбарлар ва меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиш.

Бу ҳолда корхонани меҳнат жамоаси томонидан ак-

* Қолган кўчмас мулк кейинроқ сотиб олиш учун инвесторларга тугатиш давридагига нисбатан хайла арзон нархларда таклиф қилиниши мумкин.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ционерлаш дастури (ЎSOP) энг мухим усул ҳисобланади. ЎSOP шундай механизм ҳисобланадики, у корхона жамоасина бўлғуси жамғармалар ҳисобидан қайтариладиган қарзлар олиш имконини беради. Қарзлар қопланishi билан акциялар уларни сотиб олишда иштирок этган ҳар бир ходимнинг ўз мулкига айланади.

Бундай мулк турини шакллантириш замирида бир томондан, бозор ва фойдага йўналганлик, иккинчи томондан, ходимнинг ижтимоий муҳофазаланганлиги ётадики, бу ходим ўз корхонаси мулкига эгаллик қилиши билан узвий боғлиқдир.

ЎSOP дастуридан бу ҳолатда солиқ имтиёзлари берилиши туфайли АҚШда тез-тез фойдаланилади.

7. Давлат корхонасининг хусусий шахс томондан ижарага олиниши ёки давлат ва хусусий корхоналар ўртасида корхонани бошқариш тўғрисида битим тузиш*.

Бундай ёндашув олис муддатдаги истикболда кескин чекланади.

2.0. Хусусийлаштириш жараёнининг босқичлари

Турли мамлакатларда давлат корхоналарини хусусийлаштиришни режалаштириш ва амалга ошириш жараёни қоида тариқасида уч асосий босқич: мақсадга мувофиқликни баҳолаш, тайёргарлик тадбирлари ва амалда рўёбга чиқаришдан иборат бўлади.

Биринчи босқичда хусусийлаштириладиган корхоналар танлаб олинади ва хусусийлаштириш усуллари белгиланади. Танлов ишбилармонлик фаоллигининг уму-

* Бунда корхонанинг активлари ва пасивлари амалда давлат мулкчилигига қолади

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ

мий шарт-шароитларини, бозорнинг тегишли бўғимлари хусусиятини, потенциал инвесторларнинг манфаатдорлик даражасини, молиявий ресурсларнинг мавжудлигини, шунингдек корхоналар иш олиб боришининг асосий хусусиятларини баҳолаш асосида амалга оширилади.

Навбатдаги босқичда хусусийлаштирилаётган корхоналарни тайёрлаш амалга оширилади, меъёрий асослар ишлаб чиқилади, дастлабки баҳолаш бажарилади ва айрим муҳим қарорлар қабул қилинади.

Агар корхона бўлиш ёки кичиклаштиришнинг бошқа усуллари воситасида тўла ёки қисман хусусийлаштириладиган ҳолларда, шунингдек корхоналарни сотишнинг потенциал қиймати молиявий аҳволни мустаҳкамлаш ҳисобига оширилиши мумкин бўлганида, тузилма ўзгаришлари амалга оширилиши керак. Улар қарздорликни маблағ билан қайта таъминланишини, фаолиятнинг фойда келтирмайдиган турларини қайта ташкил этиш ёки тугатишни, ортикча ходимларни қисқартиришни, иш ҳақи жамғармасини қисқартиришни ёки янги раҳбариятни гайинлашни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, корхона капитал тузилмаларини баҳолаш амалга оширилиши керак. Агар у рақобат шароитларида амал қиладиган бўлса, инвесторлар капитал тузилмаларнинг эпчиллиги ва корхонанинг тез пулга айлангирлиши таъминланишидан манфаатдордирлар. Бу қарзга олинган ва хусусий сармояларнинг нисбатини камайтириш, корхонанинг харидорлар қабул қилиши керак бўлган мажбуриятлари миқдорини энг кам даражага қисқартириш учун чоралар кўришга мажбур этади.

Қўшунча корхонада ишловчиларнинг манфаатлари билан боғлиқ турли, зиддиятли вазиятларни бартараф этиш зарурияти туғилиши мумкин. Қисқартиришлар

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСУБЛАРИ

микдорини камайтириш, ортикча ходимтар билан адолатли муносабат, янги иш берувчи корхонада қолдирилган ходимларнинг хизмат муддатини ҳисобга олиши шу манфаатларга тааллуқлидир.

Тайёргарлик босқичида амалга ошириладиган асосий тадбирларнинг сўнгиси, киймат баҳосини дастлабки аниқлашдан иборатдир. Бозорнинг потенциал муносабати ва корхонанинг олдинги йиллардаги рентабеллиги унинг белгиловчи омиллари дир. Биринчи омилнинг тахлили фақат талаб даражасини эмас, балки унинг манбаларини ҳам ўз ичига олади. Потенциал харидорлар, шунингдек сотув шарт-шароитларига нисбатан давлат сиёсати обзори ни амалга ошириш зарур бўлади.

Масалан, хусусийлаштиришдан чет элликлар манфаатдорлигини рағбатлантириш ёки чеклаш, ишловчиларнинг хусусийлаштиришда иштироки, конкрет харидорларга нисбатан чегирувлар бериш ёки бошқа омилларни қўллаш, бепул тақсимлаш ва тўловларни кечиктириш механизмлари ёнингари масалаларни ҳал қилиш лозим. Харидорларнинг мақсадли гуруҳи имкониятларига жавоб берувчи адолатли нарх белгилаш мураккаб вазифа ҳисобланади. Борди-ю, илгариги йилларда корхона рентабеллиги паст бўлган бўлса, бу вазифа янада мураккаблашадди, чунки нархлар потенциал даромад олиш имкониятлари билан боғлиқдир.

Агар молиявий аҳволни яхшилаш мақсадидаги таркибий қайта қуриш мақбул йўл бўлиб чиқмаса, қаттиқ нарх борасидаги таклифга нисбатан оқилона муқобил йўл акцияларга оммавий ёзилиш ўтказилган ҳолатда ҳам, улар кўпчилиқка мурожаат қилмасдан туриб жойлаштирилган ҳолда ҳам олди-сотди ёки кимошди савдоларини ташкил этиш йўли билан бозор кучлари амад қилиши

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

асосида нарх белгилашдан иборатдир. Агар асосий мақсад нисбатан мавҳумтик ва мураккабликлар туфайли одамларнинг оммавий иштирокини рағбатлантиришдан иборат бўлса, у ҳолда савдо-сотик устун чора ҳисобланмайди. Акциялар дастлабки жамламасини қатъий нархни кейинчалик эълон қилиш мумкин бўлган йўллардан биридир. Давлат манфаатларини муҳофазалаш учун буюртмалар юбориш тўғрисидаги таклифлар жўнатилмасдае илгари дастлабки нарх белгиланиши мумкин.

Бозор муносабатининг яна бир жиҳати, айниқса, конкрет бозор шарт-шароитлари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг умумий шароитлари замирида харидорлар кайфиятини ҳисобга олишдан иборатдир. Харидорлар корхона фаолияти натижаларининг яхшиланиш имкониётларига, шунингдек энг кам меъёрий аралашувлар орқали бозорда таъсирнинг муайян даражасига умид қилсалар, ҳийла юқори нархлар белгиланиши мумкин. Агар ишбилармонлик вазияти барқарор бўлмаса, харидорлар, масалан, хизмат кўрсатиш соҳасида қўшма корхоналар сингари вариантларини афзал кўрадилар. Бинобарин, харидор манфаатдорлигини солиқ имтиёзлари, паст фоиз ставкалари ва шу қабилар белгилаш йўли билан рағбатлантириш зарур.

Давлат мулк объектларини сотиш амалда юқорида тавсифи берилган етти усулнинг исталгани воситасида амалга оширилади.

Хусусийлаштириш жараёни босқичларини таърифлаётиб, бу жараённи муваффақиятли амалга ошириш асосларини яратувчи турли тайёргарлик тадбирларининг ғоят муҳимлигини таъкидламоқ лозим.

Ўзбекистонда ислохотларнинг ҳал қилувчи омиллари-дан бири ва ўзига хос хусусиятлари уларнинг узвийлиги,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

изчиллиги ва мажбурийлигидадир. Халқ хўжалиги тармоқларини фаол ислох қилишга киришишдан аввал турли мулкчилик усулларида бўлган айрим корхоналарда узоқ муддат тахлилий ишлар бажарилди. Тўпланган тажрибадан кейин маҳаллий саноат, савдо, хизмат кўрсатиш, матлубот корпорацияси ва шў сингари соҳаларда кичик ва унчалик катта бўлмаган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан биринчи босқичда фойдаланилди.

Енгил, озиқ-овқат саноатининг, қурилиш ва транспорт мужмуининг ўрта ва йирик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш асосан 1995 йили яқунланди.

Қишлоқ хўжалигида ислохот амалга оширилди. Шундай қилиб, нодавлат сектор Ўзбекистон иқтисодиётида ғоят катта аҳамиятга эга, 1995 йили унинг миллий даромаддаги улуши 85 фоиздан ортиб кетди.

Иқтисодиёт ислохотнинг натижаларини республиканинг ҳар бир аҳолиси кўриши керак. Ҳар бир фуқаро мулкка эга бўлиб, ўзгаришларнинг муқаррарлигини англайди, ўзининг мулкий ҳуқуқларини янгича ҳис этади. Шундан келиб чиқиб, уй-жойларни республика фуқароларига мулк қилиб бериб, хусусийлаштириш сиёсатида биринчи қадам қўйилди. Шундан кейин савдо, маиший хизмат ва маҳаллий саноат корхоналарини аниқ харидорларга сотиш амалга оширилди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини тубдан чуқур қайта қуришнинг иккинчи босқичи 1994 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича давлат дастури” тасдиқланганидан кейин бошланди. Чуқур ўйлаб ва яхши балансланган бу ҳужжат мамлака-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУП ВА УСЛУБЛАРИ

тимизда таркибий қайта ташкил этишларнинг устуңлиги, мақсадлари, вазифалари, механизмлари ва доираларини белгилаб берди.

Давлат тасарруфидан чиқиш ва хусусийлаштириш иккинчи босқичининг (1994-1995 йиллар) асосий мақсадлари қуйидагича бўлди:

- хусусийлаштириш жараёнга амалда иктисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларининг ўрта ва йирик корхоналарини жалб этиб, унинг миқёсларини кенгайтириш;
- танҳо ҳокимлик қилган ишлаб чиқариш-ҳўжалик тузилмаларини кичиклаштириш ва рақобатчил бозор муҳитини вужудга келтириш;
- Ўзбекистон аҳолисининг кенг қатламлари, хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни давлат тасарруфидан чиқаришдаги иштирокчини таъминловчи хусусийлаштириш механизмни такомиллаштириш;
- давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарга улар хусусийлаштирилганидан кейинги даврда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;
- қимматбаҳо қоғозлар ва амлокнинг тўлақонли бозорини яратиш.

Қуйидагилар иктисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари қилиб белгиланди:

- қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш ва айни пайтда давлатга тегишли акциялар ҳиссасини қискартириб, очиқ типдаги ҳиссадорлик жамоналарини ташкил этиш орқали иқтисодий ислохотлар жараёнига аҳолини кенг жалб этиш;
- амлок бозорини, шу жумладан савдо, маиший ва

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУП ВА УСЛУБЛАРИ

коммунал хизмат корхоналари, шунингдек қўриқилган иншоотларини танлов асосида сотиш йўли билан шакллантириш;

- *ўлгуржи савдо корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига жалб қилиш, шунингдек товар-хона ашё биржалари тизимини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш воситалари бозорини вужудга келтириш;*
- *таркиб топган ишлаб чиқариш ва бошқарув тузилмаларининг танҳо ҳокимлигига барҳам бериш, хусусийлаштиришга чеклашлар дахл қилувчи корхоналар миқдорини қисқартириш;*
- *тендер ва кимошди савдолари, инвестицион олдиротдилар, шунингдек мулкни тўғридан-тўғри сотиш орқали Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш;*
- *корхоналарнинг хусусийлаштиришдан кейинги фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.*

Хусусийлаштириш натижаси, ҳеч бўлмаганда, икки асосий вазифани ҳал этишдан иборат бўлиши керак.

Биринчидан, давлат мулки ўзининг ҳақиқий эгасини топади. Амалда оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий маъноси ҳам мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш, тadbиркорлик фаолияти учун уларга кенг имкониятлар беришдан иборатдир. Давлат мулки янги мулкдорларга бепул эмас, балки уни сотиб олиш йўли билан берилади. Бу реал қийматга эга бўлган нарсаларнигина чинакамга кадрлашлари ва тежаб-тергашлари билан боғлиқ психологик омил билан шарт қилиб қўйилади.

Шунинг учун Ўзбекистонда хусусийлаштириш асоси-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ни пултилик қондаси ташкил этди. Шу муносабат билан хусусийлаштиришнинг акциялаш, иншоотларни танловлар ва кимошди савдоси орқали сотиш сингари усуллар кенг тус олди.

Иккинчидан, хусусийлаштириш кўп укладли иқтисодиёт ва рағбатлантирувчи рақобатчи турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи муҳитни вужудга келтирди. У асосан бир ёки бир хил хизматлар кўрсатувчи, бироқ мулкчиликнинг давлат, жамоа, хусусий ва бошқа усулларига асосланган кўпдан кўп корхоналарни ташкил этиш йўли билан алоҳида ишлаб чиқаришлар ва бутун-бутун фаолият соҳаларининг танҳо ҳукмронлигини бартараф этишда ифодаланади. Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлик, хом ашё ва материаллар, сармоя, маҳсулот чиқариш бозори учун кураш юзага келади.

3.0. Давлат мулки объектлари

Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунга биноан давлат мулкининг барча объектлари икки гуруҳга бўлинади:

- давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштирилмайдиган объектлар;
- хусусийлаштириш таъинланган объектлар.

Тармоқ мансублиги, чиқарилаётган маҳсулотнинг, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятлиги давлат мулкини сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлиги объектни у ёки бу гуруҳга киритиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида мулки объек-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

лар - ср ости бойликлари, сувлар, хаво бўшлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тарихий ва маданий ёдгорликлар, давлат бюджети маблағлари, республика сугурта жамғармалари; мамлакатимиз мустақкам.итини, унинг ижтимоий ва иктисодий ривожини таъминловчи корхоналар ва мулкий жамғармалар хусусийлаштирилмайди.

Хусусийлаштириш жараёнларида иктисодий мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик коидалари асосий ўрин тутати, ислох қилиш сунъий жадаллаштирилиши ёки сушлаштирилишига йўл қўйилмайди. Хусусийлаштиришнинг асосий йўналиши давлат мулки объектларини қайта танкил этишдан иборат. Кичик иншоотлар учун асосан мулкчиликнинг хусусий ва масъулияти чекланган жамият усули, ўрта объектлар учун - масъулияти чекланган жамият ва очик турдаги хиссадорлик жамияти усули, йирик корхоналар учун - очик турдаги хиссадорлик жамиятлари усули тавсия этилади.

Мулкчилик шакллариини танлаш Давлат мулк кўмитаси томонидан ишлаб чиқариш миқёслари, тармоқ хусусиятлари, ишловчилар миқдори, асосий фондларнинг киймати, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва меҳнат тақсимоги жараёнларида бошқа объектлар билан алоқалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Республика ларажасидаги тармоқ бошқарув идоралари ва уларнинг минтақавий (вилоят) бўғинлари ҳам қайта танкил этилиши керак. Республика тармоқ, давлат ва нодавлат концернлар, уларнинг минтақавий бўғинлари маъмурий-буйруқбозлик таркиблари сифатида кўнгилли асосда шакллантирилувчи уюшмалар ва ассоциациядан чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Уюшма ёки ассоциация очик турдаги хиссадорлик жамияти ёхуд ўз муассислари эҳтиёжига хизмат қилувчи ижроия идораси, ёки агар

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ташқил этилиши янги танҳо ҳукмронлик қутувчи тузилма юзага келишга олиб бормаса, ҳолнинг сифатида шаклланиши мумкин.

Иншоотларни хусусийлаштириш шарт-шароитлари ҳам улар фаолиятининг кўламлари ва ўзига хослиги билан боғлиқ. Асосан савдо, умумий овқатланиш, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига кирувчи объектлар қоида тариқасида кимошдига қўйиб ёки танлов асосида сотилади. Бошқа тармоқларнинг майда ва ўрта объектлари, катта-кичиклигидан қатъи назар, чала қурилиш объектлари ҳам агар у балансида бўлган ташкилотларда уни тугатиш учун маблағ бўлмаса ёки маблағ етишмаса шу тартиб бўйича хусусийлаштирилади.

Объектларни танлов бўйича сотиш чоғида қорхона фаолиятининг янги мулкдор томонидан тақлиф этилаётган энг фойдали қуйидаги шартлари ғолибни аниқлашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

- *асосий ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ўзлаштириш;*
- *иш ўринларини сақлаш ёки кўпайтириш;*
- *инфраструктурани ривожлантириш;*
- *тақдим этилган бизнес-режага биноан бошқа шартлар.*

Айрим тармоқларнинг хусусиятлари, уларнинг Ўзбекистон иқтисодий потенциалига ва давлат буюртмалари бажарилишга қўшаётган хиссалари ҳисобга олинган ҳолда:

- *ҳар бир ҳолатда низомий маблағлар Давлат мулк қўмитаси томонидан тақсимланиши, бунда маъмуриятга (раҳбар, унинг ўринбосарлари, бош му-*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

тахассислар, шу жумладан хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар даражасида) акцияларнинг 5 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми берилади;

- давлат ҳиссасидаги акцияларни хиссадорлар - меҳнат жамоаси аъзоларига сотишда имтиёзлар берилиши;
- акцияларни турдош ва бевосита алоқалари бўлган корхоналар сирасига кирувчи давлат ҳуқуқий шахсларига сотиш кўзда тутилади.

Давлат мулк кўмитаси айрим ҳолатларда низомий маблағнинг 100 фоизини чет эл харидорларига сотиши мумкин.

4.0. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида корxonанинг қийматини белгилаш

Ўзбекистонда содир бўлаётган хусусийлаштириш билан боғлиқ қайта ташкил этишлар ҳукумат ҳужжатлари ва Давлат мулк кўмитаси ишлаб чиққан услубий тавсиялар асосида амалга оширилмоқда. Бу ҳужжатлар мулкнинг қийматини баҳолашга асосланиб, қайта тузилаётган корxonанинг янги низомий жамғармасини белгилашга имкон беради.

Корхона мулки қийматини белгилаш учун қуйидагилар дастлабки маълумот ҳисобланади:

- асосий фондларнинг қолдиқ қиймати (корхона асосий фондларини рўйхатга олиш акти бўйича);
- номоддий активлар қиймати;
- ўрнатилмаган ускуналарнинг баҳо қиймати (ўрнатилмаган ускуналарни рўйхатга олиш акти бўйича);

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ

- тугалланмаган қурилишларнинг баҳо қиймати (чала қурилишларни рўйхатга олиш акти бўйича);
- узоқ муддатли молиявий харажатлар;
- муассислар билан ҳисоб-китоблар;
- бўлак ноайланма активлар, захиралар ва харажатлар;
- пул маблағлари;
- корхонанинг барча активлари.

Корхонада хусусийлаштиришни ўтказиш учун ишчи комиссияси ташкил этилади. У Давлат мулк қўмитасига тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди, қайта ташкил этилаётган корхона низомининг лойиҳасини тайёрлайди.

Қайта ташкил этилиши керак бўлган корхона томонидан қуйидаги ҳужжатлар тайёрланиши керак:

1. Ишчи комиссияси тайинлангани тўғрисидаги буйруқ; ишчи комиссияси мажлисларининг протоколлари;
2. Мехнат жамоаси йиғилиши протоколдан кўчирма; мехнат жамоаси аъзоларининг ёзилув varaқалари;
3. Хусусийлаштириш режаси;
4. Корхонанинг сўнги ҳисобот даври санасида солиқ позирлиги ва юқори ташкилот томонидан тасдиқланган баланси.
5. Қайта тузилаётган корхона низомий жамғармаси аниқланган ҳолда мулкни баҳолашнинг жамлама акти;
6. Рўйхатга олиш ва асосий фондлар, шу жумладан:
 - 70 фоиздан 100 фоизгача ишдан чиққан асосий фондлар;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

УСУП ВА УСПУБЛАРИ

- тўла фойдаланилган асосий фондлар;
 - ижтимоий инфраструктура ва атроф-муҳитини муҳофазалаш иншоотлари;
 - “Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида”ги Қонун кучга кирган даврдан бошлаб ёки ижарага олган (ижара корхоналари учун) даврда соф фойда ҳисобидан сотиб олинган асосий фондларнинг қолдиқ қиймати аниқланган акт;
7. Чала қурилишларни рўйхатга олиш ва баҳолаш акти;
 8. Ўрнатилмаган ускуналарни рўйхатга олиш ва баҳолаш акти;
 9. Қайта ташкил этилаётган корхона низомининг лойиҳаси;
 10. Соф фойда ҳисобидан ҳосил бўлган иқтисодий рағбатлантириш жамғармалари бўйича изохномалар;
 11. 88-ҳисоб - амортизация ажратмаларидан фойдаланиш бўйича шартнома;
 12. Корхона таркиби тўғрисидаги маълумотлар;
 13. Объект тўғрисидаги маълумотлар рўйхати.
- Ижара корхоналари учун куйидаги кўшимча ахборотлар талаб қилинади:

- ижара шартномаси, ижара корхонаси низомининг нотариус тасдиқлаган нусхалари;
- ҳокимликнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори;
- мулкни ижарага бериш-олиш акти;
- корхонанинг ижара муносабатларига ўтиш давридаги баланси;
- ижара ҳақи бюджетга тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлардан нусхалар;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ижарага олинган мулкнинг асосий фондларни чегириб ташлаш ва сотишни ўз ичига олган харака-ти бўйича ҳисоб-китоб;

давлат манбалари (ижарага олинган асосий воситаларга амортизация ажратмалари, уларни сотишдан тушган даромадлар ва бошқалар) ҳисоби-га ижара муддатида сотиб олинган асосий фон-длар қийматининг ҳисоб-китоблари.

Корхона тақдим этаётган барча ҳужжатлар аудитор-лик фирмаси экспертизасидан ўтказилади. Фирма маз-кур корхона бўйича ўз хулосасини беради.

Корхона асосий фондлари қийматини қайта ҳисоб-китоби чиқиш экспертизасига алоҳида эътибор берила-ди.

Қиймат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-си томонидан тасдиқланган “Сотиб олинадиган, сотила-диган, ҳиссадорлик жамиятлари ва масъулияти чеклан-ган жамиятларга айлантирилган давлат корхоналари қийматини баҳолаш тўғрисида”ги Низоми ва “Асосий фондларнинг қийматини қайта ҳисоблашни ўтказиш тартиби”га биноан белгиланиши керак (36, 37, 38-бет-ларга қаранг).

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

1992 йилги асосий фондларни қайта ҳисоблаб

чиққиш индекслари

Халқ ҳўжалигининг тармоқлари	Тармоқ коди	Бинолар ва нишоотлар	Машиналар ва ускуналар
Сапоат			
Электр энергетика	11100	12.2	20.1
Нефтни қайта ишлаш	11220	13.2	22.2
Газ	11230	13.2	22.2
Кўмир	11300	12.3	22.2
Қора металлургия	12100	10.9	20.8
Рангли металлургия	12200	10.9	20.3
Кимё ва нефть кимёси	13000	13.0	17.1
Машинасозлик	14100	12.5	19.4
Энергетика, оғир ва транспорт машинасозлиги	14101	12.5	20.8
Электротехника	14170	12.5	19.9
Кимё ва нефть	14180	12.5	17.1
Сталоксозлик ва асбобсозлик	14200	12.5	20.1
Приборсозлик	14320	12.5	16.6
Тармоқлараро ишлаб чиқаришлар сапоати	14290	13.1	19.4
Автомобилсозлик	143340	13.1	19.4
Трактор ва қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги	14400	11.4	19.7
Қурилиш, йўл ва коммунал	14500	11.4	29.0
Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик	14430	12.5	17.4
Ёшил, озиқ-овқат сапоати ва маиш ий приборлар учун машинасозлик	14600	12.5	18.6
	14780	12.5	17.4
Машинасозликнинг бошқа турлари	15290	11.6	19.7
Ётқини қайта ишлаш	15300	11.6	19.7
Целлюлоза-қоғоз	16100	12.9	20.0
Қурилиш материаллари	16500	12.9	20.0
Ойна ва чини фаянс	17000	13.3	18.6
Ёшил	18000	11.3	18.6
Озиқ-овқат	18200	11.3	16.6
Гўшт-сўг	18300	11.2	18.6
Балик			

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

1993 йили асосий фондлар қийматини уларнинг эскирганлигига боғлиқ ҳолда қайта ҳисоблаш коэффицентлари

Асосий фондлар ва улар инфрасангуруҳининг 1072-қарор билан тасдиқланган "Халқ хўжалиги асосий фондларини ўрта тиклашга амортизациялиқ ажратмаларнинг ягона нормалари" классификатори бўйича номлари	1992 йил 1 январгача олинган асосий фондларнинг эскириш даражаси куйидагича бўлганда қайта ҳисоблаш коэффицентлари						
	40% гача	40% - 50%	50% - 60%	60% - 70%	70% - 80%	80% - 90%	90% - 100%
Ишлаб чиқариш асосий фондлари 1. Бинолар (10.000 дан 10.018 гача)							
2. Ишпоотлар (20.000 дан 20.283 гача)	24.4	22.0	20.7	18.3	14.6	8.5	3.7
3. Узатиш қурилмалари (30.000 дан 30.124 гача)	24.4	22.0	20.7	18.3	14.6	8.5	3.7
4. Машиналар ва ускуналар - куч машиналари ва ускуналари (40.000 дан 40.719 гача)	22.9	20.7	19.5	17.3	13.9	8.1	3.4
- ишчи машиналар ва ускуналар (41.000 дан 46.119 гача)	22.9	20.7	19.5	17.3	13.9	8.1	3.4
- приборлар ва таҳиис ускуналари (47.000 дан 47.066 гача)	22.9	20.7	19.5	17.3	13.9	8.1	3.4
- ҳисобдан техникаси (48.000 дан 48.010 гача)	22.9	20.7	19.5	17.3	13.9	8.1	3.4
- бошқа машина ва ускуналар (49.000 дан 49.303 гача)	11.5	10.2	9.8	8.5	6.8	3.9	1.7
5. Транспорт воситалари (50.100 дан 50.70 гача)	22.9	20.7	19.5	17.3	13.9	8.1	3.4
6. Асбоб, ишлаб чиқариш ашёлари ва 60.000 дан 60.005 гача бўлган бошқа асосий воситалар турлари (70.000 дан 70.012 гача)	22.9	20.7	19.5	17.3	13.9	8.1	3.4
7. Ишчи моллар (80.000)	22.9	20.7	19.5	17.3	13.9	8.1	3.4
8. Маҳсулот берувчи қорамоллар							

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ

*Асосий воситалар қийматининг 1994 йилги
ҳисоб-китоб коэффициентлари*

	1993 йил 1 апрелгача	1993 йил 1 апрелдан бошлаб
	сотиб олинган мулк	
Ишлаб чиқариш бинолари	9.8	1.2
Ишбоғлар	9.8	1.2
Узатиш қураллари	9.8	1.2
Машиналар ва ускуналар	15.5	1.2
Транспорт	12.0	1.2
Бошқа асосий фондлар	12.0	1.2
Ишчи ва маҳсулот берувчи қорамоил	5.2	1.0

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

5.0 Корхоналар ва объектларни соғиб олиш қийматини белгилаш услубияти

Соғиб олиш қийматини белгилаш усуллари объект ички бозорда соғилиши ёки чет эл инвесторига таклиф этилиши билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Ички бозор

Ички бозор учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулк қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган икки усул тавсия қилиниши мумкин.

5.1. Баланс усули

1. Объект 1992 йил 1 январдаги нархларда ҳисоблаб чиқилади.
2. Ҳосил бўлган баланс қиймати кўпаювчи коэффициентлар бўйича табақалаштирилиб, қайта ҳисоблаб чиқилади (Вазирлар Маҳкамасининг 1992, 1993, 1994 йиллардаги қарорлари).
3. Ҳосил бўлган йиғиндидан асосий фондлар эскиришининг тегишли коэффициентларга кўра қайта ҳисоблаб чиқилган қиймати олиб ташланади.
4. Объектнинг узил-кесил қиймати жамоа маблағларининг сарфланиши, асосий воситаларнинг эскириш даражаси, ишлаб чиқариш ихтисоси сақлаб қолиниши, давлат буюртмасининг ҳажми ва шу кабилар ҳисобга олиб белгиланади.

Корхона қийматини белгилаш учун уни ташкил этган объектлар қиймати 1992 йил 1 январдаги баланс бўйича нархларда олинади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

*Асосий фондлар қийматини қайтадан ҳисоблаб
чиқиш коэффициентлари*

	1993 йил 1 апрелгача	1993 йил 1 апрелдан бошлаб
	сотиб олинган мулк	
Ишлаб чиқариш бинолари, ишхоналар, узатиш қурилмалари	9.8	1.2
Машина ва ускуналар	15.5	1.2
Транспорт, бошқа асосий фондлар	12.0	1.2
Ишчи ва маҳсулди қорамол	5.2	1.0

Шундан кейин, Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ равишда коэффициентларни табақалаштириб қўлланган ҳолда баланс қиймати ҳисоблаб чиқилади*.

Бундай ҳисоб-китоб, коида тарикасида, ниҳоятда кўп вақт олади, Рўйхатта олиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун кўп ходимларни талаб қилади, баҳолаш чоғида кўпдан-кўп келишмовчиликлар келтириб чиқаради. Кўпинча ноҳолис ёндошувга сабаб бўлади.

*Ҳисоб-китоблар (92 йил 1 январгача) учун қуйидаги ифодаларни қабул қиламиз:

S_1 - бинолар ва ишхоналар қийматини ташкил этувчи йиғинди.

S_2 - асбоб-ускуналар, машиналар, узатиш қурилмалари, транспорт воситалари қийматини ташкил этувчи йиғинди.

S_3 - тугалланмаган қурилиш қийматини ташкил этувчи йиғинди.

S_4 - бошқа асосий фондлар қийматини ташкил этувчи йиғинди.

У ҳолда 1992 йил 1 январдаги нархларда қорхона қиймати:

$$P_1 = S_1 + S_2 + S_3 + S_4 \quad (1)$$

ни ташкил этади.

Қайта ҳисоблаш индексларини қўлланиб ва уларни тегишли равишда:

K_1 - бинолар ва ишхоналар учун,

K_2 - ускуналар ва машиналар учун

K_3 - тугалланмаган қурилишлар учун,

K_4 - бошқа асосий фондлар учун.

тарикасида ифодалаб, қорхонанинг асосий қийматини чиқарамиз:

$$P_2 = S_1 \times K_1 + S_2 \times K_2 + S_3 \times K_3 + S_4 \times K_4 \quad (2)$$

Кейин ҳар бир қиймат гуруҳи бўйича қорхона фойдали ёки зарарга олинган маблағлар ҳисобига реализация қилинган қиймат белгиланади:

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ЖАМЛАМА АКТ

199

йил "1"

даги ҳолат бўйича

	баҳоси
1. Активлар	
1. Асосий фондларнинг баҳо киймати, шу жумладан: а) асосий фондларнинг қолдиқ киймати (уларни рўйхатга олиш ва қолдиқ кийматни белгилаш акти)	
б) асосий фондларни етарли баҳолаш йиғиндиси (ижарага олинган, қолдиқ кийматига эга бўлмаган асосий фондларни тиклаш кийматининг 10 фоизи)	
2. Номоддий активлар киймати (уларни рўйхатга олиш ва ҳисоблаб чиқилган эскиришни олиб ташлагандан кейинги баҳолаш акти)	
3. Урнатилмаган ускуналарнинг баҳо киймати (уни рўйхатдан ўтказиш ва баҳолаш акти)	
4. Тугалланмаган қурилишнинг баҳо киймати (уни рўйхатдан ўтказиш ва баҳолаш акти)	
5. Рўйхатдан ўтказиш актига асосан узоқ муддатли молиявий ажратмалар	
6. Муассислар билан ҳисоб-китоблар (баланс бўйича қабул қилинади)	
7. Рўйхатга олиш актига асосан айланмадан ташқари бошқа активлар.	

$$P_3 = C_1 \times K_1 + C_2 \times K_2 + C_3 \times K_3 + C_4 \times K_4 \quad (3)$$

Бу ўринда C_1, C_2, C_3, C_4 - такрорий ишлаб чиқаришга сарфланган ўз маблагларнинг йиғиндиси.

Инфраструктурага хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган муҳандислик тармоқлари (электр, газ, иссиқлик, сув таъминоти ва бошқалар) кийматини аниқлаймиз. Шу мақсадда инфраструктура бўлинмалари томонидан муҳандислик тармоқлари қувватидан фойдаланиш коэффициентини (K_5) белгилаймиз.

$$У ҳолда: P_4 = D_1 \times K_5 \quad (4)$$

бунда D_1 - муҳандислик тармоқларининг индексациялаш ҳисобга олинган кийматини ташкил этувчи йиғиндидир.

Няхоят, лўғимой инфраструктура ва меҳнат муҳофазаси объектлари кийматини аниқлаймиз: $P_5 = B_1 + F_1 \quad (5)$

бу ўринда B_1 ва F_1 - бу объектларнинг индексация ҳисобга олинган ҳолдаги кийматини ташкил этувчи йиғинди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУП ВА УСЛУБЛАРИ

	Баҳоסי
8. Рўйхатга олиш ва баҳолаш ақтларида асосан захиралар ва харажатлар (ҳақиқий айланма маблағлар, яъни моддий ресурсларнинг захиралари, арзонбаҳо нарсалар, тайёр маҳсулот)	
9. Пул маблағлари, дебитор қарздорлик, улгуржи нарх бўйича жўнатилган товарлар ва рўйхатга олиш ақтлари тахлилӣ ва синтетик бухгалтерия ҳисоби асосидаги активларнинг жами	
Ҳақиқий активларнинг жами	
II. Четрилдани (баланс пасивлари):	
1. Узоқ муддатли пасивлар (қиска ва узоқ муддатли кредитлар ва қарзга берилган маблағлар) расмий тасдиқномалар асосида.	
2. Ҳисоб-китоблар ва баланс пасивви	
III бўлимнинг бошқа пасивлари (маҳсулот етказиб берувчилардан, шун ҳақи, нафақа жамғармаси, бюджетта сопиқлар бўйича ва бошқа кредитор қарзлари)	
Жами ажратилдани	
III. Мулкнинг баҳо қиймати (I бўлим йиғиндиси - II бўлим йиғиндиси)	
IV. Ижтимоий инфраструктура ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш объектлари қиймати	
V. Нпзомий жамғарма	
(III бўлим - IV бўлим)	

Айланма маблағлар ва бошқа активлар ҳар бир муайян ҳолат учун табақлаштирилиб ҳисобга олинади. Энди корхонани сотиб олиш қиймати P (2) формула ва (3, 4, 5) формулаларнинг турлича қўриниши билан белгиланади:

$$P = P_2 - (P_1 + P_3 + P_4) \quad (6)$$

Формулага (6) тегишли қийматларни қўйиб,

$$P = (S_1 x K_1 + S_2 x K_1 + S_3 K_1 + S_4 x K_1) - (C_1 x K_1 + C_2 x K_1 + C_3 x K_1 + C_4 x K_1) + D_1 x K_1 + (B_1 + E) \quad (7)$$

формуласини ҳосил қиламиз.

Ҳосил бўлган формуладан (7) корхонанинг сотиб олиш қийматини муайян ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланялади.

Бироқ, Ўзбекистон ҳукумати томонидан корхоналарнинг жамоаларига муайян

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙ НАВЪНДИ ҚИЙМАТ ҚИЙМАТ ВА ҚИЙМАТЛАРИ

ИМТИЁЗЛАР
ҚИЙМАТЛАРИ

Фойда сотиб олинаётган объект қийматини баҳолаш чоғида ҳисоб-китобнинг асосий кўрсаткичи бўлиши керак - бу усулнинг мантики шундай. Худди мана шу кўрсаткич бозор иқтисодиётига энг мутаносиб келади.

Сартарошхонами ёки заводми, у марказда ёки бир четда жойлашганлигидан қатъи назар, унинг фаолият натижаси фойда ҳисобланади. Майли, объектнинг асосий фондлари мўжазгина бўла қолсин, лекин шунга қарамай, қатта фойда олинаётган бўлса, у вақтда унинг баҳолаш қиймати ортади. Ва аксинча, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва маҳсулотларни юқори таннарҳда, ортиқча меҳнат сарфлаб чиқариб, аммо арзимас фойда олаётган корхоналар ҳам бор.

Бундай объектни асосий фондлар қиймати бўйича баҳолаш принцип жиҳатидан нотўғри бўлур эди. Зеро, корхона тасарруфида қолаётган фойда уни сотиб олиш учун ишлатиладиган маблағнинг асосий манбаидир. Ва,

имтиёзлар берилганлиги муносабати билан (6) формула шу имтиёзларни ҳисобга олиб ўзгартирилиши мумкин.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаланмаган қатламлари эҳтиёжи учун товарлар ишлаб чиқариш бўйича мажбуриятлар қабул қилинганлиги учун сотиб олинаётган мулк қийматида 20 фоизгача четирма қилинади, яъни бу микдорни P_6 тарикасида ифодалаб:

$P_6 = 0,2P$ га эга бўлиш мумкин.

Асосий фондлар айрим турларининг жисмоний эскириши 70 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган бўлса, улар жамоага белул берилли. Уларнинг қийматини индексацияни ҳисобга олган ҳолда P_7 тарикасида ифодалаймиз.

Бир йўла пул туланган ҳолатда 10 фоизгача четирма берилди. Бу микдорни P_8 тарикасида ифодалаб:

$P_8 = 0,1P$ га эга бўламиз.

Шундай қилиб, корхонанинг уziel-кесил қиймати P_0 барча имтиёзлар ҳисобга олинган ҳолда:

$P_3 = P_2 / (P_3 + P_4 + P_5) + 0,2P + P_6 + 0,1P / (8)$.

ни ташкил этади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ УСУЛИ ВА УСУЛУБЛАРИ

бинобарин, фойда кам бўлса, у ҳолда жамоада хусусийлаштириш учун рағбат қолмайди.

Албатта, хусусийлаштирилган корхона иш услубини ўзгартириши ва катта фойдага эришиши керак деб айтиш мумкин.

Бирок бу қўшимча харажатларни ҳам тақозо этиб, объект қийматини ошириш учун асос бўла олмайди.

Объектнинг баҳоси қанча гурса шунча тўлаш керак деган тафаккур йўсинини бир четга қўйиб, мазкур корхонада қутилаётган фойдани олиш принципини белгиловчи сифатида эътироф этамиз*.

Фойда миқдори бўйича саноат корхоналарини 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

йилига 0,5 миллион сўмгача фойда олувчи кичик корхоналар;

йилига 2 миллион сўмгача фойда олувчи ўртача корхоналар;

йиллик фойдаси 2 миллион сўмдан ортиқ бўлган йirik корхоналар.

Бу корхоналарда ишловчилар келиб чиқиб, акцияларни сотиш ҳисобига илк бадал объектни баҳолаш қийматининг учдан бир қисмидан ярмигача бўлган миқдори-

* Қуйидаги механизм таклиф қилинди. Барча солиқлар четга ташланганидан кейин уч йил мобайлида корхона тасарруфида қолаётган йиллик ўртача фойда ҳисоблаб чиқилди:

$$\text{Пер} = \frac{П_1 + П_2 + П_3}{3}$$

Хусусийлаштириб олинаётган объектлар янги мулкдорларга кечи билан икки йилдан кейин даромад келтира бошлаши лозимлигини эътиборга олиб, баҳолаш қийматини (Соц) йиллик ўртача фойдани (Пер) 2 га ҳўпайтириш йўли билан аниқлаймиз:

$$\text{Соц} = \text{Пер} \times 2 = 2\text{Пер}.$$

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСУБИГАРИ

ни ташкил этиши мумкин. Унда объектни сотиб олаётган жамоа кўпи билан бир ярим йилда давлат билан ҳисоб-китоб қила олади.

Хусусийлаштиришга бундай ёндашув амалда корхона мулкдорларига айланиш истагига қудратли туртки беради.

Объектларнинг баҳосини белгилашнинг бу усули яна икки катта афзалликка эга. Биринчидан, ҳисоб-китоб ишлари ҳажми ва бу ишни бажариши керак бўлган одамлар кескин камаяди. Иккинчидан, фойдани ҳисоблашдаги аниқлик қафолатланади, чунки бу жараён ҳисобхона маълумотларига таянади, баҳолаш чоғида ноҳолислик ва суиистеъмоликларга йўл қўймайди.

ҚИЛДИ

Корхоналарни валютада баҳолаш учун қўйидаги усуллардан фойдаланилади.

ҚИЛДИ

Баҳоланаётган мулкнинг кийматиغا ускуналар, бинолар, тугалланмаган иншоотлар, ер (ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи), бошқа корхоналарга сарфланган пул маблағлари, узок муддатли молия харажатлари қиради.

Корхона балансида бўлган ускуналарни рўйхатга олиш:

- ускуналарни ишлаб чиқарувчининг номи;
- ускуна олинган йил;
- ускунанинг ишлаб чиқариш қувватини ўз ичига олади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

Ҳар бир дона ускунанинг қиймати баҳоланади. Ускуналар қийматларининг қўламини шундай ускунанинг жаҳон бозоридаги ҳозирги (бугунги) қийматини аниқлаб ёки унинг ўрнини босувчи қиймат - ишлаб чиқариш қувватларини шундай янги ускунага алмаштириш учун харажатлар қандай бўлишига қараб белгилаш мумкин.

Сотувнинг ҳақиқий қиймати:

жаҳон бозорида шундай эски ва шу унумдаги ускуна қандай баҳода сотилганлиги ёки сотилаётганлигини билиш мақсадида ишлатилган ускуналар савдоси билан шуғулланувчи идора ёки компания билан маслаҳатлашувлар;
мазкур ускуна жаҳон нархлари бўйича сотилишининг тахминий қийматини белгилаш мақсадида (маҳаллий ёки халқаро) саноат экспертларини ёллаш йўли билан ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

Ўрнини босувчи қиймат:

тегишли идоралар ва компаниялар билан шундай ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ўхшаш янги ускуна қанча туришини билиш мақсадида янги ускуналарнинг қиймати тўғрисида маслаҳатлашувлар;

- тенг ишлаб чиқариш қувватига эга янги ускунанинг жаҳон нархлари бўйича қийматини белгилаш мақсадида саноат эксперти ёллаш йўли билан белгиланиши мумкин.

Биноларни баҳолаш:

- жаҳон бозорида қурилиш материаллари қиймати;
- жаҳон нархлари бўйича қурилиш-монтаж ишлари қийматининг ҳисоб-китобидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу ҳисоб-китобни бажаришдан

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУБИ ВА УСЛУБЛАРИ

аввал бинонинг хар бир қаваги режасини тузиб, умумий майдонини ҳисоблаб чиқариш керак бўлади.

Бино қийматини, шунингдек:

- * бир хил майдони бўлган янги бинони қуриш амортизация ажратмалари чегириб ташланганда қанчага тушиши мумкинлигини аниқлаб олиш мақсадида (маҳаллий ёки хорижий) қурилиш компаниялари билан маслаҳатлашув йўли билан баҳоланади.

Ерни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси, Қишлоқ хўжалиқ вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси мутахассисларининг ҳеч истисносиз иштирокида амалдаги тартибга биноан ҳокимликлар ҳузурдаги махсус комиссия томонидан ўтказилган шаҳар ва қишлоқ хўжалиқ ерлари қийматини баҳолаш ўз ичига олади.

Ерларнинг нархи уларнинг фойдаланиш хусусиятларига боғлиқ ҳолда:

- † вилоятлар;
- * катта-кичик шаҳарлар;
- * шаҳарлар ичидаги марказий ва чекка туманлар;
- * бошқарув, илмий ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражаси турлича шаҳарлар;
- * тарихий қурилишлари бўлган шаҳарлар ва районлар;
- * алоҳида шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бошқа омиллар бўйича ҳисоблаб чиқилади ва табақалаштирилади.

Алоҳида шарт-шароитлари бўйича шаҳар ҳудудла-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

дини табақалангиринг ҳокимликлар томонидан:

- * шаҳарларда қурилиш участкаларига талабдан;
- * минтақада иш билан бангликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш заруриятидан;
- * иморатларнинг амалдаги зичлиги ва иштаб чиқариш тармоқлари бўйича янги мўрор технологияларга, шунингдек меъморчиликнинг ҳажм-режа ечимларига (тегишли иштаб чиқаришлар учун саноат майдонларидаги бинолар зичлигининг хорижий кўрсаткичлари ўхшаш сифатида фойдаланилиши мумкин) мувофиқ келувчи зичлиги нисбати;
- * кейинчалик фойдаланиш йўналишларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Алоҳида шарт-шароитларни ҳисобга олиш шартномавий асосда амалга оширилади. Мамлакатдаги ўз истеъмол хусусиятлари бўйича бир хил шундай иқлим шароитлари ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига эга бўлган ернинг нархи ўхшаш сифатида фойдаланилади.

5.4. Қиёсий битишувлар усули

Қиёс қилиб олинандиган компанияларда илгари амалга оширилган битишувлар таҳлили қорхона қийматининг тахминий кўламларини белгилаш учун қўшимча усул ҳисобланади. Битишувлар бутун бир мезонлар сирасига кўра “қиёсландиган” ҳисобланиши мумкин. Бу мезонлар тармоқ тури, қорхона ҳажми, ишлатиш фойдалилиги ва жуғрофий ўрнини ўз ичига олади.

Қорхона қийматини қиёсландиган битишувлар усули билан баҳолаш учун баҳоловчи (баҳоловчи ташкилот)

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

томонидан ўхшаш корхоналарни сотиш бўйича амалга оширилган битишувлар тўтрисидаги ахборотлар жамланади. Амалда мутлақо бир хил корхоналар бўлмаслиги туфайли қиёслаш куйидаги чизма бўйича амалга оширилади.

Баҳоловчи маълум учта битишувга тааллуқли маълумотларни тўплай қолсин. Сотиб олинаётган объект қийматига таъсир кўрсатувчи фарқлари бўлган омиллар (параметрлар) аниқланади. Ҳар бир омил кўриб чиқилаётганида сотилган корхонанинг баҳоланган параметри сотилаётган корхонанинг тегишли параметрига “мослаштирилади” ва тузатиш киритилади. Бунинг маъноси шундай: мабодо параметрлари сотилаётган корхонаникидай бўлган тақдирда сотилган корхона қанча туриши мумкин эди. Қиёслов натижалари жадвалга туширилади*.

Бошқа омилларнинг таъсири ҳисоб-китоб ва экспертиза усуллари билан амалга оширилади. Чунончи, агар корхона юк жўнатиладиган темир йўл станцияга нисбатан яқинда жойлашган бўлса, яна ҳам яқини, шохобча йўлга эга бўлса, бу юкни темир йўлга етказиш учун бўладиган сарф-харажатларни сезиларли тежайди, ёки, аксинча, станцияга олиш бўлса, уларнинг сарф-харажатлари анча ортиб кетади.

Корхона жойлашган манзилдаги ҳаво ҳавзаси, ичимлик сув сифати унинг баҳосига таъсир кўрсатувчи асосий

*Қиёсий битишув усули бўйича объектниги қиймати S:

$$S = \frac{K_1 + K_2 + \dots + K_n}{n}$$

га тенг бўлиб, бунда K_1, K_2, \dots, K_n - қийматга таъсир қилувчи омилларнинг ўртача арифметик йиғиндисидир;

n - ҳисоб-китоб учун қабул қилинаётган омиллар миқдори.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ

экологик омиллардир. Табиий шароитнинг ёмонлиги касалликлар кўпайишига, ходимлар кўнимсизлигига, уларни қайта тайёрлаш учун кўшимча харажатлар сарфланишига олиб келади.

Инфраструктура билан таъминланганлик даражасига қараб қорхона унинг ходимлари учун кўнглили ёки аксинча бўлади. Бу ўринда зиён кўриш ва иқтисод қилиш экология омилига ўхшаб содир бўлади.

Натижада ҳар бирининг моҳияти қуйидагича бўлган уч хил баҳо олинадилар: агар биринчи, иккинчи, учинчи қорхоналарнинг параметрлари баҳоланаётган қорхонаникидек бўлган тақдирда улар қанчага сотилиши мумкин эдилар?

Ҳосил қилинган баҳолар таҳлил қилинади. Агар улар орасидаги фарқ оз бўлса, баҳоланаётган қорхонанинг қиймати баҳолаш чоғида фойдаланилаётган ҳар бир омилнинг ўртача арифметик қийматлари йиғиндисининг формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Агар олинган якуний рақамлар бир-биридан кучли фарқ қилса, у ҳолатда медиана формуласидан фойдаланган маъқул. Бунда баҳо сифатида қорхонанинг баҳолаш омили олиналики, у ўсиш ёки камайиш бўйича тартибга солинган бир қатор рақамларнинг ўртасида жойлашган бўлади.

Бу қандайдир бирор битишувнинг бошқаларга таъсири келтириб чиқарадиган аралаш баҳодан сақланиш имконини беради.

Қиёсий битишув усули харидорлар ва сотувчилар, мулкни баҳоловчилар, судлов идораларида энг катта ишонч қозонган, чунки у қорхона қийматига энг ҳолис баҳо бериш имконини яратди.

Қиёсий битишувлар таҳлили қорхонанинг потенциал бозор қийматини баҳолашда фойдали восита бўлиб хиз-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

мат қилади, чунки у илгариги битишувларнинг ҳақиқий ахборотига таянади.

5.5. Инвестиция лойиҳаларининг дисконтланган ўз харажатларини ўзи қоплаш усули

Бу инвестрланган маблағлар ўзини ўзи қоплашини таҳлил қилишнинг самарали ва оммалашган усулидир. Унга биноан ҳар бир йилги жорий пул тушумлари илгариги миқдорга қарата токи йиғинди инвестицияларнинг дастлабки ҳажмига тенглашмагунича ёки ошиб кетмагунича ҳисоблаб чиқилади.

Даромадни дисконтлаш - сармоя сарфланган вақтдан бошлаб даромад тушишидир.

Сотиб олинаётган корxonанинг келгуси пул тушумлари (фойда, фоизлар, амортизация) дисконтланган даромадини баҳолаш ҳисобхона баланси ва корxonанинг сўнги ҳисобот йилидаги ҳисоб-китоб маълумотлари асосида амалга оширилади.

Бу даромад ишлаб чиқаришдан тушумлар оқими ва келгуси, қоида тариқасида, тахминланаётган 5-10 йиллик вақт мобайнидаги молиявий операцияларда нақдинанинг камайишидан жамланади.

Дисконтланган тушумлар ҳисоб-китоби корxonанинг келгуси даромадлари ва харажатларига тааллуқли дастлабки кўпдан-кўп муфассал таклифларни тақозо этади.

Бундай тахминлар шу жумладан, корхона маҳсулотининг нархи, ишлаб чиқариш ҳажми, ишчи кучи ва энергия қувватларига сарф-харажатларни конкрет корхона фаолияти натижасида келгуси йиллар пул тушумлари сметаси асосида аниқлаб беради.

Дастлабки тахминлар корxonанинг мавжуд потенциал

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСЛУБЛАРИ

имкониятлари ва кўзда тутилаётган капитал ажратмалар, шу жумладан чет эл инвестициялари асосида қилиниши керак. Бу босқичда пул тушумларининг қутилаётган даражаси бугунги потенциал инвесторлар учун қийматни белгиловчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги олинган пул келгусида олинадиганидан қадрлироқ, чунки унинг қийматининг қадрсизланиши, шунингдек келгусида инвестор пул ололмаслиги ҳавфи кучли.

Мазкур корхонага инвестор қанча миқдорда энг кўп молиявий ресурслар сарфлаши ва энг кўп даражада қанча даромад олишига имкон борлигини аниқлаб чиқиш зарур.

Кўриб чиқилаётган усулдан фойдаланишнинг ўзлукли қийинлиги, дисконтлаш фоизини ҳосил қилувчи сўнгги икки қисмни аниқлашнинг мураккаблигида фойдаланади.

Турли экспертлар маблағни бой бериш мумкинлигига ҳам (у ҳар бир лойиҳа учун хусусийдир), келажакни кўзлаб бугунги неъматлардан воз кечишга ҳам турлича баҳо берадилар (улар ҳар бир киши - сармоя сарфловчи учун алоҳидадир).

Ечим бир биридан фарқ қилувчи баҳоларнинг ўртача даражасини чиқаришдадир. Шу баҳолар ёрдамида дисконтлашнинг ҳисоб-китоб коэффициентини (Np) белгилади. Бу ўз харажатларини ўзи қоплашнинг белгиланган муддатлари мобайнида, даромаднинг сарфланган сармоя бирлигига (фоизларда) тўғри келиши талаб қилинадиган йиллик ўртача миқдор ёки даромаднинг ҳисоб-китоб ставкасидир.

Тахмин тўғри тузилган тақдирда (яна ҳам осони - ҳисоб қилинаётган фоиз ставкасини белгилаш қониқарли аниқ-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ликда бўлганида) лойиҳани рўёбга чиқаришнинг ҳисоб қилинган муддати охирида ҳосил бўладиган сармоя билан сарфланган маблағ ўртасидаги нисбатни топиш мумкин*.

5.6. Корхоналарнинг сезилмайдиган воситаларини баҳолаш (тудвилл)

Мазкур усул корхона мулкани баҳолашнинг пинхона имконларини аниқлашга қаратилиб, объектнинг узил-кесил баҳолаш қийматини аниқлаш чоғида ундан фойдаланиш мажбурийдир.

Корхонанинг сезилмайдиган воситаларини баҳолаш ўз ичига:

- инвесторлар учун корхона жойлашувининг фойдалигини;
- меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва қийматини;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга (кўрсатилаётган хизматларга) талабни;
- ривожланиш ва иқтисодий кўрсаткичларни ўзгартириш истиқболларини ва бошқа омилларни баҳолашни олади.

1. Бунинг учун дисконтлаш формуласидан фойдаланамиз:
 $K_n = K_0 (1 + N_p)^n$. - бу ўринда K_0 - умумий сармояни, K_n - сармоя ... n йилдан кейин қайтарялишини билдиради.

Реал банк ставкалари ҳисоб қилингандан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Дисконтлаш формуласидан N_p ҳисоб қилинган ставкани аниқлаймиз ва амалдаги даромад ставкаси N_f билан қиёслаймиз.

Агар $N_p < N_f$ бўлса, у ҳолда бундай натижа фойдали эмас.

Дисконтлаш формуласи ёрдамчи билан сарфланган сармоянинг қопланиш муддатларини ва унинг сотувнинг дастлабки нархи сифатида баҳоланувчи K_0 ҳажми аниқлаш мумкин.

Пировард маълумотларни миллий пул бирлигидан хорижий валютага (АҚШ долларига) айлантириб ҳисоблаш Халқаро Валюта фонди (минтақавий бўлим) томонидан валюта биржасида Ўзбекистон пул бирлигининг долларга нисбатан курси бўйича амалга оширилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

Корхонанинг сезилмайдиган воситаларини баҳолаш ишлаб чиқариш ўрнашган жойга боғлиқ бўлади ва дастлабки кийматни тўғрилаш коэффициентига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. У, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга (кўрсатилаётган хизматларга) талабга боғлиқ бўлиб, бу ҳолатда корхонанинг илганмайдиган воситалари кўрсаткичини унинг жойлашган ўрни ҳисобга олиниб, тўғрилаш коэффициентига кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Муҳокама учун саволлар

Биринчи бўлимни ўқиб, жавоб беринг:

- 1 Хусусийлаштириш нима?
- 2 Бўлимда келтирилган мисоллар асосида “Хусусийлаштириш қандай вазифаларни ҳал қилади?” (Ўзбекистон Республикаси бўйича мисоллар асосида) мавзуида қисқача маъруза тайёрланг.
- 3 Хусусийлаштиришнинг асосий усуллари нималардан иборатлигини айтиб беринг.
- 4 Хусусийлаштириш усуллари танлаб олишга қандай омиллар таъсир қилишини тушунтириб беринг.
- 5 Хусусийлаштиришнинг қандай усуллари биласиз?
- 6 Жамоат активларини сотишнинг барча усуллари айтиб беринг.
- 7 Хусусийлаштириш жараёнининг босқичла-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

ри қандай ва улардан ҳар бирининг мақсадлари нимадан иборат (Ўзбекистон Республикаси мисолида реферат тайёрланг)?

- 8 Давлат мулки объектлари қандай гуруҳларга бўлинади?
- 9 Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириб қайта ташкил этишларнинг услубияти қандай?
- 10 Ички бозор учун корхоналар ва объектларни сотиб олиш қиймати қандай белгиланади?
- 11 Баланс усулининг асослари қандай?
- 12 Коэффициентларни табақалаштириб қўлланадиган йўли билан корхонанинг баланс қийматини ҳисоб-китоб қилиб чиқинг (эркин танлаб олинган маълумотлар асосида).
- 13 Корхона қийматини олинаётган фойда бўйича белгилаш усулининг афзаллиги нимада?
- 14 Корхоналарни валютада баҳолаш қандай амалга оширилади?
- 15 Соф активлар қандай баҳоланади?
- 16 Қийсий битишувлар усули нима дегани?
- 17 Инвестиция лойиҳаларини дисконтланган ўзини ўзи қоплаш усулини таърифлаб беринг.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛИ ВА УСПУБЛАРИ

- 18 “Даромадни дисконтлаш” тушунчасини таърифлаб беринг
- 19 Корхонага имкони бўлган энг кўп канча молиявий маблағ сарфлаш мумкинлиги ва инвестор энг кўп канча даромад олиши мумкинлигини аниқланг (эркин маълумотлар асосида).
- 20 Лойиҳани рўёбга чиқаришнинг ҳисоблаб чиқилган муддати охирида ҳосил бўладиган сармоя билан сарфланган сармоя ўртасидаги нисбатни топинг (дисконтлаш формуласидан фойдаланинг).
- 21 Гудвил нима?

Тушунилиши қийин сўзлар изоҳи

Акция - қимматбаҳо қоғоз, у ҳиссадорлик жамиятини ривожлантиришга маблағ сарфланганлиги далолати бўлиб, унинг эгасига ҳиссадорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивиденд тариқасида олиш ҳуқуқини беради.

Акциялаштириш - давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш жараёни.

Аренда - мулк эгаси - ижарага берувчи билан ижарачи ўртасидаги шартнома бўлиб, ижарачи мулкни муайян тўлов ҳисобига тўла ёки қисман эгаллик қилган ҳолда вақтинча фойдаланиш учун олади, хўжалик фаолияти ёки бошқа мақсадларни мустақил амалга оширади. Амалда ижаранинг бир неча тури қўлланилади. Булар: рентинг - қисқа муддатли, хайринг - ўртача муддатли, лизинг - узок муддатли ижара турларидир.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУЛ ВА УСПУБЛАРИ

Гудвил - 1. Фирма ишбилармонлик алоқаларининг шартли қиймати, жамғарилган номоддий активлар “баҳоси”, илган-майдапган сармоя - савдо маржасининг нуфузи, амалий алоқалар тажрибаси, мижозларнинг, шунингдек бошқарув, ташкилий ва техника ресурсларнинг муқимлиги, молиявий дунёдаги нуфуз, маҳсулот сотиш фаолияти устидан назорат механизми ва шу қабиларнинг пул ҳисобида “баҳолаш”ни англатади. 2. Илганмайдапган асосий сармоя асосий сармоянинг кўрinishи сифатидаги активлар. Илганмайдапган салбий актив корхонанинг сотув ва баланс қиймати ўртасидаги фарқни англатади.

Дисконтлаш - инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва танлаб олиш чоғида қўлланиладиган усул. Унинг моҳияти фирманинг турли вақтлардаги инвестициялари ва пул тушумларини муайян даврга тўғрилаш ва кейин даромадлиликнинг ички меъёри - капитал ҳаражатларнинг ўзини оқлаш коэффицентини белгилашдан иборатдир.

Инвестиция - фойда олиш мақсадида сармояни бирор корхонага узок муддатли сарфлашдир. Инвестор - қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчи бўлиб, уларнинг у ёки бу турини танлаш чоғида аввало таваккалчиликни ниҳоятда йўққа чиқаришга ҳаракат қилади. Ундан фарқли ўлароқ тижоратчи оқилона таваккал қилади, киморбоз эса - ҳар қанақанги дангал ишга қўл ураверали.

Амлок - ерга бириктирилган ва унга каттик боғланган ҳар қандай мулк (бинолар, иншоотлар, бошқа айрим объектлар), ерлар ёки бошқа табиий ўтлоқлар, шунингдек ерга бўлган мулкий ҳуқуқлар.

Инфраструктура - такрорий ишлаб чиқариш шарт-шароитларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мажмуи: йўллар, алоқа, транспорт, халқ таълими, соғлиқни сақлаш. Асосий ишлаб чиқариш инфраструктураси энергия таъминоти, транспорт ва алоқани ўз ичига олади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УСУП ВА УСЛУБЛАРИ

Асосий фондлар - ўзининг буюм шаклини ўзгартирмаган ҳолда хўжалик фаолиятида кўп марта лаб фойдаланиладиган меҳнат воситалари.

Низомий жамгарма - муассислар томонидан корхона, бирлашма тасарруфига доимий бериб қўйилган моддий ва пул маблағлари йиғиндиси.

Қимматбаҳо қоғозлар - пул ҳужжатлари. Улар ҳужжат эгасининг шундай ҳаражати чиқарган шахсга нисбатан ҳуқуқлари ёки қарздорлик муносабатлари, далолатидир. Қимматбаҳо қоғозлар алоҳида ҳужжатлар ёки счетлардаги ёзувлар шаклида амал қилиши мумкин. Ҳиссадорлик жамиятларининг акциялари ва облигациялари, давлатнинг қарз мажбуриятлари, шунингдек ишлаб чиқариш қимматбаҳо қоғозлари (опционлар, фьючерслар, варрантлар ва бошқалар) қимматбаҳо қоғозлар сирасига қиради.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

2-бўлим

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисидаги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида мулк:

- *Хусусий мулк;*
- *Жамоа (ширкат) мулки;*
- *Давлат мулки;*
- *Хорижий фуқаролар, ташкилотлар, давлатлар, шу жумладан хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мулклари шаклларида намоён бўлади.*

Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисидаги Қонунга мувофиқ мана шу мулк шакллари асосида корхоналарнинг ҳар хил турлари барпо этилиши мумкин.

1.0. Ижара корхонаси

“Ижара тўғрисида”ги Қонунга биноан ерга, бошқа табиий ресурсларга, корхоналар (бирлашмалар) ва бошқа мулкий мажмуалар, шунингдек хўжалик ёки

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУКУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Бошқа фаолиятни мустақил амалга оширишда ижара-чига керак бўладиган бўлак мол-мулкка шартнома асосида пул тўлаб муддатли эгалик қилиш ва улардан фойдаланишни билдиради.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида унга йўл қўйилади ва мулкчиликнинг барча шакллари ва турларидаги мулкка нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ижарага:

- ерлар ва бошқа табиий ресурслар;
- корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, бирлашмаларнинг таркибий қисмлари, ишлаб чиқаришлар, цехлар, ишлаб чиқариш фондлари ва бошқа кадриятларнинг ягона мулккий мажмуалари сифатидаги корхоналар ва ташкилотларнинг бўлак тузилмалари;
- алоҳида бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, бошқа моддий кадриятлар бериб қўйилиши мумкин.

Мулкни ижарага бериш ҳуқуқи мулк эгасига, шу жумладан чет эллик ҳуқуқий шахслар ва фуқароларга тегишlidir. Шунингдек, мулк эгаси томонидан мулкни ижарага бериш учун вақит килинган идоралар ва ташкилотлар ҳам ижара берувчилар бўла оладилар. Давлат корхоналари, ташкилотлар мулккий мажмуаларни, алоҳида бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва ўзларининг тўла хўжалик тасарруфларида ёки кундалик бошқарувида бўлган бошқа моддий кадриятларни ижарага бера оладилар. Ерни тегишли ҳокимликлар ва ер участкаларидан умр бўйи фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган мулкдорлар ижарага бера оладилар.

Ҳуқуқий шахслар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қўшма корхоналар, Ўзбекистон ҳамда хорижий

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ...**ХУКУКИЙ ШАХСЛАРИ**

хукукий шахслар иштирокидаги халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек чет давлатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл хукукий шахслари ва фуқаролари ижара-чилар бўла оладилар.

Ижара шартномаси ижарага берувчи билан ижарага олувчининг муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. У ихтиёрийлик ва томонларнинг тўла тенглигига асосланиб тузилади. Ижара шартномасида: ижарага берилаётган мулкнинг таркиби ва қиймати, ижара ҳақининг миқдори, ижара муддатлари, ижарага олинган мулкни тўла тиклаш ва сошлаш бўйича томонлар мажбуриятларининг тақсимланиши, ижарага берувчининг мулкни ижарачига шартнома шартларига мувофиқ ҳолатда тақдим этиш юзасидан мажбурияти, ижарачининг мулкдан шартнома шартларига мувофиқ фойдаланишга, ижара ҳақини тўлаш ва шартнома тугаганидан кейин мулкни ижарага берувчига шартномада келишилган ҳолатда қайтаришга доир мажбуриятлари кўзда тутилади. Бундан ташқари, ижара шартномасида ижарага берувчининг моддий-техника таъминоти, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашиш, илмий-техника ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, ахборот, маслаҳат ва бўлак ёрдамлар кўрсатиш, ижарага олинган мулкдан самарали фойдаланиш ва уни зарур ҳолатда сақлаб туриш учун керакли шарт-шароитлар яратиш бўйича мажбуриятлари ҳам киритилиши мумкин.

Ижарага олувчи Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолатларда ижарага берувчининг розилиги билан шартнома бўйича олинган мулкни ўзи ҳам ижарага бера олади. Бунда шартнома бўйича ижарага олувчи ижарага берувчи олдида жавобгардир.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Ижара ҳақи ижарага олинган жамики мулк учун жамлаб ёки алоҳида ҳар бир объект бўйича реал, пул ёки аралаш шаклларда белгиланиши мумкин. Ижара ҳақини тўлаш шартлари, муддатлари ва ўтказиш счётлари шартномада белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўтрисида”ги Қонунига биноан давлат корхонаси (бирлашмаси) ёки унинг таркибий бирлиги кейинчалик унинг асосида ижара корхонаси барпо этиш учун мустакил ҳуқуқий шахс сифатидаги ижарачилар ташкилотини ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу хусусдаги қарор меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) томонидан унинг иштирокчиларидан камида учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Ижарачилар ташкилоти ижара шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни мулк эгаси томонидан давлат корхоналарини ижарага бериш учун вакил қилинган давлат идорасига юборади. Бу идора шартнома лойиҳасини олинган кундан бошлаб ўттиз кунлик муддатда қўриб чиқиши керак. Ижара шартномасини тузиш чоғида келиб чиққан, шу жумладан мазкур корхона ижарага берилишини асоссиз равишда рад этиш ва тақлиф қўриб чиқилишини кечиктириш билан боғлиқ келишмовчиликлар ҳўжалик суди томонидан қўриб чиқилади.

Шартнома имзоланганидан кейин ижарачилар ташкилоти корхона мулкани белгиланган тартибда қабул қилиб олади ва ижара корхонаси мақомига эга бўлади. Ижара корхонаси унинг меҳнат жамоаси умумий йиғилишида (конференцияда) тасдиқланадиган низоми асосида фаолият кўрсатади. Ижара корхонаси давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олади. Ижара корхонаси ўзи ижарага олган давлат корхона-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

сининг мулкӣй, шу жумладан унинг ердан ва бошқа табиӣй бойликлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг меросхўри бўлиб қолади. Ижарага берувчи корхона қарзларини тўла ёки қисман қоплашни ўз зиммасига олиши мумкин.

Давлат корхонасининг маҳсулот сотиш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) юзасидан мажбуриятлари мазкур корхона шартномаларида кўзда тутилган ҳажмларда ва муддатларда ижарачи томонидан адо этилади. Ижарага берувчи ижарага олувчиға моддий ресурсларни беради, шунингдек бу мажбуриятлар бажарилишини таъминловчи бошқа зарур чораларни кўради.

Ижара шартномаси эҳтиёт ёқилғиси, хом ашё, материаллар заҳираларидан, туталланмаган ишлаб чиқариш материалларидан, тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш, иктисодий рағбатлантириш жамғармаси қолдиқларини тақсимлаш, идораға тегишли уй-жойлардан фойдаланиш, унинг маблағ билан таъминланиши, дебитор қарзлари қопланиши оқибатида олинган маблағларни йўналтириш бўйича ижараға олувчи билан ижараға берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб беради.

Ижара корхонаси, агар корхонанинг ишлаб чиқариш-иктисодий имкониятлари (қиймати) камайишиға ва ижара шартномасида кўзда тутилган бошқа шартларнинг бузилишиға сабаб бўлмаса, ижараға олинган мулк таркибига кирувчи моддий қадриятларни сотиш, айирбошлаш, ўзи ижараға бериш, вақтинча фойдаланиш учун бепул ёхуд қарзға бериб қўйиш ҳуқуқиға эға. Ижараға олинган мулкни тасарруф этишнинг юкорида кўрсатилган тартиби ер ва бошқа табиӣй иншоотларға нисбатан ва қонуларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда қўлланилмайди.

Ижара корхонаси мустақил равишда ижараға олинган

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

мулк таркибга, агар бошқа жиҳатлар кўзда тутилмаган бўлса, унинг киймати оширувчи ўзгартириш киритиш, қайта тиклаш, кенгайтириш, техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ижара корхонасининг молиявий ресурслари маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган даромадлар, қарз тўловларидан, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлардан, хайриялар ва бошқа молиявий манбалардан шакллантирилади.

Ижара корхонаси олган даромадларидан моддий ва унга тенглаштирилган сарф-харажатлар, меҳнат ҳақи харажатлари қолланади, солиқлар, ижара ҳақи, суғурта тўловлари, табиий ва меҳнат ресурслари учун тўловлар, қарзлар бўйича фоизлар тўланади. Қолган фойда ижара корхонасининг тўла тасарруфига тушади. У бу фойдадан қандай фойдаланишни мустақил белгилайди.

Ижара корхонаси амалдаги қонунларда кўзда тутилган тартибда мақсадли қарзлар олиши, қимматбаҳо қоғозлар бозорида қатнашиши мумкин.

2.0. Кичик корхоналар

“Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар тўғрисидаги низом”га мувофиқ, мулкчилик шакллари-дан қатъи назар, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик субъекти кичик корхона ҳисобланади. Кичик корхона миқдори чекланган ҳолда ходимлар ва мулкчилик, тўла хўжалик юритиш ва бошқарув ҳуқуқи билан ўзига тегишли мол-мулкка таяниб маҳсулот ишлаб чиқаради ва реализация қилади, ишларни бажаради, хизматлар кўрсатади.

Янгидан тузилаётган ва фаолият кўрсатаётиб, қуйид-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИП- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

аги микдорлардаги ходимлар меҳнатида фойдаланувчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади:

саноат ва қурилишда фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида понилаб чиқариш соҳаси тармоқларида чакана савдода	200 кишигача; 100 кишигача; 50 кишигача; 25 кишигача; 15 кишигача;
--	--

Барча мулкӣ усулдаги кичик корхоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг умумий ҳуқуқӣ, иқтисодӣ ва ижтимоӣ асослари Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”, “Ижара тўғрисида”ги Қонунлар, шунингдек республиканинг бўлак қонунчилик ва меъриӣ ҳужжатлари билан белгиланади.

Ҳуқуқӣ ва жисмоний шахслар кичик корхонанинг таъсисчилари бўла оладилар.

Кичик корхона:

- *Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, унинг ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, меҳнат фаолиятини биргалиқда юритувчи оила аъзолари ва бошқа шахслар;*
- *давлат, ижара, жамоа ва қўшма корхоналар, хўжалик уюшмалари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш ва мағлубот кооперативлари, хўжалик бирлашма-*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

лари (ассоциациялар, уюшмалар, концернлар, консорциумлар ва бошқалар), жамоат ва диний ташкилотлар, хайрия ва бўлак жамғармалар, ҳуқуқий шахслар ҳисобланувчи бошқа корхоналар ва ташкилотлар;

- давлат мулкани бошқариш ваколати бўлган давлат идоралари;
- хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар томонидан ташкил этилади.

Кичик корхона ишлаб турган бирлашмалар, корхоналар, бир ёки бир неча таркибий бўлинмаларнинг ташкилотлари таркибидан меҳнат жамоаси аъзоларининг ташаббуси ва бирлашма, корхона, ташкилот мулки эгасининг бунга розилиги билан ва улар илгари олган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаган ҳолда ажратиб чиқиши натижасида ташкил этилиши мумкин. У Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган ҳар қандай мулкий усуллар асосида ташкил этилиши мумкин.

Кичик корхона у давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади.

3.0. Хусусий корхоналар

“Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низом”га мувофиқ хусусий тадбиркорлик алоҳида бир киши ёки кишилар гуруҳи томонидан шахсий даромад ёки фойда олиш учун ўз мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга оширилувчи ташаббускор хўжалик фаолиятини англатади. У ҳуқуқий шахс мақомини юзага келтирмасдан туриб амалга ошириладиган яқка тадбиркорликни ҳам ўз ичига олади. Хусусий тадбиркорнинг мулки унинг ўз мол-мулки асосида ёки давлат, кооператив ёхуд бўлак корхона мулкининг ҳаммаси ёхуд бир қисми фуқаронинг мулки сифатида унга ўтиши ёки сотиб олинishi, ижара мулкни сотиб олиш ёхуд уни қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар билан шахсий жамғармалар, банк қарзлари асосида, давлат мулки ва жамоат ташкилотлари мулкидан тадбиркорнинг фойдаланиши ёхуд юқорида кўрсатилган усуллари уйғунлаштирган ҳолда қўлга киритиш оқибатида юзага келади.

Фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган корхона хусусий корхона ҳисобланади. Унинг фаолияти “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”ги Қонулар, “Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом” ва бошқа қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Хусусий корхона истиқомат жойидаги туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ҳуқуқий шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Асосий ва айланма маблағлар, шунингдек корхонанинг мустақил балансида қиймати ифодаланган бошқа қадриятлар хусусий корхона мулкни ташкил этади. Мулкдорнинг пул ва моддий ажратмалари; хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар, бланклар ва бошқа қарз берувчидан олинган қарзлар, қимматбаҳо қоғозлар ҳаракатидан ёхуд уларни сотишдан олинган дивидендлар; мерос тариқасида, алмаштириш ва совға қилиш йўли

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан тушган мол-мулк хусусий қорхона мулкани шакллантириш ва қўлай-тириш манбалари бўлиши мумкин.

Хусусий қорхона ўз мажбуриятлари бўйича мулкдорга хусусий ва шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мулки билан жавобгар бўлади.

У ўз ишлаб чиқариши ва капитал қурилишини ихтисослашган таъминот-савдо ташкилотлари, биржалар, ярмаркалар, кимошди савдолари хизматидан фойдаланиш орқали ва бевосита ишлаб чиқарувчилар билан муносабатта киришиб, шунингдек четдан келтириш йўли билан моддий-техника жиҳатидан таъминлашни мустақил ташкил этади.

Давлат хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин ва тўғри рақобат учун шарт-шароитларни яратади, моддий-ашёвий, молиявий, ахборот ва бошқа ресурсларга эришувнинг тенг имкониятларини таъминлайди, бунда уларнинг бозорига яқка эгаликка йўл қўймайди. Давлат ёки бошқа идоралар томонидан унинг ваколатига ёхуд қонун талабларига номувофиқ қарорлар қабул қилинган ва бу хусусий тадбиркор ҳақ-ҳуқуқларини чеклашга сабаб бўлган ҳолларда у бундай ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб эътироф этилишини сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқида эга. Давлат ёки бошқа идоралар ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг кўрсатмаларини амалга ошириш ва унинг ҳуқуқларига даҳл қилиш натижасида тадбиркорга етказилган зарарлар бу идоралар томонидан қопланиши керак.

Ўтказилган таҳлиллар ва иқтисодий ислохотлар бўйича Идоралараро Кенгаш тавсиялари асосида 1995 йил

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Маълумотнома

Ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳит

Ҳукумат бозор иқтисодиёти самарали амал қилиши учун замин бўлувчи ҳуқуқий асослар ва бошқа айрим муҳим хизматларни таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Зарур ҳуқуқий асос хусусий корхоналарга қонуний мақом бериш, хусусий мулк ҳуқуқларини белгилаш ва контрактларга риоя этилишини кафолатлашни кўзда тутлади. Ҳукумат, шунингдек, қонуний “ўйин қоидалари”ни ҳам белгилайдигки, бу “қоидалар” корхоналар, ресурсларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради. Қонунлар асосида ҳукумат иқтисодий алоқалар соҳасида ҳакамлик вазифасини бажариш, иқтисодий агентларнинг ишдаги виждонсизлик ҳодисаларини аниқлаш ва тегишли жазолар бериш учун ўз измидаги воситалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШҚИЛИМ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

декабрида “Тадбиркорликни кучайтириш ва рағбатлантириш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. У жойлардаги ҳокимият идораларига, тармоқ раҳбарларига:

- моддий-техника, ахборот ва кадр ресурсларига нисбатан тадбиркорлар ва давлат корхоналарининг тўла тенгҳуқуқлилигини оғишмай таъминлаш;
- тадбиркорларнинг қонунларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари пайтлардаги жорий-хўжалик ва хўжалик-тижорат фаолиятига аралашувларга йўл қўймаслик;
- бошқарув идоралари ва тадбиркорларнинг иктисодий муносабатлардаги ўзаро масъулияти, томонлардан бирининг айби билан кўрилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш қонидасидан келиб чиқиш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни, савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш биноларини белгиланган тартибда хусусий корхоналарга бериб қўйиш;
- тугалланмаган қурилишнинг ишлаб чиқариш иншоотлари ва фойдаланилмай турган ускуналарни кимосиди ва танлов орқали сотиш;
- 1995 йил I чорагида деҳқонлар (фермерлар)дан ва хусусий тадбиркорлардан қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини харид қилиш бўйича доимий ҳаракатдаги ихтисослашган улгуржи бозорлар ташкил этиш;
- бўш ётган бинолардан тадбиркорларнинг тайёр маҳсулотларини сақлаш учун омборхоналар сифатида фойдаланилишини ташкил этишга кўмаклашиш;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

- *товар ишлаб чиқарувчи тadbиркорларни маҳаллий хом шё ва материаллар билан таъминлаш учун улгуржи-воситачилик таркибларини ташкил этиш;*
- *буюртмалар тўплаш, хом ашё ва материалларни харид қилиш, навларга ажратиш, сақлаш зарур кондицияга етказиш ва уларни тadbиркорларнинг буюртмалари бўйича сотишни амалга оширувчи тижорат марказлари ва савдо уйлари ташкил этишни юклайди.*

Хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш муддатлари (3 кун) белгиланган, товар ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар кўзда тутилган, ишчиларни ёллаш бўйича чекловлар бекор қилинган, хусусий тadbиркорларни қўлаб-қувватлаш учун “Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди”га анчагина маблағлар ажратилган.

4.0. Ҳиссадорлик жамиятлари

“Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги Қонунига биноан номинал баҳоси ёзиб қўйилган акцияларнинг муайян миқдорига бўлинган низомий жамғармага эга бўлган ва мажбуриятлари бўйича фақат ўз мулки билан маъсулиятли бўлган жамият ҳиссадорлик жамияти деб эътироф этилади.

Ҳиссадорлик жамияти мавжуд корхонани қайта ташкил қилиш ёки янгисини барпо этиш йўли билан таъсис этилиши мумкин. Ҳиссадорлик жамияти ҳуқуқий шахс бўлиб, “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”ги

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Қонунлар, бошқа қонунчилик актлари, шунингдек таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар,- улар камида икки иштирокчидан иборат бўлиши керак,- ҳиссадорлик жамиятининг муассислари бўла оладилар. Дастлабки низомий жамғарма улар томонидан амалга оширилади. Улар ўзаро шартнома тузадилар. Бу шартнома ҳиссадорлик жамиятини барпо этиш юзасидан биргаликдаги фаолият тартибини, иштирокчиларнинг акцияларга ёзилган шахслар ва учинчи шахслар олдидаги маъсулиятини белгилаб қўяди. Муассислар жамиятнинг у давлат рўйхатига олингунича пайдо бўладиган мажбуриятлари бўйича биргаликда маъсулиятлидилар.

Низомий жамғарма тенг номинал қийматдаги акцияларнинг муайян миқдорига бўлинади. Жамият низомий жамғармага натура шаклидаги мол-мулк берилганидан ташқари ҳолларда, агар илгари чиқарилган акциялар номинал қийматидан кам бўлмаган қиймат бўйича тамомилан тўланган бўлса, ўз низомий жамғармасини ошириш ҳуқуқига эга.

Низомий жамғармани кўпайтириш янги акциялар чиқариш йўли билан амалга оширилади. Ҳиссадорлар қўшимча равишда чиқарилган акцияларни сотиб олишда устунлик берувчи ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Низомий жамғармани қискартириш акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларни бекор қилиш мақсадида эгалик қилувчилардан сотиб олиш йўли билан акцияларнинг миқдорини қискартириш ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида акцияларнинг турлари

Ўзбекистон ҳудудида чиқарилаётган акциялар бўлинади:

1. Очик турдаги жамиятларнинг бошқа ҳиссадорлар

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

розилигисиз қўлдан қўлга ўтиши мумкин бўлган акциялари ва ёпик турдаги хиссадорлик жамиятларининг бошқа хиссадорлар (йиғилиш) розилиги билан қўлдан қўлга ўтиши мумкин бўлган акцияларига;

2. Номли ва “такдим этувчига” тегишли бўладиган (эркин сотиладиган) акцияларга. Номли акцияларда эгасининг фамилияси, агар эгаси ҳуқуқий шахс бўлса - ташкилотнинг номи албатта кўрсатилиши керак. “Такдим этувчига” берилган акцияларда эгасининг исми кўрсатилмайди. Номли акциялар одатда анча юқори қийматда чиқарилади. Бу уларнинг фонд бозоридаги муомала хусусиятлари билан изоҳланади. Хиссадорлик жамиятлари бир вақтнинг ўзида номли ва такдим этиладиган акцияларни чиқаришлари мумкин.

3. Оддий (одатдаги) ва имтиёзли акцияларга. Оддий акция хиссадорлар йиғилишида овозга эгаллик ҳуқуқини беради, унга олинадиган дивиденд миқдори эса хиссадорлик жамиятининг йил давомидаги иш натижаларига боғлиқ бўлиб, бошқа ҳеч нима билан кафолатланмаган. Мадомики бундай акцияларнинг эгалари бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг эгаларига караганда кўпроқ дангалчиликка йўл қўяётган эканлар, бундай акциялар бўйича кўзда тутилаётган дивидендлар хийла юқори даражада белгиланади.

Имтиёзли акция эгасига хиссадорларнинг умумий йиғилишида овозга эга бўлиш ҳуқуқини бермайди. Унинг имтиёзи, бир томондан жамият хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда кафолатли даромад олиш, иккинчидан - хиссадорлик жамияти тугатилаётганида акция қийматини биринчи навбатда олиш имконини беради. Имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати компания низомий жамгармасининг 10 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Ҳиссадорлик жамияти очик ёки ёпик турда бўлиши мумкин. Бу пизомда кайд қилинади.

Очик турдаги ҳиссадорлик жамияти низомий жамғармасининг миқдори Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган энг кам маошнинг камида икки юз баробарини ёпик турдаги жамият учун эса - энг кам маошнинг камида юз баробарини ташкил этиши керак.

Очик турдаги ҳиссадорлик жамиятини тузиш чоғида акциялар очик ёзилиш (давлат қорхонаси қайта ташкил этилаётганида - эркин сотиш) йўли билан тарқатилади. Ёпик турдаги жамиятни ташкил этиш чоғида эса акциялар фақат муассислар ўртасида тақсимланиш тартибида тарқатилади.

Очик турдаги жамиятнинг акциялари бошқа ҳиссадорларнинг руҳсатисиз ҳам қўлдан қўлга ўтиши мумкин. Ёпик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг акциялари эса, фақат исми ёзилган бўлиб, уларни бошқа шахсга бериш тартиби Низомда белгилаб қўйилади.

Ёпик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ҳиссадорларга акция ўрнига уларнинг номинал қийматига мувофиқ бўлган миқдорда сертификатлар беришлари мумкин.

Ёпик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари очик турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириб қайта ташкил этилиши мумкин. Бундай қайта ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши ҳиссадорлик жамиятини бошқаришнинг олий органи бўлиб, у йилда камида бир марта чақирилади. Умумий йиғилиш чақирилиши тўғрисида барча ҳиссадорларга хабар етказилишини ҳиссадорлик жамияти ижроия идораси (бошқаруви) ёзма шаклда камида ўттиз кун илгари ташкил этади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Қуйидаги масалаларни ёлғиз ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши ҳал эта олади:

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режалари ва бу режалар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;
- жамият Низомини ўзгартириш ва тўлдириш;
- ижроия идора ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, чақириб олиш ва улар фаолиятининг тартибини тасдиқлаш;
- жамият, шунингдек унинг филиаллари фаолиятининг натижаларини, шунингдек тафтиш комиссияси ҳисоботлари ва хулосаларини, даромад (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартибини тасдиқлайди;
- филиаллар ва ваколатхоналарни ташкил этиш, қайта тузиш ва тугатиш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг бошқарув идоралари мансабдор шахсларини мулкӣ жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- жамиятнинг иш тартиби қоидалари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш, унинг ташкилий тартибини белгилаш;
- низомий жамғармани ўзгартириш;
- чиқарилаётган акцияларнинг жамият томонидан сотиб олиши тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;
- жамиятни, унинг филиаллари ва ваколатхоналарини бошқариш идораларининг мансабдор шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;
- жамият фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

- тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансини тасдиқлаш.

Жамият Низомига биноан камида овозларнинг олтмиш фоизига эга бўлган хиссадорлар иштирок этанлари тақдирдгина умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Умумий йиғилишда овоз бериш бир акция - бир овоз коидаси бўйича ўтказилади. Умумий йиғилиш ўз ҳуқуқларининг бир қисмини жамият бошқарувига бериб қўйиши мумкин.

Жамоа Низомига ўзгартиш ва қўшимча киритиш, унинг шу жумладан филиалларнинг фаолиятини тугатиш, низомий жамғармани ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш учун йиғилишда иштирок этаётган хиссадорларнинг тўртдан уч қисми овоз бериши зарур бўлади. Бошқа барча масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳиссадорлик жамиятида умумий йиғилишлар ўртасидаги муддатда хиссадорлар манфаатларини ифодалаш ва Низомда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун хиссадорлик жамиятининг кенгаши (кузатув кенгаши) тузилади.

Кузатув кенгашининг аъзолари хиссадорлик жамияти ижро идорасининг аъзолари бўла оладилар.

Низомда кўзда тутилган бошқарув (муъмурият) ёки бошқа орган хиссадорлик жамиятининг ижроия идораси ҳисобланиб, у хиссадорлик жамиятининг иштини ташкил этади, умумий йиғилишга йиллик ҳисоботни тақдим этади.

Бошқарув хиссадорлик жамияти фаолиятининг бевожита умумий йиғилиш ва кенгаш (кузатув кенгаши) ваколатига тааллуқли масалалардан ташқари барча масалаларини ҳал қилади. Кенгаш аъзолари ижроия идораси аъзолари бўла олмайдилар.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Бошқарув ишига унинг раиси раҳбарлик қилади. Раис ҳиссадорлик жамияти низомига биноан тайинланади ёки сайланади. Раис жамият номидан ҳаракатларни ишонч қоғозисиз бажара олади. Бошқарувнинг қолган аъзоларига Низомга мувофиқ бундай ҳуқуқлар берилиши мумкин.

Жамият бошқарувининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси амалга оширади. У ҳиссадорлар орасидан сайланади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамиятнинг ижроия идораси таркибига қира олмайдилар.

Молия-хўжалик фаолиятини текшириш бир йилда камида бир маротаба ўтказилиши керак.

Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш умумий йиғилиш, кузатув кенгаши ташаббусига кўра унинг топшириғига мувофиқ ёки жамиятнинг жами ўн фоиздан ортиқ овозга эга бўлган аъзолари талаби бўйича тафтиш комиссияси томонидан ўтказилади.

Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган текширишлар натижалари тўғрисида умумий йиғилиш ёки кузатув кенгашига ҳисоб беради. Тафтиш комиссияси йиллик ҳисоботлар ва баланслар бўйича хулосалар тайёрлайди, унинг хулосасисиз умумий йиғилиш балансни тасдиқлай олмайди.


Ҳиссадорлик жамияти манфаатларига хавф тузилган ҳолларда ёки мансабдор шахслар томонидан суиистеъмоликлар аниқланганида тафтиш комиссияси навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақирилишини талаб қила олади.

Солиқ ва молия идоралари, бошқа давлат идоралари томонидан уларнинг ваколати доирасида, шунингдек йил яқунлари бўйича - аудиторлик хизматлари томони-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

дан ҳиссадорлик жамияти моллия-хўжалик фаолияти текшириб чиқилиши мумкин.



Меҳнат жамоаси аъзоларининг акцияларни сотиб олиш йўли билан ҳиссадорлик жамиятининг мулки ва фойдаларида иштироки хўжалик асосларини юзага келтиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳиссадор ва ходим бир шахе тимсолида намоён бўлганида, ходимда корхона муваффақиятидан бевосита манфаатдорлик юзага келади, чунки қанчалик яхши меҳнат қилса, фойдадан у оладиган дивиденд кўринишидаги фоизлар шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари ҳиссадор-ходимда фойдани истъмолга ҳам, жа-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

мғармага ҳам бирдек йўналтириш рағбати юзага келади. Асосий фондларни қайта тиклаш ва модернизациялашни таъминловчи инвестициялар акциялар қиймати кўтарилишига ва бу билан ҳиссадорларнинг шахсий мулки кўпайишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг техника даражаси оширилиши ва бу билан боғлиқ ҳолда ҳиссадорлик жамиятининг бозордаги позициялари яхшиланиши ҳам акциялар қийматининг ошишига олиб келади, ходимнинг акцияларга қўйилган жамғармалари эса инфляция шароитларида ўз реал қийматини йўқотмайди.

Айни пайтда ҳиссадор-ходим жамғармалари доимо таҳлика остида бўлади, зеро корхона ёмон ишлаган тақдирда акциялар нархи номинал қийматдан пасайиб кетиши мумкин, корхона инкирозга учраганида эса, ходим жамғармасини ҳам, ишини ҳам бой беради. Шунинг учун ҳиссадор-ходимнинг ҳиссадорлик жамияти фаолиятининг юксак пировард натижаларидан манфаатдорлиги етарли даражада кучли бўлади.

Моддий манфаатдорликнинг юқорида баён этилган механизми ходимлар акцияларни бепул эмас, балки сотиб олганлари тақдирдагина самарали бўлади. Меҳнат жамоаси аъзоларининг ишлаб чиқаришни бошқаришдан реал манфаатдорлигини юзага келтириш, ташаббус ва ижодкорликни рағбатлантириш учун ходимлар қўлида турган акцияларнинг ҳиссаси энг кўп даражага етиши керак. Унчалик катта бўлмаган ва ўртача компаниялар учун бундай ҳисса Америка мутахассислари томонидан маблагнинг 10-15 фоизи ҳажмида белгиланади. Йирик компаниялар учун бу кўрсаткич юқори бўлиши керак.

Шунинг учун акционерлаштирилган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳиссачилик мулкидаги иштироки энг кўп даражада рағбатлантирилиши зарур. Лекин хо-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

димларнинг ҳаммалари ҳам акцияларни сотиб олишни хоҳламайдилар. Бевосита республика корхоналарида ўтказилган сўровлар ишчилар ва оддий муҳандис-техник ходимларнинг фақат 6-8 фоизи ва корхоналар раҳбарларининг учдан бир қисмигина ўз маблағлари ҳисобидан акцияларни сотиб олишга тайёр эканликларини кўрсатди. Бу шу ҳолат билан изоҳланадики, меҳнаткашларнинг асосий қўпчилиги акцияларни сотиб олиш учун старли маблағга эга эмас, ёки пировард натижага ишончи собит эмас.

Шундай бир шароитларда акцияларни сотиб олиш фақат меҳнаткашларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига эмас, балки мулкчилик шаклининг ўзгариши ва шу билан боғлиқ ҳолда ҳўжаликни юритиш самарадорлиги ошиши натижасида жамоа оладиган қўшимча фойда ҳисобига амалга оширилиши керак. Акцияларнинг муайян миқдори меҳнат жамоаси аъзоларига насияга берилиб, қийматининг катта қисми келусида олинадиган дивидендлар ҳисобидан тўланиши, сотишнинг ўзи эса акциялар номинал қийматида арзон нарҳда амалга оширилиши мумкин.

Барча мамлакатларда ҳиссадорлик жамиятини бошқаришнинг амалда бир хил тизими мавжуд: Бу - ҳиссадорлар йиғилиши, кенгаш (ГФРда - кузатув, Францияда - маъмурий, АҚШда директорлар кенгаши) ва оператив бошқарувни амалга оширувчи профессионал бошқарувчилар ёки олий бўғин менежерлари (бошқарув)дир. Турли мамлакатларда ва турли фирмаларда бошқарув тузилмасида айрим ўзига хосликлар мавжуд, лекин асосий тизим бир хил. Ходимлар тобора кўп даражада бошқарувнинг объекти эмас, балки субъектига айланиб бормоқдалар.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Ҳиссадорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишдан ташқари меҳнат жамоасининг алоҳида ваколатларга эга бўлган бошқариш тизими ҳам шаклланмоқда.

Ҳиссадорлик жамиятини бошқаришнинг конкрет шакли кимлар ҳиссадор эканлиги, акцияларнинг назорат пакетига ким эгаллик қилиши, мулкдорнинг меҳнат жамоаси билан муносабати, мулкдор билан менежернинг ўзаро муносабатлари қандайлиги каби жиҳатларга боғлиқ.

5.0. Қўшма корхоналар

“Чет эл инвестициялари, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокидаги корхоналарни, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бу корхоналарнинг фаолият тартиби тўғрисида”ги Низомга биноан мулкида ўзбек ва чет эл ҳуқуқий шахслари ҳамда фуқаролари иштирок этувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қўшма корхоналар ҳисобланади.

Қўшма корхоналар:

- янги ҳуқуқий шахсни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ишлаб турган корхонасида чет эл ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари томонидан ҳисса сотиб олиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари томонидан хорижий корхонада ҳисса сотиб олиш йўли билан ташкил этилади.

Қўшма корхоналар бевосита ўзбек ва хорижий иштирокчилар томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўшма корхона ташкил этиш ёки асосий фондларининг қиймати 20

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

миллион АҚШ долларига тенг бўлган Ўзбекистон корхонаси акциялари ёки пайини хорижий инвесторга сотиш йўли билан ишлаб турган Ўзбекистон корхонасини қўшма корхонага айлантириш тўғрисидаги қарор ўзбек ишгирокчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилиги билан қабул қилинади.

Бир ёки бир неча Ўзбекистон ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари ҳамда бир ёки бир неча хорижий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар қўшма корхонанинг ишгирокчилари бўла оладилар. Қўшма корхона низомий жамғармасида ўзбекистонлик ва хорижий ишгирокчиларнинг ҳиссалари улар ўртасидаги келишув бўйича белгиланади.

Ҳиссалар, пайларни бир-бирларига бериш, шунингдек уларни учинчи шахсларга бериш қўшма корхона ишгирокчилари томонидан амалдаги қонуларга биноан ҳал қилинади. Хорижий ишгирокчилар ҳиссалари ёки пайларини сотиб олишда Ўзбекистонлик ишгирокчилар устун ҳуқуққа эга бўладилар.

Кичик корхона қайта ташкил этилаётганида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари меросхўрларга ўтади. Кичик корхона тугатилган тақдирда ёки ундан чиқиш чоғида қўшма корхона мулкидаги ўз хиссасини тугатиш ёки чиқиш пайтидаги қолдиқ қиймати бўйича нақд пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Муассислар томонидан корхона низомий жамғармасига ҳисса сифатида қўшилган мулкнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуларига биноан, ақлий мулк қиймати эса - қонунда белгиланган тартибда мустақил эксперт комиссияси томонидан баҳоланади.

Хорижий сармоя ишгироқидаги корхона низомий жамғармасининг миқдори 10 минг АҚШ долларидан кам

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИСИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Маълумотнома

Хорижий ёрдам

Мамлакатларга бевосита ёрдам бир қатор давлат дастурлари орқали тўғридан тўғри ҳам, иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган халқаро ташкилотларда ишгирок этиши воситаси билан ҳам кўрсатилади. Пул билан бериладиган ёрдамни ҳам, қарзларни ҳам ўз ичига олувчи ёрдам йилига ўртача 10 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағнинг каттагина қисми Халқаро ривожланиш агентлиги орқали тарқатилади. Ёрдамнинг баъзи бир қисми ортқча озик-овқатларни “Тинчлик учун озик-овқат” дастури доирасида тарқатиш шаклида амалга оширилади. Бошқа ривожланган мамлакатлар ҳам чет элга катта қўламдаги ёрдам дастурларини амалга оширадilar. 1986 йили Ғарбдаги барча ривожланган мамлакатлар чет элга кўрсатган ёрдамларининг умумий қиймати 36 миллиард доллардан ортиб кетди. Бунинг 4 миллиард доллари СССР ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

бўлмаслиги керак. Ҳиссанинг қиймати Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг қўшма корxonани ташкил этиш кундаги курси бўйича сўмларга айлантириб хисобланади. Агар Ўзбекистон томонидан давлат мулки шаклидаги корхона ёки низомий жамғармасида давлат мулкининг ҳиссаси бўлган корхона қўшма корxonанинг муассиси сифатида қатнашаётган бўлса, у қўшма корхона низомий жамғармасига топширадиган мулкни бериш ва баҳолаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ёки унинг худудий идоралари билан келишиб олиниши керак.

Муассислар, корxonалар томонидан уларнинг қўшма корхона низомий жамғармасига ҳиссалари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган ускуналар, материаллар ва бошқа мол-мулк бож тўловларидан озод қилинади.

6.0. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий йўналишлари

Ҳозирги босқичда қишлоқдаги бозор қайта ташкил этишлари қолхозлар ва совхозлар замирида ташкил этилган бошқа нодавлат қишлоқ хўжалик корxonаларини (бундан буён - хўжаликлар) ва давлат қишлоқ хўжалик корxonаларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилмоқда. Чунки уларнинг бузиб ташланиши қолхозлар ва хўжаликлар бошбошдоқлик билан бўлиниб кетишига олиб келади, ерлардан фойдаланишда жиддий қийинчиликлар келтириб чиқаради, махсулот етиштириш ва сотишнинг мавжуд тизимларини издан чиқаради.

Қолхозлар ва хўжаликларни қайта ташкил этиш бозор ислохотлари доирасида амалга оширилиб, режалашти-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОҲАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

риш ва марказлаштиришнинг эски тизимини ўзгартиришга қўмаклашади, ишлаб чиқарувчилар фаолиятига эркинлик бағишлайди.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бўйсунуш ва боғлиқликка асосланган мавжуд ички хўжалик ишлаб чиқариш муносабатлари ўзгариб, ўзаро нафли, шартнома муносабатлари қоидаси асосига қурилмоқда.

Маънавий-рухий муганосиблик ва биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш истаги ҳисобга олинган ҳолда шакланган мустақил ва оила звенolari юзага келмоқда. Улар юридик ҳуқуқларга эга бўлган хўжалик жамиятларига ва ширкатларга, кооперативлар ва бошқа тузилмаларга бирлашмоқдалар, бу тузилмалар юридик ҳуқуқлар олмақда. Ишлаб чиқариш бўлинмалари, қолхозлар ва хўжаликлар ўртасидаги ерни ижарага олиш, хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот топшириш масалалари яхлит акс эттирилган амалдаги шартномалар:

- қолхоз (хўжалик) ерларини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги;
- қолхозлар (хўжаликлар) томонидан ишлаб чиқариш бўлинмасига хизматлар кўрсатиш ва бу бўлинмалар етиштирган маҳсулотни сотиб олишга контракт тузиш тўғрисидаги шартномалар билан алмашинмоқда.

Қолхоз (хўжалик)нинг ишлаб чиқариш бўлинмаси билан ерни узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартнома ижарага олинган ернинг миқдори ва сифатига қараб ҳар йилги тўловни кўзда тутлади. Бунда пахта ва бошқоти дон етиштирилса, тўлов натура тариқасида, бошқа хил маҳсулотлар етиштирилса, натура ва нақд пул билан амалга оширилади. Ҳар икки усулни қўлланиш

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИ ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

турлича талқинларга йўл қўймаслик учун аниқ шарт қилиб қўйилиши керак.

Ҳўжалик ишлаб чиқариш бўлинмаси етиштирган маҳсулотни сотишда воситачи сифатида иштирок этса, тўловнинг натура тури мақсадга мувофиқдир.

Анъанавий ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригадалар, мустақил звенолар ва бошқалар) билан бир қаторда ҳўжаликларда ҳўжаликлардан ижарага олинган ерда оилавий асосда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи мустақил деҳқон ҳўжаликлари тобора ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳозирдаёқ деярли барча ҳўжаликларда ерларнинг бир қисмини мустақил деҳқон ҳўжаликларига мерос қолдириш ҳуқуқи билан узок муддатли ижарага ажратиш ҳисобга олинган ҳолда ерлардан фойдаланиш тузилмаларини қайта режалаштириш ишлари бажариляпти. Зарар кўраётган совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ ҳўжалик корхоналари қисқа муддат мобайнида жамоа, ижара ва ҳўжаликнинг бошқа нодавлат турига айлантирилди. Меҳнат жамоаларига асосий ишлаб чиқариш фондлари ва бошқа мол-мулк бепул берилди, муддати кечиктириб юборитган тўловларни қоплаш муддати банклар ва таъминловчилар томонидан 20 йилга кечиктирилди.

Жамоат чорвачилигида ҳам қайта тузишлар амалга оширилди. Бу ерда мулкчиликнинг жамоа усулига асосланган ва ҳўжаликлар ҳамда тайёрлов ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини ўзаро фойдали шартнома асосларига қураётган хусусийлаштирилган корхоналар ташкил этилди. Чорва бинолари, чорва моллари, машина ва ускуналар фермаларнинг меҳнат жамоаларига имтиёзли асосда, акцияларни 10 йил мобайнида сотиб олиш ва мулк умумий қийматининг 10 фоизи миқдоридаги биринчи бадални тўлаш шарти билан берилди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш тузилмалари ўзгарди. Энциликда дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроги нодавлат сектор томонидан этиштирилмоқда.

Аграр сектордаги қайта тузишларнинг характерли хусусияти шундаки, ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи давлат қўлида қолмоқда. Ер меҳнат жамоаларига, ассоциацияларга, дехқон (фермер) хўжаликларига, фуқаролар дала чорбоғлари хўжаликларининг аъзоларига ижара, амалдаги шарт-шароитларга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот ва уни реализация қилишда мулкчилик ҳуқуқидан фойдаланиш ҳамда эгаллик қилиш шартларида ажратилмоқда.

Иқтисодийётнинг аграр секторида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш куйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- *колхозларда кооперациянинг илк табиатини тиклаш жамоа аъзолари ишлаб чиқариш воситалари ва этиштирилаётган маҳсулотга эгаллик қиладилар, умумий мулкда жамоанинг ҳар бир аъзоси ҳиссасини (найлар, акциялар) белгилаш бўйича низом ишлаб чиқилади;*
 - *совхозларни жамоа хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириб, мулкни сотиб олиш ёки жамоага бепул мулк қилиб бериш;*
 - *совхозлар ва бошқа кишлоқ хўжалик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш биринчи навбатда ягона яхлит мажмуа сифатида ишлаб чиқаришнинг кўп йиллар мобайнида таркиб топган ихтисослашувини, шунингдек ички хўжалик ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш инфраструктурасини сақлаб қолишга*
- ◆ **ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ** ◆

КОРХОҶАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

қаратилиши, лекин ҳўжаликлар ичидаги мавжуд тузилма бўлинмалари ўртасидаги ички ҳўжалик муносабатлари тубдан ўзгартирилиши шарт;

- *декон (фермер) ҳўжалиklarини ривожлантириш, йирик ҳўжаликлар (колхозлар, кооперативлар, ижара ҳўжалиklари) билан интеграциялаш ва улар асосида ассоциация, деҳқон, ижара, кооператив, шахсий ва ҳўжаликни юритишнинг бошка усуллари кўринишидаги кўп укладли ҳўжаликлар ташкил этиш;*
- *кам маҳсулли чорва фермаларини акцияларни жамоа аъзолари сотиб олиш ҳуқуқи билан хусусийлаштириш;*
- *кичик, самарасиз мевазор ва тоқзорларни барча асосий воситалари билан кейинчалик ерни камида 10 йиллик муддатга ижарага бериш билан топшириш;*
- *колхозлар, кооперативлар, совхозлар ва бошка қишлоқ ҳўжалик корхоналари тасарруфидаги мулкни - ижтимоий объектлар, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва майда ҳунармандчилик устахоналарини хусусийлаштиришни тугаллаш;*

Фақат тегишли ер тузувчи ташкилотлар томонидан чегаралар натурада белгилаб чиқилганидан ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ордерлар) берилганидан кейингина ер майдонидан фойдаланишга руҳсат этилади.

Деҳқончилик - саноат мажмуида корхоналар ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш:

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

- *корхона ва ташкилот, унинг филиаллари, ички хўжалик бўлинмаларининг меҳнат жамоалари, алоҳида ходимлар ёки шу жамоа топшириғи билан сайланма идора (кенгаш, бошқарув);*
- *деҳқончилик-саноат мажмуининг шу корхона (ташкилот) мулкни бошқаришга вакил қилинган давлат бошқарув идораси ташаббуси билан амалга оширилади.*

Деҳқончилик-саноат мажмуида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда ва хусусийлаштиришда чет эл ҳуқуқий шахслари ва фуқаролар иштирокининг хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик актларига биноан тартибга солинади. Қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг улкан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, бу иш қисқа муддатли компанияга айлантириб юборилишига йўл қўймаслик, уни чуқур баҳолаш ва ҳисоб-китоблар асосида, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий, таркибий ва демографик омилларини назарда тутган ҳолда ўтказиш зарур.

Шу билан бирга айни пайтда хўжаликни юритиш ва мулкчиликнинг ўзгартирилиши маҳсулот етиштиришни камайтиришга, қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатиш ёмонлашувига олиб келмаслиги керак. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида қишлоқ аҳолисини ижтимоий муҳофазалаш чоралари кўрилиши муҳимдир.

Шу муносабат билан мулкнинг янги эгаларига юксак талаблар қўйилади. Бўлғуси фермер ёки ассоциация, жамоа, ижара корхонаси (хўжалиги) ва шу қабиларнинг раҳбари мулкчилик масаласини кўриб чиқиш чоғида янги бўлинма қандай йўللار билан яхшироқ ишлаши,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

ер, сув ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишда янада юкорирок натижага эришишини тасдиқловчи ўз ҳисоб-китоблари ҳамда талбирларини тақдим этиши билан боғлиқ тажрибаларни қўлланмоқ керак. Бундан ташқари мулкнинг ҳар бир бўлғувчи эгаси бозор муносабатлари, рақобат шароитида ишлаб чиқаришни юрта олишга кодирлиги жиҳатидан танлов комиссиясидан ўтмоғи зарур.

Рентабеллик даражаси 20 фоиздан юкори давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш 1994 йил 22 мартдаги Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг муваққат тартибига мувофиқ умумий асосларда амалга оширилади. Бунда ички хўжалик муносабатларини ишлаб чиқиш, хўжаликларнинг таркибий бўлинмалари ўзаро мақбул шартнома муносабатларига ўтишига катта ўрин берилади.

Колхозни ҳиссадорлик жамиятига айлангириб қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор унинг аъзолари умумий йиғилиши (конференцияси) томонидан қабул қилинади ва узил-кесил ҳисобланади. Бу қарорни бекор қилиш юзасидан ҳар қандай ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг аризалари суд орқали кўрилади.

Колхозларда пай (ҳисса) фондини ташкил этиш ва унинг иш олиб бориш тартиби, шакллари, шарҳ-шароитлари колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши (конференцияси) томонидан белгиланади.

Мулкни баҳолаш колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши (конференцияси) қарори асосида колхоз Низомида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хусусийлаштириш ишларини бажариш чоғидаги ҳисоб-китобларда мулкни ва жамоа аъзосининг ундаги

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

меҳнат ҳиссасини баҳолашнинг турли вариантларидан, шу жумладан:

- пай (ҳисса) фондига киритилувчи фондлар таркиби бўйича;
- асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари, пай бадаллари;
- асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлари;
- меҳнат жамоасининг ҳисоб рақамлари очиладиган аъзолари таркиби бўйича;
- пай (ҳисса) фондиди тақсимлаш чоғида меҳнат жамоаси аъзоларининг меҳнат ҳиссасини ҳисоблаб чиқиш;
- асосий фондларнинг ўсиши аниқланадиган бугун ҳисоб-китоб давридаги меҳнат ҳақи йиғиндиси;
- сўнги 3-5 йилги ўртача меҳнат ҳақи (натура билан тўланган ҳақ ҳам киради);
- шу ҳужаликдаги иш стажи (йиллар, кунларда) ҳисобга олинган ҳолда меҳнат ҳақи йиғиндиси ва бошқалардан фойдаланилиши мумкин.

Пай (ҳисса) фондиди ташкил этишнинг, бу фондиди жамоа аъзолари ўртасида тақсимлашнинг, шунингдек бу фонддан фойдаланиш ҳамда дивидендлар тўлашга ажратиладиган маблағлар миқдорини аниқлашнинг конкрет тартиби корхона Низомида ифодаланadi.

Таркиб топган ишлаб чиқариш алоқаларини сақлаб қолиш, умумий инфраструктурадан оқилона фойдала-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

ниш, баъзи бир хўжалик вазифаларини биргаликда бажариш учун пай эгалари кичик корхоналарга, кишлоқ хўжалик кооперативларига, деҳқон хўжаликларига бирлаштирилари, ихтиёрий асосда ассоциация ёки бирлашма ташкил этишлари мумкин*.

Кишлоқ хўжалик корхоналари мулки бўлган ижтимоий соҳа иншоотлари, ёрдамчи ва қайта ишлаш цехларини хусусийлаштириш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:

- конкрет инвесторга шартномавий шартларда сотиш;
- мулкни кейинчалик сотиб олиш йўли билан ижарага бериш;
- ким ошди савдосида ёки танлов воситасида сотиш.

Кичик ишлаб чиқаришлар мулкни кейинчалик сотиб олиш имконити билан ижарага бериш шу ишлаб чиқаришни ташкил этишга муайян ҳисса қўшган, лекин хусусийлаштириш пайтида мулкни сотиб олиш учун маблағи бўлмаган шахсларга шу ишлаб чиқаришнинг эгаси бўлиб қолиш имконини беради.

Корхона ким ошдида сотиш чоғида жисмоний ва ҳуқуқий шахслар корхона объектга нисбатан бирор бир шартни бажармасдан туриб ҳам сотиб олишлари мумкин. Бу ҳолларда мулкчилик ҳуқуқи сотиш чоғида энг қўп нарх қўйган олувчига берилади.

1. Бу ишни ташкил этиш чоғида шунга назарда тутиш керакки, кишлоқ хўжалигида пахта толеси, дон, қорамол ва парранда гушти, сутта давлат буюртмасининг ҳиссасининг аста-секин камайиши давом этмоқда, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларига давлат буюртмаси эса, бекор қилинган. Уларни ишлаб чиқариш ҳажмлари ва сотишни ишлаб чиқарувчининг ўзи истеъмолчилар билан тузалитан шартнома асосида белгилайди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ


*Дехқон (фермер) хўжаликлари
ва хизмат кўрсатувчи кооперативлар Ассоциацияси*



◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШҚИ ҚИЙ- ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

*Пахтачиликда Дехқон (фермер)
хўжаликлари ассоциацияси (памуна) таркиби*



◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Танлов орқали сотиш чоғида сотиб олувчидан хусусийлаштирилаётган корхонага нисбатан муайян талаблар (ихтисосни сақлаш, иш ўринлари сони, ижтимоий инфраструктура объектларини маблағ билан таъминлаш ва бошқалар) кўйилади. Танловлар тижорат ва инвестицион бўлиши мумкин.

7.0. Ер муносабатлари

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотлари жойлашган ер майдонларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига биноан амалга оширилади. Ерни баҳолаш чоғида Ер кадастри маълумотлари ҳисобга олинади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини хусусий мулк қилиб сотиш танлов асосида амалга оширилади. Танлов бўйича сотилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг дастлабки нархини белгилаш чоғида шу объект бўйича савдо (қимомиди ёки танлов) ўтказиладиган бутун вақтида унинг ажралмас қисми ҳисобланган ер майдони нархи ҳам қўйилади.

Умумий фойдаланишда бўлган (майдонлар, кўчалар, ўтиш йўлқалари, хиёбонлар, чўмилиш хавзалари, сув хавзалари), табиат ёдгорликлари, миллий ва дендрология парклари, заповедниклар, ботаника боғлари, шунингдек соғломлаштириш ва тарихий-маданий жиҳатта молик ерлар ва бошқалар сотилмайди. Эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан сотилмайдиган ер участкалари баҳоси ва сотиш шартлари, минтақалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўрсатилган тартибда белгиланади.

Ер майдонини тасарруф этиш ҳуқуқи мулкчилик

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

ҳукуки тўғрисидаги ҳужжатда қайд қилинади. Тегишли ер тузувчи ташкилотлар томонидан ер майдонининг чегаралари натурада белгиланиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ордер асосида ҳужжатлар берилганидан кейин шу ер майдонидан фойдаланишга киришилади. Ўзбекистонда қатга ер тақчиллиги шароитида унга чинакам соҳибни бириктириб қўйиш юзасидан кўрилган чоралар, ҳеч шубҳасиз, прогрессив ҳисобланади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иктисодиётни ривожлантириш бўйича махсус дастур қабул қилинган қишлоқ хўжалигида бу гоят самарали тус олмоқда.

Давлат тасарруфидан чиқариш чоғида ер муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”, “Ижара тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосланади.

Ер давлатга тегишли бўлиб, жамоа ва давлат хўжаликлари тасарруфида туради, амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан меҳнат жамоалари ва алоҳида шахсларга фойдаланиш учун бериб қўйилади. Хўжаликни юритишнинг янги шакллари колхозлар, совхозлар, хўжаликларнинг бошқа турларига тегишли ерларда ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалигида ислохотнинг мақсади ерларни тақсимлаш эмас, балки

- *бозор шароитларида хўжаликни юритишнинг энг самарали усулларини аниқлаш;*
- *ерни ҳақиқий эгаларига фойдаланиш учун топшириш;*
- *хўжаликларнинг мақбул ҳажмини излашдан иборатдир.*

Буларнинг ҳаммаси ер, сув ва меҳнат ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш, шунингдек илмий-техника тараққиётига эришиш имконини тўғдиради.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Маблуғнома

Оксфорд дорилфунунининг Авлиё Автоный коллеждаги Рус кутубхонасида диққатга сазовор бир ҳужжат - 1920 йил 20 майдаги “Россия жанубидаги қуроли кучлар бош қўмондонининг ер тўғрисидаги буйруғи” сақланмоқда.

Генерал Врангель имзо чеккан шу буйруқда “шлов беришга яроқли барча ер майлони керакли тарзга ва тўла фойдаланилиши керак. Бунда “ерга мустаҳкам таъминланган хусусий мулк ҳуқуқида имкони бўлганча кўпроқ унга ўз меҳнатини сарфлашга қодир шахслар эгаллик қилишлари керак”, дейилади. Шу буйруқдан кейин тарқатилган “Ер масаласи бўйича ҳукумат ахбороти”да қуйидагилар тэъкидланган эди:

“Ер ислохотининг моҳияти оддий. У қисқагина қилиб: ер - унда меҳнат қилувчи хўжайинларга” деяр фойдаланилиши мумкин”.

“Ер... ҳар бир хўжайиннинг абадий мулки қилиб берилади”. Шу нарса ҳам диққатга сазовор: “Ер текинга ажратилмайди: балки унинг қиймати давлатга тўланганида берилади”. Бу ҳукумат ахборотида кўрсатилганидек, “...янги ер қондаларининг бажариб бўлмайдиган ва адолатсиз тарзда бепул ва умум ихтиёрига бериш хусусидаги ваъдалардан фарқ қилувчи муҳим жиҳатлар”

Нимага бунинг учун пул тўлаш керак?

Чунки ерни пул тўлаб олиш “унинг чинкама, пухта соҳаблар қўлига ўтишини таъминлайди, ҳар қандай текинхўрлар ва ерга ёт кишилар қўлга ўтиб қолишининг олдини олади”.

Ер учун тўлов катъий белгиланганли. Ўша найтдаги баҳоларда ернинг нархи 5 йиллик ҳосил йиғиндисининг қийматига етарди.

“Янги соҳаб 25 йилдан кейин бутун қарзлардан қутулиб, ўз ер майдонининг эгасига тамомила айланарди”.

Ер учун тўлов катъий солиқ шаклида белгиланган эди, у ҳар жойда турлича эди.

Афсуски, бу янги экишчиликдан кейинчалик фақат бир бўғин: озишқ-овқат солиғи ёрдами билан ҳосилга катъий солиқ солиш танлаб олинди, лекин навбадаги қадам қўйилмади. Бу қадам деҳқон учун узоқ муддатли истиқболли - ерни унга шиллаб бераётганларнинг хусусий мулки қилиб бериш йўлини очар эди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Муҳокама учун саволлар

Иккинчи бўлимни ўқиб, жавоб беринг:

- 1 Ижара нима?
- 2 Қандай объектлар ижарага берилиши мумкинлигини шу бўлим материали асосида тушунтириб беринг.
- 3 “Ўзбекистон Республикасида ижарага бериш ҳуқуқи кимга тегишли?” мавзуида маъруза тайёрланг.
- 4 Ижарага берувчининг ижарачи билан муносабатлариши қайси ҳужжат тартибга солиб туради ва бу ҳужжатда нималар кўзда тутилган? (Бўлимда келтирилган материаллар асосида мустақил равишда шундай ҳужжат тузишга уриниб кўринг).
- 5 Қандай корхона ижара корхонаси деб аталади?
- 6 “Ижара корхонасини текшириш” ўйини шаклида мунозара ўтказинг. (Мунозаранинг мақсади: ижара корхонасининг ҳуқуқлари ва вазифаларини аниқлаш).
- 7 Қандай корхона кичик корхона деб аталади?
- 8 “Ўзбекистон Республикасида кичик корхона қандай ташкил этилиши мумкин?” мавзуида муфассал реферат тайёрланг.
- 9 Кичик бизнесни ривожлантириш нима учун зарур?

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

- 11 Хусусий тadbиркорлик нимани англатади? (Ўз жавобингизни жaхон тажрибасидан олинган мисоллар билан пухталанг).
- 11 “Ўзбекистон Республикасида хусусий корхонани қандай ташкил этиш мумкин?” мавзуида муфассал реферат тайёрланг.
- 12 “Хусусий корхона эгаси - кичик корхона эгаси” ўйини шаклида мунозара ўтказинг (Мақсад: хусусий корхона кичик корхонадан нимаси билан фарқланишини ва улардан ҳар бирининг устунлиги нимада эканлигини аниқлаш).
- 13 “Хусусий тadbиркорликни ташаббуслантириш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги роли” мавзуида маъруза тайёрланг.
- 14 Ҳиссадорлик жамияти нима?
- 13 “Ҳиссадорлик жамияти қандай ташкил этилиши мумкин” мавзуида муфассал реферат тайёрланг.
- 13 Ким ҳиссадорлик жамиятининг муассиси бўла олади?
- 13 Сиз ҳиссадорлик жамиятларининг қандай турларини биласиз ва уларнинг фарқи нимада? - шу ҳақда аниқ мисоллар асосида таҳлил ўтказинг.
- 13 Ҳиссадорлик жамиятини бошқариш тизимини таърифлаб беринг.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

- 19 “Сиз акцияларнинг қандай тоифаларини биласиз?” мавзуида жаҳон тажрибаси намуналарига асосланиб реферат тайёрланг.
- 20 “Ўзбекистон Республикасида қандай корхоналар қўшма корхоналар деб аталади ва улар бошқа корхоналардан нимаси билан фарқ қилади?” мавзуида матбуот конференцияси ўтказинг.
- 21 “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни қандай амалга оширилади?” мавзуида реферат тайёрланг.
- 22 Ўзбекистон Республикасида ер муносабатлари қандай? (матбуот материалларидан аниқ мисоллар келтиринг).

Тушунинини қийин сўзлар изоҳи

Дивидендлар - ҳиссадорлик жамияти фойдасининг (солиқлар тўланиб, барча қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейинги ҳиссадорлар ўртасида улар қўлидаги акцияларга мутаносиб тарзда тақсимланадиган қисми.

Шартнома - битишувчи томонларнинг ўзаро мажбуриятлари тўғрисидаги битим (одатда ёзма тарзда бўлади).

Ҳисса, пай ёки пай бадали - ҳуқуқий ёки жисмоний шахс шерикчилик асосида тadbиркорликка киришаётганида тўлайдиган маблағни ифодалайди. У пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа моддий қадриятлар ердан, сувдан ва бошқа табиий бой-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

ликлардан (шу жумладан, ихтиролардан фойдаланиш, “ноу-хау” фойдаланиш ҳуқуқини хўжаликни юритувчи субъектга хусусий мулк қилиб бериш йўли билан қўشилиши мумкин.

Ер кадастри - ерларнинг ҳуқуқий тартиби, уларнинг табиий ва иқтисодий ҳолати тўғрисидаги зарур ва асосли маълумотларнинг тизими. Ерга эгаллик ва ердан фойдаланишнинг, ерлар, уларнинг иқтисодий ва пул баҳосининг ҳисоб-китобини рўйхатга олиш йўли билан шакллантирилади.

Энг кам иш ҳақи - тадбиркорлар иш соати учун қонуний асосларда тўлайдиган энг кам иш ҳақи (унинг ставкаси). Ўзбекистон Республикасида Ҳукумат томонидан энг кам иш ҳақи бир ой учун белгиланади.

Менежер - компаниялар, корхоналар, банкларнинг ва шу кабиларнинг раҳбарий негизи. Кузатув ва назорат идоралари аъзоларидан фарқли равишда менежерлар ижро ҳуқуқига эга бўладилар. Менежмент - ишлаб чиқаришни бошқариш қондалари, усуллари, воситалари ва шакллариининг чатишмаси бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва энг юқори натижаларга эришиш мақсадида қўлланилади.

Тадбиркорлик - хўжаликни юритишнинг новаторона, тўрачилликка зид услуби бўлиб, унинг асоси муттасил янги имкониятларни кидириш, инновацияга интилиш, вазифани бажариш учун турли-туман манбалардан ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш маҳорати.

Фермер хўжалиги - ўз хусусий ери ёки ижарага олинган ерда тадбиркорлик тишидаги кичик хўжалик корхонаси. Оқлавиий фермер хўжаликлари соҳиб (фермер) ва унинг оила аъзолари кучи билан юрнтилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

Хусусий мулк - ўз мулкига хусусан эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини англатади. Хусусий мулк мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан, бевосита иштироки ва (ёки) ёлланма меҳнатни жалб этишга асосланган бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий шахс - алоҳида мол-мулкка эга бўлган корхона (ташкilot) бўлиб, ўз номидан мулкий ва шахсий мулкий ҳуқуқларни олиши ва масъулиятли бўлиш, судда, ҳакамлар судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Банкда ҳисоб рақамга эга бўлади, мустақил баланс юритади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

3-бўлим

Хусусийлаштириш жараёнларининг муваффақи ятида минтақавий ёки тармоқ хусусиятидаги йирик вазифаларни ҳал қилувчи бошқарув тузилмалари муҳим роль ўйнайди. Корпорациялар, ассоциациялар, холдинглар, молия-саноат гуруҳлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг энг муҳим хусусиятлари уни минтақалар ва тармоқлар бўйича синчиклаб ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йилнинг мартида “Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича давлат дастури”ни тасдиқлади.

Минтақавий (вилоят, шаҳар, туман) ва тармоқ дастурларига қўйиладиган умумий талаблар Давлат дастуридан келиб чиқади ва қўйидагилардан иборат бўлади:

- 1) Улар хусусийлаштиришнинг республика дастурининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.*
- 2) Хусусийлаштиришнинг минтақавий ва тармоқ дас-*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

турларига мажбурий тартибда атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш тадбирлари киритилади, яъни минтақага экологик зиён етказувчи корхоналар уларда муҳофаза иншоотлари барпо этилиб, ишга туширилганидан кейингина хусусийлаштирилади. Шунингдек мазкур корхона тугатилиши ва мумкин қисмларга бўлиб қимомли савдосила сотилиши ёхуд экология талаблари ҳисобга олинган ҳолда, танлов асосида сотилиши ҳам мумкин.

3) *Хусусийлаштиришнинг минтақавий ва тармоқ дастурлари асосий қоидаларини амалга ошириш қонун бўйича минтақада ёки тармоқда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун масъул бўлган бўлинмалар ва мансабдор шахсларнинг масъулият тартиби асосида оператив ва сифатли бажарилиши керак.*

Хусусийлаштиришнинг минтақавий дастурлари ҳокимликлар томонидан ҳар йили Давқўммулкнинг ҳудудий бошқармалари билан бирга ишлаб чиқилади ва:

- *бозор инфраструктурасининг янги субъектларини вужудга келтириш ва янги тимсолдаги тадбиркорларни тарбиялаш;*
- *маҳаллий бозорни товарлар ва хизматларга тўлдирish;*
- *минтақанинг турмуш таъминоти ва ҳудуд манфаатлари билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга йўналтирилмоғи керак.*

Хусусийлаштиришнинг маҳаллий дастурлари мазкур минтақанинг Ўзбекистон халқ хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий ҳусусиятини ҳисобга олиши ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштиришни амалга

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТПШ

ошириш жараёнининг ўзида мазкур минтақада яшовчи аҳолининг барча қатламлари ижтимоий муҳофазаланишига таъминлаши керак.

Хусусийлаштиришнинг маҳаллий дастурини муҳокама қилиш оммавий ўтиши, унинг лойиҳаси маҳаллий матбуот нашрларида чоп этилиши, маҳаллий радио ва телевидение орқали оммалаштирилиши зарур.

Хусусийлаштиришнинг минтакавий ва тармоқ дастурлари қайта ташкил этиладиган конкрет объектлар рўйхатини ва уларни хусусийлаштиришдан олинadиган тахминий маблағларни ўз ичига олиши зарур.

Тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш чоғида:

- мавжуд аҳволнинг сифат ва миқдор таҳлилинини ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитларидаги стратегия ва тактикани белгилаб олиш;
- давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг рўйхати;
- фаолият кўрсатиб турган ёпик турдаги хиссадорлик жамиятларининг очик турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантириш бўйича таклифларни тайёрлаш;
- хиссадорлик жамияти намунавий низомини ишлаб чиқиш, унда бошқарувнинг иқтисодий ва шартномавий усуллариغا ўтиш масалаларини назарда тутиш;
- минтақа ва умум республика шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда давлат мулкани чет эллик шериклар ва инвесторларга сотиш имкониятига алоҳида эътибор бериш кўзда тутилади.

Саноатда йирик корхоналар асосан очик турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантириб хусусийлаштирилади.

◆ **ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ** ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

Ўрта ва кичик корхоналар хусусий мулк, масъулияти чекланган жамиятга айлантириб хусусийлаштирилади ва қўшма корхоналар ташкил этиш учун чет эл инвесторларига таклиф қилинади, акциялаштирилади.

Исталган тармокни давлат тасарруфидан чиқариш концепцияси давлатдаги ҳақиқий иқтисодий аҳволни ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Шунинг учун СССРдаги (1922-1924 йиллар) ва бошқа мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий танглик (АҚШда - 1929-1932 йиллар, Германия, Франция, Японияда - 1947-1949 йиллар) тажрибасини таҳлил қилиш ҳозирги ижтимоий иқтисодий вазият хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради. Уларнинг энг муҳимлари:

- давлат мулкнинг қўплиги ва бозор муносабатларининг ривожланмаганлиги;
- улга кечиктирилган талабнинг анча катталлиги.
- ижтимоий ишлаб чиқариш ва инвестиция соҳасининг ортиқча кучланиб ривожланиши;
- инфраструктуранинг ривожланмаганлиги ва аҳоли иқтисодий-ҳуқуқий тайёргарлигининг етарли эмаслиги;
- паст турмуш даражасидир.

Буларнинг ҳаммаси қатъий иқтисодий ислохотларни тақозо этади. Товар-пул муносабалигига асосан давлат мулкнинг бир қисмини сотиш, шунингдек бюджет ва кредит сиёсатини ўзгартириш билан эришиш мумкин. Давлат самарасиз ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлашдан воз кечиш, бу билан чуқур тузилма ўзгаришлар учун шарт-шароит яратиш бериши керак.

Эркин нархлар ва ягона валюта қийматига ўтиш товар ва молия резервлари шаклланишини таъминлайди,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

барча аҳолига истеъмолнинг энг кам даражаси кафолатланади. Мулкий табақаланишни чекловчи ва ишлаб чиқариш инвестицияларини рағбатлантирувчи солиқ ислоҳоти давлат тасарруфидан чиқариш кенг тус олишидан олдинроқ амалга оширилиши керак. Ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг, шу жумладан хорижий фуқароларнинг қонун билан тақикланмаган ҳар қандай хўжалик фаолиятида тенглиги эълон қилинади. Ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг ҳеч истесносиз давлат мулки ҳисобланадиган мулк турларидан ташқари ҳар қандай мулк турига, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқи кафолатланиши эълон қилинади.


Мана шу шартлар мавжуд бўлган тақдирда тармокни қайта ташкил этиш вазифаси янада енгиллашади.

Шаклларнинг узил-кесил асословларини белгилашдан олдин тармокнинг молия-хўжалик ҳолатини баҳолаб чиқиш, яъни:

- 1) Тармок ва ҳудудий даражаларда асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг эксперт баҳосини чиқариш;
 - 2) Ноишлаб чиқариш асосий фондлари ва биринчи навбатда уй-жой фонди (ободонлаштириш ва эскириш даражаси бўйича табақалаштириб) қийматини баҳолаш;
 - 3) Тугалланмаган ишлаб чиқариш қурилишларини рўйхатдан ўтказиш;
 - 4) Моддий ва стратегик захиралар ҳажми ва таркибларини аниқлаш;
 - 5) Давлат мулкнинг бошқа турлари, аввало, енгил ва юк автотранспорти, ҳарбий мулк ва шу қабилар захираси ҳажмини аниқлаш ва баҳолаш керак.
- Шу билан бирга қирим ва чиким қарзларининг йиғи-

◆ **ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ** ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ



ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ АСОСИЙ КУЧЛАР

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

ндиси, мавжуд пул ҳажми ва таркиби, тўлов ва ташки савдо баланси, пул даромадлари ва харажатлари баланси, кредит ресурслари ҳажми ва таркиби аниқлаб чиқилади. Фақат мана шу жамияти маълумотлар асосида тармоқда давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошириш тактикасини танлаб олиш мумкин.

1.0. Тармоқ, хусусийлаштириш модули

Республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида давлат тасарруфидан чиқаришни энгиллаштириш учун ягона хусусийлаштириш тизими ёки тармоқ хусусийлаштириш модули - (ТХМ)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ТХМ икки қисмдан - асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлиналари тузилмасидан ва инфраструктура комплекси тузилмасидан иборат.

Модул тузилмаси:

- холдинг компанияси, концернлар ва бирлашмалар, алоҳида саноат-ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари;

- сервис корхоналари ва хизматлари - лойиҳа институти, ихтисослашган конструкторлик-технологик бюро, қурилиш ва автотранспорт корхоналари, тижоратчи таъминот ва тўлов компаниялари, савдо уйи, курорт-соғломлаштириш муассасалари;

- бозор инфраструктураси - тармоқ тижорат банки, суғурта компанияси, ахборот-ҳисоблаш маркази, хусусийлаштириш маркази, ташки иктисодий фирма, воситачи идоралар, менежерлар тайёрлаш ва маркетинг таълими марказидан иборат бўлади.

Тармоқ ўз ходимларига бериши лозим бўлган ижти-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАҲО ЭТИШ

мой қифолатларни ҳисобга олган ҳолда тармокнинг намунавий концептуал социотехник моделини тавсия этиш мумкин. Моделнинг айрим элементлари янглиш бўлиши мумкин.

Масалан, қандай ҳолларда ўз тармок байкини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади?

Агар энг асосий шартлардан бирига риоя қилинса, хусусан: агар тармок банки - (ташкил этилаётган банк)-нинг банк ресурслари тармок қорхоналарининг зарур кредит ресурсларга эҳтиёжга тенг ёки катта бўлса, тармокда ўз байкини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир*.

Хусусийлаштиришга сектор ёндашуви Ўзбекистонда ислохотлар ҳусусиятларининг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Хусусийлаштиришга сектор ёндашуви кимосиди савдо-

1. Низомий маблағ миддорини у, банкда маблағ билан таъминланадиган қорхоналарнинг эркин маблағини с, бошқа ҳужалик илораларининг қарзга бералган маблағларини Д деб ифодаласак, у ҳолда банк ресурслари Р қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P = Y + C + D. (1)$$

Капитал қурилиш учун тармок қорхоналарининг кредит ресурсларига эҳтиёжи К капитал харажатлар ҳажми В дан қурилаётган объектларнинг ўз манбалари И айирмасига тенг.

$$K = B - I (2)$$

Ҳом ашё ва материаллар учун кредитга эҳтиёжин қораклаш харажатларга тенг деб олсак ва уни М деб ифодаласак, у ҳолда тармокнинг кредит ресурсларига умумий эҳтиёжи K_0 қуйидагича бўлади:

$$K_0 = K + M$$

2 = формула ифодасини қуйиб;

$$K_0 = B - T + M \text{ га } (4)$$

эга бўламан.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганларга мувофиқ

$$PK_0 (5)$$

бўлганда, ўз тармок байкини ташкил этиш имконияти бўлади.

$$P \geq K_0 (6)$$

бўлган ҳолда фақат бирор қудратли тижорат банкда иштирок этишининг ўзи мақсадга мувофиқдир.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

*Тармоқ концептуал социотехник
моделининг чизими*



◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

сидан, қайта ташкил этишлардан, корхоналарнинг раҳбарлар ва ходимлар томонидан сотиб олинмишидан ва хусусийлаштиришнинг бошқа усулларидан фарқли равишда ўзига хос хусусийлаштириш усулидир. Сектор ёндашуви махсус хусусийлаштиришгача қўлланилади. У тармоқ корхоналари кимга қандай қилиб сотилишини белгилаб беради. Ҳукумат сектор ёндашувини амалга ошириш учун хусусийлаштириладиган турдош корхоналар гуруҳи (тармоқ)ни белгилайди. Кейин тахлит қилинади. У саноат таркиби, бозор, стратегия ва сиёсат билан дастлабки танишувни ўз ичига олади. Алоҳида корхоналар, уларнинг молиявий ахволи, тармоқдаги ва бозордаги роли ўрганилади.

Бу сектор хусусида етарли тасаввур ҳосил қилинганч, хусусийлаштириш ёки қайта ташкил этиш режаларини амалга ошириш бошланади. Бу сектор ичидаги ҳар бир компания ҳолатларига тўғри келади. Сектор ёндашуви тизимли услуб бўлиб, у тўғри амалга оширилган тақдирда ҳам давлат, ҳам потенциал маҳаллий ва хорижий инвесторлар манфаатларига хизмат қилади. Жамики саноат сектори маҳаллий ва халқаро нуқтаи назардан бир бутун сифатида қаралган тақдирда, қуйидаги босқичлар ва айрим корхоналар учун энг яхши йўллар янада аниқроқ кўринади. Масалан, хорижий инвесторлар бўлган ҳолларда айрим корхоналар халқаро танлов олди-соғдисига тақдим этилади. Бу секторнинг меҳнат жамоаси мулки қилиб ўзгартиришга кўпроқ қўл келадиган бошқа корхонаси иш чикимга амал қилади. Хусусийлаштириш ўтказилгунича қайта ташкил этишга муҳтож корхона қайта ташкил этилади.

Бошқа тармоқни давлат тасарруфидан чиқариш концепцияси давлатдаги иктисодиётнинг ҳақиқий ахволи ва

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

ўз хусусияти ҳисобга олинган ҳолда сектор ёндашуви асосида ишлаб чиқишти керак

2.0 Корпорациялар (ассоциациялар).

Корпорация - ҳиссадорлик жамияти ёки ҳиссадорлар бирлашмаси кўрипишидаги ҳуқуқий шахс шакли. У чиқарилган акциялар қиймати билан чекланган мажбуриятлар бўйича масъулиятли бўлади, ўз номидан товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларни бажариш, контрактлар тузиш, қарз олиш ёки бериш, бошқа ҳар қандай фуқаролик ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Масъулиятнинг чекланганлигидан ташқари фойдаланган тўланадиган солиқнинг энг юқори ставкаси, қўш солиқ солиниши (фойдаланган ҳам, акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар учун ҳам солиқ тўланади), оддий кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилиш, ҳиссадорнинг ҳиссалар жамғармасидаги ўз ҳиссасини тасарруф этишдаги эркинлиги корпорация учун хосдир.

Корпорация фаолиятини таъминлаш учун корпорация муассисларининг пул бадаллари ҳисобидан низомий жамғарма барпо этилади. Бадаллар корпорация рўйхатдан ўтганидан кейинги 10 кунлик муддат ичида йиғилади. Жамғарма камида 200 энг кам маош миқдорига белгиланган.

Муассис бадали низомий жамғармага қўйилганидан кейин корпорацияга гувоҳнома берилади, у қимматбахо қоғозлар сирасига кирмайди. Корпорация муассисларнинг қўшимча бадалларини жалб этиш, давлатнинг тармоқдаги хусусийлаштирилаётган корхоналарининг акциялари бўйича тўловлар учун мўлжалланган дивидендлар, шунингдек акция чиқариш орқали низомий жамғармани қўнайтириб бориш ҳуқуқига эга.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

Куйидагилар корпорация мулкани шаклантиришнинг бошқа манбалари ҳисобланади:

- корпорациянинг ишлаб чиқариш-хўжалик, илмий-техник ва тижорат фаолиятидан тушадиган даромадлар;
- банкларнинг кредитлари ва бошқа кредитлар ёки қарзга берилган маблағлар;
- капитал маблағлар, бюджетдан дотациялар, тскин бериладиган ва ҳайрия бадаллари, ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларнинг ионалари, шунингдек айирбонлаш ва совға қилиш йўли билан олинган мол-мулк;
- акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлар;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бўлак манбалар.

Корпорация томонидан унинг хўжалик фаолияти натижасида олинган хўжалик ҳисобидаги даромад (фойда)дан амалдаги қонунларга биноан солиқ тўланади ва бу даромаддан корпорация фондларини барпо этиш ҳамда дивидендлар ажратишда фойдаланилади.

Корпорация тасарруфида қоладиган хўжалик ҳисобидаги соф фойда эҳтиёт фондини, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондини, ижтимоий ривожлантириш фондини, истеъмол фондини, валюта фондини, корпорация фаолияти самарадорлигини оширувчи бошқа фондларни барпо этишга сарфланади.

Жамғармалар корпорациянинг тўла тасарруфида бўлади.

Низомий вазифаларини бажариш учун корпорация:

- Ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАҲ ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

- Корпорация кенгаши тасдиқлаган тартибга биноан даромадларни жамғармалар бўйича тақсимлайди;
- амалдаги қонунларга мувофиқ корпорациядаги меҳнат муносабатларини тартибга солади;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг усуллари, тизими ва ҳажмини, ходимларни қабул қилиш ва бўшатиш қоидаларини, меҳнат ва дам олиш тартибини мустақил белгилайди;
- бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисоботини белгиланган тартибда юритади.
- *Ўзбекистон Республикасида, МДҲ мамлакатларида ва хорижда республика ва хорижий корхоналар, ташкилотлар ҳамда хусусий шахслар билан ҳар турли битишувлар ва бошқа ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни амалга оширади;*
- ўзининг хўжалик ҳисобидаги ва бундай бўлмаган тузилмалари (идоралар, корхоналар, бўлимлар, хизматлар, филиаллар ва ваколатхоналар)ни ташкил этади ва тугатади, шунингдек давлатнинг корпорация таркибига кирувчи корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларини қонунларга биноан тугатади ва қайта ташкил этади;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади;
- қимматбаҳо қозғалар чиқаради.
- барча молия ва кредит ресурсларининг ҳисобот даври учун қабул қилинган иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичлари билан муносабатини таъминлайди;
- корхоналарнинг ажратмалари ҳисобидан захира жамғармасини ташкил этади, унинг маблағларини ишлаб чиқариш, илмий-техника ва ижтимоий ху-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

сусиятидаги тадбирларни амалга оширишга (тасдиқланган сметага биноан) йўналтиради.

- * кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил этади. Бунда мазкур жамғарма маблағларидан ижтимоий соҳа объектларини қайта тиклаш, техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва қуриш паст рентабелли корхоналарга беминнат ёрдам кўрсатиш билан боглик ҳаражатларни маблағ билан таъминлашда фойдаланилади. Бу жамғарманинг фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва келгуси йилга ўтади;
- * кредит беришнинг асосий қоидаларига каттик риоя қилинган ҳолда берилган банк қарзларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўмаклашади;
- * низомий вазифаларини амалга ошириш учун кўшимча молиявий маблағлар жалб қилиш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ўз акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини чиқариб, уларни корпорация корхоналарининг меҳнат жамоалари орасида сотади.

Корпорация муассисларнинг бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва маҳсулотини сотиш соҳасида:

- * тўғридан тўғри хўжалик алоқаларини, улгуржи савдони ривожлантириш асосида ва Ўзбекистон Республикаси биржалари орқали бу вазифанинг ҳал этилишига кўмаклашади. Давлат эҳтиёжи учун буюртмаларнинг моддий-техника таъминоти корпорация томонидан лимитлар ва фондлар бўйича

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

марказлаштирилган тартибда тақсимланадиган ресурслар ҳисобидан амалга оширади;

- * корхоналарнинг истеъмолчилар билан тўғридан тўғри олиб борадиган савдосини ривожлантиришга қўмаклашади, фирма савдосини, маҳсулот сотиш ва харид қилишнинг бошқа илғор усулларини ташкил этади.

Муассисларнинг ташқи иқтисодий алоқалари соҳасида корпорация:

- * корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этади;
- * чет эл мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва валюта-молия алоқаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тadbирларини амалга оширади;
- * четга мол чиқариш имкониятини кенгайтириш ва ташқи бозорда рақобатга бардошли маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтириш валюта маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш тadbирларини кўзда тутди; Ишлаб чиқаришни халқаро кооперациялашни кенг ривож топтириш юзасидан тadbирлар қабул қилади, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар барпо этади, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этади;

- * Муассислар билан шартнома асосларида уларнинг қўлидаги маблағлари, валюта ажратмалари фондларини бирлаштириб, биргаликда машиналар, ускуналар, материаллар ва бошқа товарлар сотиб олиш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва бошқа ишлар ўтказиш учун марказлашган ва-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДА ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

люта фондини хосил килади, ўзаро фойдали асосларда бу фонд маблагларини бошқа корхоналар, идоралар ва банкларга бериб туришни амалга оширади;

- корхоналарнинг махсулотларини четга чиқаришга кўмаклашади, тайёрланаётган товарлар билан валюта савдосини ташкил этади.

Мехнат ва муассисларнинг бирлашмалари, корхоналари ҳамда ташкилотларини ижтимоий ривожлантириш соҳасида корпорация:

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ягона тизимини вужудга келтиради, касблар бўйича таълимни иқтисодий билим бериш билан уйғунлаштиришни таъминлайди, ўқув комбинатлари, курслари ва марказлар, меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиш мактабларини ташкил этади;
- корхоналар раҳбар кадрлари резервини вужудга келтириш, тайёрлаш ва фойдаланиш тадбирларини амалга оширади, уларни аттестациядан ўтказиши;
- ходимлар, айниқса, хотин-қизлар меҳнатини яхшилаш, оғир жисмоний, зерикарли ва малакасиз меҳнатни қисқартириш ва тугатиш бўйича корхоналар ишини ташкил этади ҳамда марказлаштиради;
- корхоналарда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш шартлари тўғри қўлланилишини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янада самаралироқ усул ва тизимлари жорий этилишини назорат қилади;
- давлат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари раҳбарларини ёллаш (контракт асосда) ва

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

бўшатишни амалга оширади, корхона раҳбарининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулиятини, унинг моддий таъминоти шароитларини ҳамда амалдаги қонушларда кўзда тутилган кафолотларни, ёллашнинг бошқа шартларини ҳисобга олган ҳолда эгаллаб турган вазифасидан бўшатишни амалга оширади.

- заруратта қараб шартнома асосида корхоналар учун умумий ёрдамчи хўжаликлар, ходимларга пулти хизмат кўрсатишни, бирлашган тиббий-санитария қисми ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектларини ташкил этади, кооперативларни, фуқароларнинг яққа тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади.

Табиат муҳофазаси соҳасида (муассислар билан ҳамкорликда) корпорация:

- табиий бойликлардан комплекс фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- корхоналарни кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларида табиатни муҳофазалаш иншоотларини ҳамда ускуналарини кўзда тутади;
- улар самарали ишлатилишини таъминлайди;
- чиқиндисиз технологик жараёнларни ишлаб чиқади ва жорий этади, бунда иккиламчи ресурслардан кенг фойдаланади.

Муассисларнинг бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларида ҳисоб-китоб ва назорат соҳасида корпорация:

- давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва хўжа-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

лик фаолияти устидан назоратни амалга оширади, пул маблағлари ва моддий кадриятлар сақла-нишининг тафтиши ва тахтилини ўтказди;

- белгиланган тартибда барча корхоналар, бирлаш-малар ва ташкилотлардан статистика ва бухгалтерия ҳисоботларини олади, ҳисоб-китоб ва ҳисобот-лар тўғри юритилиши ва ишонарли бўлиши ус-тидан назоратни амалга оширади;
- замонавий техникадан фойдаланиб, ҳисоб-китоб-нинг илғор услубларини жорий этиш тадбирлари-ни амалга оширади, конунларга риоя этилиши, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар ўз вақтида, сифат-ли бажарилиши учун ҳуқуқий, бухгалтерия ва бошқа функционал хизматлар роли ҳамда масъу-лиятини оширади.

Ассоциациялар ҳам шу сингари вазифаларни бажара-дилар. Корпорациялардан фарқли равишда ассоциация-лар хўжаликни юритувчи субъектларнинг ихтиёрий бир-лашмалари бўлиши мумкин. Бу субъектлар бирлашиб, ўз ҳуқуқлари ва вазифаларининг бир қисмини ижроия идо-раларига топширадилар ҳамда шу ижроия идорасини сақлаб туриш учун зарур маблағлар ажратадилар.

Ассоциациялар фойда олишни ўзига мақсад қилиб қўймаган жамоат ташкилотлари тарикасида бўлиши мумкин. Ўз аъзоларининг манфаатларини ҳуқуқий жиҳ-атдан муҳофаза қилиш, давлат ва конунчилик идорала-рида уларнинг манфаатларини ифодалаш, уларнинг хўжалик фаолияти учун маслаҳат хизматларини ташкил этиш, бозордаги хатти-ҳаракатнинг умумий йўлини иш-лаб чиқиш ва келишиб олиш ассоциацияларнинг бош вазифалари ҳисобланади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

3.0. Концернлар

Концерн корхоналарни хўжаликни тўла бошқариш ҳуқуқлари асосида бирлаштиради, концерн таркибига кирувчи давлат корхоналарига нисбатан юқори идора вазифасини бажаради, буида хўжалик иқтисодий усуллар билан юритилишини таъминлайди, бозор муносабатларида марказлаштирилган раҳбарликни бошқарувни демократиялаш, концерн манфаатларини меҳнат жамоалари манфаатлари билан уйғушлаштиришни таъминлайди, муассислар олдида ўзига берилган вазифаларни бажариш бўйича масъулиятли бўлади.

Конкрет ҳуқуқий шахс ҳисобланади, умумлашма балансга, рўйхатга олинган фирма рамзи, ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида ўз номи туширилган юмалоқ муҳр ва фирма белгиси, штамп, фирма қозғалари ва бошқа реқвизитларга эга бўлади. Давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб концерн ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади ва фирма номидан ҳаракат қилади. Ўзбекистонда амалда бўлган қонунлар доирасида концерн хўжалик қарорларини қабул қилишда, маҳсулот сотишда, меҳнатга ҳақ тўлашда, соф фойдани тақсимлашда тўла хўжалик мустақиллигига эга, ўз мажбуриятлари бўйича тўла хўжалик тасарруфи ҳуқуқларида ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Бу мулкка қонун бўйича жарима солиниши мумкин. Концерн ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Концерн ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”, “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, фармойиш-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

лари ва кўрсатмалари, Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилган ҳолда рўёбга чиқаради. Концернлар кўпинча корхоналарни ҳудудий белгилари бўйича бирлаштиради. Ташкилий усулларга боғлиқ ҳолда концернлар ҳиссадорлик жамиятининг каттиқ усулидир, зеро улар турли мулкчилик шаклларидаги ҳиссадорлик компаниялари ва корхоналарни бирлаштирадилар.

Концернлар кўп ҳолларда корпорацияларга ҳос ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва уларга ҳос вазифаларни бажарадилар. Давлат ўзининг концернлар таркибига кирувчи корхоналарини, ёхуд давлатга тегишли акцияларни бошқариш ҳуқуқини концернларга бериши мумкин.

4.0. Холдинглар

Корпорациялар, ассоциациялар, концернларга кирувчи ёки давлат бошқарув идоралари ҳамда маҳаллий маъмурият тасарруфида бўлган корхоналар, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахслар томонидан ҳиссадорлик (пай) асосида ташкил этилган турдош корхоналарнинг кооперация даражасини кўтариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ўз маблағларини кўнгилли равишда бирлаштирган ташкилот холдинг компанияси (холдинг) ҳисобланади.

Холдинг компанияси уларнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми ўсиши, ишлаб чиқариш ва халқ истеъмоли буюмлари сотиш кўпайишини, моддий, молия, меҳнат ва ресурсларнинг бошқа турларидан самарали фойдаланишни, мавжуд имкониятларни уларнинг техника-технологик ва социал ривожланиши йўлида ишга солишни таъминлайди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

Холдинг компаниясининг фаолияти фойда (даромад) олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадларида корхоналар билан тижорат-воситачи ва шартнома асосларида амалга оширилади.

Холдинглар ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”, “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”, “Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги Қонунлари, Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари асосида иш юритади.

Холдинг компанияси ҳукумат розилиги билан, турдош корхоналар кооперациясига ва улар келишилган инвестиция сиёсатини амалга оширишларига қўмаклашиш учун антимонополия сиёсати ҳисобга олиниб, янги иқтисодий тузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилади. Холдинг ёки унинг тармоқ корхоналаридан бирортасига холдинг компанияси тармоқ корхоналарининг маҳсулотини (ишлари, хизматлари, экспорт операцияларидан ташқари) учинчи шахсларга сотишга бўлган ҳуқуқлари берилишига, шунингдек кўрсатилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархи холдинг томонидан бирор уеудда бошқарилишига йўл қўйилмайди.

Холдинглар, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқариш чоғида юзага келадиганлари ҳам, Ўзбекистон Республикаси антимонополия идораси рухсати билан ташкил этилади. У ёки бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни монополиялаштиришга олиб келадиган бўлса, холдинглар тузилишига йўл қўйилмайди.

Агар холдинг ўхшаш ёки бири бирининг ўрнини боса оладиган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) гуруҳи бўйича яқка ўзи эгаллик қилиши эътироф этилса ва

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

шу гуруҳ бўйича монопөл қорхоналар реестрига қўшилган бўлиб, нархларни тикиштириш орқали бозорда ўзининг устун ҳолатини ишга солса, унга ва унинг кўрсатишган гуруҳга мансуб маҳсулотларни ишлаб чиқараётган тармоқ қорхоналарига нисбатан антимонополия қонунинида кўзда тутилган жазо қоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ монополист тоифасига киритилган, муайян гуруҳдаги бир хил ва бири бирининг ўрнини босадиган маҳсулотлар бозоридаги янши ҳиссаси антимонополия идораси белгиланган даражадан юқори бўлиб, мустикал равишда ёки тармоқ қорхоналари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, товарларнинг айланиш шарт-шароитларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш имконини берса, бошқа хўжалиқ субъектларининг бозорга киришини қийинлаштириб, бу билим истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зиён етказса, ҳолдинг ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш мақсадларида антимонополия идораси иқтисодиётнинг ҳолдинглар ташкил этилишига йўл қўйилмайдиган бошқа секторларини ҳам белгилаб қўйиши мумкин.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, сотиб олиш ва ижарага беришга йўл қўйилмайдиган ёки чекловга эга бўлган давлат қорхоналари ва мол-мулки асосида, бу чекловлар бекор қилинмагунича, ҳолдинглар ташкил этилишига руҳсат берилмайди.

Ҳолдинг компанияси қорхоналар ўртасида воситачи, моддий-техника ресурсларини сотиб олувчи, турдош қорхоналарнинг кооперацияланиш ва улар ишлаб чиқара-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

риш фаолиятининг балансланиш даражасини оширишга қаратилган таклифлар ва дастурларни ишлаб чикувчи сифатида намоён бўлиши, етишмаслиги холдингнинг ишгирокчи-корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини сусайтириб турган ишлаб чиқариш-технологик маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ҳиссадорлик жамиятлари таъсис этилиши, бунда мазкур ҳиссадорлик жамиятлари акцияларининг назорат пакетларини олиши мумкин.

Холдинг ёки ёрдамчи компаниялари бошқа ҳиссадорлик жамиятларини вужудга келтирувчи ёки бошқа ҳиссадорлик жамиятлари акцияларининг пакетига эгаллик қилувчи муассасалар туридир.

Жаҳонда сармоя бозори ғоят ривожланганлиги туфайли ўзга жамиятларнинг акцияларини тасарруф этиш ҳар қандай корхона учун одатдаги ҳол. Шунинг учун активлари устун даражада бошқа жамиятларнинг акцияларидан иборат бўлган жамиятлар холдинг компаниялари деб юритилади, бу ҳол уларга акциясига эга бўлган бошқа жамиятларни бошқариш имконини беради. Замонавий ҳиссадорлик компаниялари ўз фаолиятларида уларнинг ҳосила ва тармок компаниялари сингари шакллари билан чамбарчас боғланган.

Акцияларининг назорат пакетлари холдинг активлари таркибига кирувчи корхоналар шубҳа корхоналари ҳисобланадилар. Улар мустақил ҳуқуқий шахслар ҳисобланадилар ва очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари шаклида ташкил этиладилар. *Бир корхона иккинчисини ўз таркибига олишини, шунингдек бошқа корхоналарнинг бирлашиши (қўшилиши, бирикиши)ни чеклашлар ва чеклаш шартлари антимонополия идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонуналарида белгиланган тартибда изга солиб борилади.*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУСЛАДАН ЧИКАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

Холдинг амалдаги қонунларга биноан инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан ҳар қандай қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқига эга. Шубҳа корхоналари унинг ҳолдингга тегишли акциялари пакетининг салмоғидан қатъи назар, бирор бир шаклда ҳолдинг акцияларига, шу жумладан гаров ва траст (омонат мулк) усулида эгаллик қила олмайдилар.

Ривожланган бозор тизимига эга бўлган мамлакатларда ҳолдинг компаниялари иштироклар тизими деб номланувчи муҳим бўғин сифатида намоён бўлиб, унинг ёрдамида молиячилар ҳолдинг компаниясининг ўз мулкидан кўп маротаба ортиқ сармояга эга бўлган расман мустақил компанияларни ўзларига бўйсундириб оладилар.

Сиртдан қараганда, ҳолдингларнинг фаолияти фақат акциялар пакетини бошқариш ва биржа операцияларидан дивидент ҳамда даромад тўплангандан иборат бўлиб кўринади. Амалда эса, ҳолдинглар бирор бир компания акцияларининг назорат пакетини эгаллаб олиб, ўз назоратлари остига тушиб қолган компаниянинг бошқаруви-га, директорлар кенгашига ва бошқа идораларига ўз одамларини тайинлаш имконини қўлга киритадилар.

Бошқа компаниялар устидан ўз назоратларини ўрнатиш учун ҳолдинглар акцияларнинг овоз ҳуқуқини берувчи оддий ва имтиёзли, лекин овоз ҳуқуқини бермайдиган турларига бўлинишидан фойдаланадилар. Акцияларнинг табақаланиши ёрдами билан ҳолдинглар унчалик катта маблағ сарфламасдан туриб ўз маблағларидан ўнлаб маротаба кўп капитални назорат қилиш имкониятини қўлга киритади. Унинг амал қилиш усули шундай: ҳолдинг-компания биржа орқали овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлган акцияларини сотади. Овоз

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРНИ БАРПО ЭТИШ

хукуки бўлган акциялар эса шу компаниядан манфаатдор шахсларга сотилиб, шунингдек компанияга қўшимча овоз зарур бўлиб қолиши эҳтимоли кўзда тутилиб, қисман эҳтиётлаб қўйилади. Имтиёзли акцияларни сотиш йўли билан жамғарилган капитални холдинг - компания ўзи устидан назорат ўрнатишни мўлжаллаётган фирмаларнинг акцияларига жойлаштиради, холдинг-компаниянинг ўзи бўлса, табиийки, овоз хукуқини берувчи акцияларни сотиб олади. Бу холдингта унчалик кўп бўлмаган хусусий капитал ёрдами билан хийла кўп капитали бўлган қарам фирмаларнинг фаолияти устидан назорат хукуқини эгаллашга кўмаклашади.

Ҳозирги пайтда холдинглар Ғарб иқтисодиётида ҳар қандай йирик корпорациянинг молиявий ва ақлий марказидир. Компанияни ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда ривожлантиришга тааллуқли жамики стратегик қарорлар шу компания холдингига қирувчи шахслар, яъни унинг асосий ҳиссадорлари томонидан қабул қилинади. Амалда бошқа компаниялар капитали ва уларни бошқаришда иштираётган бўлак асосий фаолияти бўлмаган молиявий холдинг-компаниялар ва яна ишлаб чиқариш соҳасида ҳам банд бўлган холдинг-компаниялар мавжуд.

Капиталининг 50 фоизидан кўпроғини бошқа эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозлари ва бўлак молиявий активлар ташкил этувчи холдинглар молиявий холдинг ҳисобланади. Молиявий холдингнинг активлари таркибига фақат қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа молиявий активлар, шунингдек бошқарув аппарати иш юритишнинг таъминлаш учун бевосита керакли мол-мулк кириши мумкин. Тасис этиш чоғидаги активларининг таркиби шу талабга жавоб бермайдиган холдинг давлат рўйхати-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

дан ўтганидан кейинги бир йил мобайнида уни тўлдириш ёхуд кимматбаҳо қоғозлар ва бўлак молия активларининг холдинг капиталидаги ҳиссасини 50 фоиздан ошмайдиган даражага тушириш учун зарур хатти-харакатларни амалга ошириши керак. Маана шу талабни бажармаслик шу холдинг акциялар эмиссияси проспектини рўйхатта олган идора такдими асосида ҳўжатик суди томонидан уни тутатиш тўғрисида қарор қабул қилинишига асос бўлади. Молиявий холдинглар фақат инвестиция фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиб, улар бошқа фаолият турлари билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Молиявий холдинг шўба қорхоналарининг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига аралаштириш ҳуқуқига эга эмас. Молиявий холдинг вакиллари фақат шўба қорхоналари ҳиссадорларининг йиғилишларида иштирок этишлари мумкин. Молиявий холдинг вакиллари шўба қорхоналари кузатув қенгашига, бошқаруви ва бўлак раҳбарлик идораларига киритилишига йўл қўйилмайди. Молиявий холдинг ўзига тегишли акциялар билан кимматбаҳо қоғозлар бозорида (фонд биржасида)гина битишувларни амалга ошира олади. Белгиланган тартибда фонд биржасида рўйхатта олинмаган акциялар билан муомалага киришиш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Холдинглар:

- йирик қорхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида уларнинг таркибидан бўлинмаларнинг ҳуқуқий мустақил (шўба) қорхоналари сифатида ажралиб чиқиш йўли билан;
- ҳуқуқий мустақил қорхоналар акциялари пакетларини бирлаштириш чоғида;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

- янги хиссадорлик жамиятларини таъсис этиш дав-
рида ташкил қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида корхоналарни давлат та-
сарруфидан чиқариш чоғида холдинглар ташкил этиш
тўғрисидаги таклифлар давлат мулкани бошқариш вако-
лати берилган идорага (Давмулкқўм ва унинг ҳудудий
бўлинмалари) қонунда кўзда тутилган тартибда кирити-
лади. Таклифлар ўз ичига:

- холдинг ташкил этиш зарурияти, фаолиятининг
мақсад ва вазифалари асословини;
- тузилаётган холдинг компаниясига киритиш учун
таклиф қилинаётган корхоналар (бўлинмалар)
рўйхатини;
- кўрсатилган корхоналар (бўлинмалар) томонидан
ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг уларнинг
умумий ҳажмидаги салмоғи тўғрисидаги маълум-
отни;
- холдингининг унинг бошқарув идоралари ваколати,
холдингининг шўъба корхоналари билан ўзаро
ҳамкорлиги механизмини белгилаб берувчи таъ-
сис ҳужжатларининг лойиҳаларини ўз ичига ола-
ди.

Давлат мулкани бошқариш учун вакил қилинган идо-
ралар, шунингдек ўз маблағларини пай, ҳисса, акциялар
кўринишида жойлаштириш истагини билдирган нодав-
лат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар қайта ташкил эти-
лаётган ва давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхона-
лар замирида холдинг таъсисчилари бўла оладилар. Хол-
динглар ва (ёки) юқорида кўрсатилган идоралар ҳамда
шахслар давлат тасарруфидан чиқарилаётган шўъба кор-
хоналарнинг муассислари ҳисобланадилар. Тузиш чоғи-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

да, шунингдек, конунларга биноан харидорлар томонидан эътироф этилган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳам холдинглар ва уларнинг шўба корхоналари ишгирокчилари қаторига қира олдилар.

Йирик корхонани унинг таркибидан бўлинмалар ҳуқуқий мустақил (шўба) корхоналари сифатида ажралиб чиққан ҳолда қайта ташкил этиш ва давлат тасарруфидан чиқариш тартибида холдинг барпо этиш масаласини кўриб чиқиш чоғида давлат мулкни бошқаришга ваколатли идоралар:

- антимонополия идора рухсатини оладилар;
- меҳнат жамоаларининг корхона таркибидан чиқиш тўғрисидаги қарори ва уларнинг бўлинмаларни холдингнинг шўба корхоналарига айлантиришга розиликтарини ҳисобга оладилар;
- бутун корхона ёки ажралиб чиқаётган бўлинмалар низомий маблағларини ошириш мақсадга мувофиқлигини баҳолайдилар, зарурият туғилса, уларни холдинг ишгирокчилари қаторига киритиш учун четки потенциал инвесторлар ўртасида танлов ўтказадилар.

Бир-бирлари билан иштирок этиш тизими орқали боғланиб кетган ҳиссадорлик компанияси кўринишида мавжуд бўлган фирма-диверсифицирлашган концерн замонавий капиталистик иқтисодиётнинг асосий иштирокчисидир. Табиийки, бундай кўп тармоқли тизимида қандайдир батартиблилик ва бошқарувчанликка эришиш учун молиявий негиз, марказ керак, бунинг ролида холдинг-компания намоён бўлади.

Бундай компанияларга, қоида тариқасида, молия жамиятлари (умумий молиявий раҳбарликни амалга оши-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

рувчи, ҳиссадорлик портфелларининг эгалари - “соф” холдинглар ва субхолдинглар). ишлаб чиқариш - молия гуруҳлари (фақат молиявий назорат эмас, балки ўз ишлаб чиқариш фаолиятини ҳам амалга оширувчи “аралаш” холдинглар) ва, ниҳоят, бевосита ишлаб чиқариш-харид фаолияти билан банд бўлган ҳиссадорлик компанияларининг ўзлари кирадилар.

Нима учун холдинг компанияси концерн тузилмасига узвий чапишиб кетади? Гап шундаки, йирик корпорациянинг ташкилий тузилишидаги марказий тамойил - алоҳида бўлинмаларнинг тижорат фаолиятида ўзини ўзи ифода қилиш мустақиллигининг кучайишидан иборат. Бир қатор ҳолларда ташкил этувчи холдинг компания шўба корхоналари акцияларининг назорат пакетига эга бўлган холдинг унинг бизнесига дастлабки инвестицияни амалга оширади, кейин олинган фойдаларнинг ишлатилишига раҳбарлик қилади. Бундай бўгинлар фаолиятининг бўлак пакетлари ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга асосланади ва бутун корпорациянинг тижорат операцияларидан мустақилдир.

Кейинги йилларда жаҳоннинг энг йирик компаниялари, айниқса Америка компаниялари, рақобатчилик курашида ички компаниянинг таваккалчилик (венчур) бўлимини тузиш тажрибасидан фойдаланмоқдалар. Бунда улар мутлақо янги технологиядан, техник ва ташкилий-бошқарув янгиликларидан фойдаланадилар. Бундай дангалчилик фирмасини биринчилардан бўлиб “Женерал моторз” ташкил этди. Унинг “Сатурн” бўлинмаси технологиянинг янги турлари асосида автомобилнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек ишлаб чиқаришни ўз зиммасига дангал олди.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

Маълумотнома

*Агрофирмани бошқариш намунавий
таркибининг чизими*



◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРИО ЭТИШ

5.0. Агрофирмалар

Агрофирманинг асосий вазифалари:

- туман қишлоқ хўжалик мажмуининг ривожини мувозанатлашни таъминлаш, агрофирма таркибига кирувчи пахтакор ва бошқа хўжаликлар, қайта ишлаш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- маркетингни ташкил этиш, бозордаги аҳволни ўрганиш ва хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларга етиштирилган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш;
- давлат ресурсларига пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш;
- ишлаб чиқаришнинг илмий-техника даражасини ошириш, жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, моддий-техника ресурсларининг рақобатчил бозорларини яратиш;
- хўжаликлар ва бошқа корхоналарга инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашишдан иборат.

Агрофирма ҳуқуқий шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа рақамларга, ўз номи ёзилган юмалоқ муҳрга ва штампга эга бўлади.

Давлат буюртмасини бажариш ҳисобига пахта ёки ғалла давлат ресурсларига амалдаги тартибларга биноан чекланган нархларда етказиб берилади, қолган қисми эса - шартнома нархларида қабул пунктларига топширилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа ҳамма турлари етиштирувчилар томонидан талаб ва таклиф нисбатидан келиб чикиб таркиб топган нархларда мустақил равишда ва уларнинг тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналари манзилгоҳи қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, ўзаро шартномаларига биноан сотилади.

Агрофирма унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг, корхоналар ва ташкилотлар - агрофирманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

Агрофирма фаолиятини бошқариш агрофирма тўғрисидаги Низомга биноан амалга оширилади. Агрофирма кенгаши унинг олий органи ҳисобланади. Кенгаш мажлислари оралиғида унинг бошқаруви агрофирма фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Бошқарув ижроия девонига эга бўлади.

Агрофирма кенгаши корхоналар ва ташкилотлар вакилларидан иборат бўлади ва куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- агрофирма тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди, унга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритади.
- агрофирма бошқаруви таркибини, унинг ваколатларини ва иш олиб бориш муддагларини белгилайди;
- Кенгаш ва бошқарув раисини сайлайди, уларни юклатилган вазифадан бўшатади, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди;
- корхоналар ва ташкилотларни агрофирма таркибига қабул қилиш ва ундан чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилади;
- агрофирма ишининг йиллик яқунларини, ишлаб

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ШАВҚАТ ТАСАРРУСИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш марказлаштирилган жамғармаларининг ҳаражатлар сметасини кўриб чиқади, ривожланишнинг тавсия этиладиган режаларини қабул қилади ва марказлаштирилган жамғармалардан фойдаланиш ҳисоботларни тасдиқлайди.

Кенгаш заруриятига қараб, лекин ҳар чорақда камида бир марта йиғилади. Кенгаш аъзоларнинг тўртдан уч қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатга эга бўлади. Кенгаш қарорлари йиғилган аъзоларнинг абсолют кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кенгаш раиси агрофирма таркибига кирувчи корхоналар раҳбарларидан сайланади. Кенгаш раиси аynи пайтда тегишли корхона раҳбарлигини ҳам ўзида сақлаб қолади.

Агрофирма бошқаруви:

- шартномалар тузилишини ташкил этади;
- хўжаликлар ва корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлашга, рақобат муҳитига уларнинг мослашувига қўмаклашади;
- ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги маҳсулот ҳамда хизматларга нархлар ва тарифларни мувофиқлаштириш масалаларини ҳал қилади.

Ижроия девони Кенгаш ва бошқарув қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича кундалик ишларни амалга оширади. У Кенгаш ўзига юклаган ҳуқуқлар ва вазифалар доирасида фаолият кўрсатади.

Бошқарув раисини Кенгаш тайинлайди. У агрофирма ижроия девонининг раҳбари ҳам ҳисобланади.

Йилда бир марта агрофирма фаолиятининг тафтиши ўтказилиб, натижалари Кенгашга маълум қилинади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

6.0. Молия-саноат гуруҳи

Молия-саноат гуруҳи кредит-молия ва инвестиция муассасалари, корхоналар бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг ҳўжалик ассоциацияси бўлиб, фойда олиш мақсадларини кўзлаб маблағларни бирлаштириш асосида фаолият кўрсатади.

Молия-ҳўжалик гуруҳларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта тузилиши ва тўғатилиши Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўтрисида”, “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўтрисида”ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан тартибга солинади.

Мулкчилик туридан қатъи назар, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар, шунингдек кредит-молия ва бўлак муассасалар, инвестиция муассасалари, ташкилотлари, шу жумладан хорижий ташкилотлар молия-саноат гуруҳининг иштирокчилари бўла оладилар. Унга кириши мумкин бўлган тижорат банкларининг миқдори чекланмайди. Бунда уларнинг молия-саноат гуруҳи низомий жамғармасидаги умумий мулки бу жамғарманинг 10 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

Молиясаноат гуруҳлари:

- унинг иштирокчилари томонидан ихтиёрий тартибда ёки гуруҳ иштирокчиларидаги бири томонидан сотиб олинadиган бошқа иштирокчилар акциялари пакетини жамлаш йўли билан;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича;
- ҳукуматлараро битимлар асосида ташкил этилади.

Молия-саноат гуруҳларини ихтиёрий тартибда ёки акциялар пакетларини бирлаштириш тартибида шакллантириш:

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРУУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

- *гуруҳ иштирокчилари томонидан очик ёки ёпик турдаги хиссадорлик жамиятлари, шунингдек холдингларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган тартибда таъсис этиш;*
- *гуруҳ иштирокчилари томонидан гуруҳга кирувчи корхоналар ва молия-кредит муассасаларининг ўз тасарруфларида бўлган акциялар пакетларини гуруҳнинг иштирокчиларидан бирита ишончли бошқарув учун бериб қўйиш;*
- *гуруҳ катнашчиларидан бирининг гуруҳ иштирокчиларига айланувчи бошқа корхоналар, шунингдек муассасалар ва ташкилотлар акциялари пакетларини сотиб олиши йўли билан амалпа оширилади.*

Давлатга тегишли акциялар пакетларининг миқдори, давлатга тегишли акциялар пакетини ишончли бошқарувга бериш, ёки сотиб олиш молия-саноат гуруҳи шаклланишига олиб келувчи давлат мулки бўлган акциялар пакетининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан антимонополия қонунларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан молия-саноат гуруҳини шакллантириш чоғида:

- *низомий жамғармаларида давлат мулкининг, шунингдек жамоат бирлашмалари, хайрия ва бошқа жамоат жамғармалари ва уларнинг корхоналари ҳиссаси 15 фоиздан ортиқ бўлган корхонага акцияларни ишончли бошқарувга бериш ёки акцияларни сотиб олишига;*
- *молия-хўжалик гуруҳи иштирокчилари томонидан таркибидаги давлат мулки ҳиссаси 50 фоиздан*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ АСОСЛАРИДАН ЧИҚАРИШ ЭТИШ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

- ошадиган маблағларни ихтиёрий бирлаштиришга;
- маблағлари таркибида моддий активлар 50 фоиздан кам бўлган хўжалик ассоциациялари, шунингдек холдингларнинг молия-саноат гуруҳида иштирокига;
- молия-хўжалик гуруҳи иштирокчилари томонидан акцияларга чапараста эгаллик қилинишига;
- гуруҳга кирувчи молия-хўжалик муассасалари ёки инвестиция муассасасининг шу гуруҳ иштирокчиси бўлган ҳар қандай корхона акцияларининг 10 фоиздан кўп бўлган қисмига эгаллик қилишига, шунингдек шу гуруҳ корхоналарининг акциялари-га кўрсатилган муассасалар активларининг 10 фоиздан ортигини жойлаштиришга йўл қўйилма-йди.

Молия-саноат гуруҳини шакллантириш чоғида анти-монополия идораси билан олдиндан келишиб олмасдан туриб:

- 5 мингдан ортиқ киши ишлаб турган корхоналар, шунингдек монопол корхоналар реестрига кири-тилган корхоналар унинг иштирокчилари тарки-бига киришига;
- иштирокчилари орасида 20 дан ортиқ корхона бўлган ва гуруҳнинг барча корхоналарида ишлаб турган кишиларнинг жами 20 мингдан ортиб кет-ганида молия-саноат гуруҳини ташкил этишга.
- молия-саноат гуруҳи томонидан бошқа молия-са-ноат гуруҳларининг иштирокчилари бўлган кор-хоналар акциялари сотиб олинishiга йўл қўйилм-айди.

Давлат билан шартнома бўйича ёки марказлашган

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ТАСАРРУФ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

экспорт учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотининг сўнги бир йилдаги ҳиссаси маҳсулот жами ҳажмининг 30 фоизидан ортиқ қорхонанинг молия-саноат гуруҳидаги иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Давтаминистратқўмининг розилиги талаб қилинади.

Давлат мулкининг 50 фоиздан зиёд ҳиссаси бўлган давлат қорхоналари, ширкат (жамоа) қорхоналари, шунингдек бюджетдан маблағ билан таъминланувчи ташкилотлар ва муассасалар молия-саноат гуруҳларида иштирок этиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилиги, ёки унинг топшириғига биноан давлат мулкини тасарруф этишга вакил қилинган идоранинг розилиги талаб қилинади.

Ҳуқуқлараро битимлар асосида ташкил этиладиган молия-саноат гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси томонидан иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Жаҳон тажрибасини умумлаштирган бир қатор тадқиқотларнинг натижалари ва мамлакатимизда молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг дастлабки тажрибаси бундай йирик ташкилий-ҳўжалик тузилмаларининг кенг қўламти ташкил топиши иқтисодий таъминотдан олиб чиқиш ва уни чинакам бозор асосларида ислох қилишнинг асосий йўналишларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Технологик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш, савдо ва молия қорхоналарининг бирлаштирилиши рақобатта бардошлиги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда молиявий маблағларни инвестираш сарф-харажатларни камайтириш вазифаларини, шунингдек ишлаб чиқариш, молиявий ва савдо операциялари, ахборот, ҳуқуқий, харид ва таъминот бўлинмаларини (айник-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

са, ташқи фаолиятга нисбатан) сақлаб туриш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни енгиллаштиради.

Бунда давлат, табиийки, янги тармок ва минтакавий монополиялар пайдо бўлиб, нархларни амр қилиб туришидан ва рақобатчилар ички ҳамда ташқи бозорга чиқишини қийинлаштиришидан манфаатдор эмас. Бу у ёки бу товарлар бозорини якка ўзи эгаллаб олмаган горизонтал интеграциялашган молия-саноат гуруҳларининг вужудга келишини рағбатлантириш зарур демакдир.

Ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро дизерсификациясига келганда, жаҳон тажрибаси далолат берадики, бу ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий бардошлигини ва маблағнинг путурдан кетиб бораётган тармоқлардан истиқболли тармоқларга қўйилишини таъминлашнинг энг яхши йўлидир.

Шу нарса ҳам шубҳасизки, молия-саноат гуруҳининг минтакалараро ва транснационал хусусияти бозорларда якка ҳукмронликка йўл қўймаслик мақсади билан жаҳон бозорларида юқори шартли-муқим харажатлари (айниқса, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ечимлари, кадрлар тайёрлаш, ахборот ва таъминот-харид инфраструктураси, геология-қидирув ишларита) ва ишлаб чиқариш таҳликали бўлган маҳсулоти билан ажралиб турувчи, рақобатга бардошли қудратли иқтисодий субъектларни ҳосил қилиш вазифаси ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга ёрдам беради. Бу, биринчи навбатда, фан ечимларини кўп талаб қилувчи тармоқларга, транспорт, телекоммуникация ва фойдали қазилмаларни қазиб олишга тааллуқлидир.

Яна шуни ҳам қайд этмаслик мумкин эмаски, молия-саноат гуруҳи иштирокчиларининг манфаатлари, қоида тариқасида, давлат манфаатларига асосан тўғри келади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

Гуруҳ аъзолари ишлаб чиқариш ва муомала сарф-харажатларини камайтириш ҳисобига ўз фаолиятлари самардорлигини оширишдан манфаатдордир. Улар бунга умумий инфраструктурани (ахборот-телекоммуникация, банк, таъминот-харид, транспорт, ижтимоий, кадрлар билан ишлаш) вужудга келтириш, бошқа шундай гуруҳлар иштирокчилари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни мунтазам қўллаб-қувватлаш замирида иш олиб боришнинг барқарор ва ишончлилигини ошириш орқали эришадилар.

Молия-саноат интеграциясининг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ички ва хорижий бозорларда шериклар ва рақобатчилар билан ўзаро ҳамкорлигининг чизимларини соддалаштириш ва тегишлича натижадорлигини ошириш, инвестицияларни (ИТТКЕ ва кадрлар тайёрлашга ажратмаларни ҳам) энг самарали лойиҳаларга марказлаштириш каби бошқа афзалликлари ҳам муҳимдир.

Албатта, бирлашиш унинг иштирокчилари учун қарорлар қабул қилиш ва мулк ҳамда даромадларни тасарруф этишдаги эркинликнинг бир қисмини йўқотишни, уларнинг манфаатлари интеграциялашган тузилмаларнинг яхлит таҳлитдаги манфаатларига муайян даражада бўйсунганини билдираслиги мумкин эмас.

Шунинг учун молия-саноат гуруҳининг потенциал иштирокчилари (ҳам мулкдорлар, ҳам меҳнат жамоаси, ҳам маъмурият), давлат ҳокимиятининг федерал ва минтақавий идоралари манфаатларини туташтириш ва уйғунлаштириш бўлғуси “иқтисодий мўъжиза”нинг ҳаракатлантирувчи кучига айланишига даъват этилган яшовчан ва бир текис ривожланувчи гуруҳларини барпо этишнинг бош вазифасидир.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРБУФИГА ЧИКАРИШ, ЯНГИ БОШКАРУВ ТАРКИБСАРНИНГ БАРПО ЭТИШ

Молия-саноат гуруҳларининг ташкилий-ҳуқуқий таркиби мана омиллар ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилиши керак.

Гуруҳларни вужудга келтириш жараёнида иштирокчи корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бу корхоналарнинг ташқи инвесторлар учун мафтункорлигини таъминлаш; тўлов қобилиятсизлигини тугатиш масалалари туғилиши тушунарли. Бу каби муаммоларнинг ҳал этилиши молия-саноат гуруҳларининг ўз доирасида бошқарувнинг оқилона тузилмасини пишиқтиришни ҳам, уларнинг оёққа туриши давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳам кўзда тутати.

Муҳокама учун саволлар

Учинчи бўлимни ўқиб, жавоб бериш

- 1 “Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг энг муҳим хусусияти нима ҳисобланади?” мавзусида маъруза тайёрланг.
- 2 Тармоқнинг молия-ҳўжалик аҳволини баҳолаш қандай амалга оширилади?
- 3 Тармоқ хусусийлаштириш модули ўзида нималарни ифодалайди.
- 4 Унинг таркиби қандай?
- 5 Қандай ҳолларда ўз тармоқ банкини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини санаб кўрсатинг.
- 6 “Корпорация ўзида нималарни ифодалай-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ШАВНАТ НАСАРИ-УФШИНИ ЧИҚАРИШ, ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

ди?” мавзуида Ўзбекистон Республикаси тажрибасидан олинган мисоллар билан муфассал обзор тайёрланг.

- 7 Корпорация қандай фаолиятни амалга оширади?
- 8 “Концерн ўзида нималарни ифодалайди?” мавзуида Ўзбекистон Республикаси тажрибасидан олинган мисоллар асосида муфассал обзор тайёрланг.
- 9 Холдинг нима?
- 10 “Холдинг қандай тузилиши мумкин?” мавзуида муфассал реферат тайёрланг.
- 11 “Холдинг компаниясини текшириш” ўйини шаклида мунозара ўтказинг. (Холдинг компанияси қандай ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлишини аниқлаш мунозаранинг мақсадидир).
- 12 Молиявий холдинг нима?
- 13 “Нима учун ғарб иқтисодиётида холдингни ҳар қандай йирик корхонанинг молиявий маркази ва ақл-идроки деб аташади?” мавзуида кичик баён, мулоҳазалар тайёрланг.
- 14 Холдинг-компаниянинг бош вазифаси нимадан иборат?
- 15 “Агрофирма ўзида нималарни ифодалайди?” мавзуида маъруза тайёрланг (Ўз ну-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

тқингизни матбуот материаллари билан
гўлдиринг).

16. Агрофирма қандай вазифаларни ҳал этишга даъват қилинган?
17. Агрофирмада бошқарув тизими қандай?
18. Бўлим материаллари ва жаҳон иқтисодиёти тўғрисидаги қўшимча материалларга асосланиб, “Молия-саноат гуруҳи нима?” мавзуда реферат тайёрланг.
19. “Молия-саноат гуруҳи қандай йўллар билан ташкил этилиши мумкин?” мавзuida матбуот конференцияси ўтказинг. (Тўла ва қонунчилик ҳужжатлари билан асосланган жавоблар беришга ҳаракат қилинг).

Ҳуқуқийликни қийин сўзлар изоҳи

Антимонополия қонунчилиги - бозор муносабатлари эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган меъорлар ва қонунчилик ҳужжатлари тизими.

Бюджетдан ташқари фондлар - молиявий тизимнинг таркибий қисми; марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимиятларнинг давлат харажатларини маблағ билан таъминлаш билан боғлиқ ва бюджетга қўшилмайдиган бюджетдан ташқари маблағлари (ҳазинанинг махсус фондлари ва ҳисоб рақамлари) шаклида намоён бўлади.

Диверсификация - турлича, турли хил ривожланиш. Масалан, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш - ишлаб чиқаришнинг қўпдан қўп, бири бири билан боғланмаган турларини

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

бирваракайига ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган буюмлар турини кенгайтириш.

Ҳуқуқлар, ваколатларни бериш - раҳбарлар ҳуқуқлари ва вазифаларининг бир қисмини уларнинг ходимларига бериш, яъни топширилган иш жойида ишларнинг аҳволи учун раҳбарнинг масъулиятини сақлаган ҳолда ходимлар энг кўп даражада мустақиллик бериш.

Даромад - тadbиркорлик ёки бошқа фаолият натижасида пул ёки натура шаклида олинadиган маблаглар.

Рўйхатга олиш - корхона, муассаса мулки (асбоб-ускунаси)нинг рўйхатини тузиш, бирор бир нарса, масалан, моддий кадриятларнинг корхона, унинг бўлинмаси, айрим мансабдор шахсларда мавжудлигини текшириш.

Кворум - йиғилиш, кенгаш қонуний қарорлар қабул қилиши учун зарур бўладиган ходимлар миқдори.

Концепция - қандайдир муаммо ёки вазиятни ҳал этиш, ойдинлаштириб олишга қaratилган нуқтаи назарлар тизими.

Конъюнктура - бозор механизми шароитларида ривожланишнинг қонуниятли шакллари давлат томонидан тартибга солиниши ва рақобатнинг, истеъмолчилар, корпорациялар ҳамда давлат муассасалари ва корхоналари томонидан қарор қабул қилинидаги мустакилликнинг мувозанати билан белгиланувчи жараёнлар: муайян иқтисодий ҳаёт омиллари ва шарт-шароитлари йиғиндисидир.

Маркетинг - илмий концепция ва корxonанинг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқаришнинг унга асосланган тизими бўлиб, у истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини аниқлаб, шу эҳтиёжга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни йўлга қўйишга, молларнинг истеъмолчиларга етиб боришига ва шу асосда энг кўп фойда олишга имкон беради. Маркетинг қуйидаги асосий жиҳатларни ўз ичига олади: 1) бозорни тадқиқ қилиш. 2) табақалаштириб, мақсадли бозорни тан-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ: ЯНГИ БОШҚАРУВ ТАРКИБЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ

лаш; 3) маркетинг мажмуини ишлаб чиқиш; 4) маркетинг тад-
бирларини рўёбга чиқариш.

Тармоқ - ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг чиқари-
лаётган маҳсулот ва хом ашёнинг бир турлилиги, технологик
жараёнлар ва асбоб-ускуналар таркибидаги умумийлик, кад-
рларнинг ўхшаш таркиби ва малакаси сингари белгиларидаги
умумийлик билан тавсифланувчи корхоналар ва ташкилотлар-
нинг мажмуаси. Тармоқ тармоқ вазирликларининг сархалларни-
га мос тушиши ёки тушмаслиги мумкин.

Устувлик - 1) бирор нарсанинг биринчилик аҳамияти; 2)
бирор кашф, ихтиро ва шунга ўхшаш жараёндаги биринчилик;
3) ахборотда - топширик, жараён ёки операцияни ифодаловчи
рақам, у бу ишларнинг бажарилиш ёки хизмат кўрсатиш на-
вбатини билдиради.

Минтақа - 1) вилоят, туман, мамлакатнинг бир қисми
бўлиб, улар бошқа вилоятлардан табиий ва (ёки) тарихан тар-
киб топган, нисбатан муқим, иқтисодий-жуғрофий ва бўлак
хусусиятларнинг йиғиндисига кўра фарқ қилади, кўпинча аҳо-
лининг миллий таркибига мутаносиб бўлади. 2) миллий тарки-
би ва маданияти бўйича яқин ёки ижтимоий-сиёсий тузими
бўйича бир турли ёнма-ён жойлашган мамлакатлар гуруҳи
бўлиб, жаҳоннинг алоҳида иқтисодий-жуғрофий райони сифа-
тида шаклланади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

4-бўлим.

Бозор тизими иш олиб боришининг энг асосий шарт-шароитларидан бири товарлар, хизматлар, пул, кимматбаҳо қоғозлар, ишчи кучининг бозор омиллари таъсири остида иктисодиёт бўйлаб ўрин алмашадиган ҳаракатларига хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзаро боғлиқ тизими амал қилишидан иборатдир.

Уларни бозор ҳўжалигининг муассасалари ёки инфраструктураси деб атайдилар.

Бозор инфраструктураси - маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқарувчини истеъмолчи билан ягона бозор маконида бирлаштириб, ишлаб чиқариш ва истеъмол кўламлари ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи ва унинг барча ишгирокчилари олдиларига кўйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассасалар ва воситачилик таркиблари тизимидир.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, бозор инфраструктура-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

си - инсон ақл-заковати билан синаб кўришлар ва хатоликлар усули орқали дунёга келтирилган, муттасил ривожланиб борадиган ва ўзининг мураккаблиги оқибатида олимлар, давлат арбоблари ва амалдорлар, тadbиркорлар ва барча фуқароларнинг фавқулodда эътиборига муҳтож бўладиган улкан тизимдирки, у иктисодиётнинг инсон маҳсулот ва хизматлар истеъмолчиси сифатида дуч келадиган деярли барча соҳаларини қамраб олади. Бизларнинг ҳар биримиз истеъмолчилар сифатида бу соҳаларнинг яхшиланишидан манфаатдор бўлганимиз учун ҳам бозор инфраструктурасини бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмаклашишимиз лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бозор инфраструктурасининг биз таърифлаб бераётган тушунчаси билан бир қаторда яна икки терминдан - ишлаб чиқариш инфраструктураси, ижтимоий инфраструктура терминларидан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш инфраструктураси, бу корхона даражасини қамраб олувчи макроиктисодиётда бот-бот қўлланиладиган терминдир. Ишлаб чиқариш структураси асосий ишлаб чиқаришга, маҳсулот чиқаришнинг технологик жараёнига хизмат кўрсатувчи объектларни ўз ичига олади ва мазкур корхонанинг ишлаш жараёнида экология талабларини таъминлайди. Энергия, иссиқлик, буғ ва сув таъминоти қурилмалари, барча кўринишдаги ички завод транспорти (темир йўлнинг тўлаш шохобчасини ҳам қўшиб), конвейерлар, хўжалик омборлари, шамоллатиш тизимлари, тозалаш иншоотлари ва каналлизация мана шу объектлар сирасига қиради.

Ишлаб чиқариш инфраструктурасининг вазифаси ишлаб чиқариш потенциалини унинг энергия сифимини

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ошириш, технологик узилишларни қискартириш, чик-индилардан тез тозалаш, ускуналарни, фавкулудда ҳолатларда, энг юқори унум берувчи режимларида ишла-тиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш йўли билан гоят балинд даражага кўтаришдан иборат.

Агар ишлаб чиқариш инфраструктураси маҳсулот чиқариш учун фойдаланиладиган технологияларга хиз-мат кўрсатишга йўналтирилган бўлса, ижтимоий инфра-структура инсон учун зарур шарт-шароитларни яратиш-ни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ечиниш ва ювениш хоналари, тиббий давохона, рухий хордик хоналари ижтимоий инфраструктурага тегишлидир. Бу рўйхатни ҳеч адоқсиз давом эттиравериш мумкин.

Ижтимоий инфраструктураси ривожланган кўпгина корхоналар мактабгача болалар муассасалари, поликли-никалар, болаларнинг ёзги оромгоҳлари, дам олиш уйла-ри ва санаторийларга эгадирлар.

Умуман, мамлакат халқ хўжалик тузилмаси, тармоқ-ларнинг ўзаро алоқаси таърифланадиган макроиктисо-дий адабиётда халқ хўжалигининг “ишлаб чиқариш”, “ижтимоий” инфраструктуралар атамаси қўлланилади. Биринчисига бевосита моддий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатувчи электр энергияси, иссиқлик ва газ таъминоти, транспорт, алоқа, коммунал хизматлар тармоқлари киради. Ижтимоий инфраструктура соғлиқ-ни сақлаш, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот тизимларини ўз ичига олади. Юқоридаги таърифлардан кўришиб турибдики, “бозор инфраструктураси” атамаси тўғри қўлланилса, на ишлаб чиқариш, на ижтимоий инфраструктурани такрорлайди, улар билан аралашиб кетмайди, у бошқа икки тушунчадан осонгина фарқлаб олинади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

1.0. Инфраструктуранинг мақсади, вазифалари ва функциялари

Инфраструктура мақсадига таъриф беришдан аввал товарнинг бош кўрсаткичи - нарх билан унинг инфраструктура бўғинлари бўйлаб ҳаракати чоғида нималар юз бераётганлигини кўриб чиқайлик.

Товар тайёрловчи уни ишлаб чиқаришга таннарх ҳажмидаги маблағни сарфлади. Солиқларни тўлаш, корxonани ривожлантириш, жамғармаларни ва суғурта заҳираларини вужудга келтириш, ўзига шахсий истеъмолнинг юқори даражасини таъминлаш учун товарни фойда билан сотиш керак. Фойда товарнинг корхона белгилайдиган сотиш нархини ҳосил қилади.

Айтилганлардан таннарх, бу - шундай қуйи чегараки, товар бундан арзонроқ сотилиши мумкин эмаслиги ҳақида хулоса ясаймиз.

Тарихий тажриба меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан иқтисослаштириш ва меҳнат тақсимоли ҳисобига ривожланганини кўрсатмоқда. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг камдан кам уни ташини, сақлаш, савдо-сотик жойлари бўйлаб тақсимлаш, сотиш - яъни товарнинг корхонадан харидоргача бўлган ҳаракат йўлини қамраб олиш вазифасини самарали амалга оширишга муваффақ бўлган. Шунинг учун бугунги бозор иқтисодиётида товар нари борса тайёрловчидан транпорт-экспедиция ташкилотига ўтади. Бу ташкилот товар ҳаракати бўйича зарур хизматларни бажаради, бошқача қилиб айтсак, товарни корхона эшигидан олувчигача (харидорга етказиши мажбурий эмас) - улгуржи базага етказиб беради.

Улгуржи база жами ҳажми қанчалик катта бўлмасин, товарни қабул қилиб олади, сифатини танлаб текши-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ришдан ўтказилади, кичик улгуржи базаларга жўнатиш учун алоҳида бўлақларга ажратади, олиб кетиш учун транспортга буюртма беради. Кичик улгуржи база, ўз навбатида, товарни магазинларга жўнатиш учун худди шундай ишларни бажаради. Факат магазингина товарни бор бўйича харидорга такдим этади.

Табиийки, инфраструктуранинг ҳар бир бўғини ўз вазифаларини бажариш учун чиқим қилади, солиқларни тўлайди, фойда топади. Улар йиғилиб товар нархини кўтарувчи устамани вужудга келтиради (3-расм).


Товарларни ташиш жараёнида фалокатлар юз бериб, товар бузилиши ёки уни етказиб бериш муддати чўзилиб кетиши мумкин. Бундай хавф-хатарлар турли агентликлар томонидан, табиийки, тўлов ҳисобига (суғурта устамаси) суғурта қилинади. Улгуржи ва кичик улгуржи базалар ҳамда магазинлар товарларнинг катта туркумини сотиб олиш учун банклардан пул қарз олишга мажбурдирлар. Бу қарз тўловлари ҳам хизматларни қимматлаштириб юборади.

Инфраструктура хизматларини кўрсатиш учун шартномаларни расмийлаштириш адвокатлар, нотариуслар ёрдамида амалга оширилади, уларга ҳам ҳақ тўлаш керак бўлади.

Шуни англаб олмақ керакки, агар товар ҳаракати бирор-бир йўл билан тартибга солиб турилмас экан, товарнинг бир воситачи қўлидан бошқасига оргиқча, ўзини оқламайдиган тусдаги ўтиши унинг нархини ниҳоятда юқори кўтариб юбориши мумкин.

Бизларнинг ўзимиз бундай чайқовчилик фактларининг гувоҳларимиз, гоҳида - бундан азият ҳам чекамиз. Бирок, рисоладаги бозор иқтисодиётида инфраструктурада товар ҳаракатининг гоҳат кучли тартибга солувчиси

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆



3-расм. Ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига стиб бориш жараёнида товар нархининг ўзгариш динамикаси*

* Бу чизим тўлиқ эмас. Қўз илтамас иллар билан уларга инфраструктура-нинг кўпгина бошқа бўғинларини ҳам боғлаш мумкин.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ҳам бор. Бу - аҳолининг эҳтиёжи. Буюм сотувчи томонидан таклиф қилинган баҳода сотилиш-сотилмаслигини худди мана шу талаб белгилайди. Сотилмаса, товарлар туриб қолади, баҳоси арзонлашади, эгаларига зиён келтиради. Товарни сотишга интилиш, бир томондан, товарларни фойдали тарзда етказиб берувчиларни (буни яна ишлаб чиқарувчилар билан адашгирмаслик керак), иккинчи томондан, фойдали харидорларни излашга мажбур қилади.

Мулоҳазалашни кейингисидан бошлайтик. “Вакт - пул”, одам канчалик бой бўлса, у навбатда турмаслик, тез, якка тартибда кўрсатиладиган хизмат учун, товарнинг кафолатли юқори сифати, унинг эстетик талабга жавоб бериши ва истеъмол хусусиятлари учун ортикча ҳақ тўлашга тайёр. Шу омилни назарда тутиш паст, ўртача ва юқори нархдаги магазинларни ташкил этишга олиб келди. Уларда харидорлар ўз тўлов қобилиятларига қараб табақаланган.

Товарларни фойдали асосларда етказиб берувчи таъминотчиларни излаш сотувчиларнинг (магазинлар тимсолида) маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқаларини йўлга қўйишга олиб келди. Бундай шароитларда сотувчи улгуржи ва кичик улгуржи базаларнинг устамалари қўйилмаган товарларни олади. Ишлаб чиқарувчиларнинг савдо устамаси микдорини ошириб бориш йўли билан ўз фойдасини кўпайтириб бориш истаги қорхоналар томонидан фирма магазинлари тармогининг очилишига олиб келди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадик, инфраструктура товарлар ҳаракатининг ягона, қаттиқ белгилаб қўйилган маршрутнинг қотиб қолган технологик чизими эмас, балки изчил-ўхшаш алоқалар бўлиб,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

уларнинг ичидан товар оқими учун исталган, қулай маршрутларни танлаб олиш мумкин. Бу тармоқнинг ҳар бир бўғини, туташ занжири хўжалик жиҳатидан мустақил субъект бўлиб, у муайян даражада чекланган мақсадни - ўзининг бугун фаолиятдан товар қиймати устама шаклида олинadиган фойдани кўлайтиришни кўзлайди.

Инфраструктура барча бўғинларининг жамики хатти-ҳаракати истеъмолчи манфаатларига тескари томонга йўналгандир. Истеъмолчининг инфраструктура билан муносабатларидаги ўзаро ҳамкорликнинг ягона, аммо самарали созловчиси тўловга қобилиятли талабдир. Агар харидорда сотувчи таклиф қилган нархга мос тушадиган микдордаги пул бўлмаса, истеъмолчининг товарни сотиб олиш истаги қанчалик катта эканлигига қарамадан, товар пештахтада қолаверади.

Кўриб чиқилаётган “Инфраструктура - истеъмолчи” чизимининг ўзаро ҳаракатида сотувчи ва харидорга хизмат кўрсатилишига ёрдамлашувчи бир омил бор. Гап шундаки, товар сотувчининг ўзига керак эмас. Умуман олганда, нима билан савдо қилиш унга барибир, фақат арзон олиб, қимматроқ сотса бас. Баски, товар сотиш учун олинган экан, сотувчининг уни сотиш истаги товар сотиб олиш истагидаги харидорнинг хохиши билан мос тушади. Икки истак бир нуқтада туташган жойда эса, манфаатларнинг ўзаро муросасини излаш мумкин.

Манфаатлар ўзаро келишувининг биринчи оқибати - товар нархини тушириш. Товарлар пештахтада ва оморда йиғилиб қолишидан етадиган зарарларни қайтариш учун сотувчи кўпроқ талаб бўлган, фойдалироқ товарлар сотиб олиш билан ўз хатосини тузатиб олишга умид боғлаб, фойданинг бир қисмидангина эмас, балки,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

агар вазият мажбур қилса, ҳаммасидан ҳам воз кечишга тайёр.

Ўзаро битишувнинг иккинчи сабабчиси ҳам инфраструктура муассисларидан бири бўлиб, унинг хизматлари товар кийматининг устамаси сифатида қопланади. Боз устига, виждонан қилинган реклама истеъмолчига ҳам жуда керак. Айни пайтда сотувчи учун у - савдони харакатлантирувчи қудратли омит. Мадомики, сотувчи билан харидор товар ҳаракати йўналган йўл бўйича инфраструктуранинг ҳар қандай икки бўғини деб қаралса, у ҳолда инфраструктуранинг тамомила яхлитлиги, унинг амалийлиги, самарадорлиги ўзаро ён беришларга, ишги-рокчилар манфаатларининг мос тушишига асосланиши аниқланади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инфраструктуранинг мақсади - тўловга қобилиятли талаб чекланган шароитларда манфаатларга мослик излашда ифодаданувчи ўзаро ён беришлар асосида савдо-сотик ишги-рокчилари фойдасини юқорилаштиришдан иборат.

Ҳар бир хизмат инфраструктуранинг исталган бўғинига тегишли устама ҳажмида фойда берар экан, у ҳолда инфраструктура, умуман унга кирувчи хўжалик бўғинларининг жамламаси сифатида ўз мақсадларини кўзлаб, ўз хизматлари ҳажмларини кенгайтириб боришдан манфаатдордирки. бу пировардида, унинг маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга бўлган талаби ортишига олиб келади. Шунингдек, яна аниқланадики, инфраструктура қайта ишланаётган маҳсулот тўла сақланиши ва масалан, оғирлик бўйича қулай қадокланиши, идишнинг катта-качиклигига, пишиқ-пухталлигига, чидамлилигига, маҳсулот тозаллиги, қуруклиги, сараланганлиги ва терилганли-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

гига ва шу кабиларга караб, унинг истеъмол хусусиятларини ортишидан манфаатдордир. Бу кўшимча операцияларнинг ҳаммаси янги меҳнат сарфини таказо этади, бу - инфраструктура соҳасида иш билан бандликнинг ортишини рағбатлантиради.

Инфраструктура “хазрати олийлари” - талабга бўйсундирилган, унга ҳар томонлама монанд бўлишга интилади. Истеъмол эҳтиёжининг юқоридан чекланиши инфраструктура бўғинларини бозор қоидаларига биноан “раксга тушишга” мажбур қилади, рақобатни кучайтиради, унга маданий тус бағишлайди. Реал сарф-харажатлар билан асосланмаган, товар истеъмол хусусиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлмаган нарх устамалари, қоида тарикасида, мақсадни оқламайди: асоссиз қиммат товар учун харидор ўз ҳамёни билан “овоз” бермайди. Инчунин, ривожланган инфраструктура, бу - имкони борича кўпроқ товар сотиш, рақибдан илдамроқ ҳаракат қилиб қолиш зарурияти ҳамиша ташвишлантириб турадиган кўпдан кўп сотувчилар олдида танлаш имкониятини туғдирадики, зеро, агар товар рақиб томонидан сотилса, сиз уни сота олмайсиз.

Кўриниб турибдики, инфраструктура қанчалик, кўпроқ ривожланган бўлса, бозор шунчалик маданий рақобат кучли, бозор ўйини қоидаларини бузиш қийинроқ бўла боради.

Эслатиб ўтамлики, инфраструктура бўйича илгариги изоҳлар қисқа чизмада баён қилинди. Унга банклар, аудиторлик фирмалари, маркетинг марказлари, инвестиция жамғармалари, биржалар ва бошқалар киритилгани йўқ. Уларга қуйироқда тўхталамиз.

Ҳозирча эса инфраструктура хизматларидан фойдаланувчилар билан қандай ҳамкорлик қилаётганлигини тек-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

шириб чиқиш учун унинг мақсадларига қандай қилиб эришиш масаласини кўриб чиқиш билан чекланамиз.

Ўз мақсадларига эришиш учун инфраструктура қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

Биринчидан, оладиган фойдасини энг кўп даражада ошириш учун ўз ишлаб чиқариш харажатларини ниҳоятда камайтириб боради. Шубҳасиз, бажарилаётган хизматлар нархига устамалар етарли қаттиқ чекланган бир вазиятда сарф-харажатларни тобора камайтириб бориш харидорлар манфаатларига тўла мос тушади.

Иккинчидан, бозорда таркиб топаётган аҳволдан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш буюртмаларини кўпайтириб ёки камайтира бориб, ишлаб чиқариш учун бозор талабининг инфикатори сифатида намоён бўлади. Шу йўл билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларга жамоат ҳаракатлари қисқариб, маҳсулот чиқариш ҳажмларининг жорий тартибга солиниши таъминланади.

Учинчидан, истеъмол товарлари, амлоқнинг, корхоналар, концернлар ва корпорациялар ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий зарур нархини белгилайди, шу мақсадда биржа механизmidан фойдаланади.

Товар-ҳом ашё биржаларида фьочерс контрактлари муомаласи туфайли келгуси даврлар, бир йил ва ундан ортиқ муддатда маҳсулотта нархларни котиловкаловчи ҳисобланадилар. Тадбиркорлар бу билан у ёки бу товарларни тайёрлаш ҳажмларини ўзгартириб, ишлаб чиқариш дастурларини тўғрилаб олиш имкониятига эга бўладилар.

Шу тариха объектив иқтисодий регуляторлар ҳукумат ва жамиятни ишлаб чиқаришни бошқариш ташвишидан ҳалос қилади.

Товар-ҳом ашё биржаларининг сигналлари фонд бозоридан биржа товарини ишлаб чиқарувчи ёки истеъмол

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

китувчи корхоналар акцияларининг котировкасидаги ўзгаришларда акс этади. Шундай котировкаланишлар хусусий инвесторларга ўз пул маблағларини каерга жойлаштиришни танлаб олишда кўмаклашади.

Бу билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари яна бир карра объектив, соф иқтисодий усуллар билан тартибга солинади, маблағлар маҳсулотларига таллаб камайган ёки самарасиз ишлаб, кам фойда бераётган корхоналарни итожсиз қолдириб, харидоргир маҳсулот чиқараётган фойдали тармоқларга қўйилади. Бу ҳар бир истеъмолчи ва умуман, жамият манфаатларига мос эканлигини қайд қиламиз.

Маблағнинг бу тариқа қўйилиши харидоргир товарлар ва хизматларни кўпайтиришни рағбатлантиради, фьючерс ва форвард битишувлар механизми орқали ишлаб чиқаришни аванс билан таъминлайди, унинг барқарор, муваффақиятли ишлашига кўмаклашади, инвестицион ресурсларни улардан энг кўп самара олинадиган жойларда жамлайди.

Тўртинчидан, товарлар ва хизматлар бозорида маркетинг асосидаги инфраструктура булортмачи вазифасини бажариб, барча истеъмолчилар номидан иш олиб боради, бу билан ишлаб чиқариш ва уни бошқариш тартибга солинишига кўмаклашади.

Инфраструктуранинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича: қабул, ювиб тозалаш, қуриштиш, саралаш (бузук ва чирий бошлаган маҳсулотни териб ташлаш), ажратиш, кадоклаш, ўраш, пакетлаш ва контейнерлаш, сақлаш, тўплаш, (зарур ҳолатларда) - совитиш ва истеъмолчиларга бир маромда етказиб бериш.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

2. Саноат маҳсулоти бўйича: қабул, ўраш, пакетлаш, сақлаш, талабга биноан истеъмол учун етказиб бериш.

3. Барча турдаги маҳсулотлар бўйича: улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш учун товарларни тўплаш ва аксинча - қатта туркумдаги товарни чакана истеъмолчиларга талабга биноан етказиб бериш учун кичик туркумларга бўлиш.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчилар аванс олишларини таъминловчи фьючерс ва форвард битишувлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

5. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш.

6. Тадбиркорлик дангалчилигини суғурталаш.

7. Товарлар ташилишини таъминлаш.

8. Тадбиркорларни рўйхатга олиш.

9. Битишувларни рўйхатга олиш.

10. Тадбиркорлар манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш.

11. Тадбиркорлар эҳтиёжига консалтинг, инжиниринг, аудитор, лойиҳа-смета хизматларини кўрсатиш.

2.0. Инфраструктура таркиби

Инфраструктура шартли равишда қуйидаги вазифаларни бажарувчи тўққиз туркумда ифодаланиши мумкин:

1. Тадбиркорларни тайёрлаш ва ўқитиш.

2. Хусусий бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш.

3. Молия-кредит тизими.

4. Улгуржи-воситачи тузилмалар

5. Биржа бозорлари.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

6. Агрохизматлар бозори.
7. Хизматлар бозори.
8. Транспорт таъминоти.
9. Ташки иқтисодий алоқаларнинг таъминланиши.

Тадбиркорликни рағбатлантириш, унинг жадал ўсиши учун кадрларнинг қудратли асоси керак. Республиканинг меҳнатга яроқли жамики аҳолиси шундай асос ҳисобланади. Шу мақсадларда тадбиркорлик соҳасида ишловчи кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкил этилади.

Молия-кредит тизими - хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун турли инвестиция фондлари, тижорат банклари тармоғи - қимматбаҳо қозғаларнинг муомала бозорини кенгайтириш, уларни қайта тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни инвестирлаш учун йўналтиришга имкон беради, ихтисослашган тижорат банктарининг кенг тармоғи эркин молиявий ресурсларни инвестиция жараёнига жалб қилиш имконини беради, қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасида бевосита муносабатларни йўлга қўяди, кредитда воситачилар тизими ва уни тартибга солиш механизмини юзага келтиради.

Кичик ва хусусий улғуржи - воситачилик таркиблари тармоғи - махсус бозорлар, консигнация омборлари, омборхоналар, улғуржи магазинлар ва базалар - кенг даражадаги бевосита, узок давом этувчи хўжалик алоқалари, ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида амалга ошириладиган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги республикалараро битимлар кўпдан кўп ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш ҳисобига йиғиб, тўлаш йўли билан марказлашган асосда четга маҳсулот етказиб беришга хизмат қилишни таъминлайди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Биржа таркиби:

- *товар-хомашё биржаси*, унинг филиаллари ва даллорлик идоралари - хомашё ресурслари ва қайта ишланган маҳсулотни гоят қиска муддатда илдам сотишни таъминлайди;

- *фонд биржаси*, унинг филиаллари ва даллорлик идоралари - қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолиятига кўмаклашади;

- *амлок биржаси*, унинг филиаллари ва даллорлик идоралари - амлокнинг иккитамчи бозори шаклланишига, минтақадаги жамики амлокнинг унга жалб этилишига кўмаклашади;

- *доимий ярмаркалар* - талаб ва таклифни назорат қилиб, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчилар ҳисобланади.

- *агрохизматлар бозори* - деҳқон (фермер) хўжалиқларини юқори навли кишлок хўжалиқ экинлари уруғликлари ва экиш материаллари билан - ўз вақтида таъминланишига кўмаклашади, хўжалиқларнинг илмий-тадқиқот институтлари, билан ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларини кўллаб-қувватлайди; соzлаш-тиклаш, агрокимё, зооветеринария хизматлари кабиларни ўз ичига олади.

- *Хизматлар бозори* - умумий йўналишдаги хизматлар бозорини таъминлайди. Ўз ичига уй-жойларини ремонт, қурилиш ва ремонт материалларини ишлаб чиқариш корхоналарини, маданий-соғломлаштириш ва туристик хизматларни, клиринг идораларини, консалтинг, инжинринг, ҳуқуқий, ахборот-реклама хизматлари, лойиҳа-смета, илмий-тадқиқот ишлари ва бошқаларни олади.

Транспорт хизмати - транспорт хизмати, ташилаётган юкларнинг эҳтиётлаб сақланиши ва шу каби хизматларни таъминлайди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Ташки иқтисодий алоқаларни таъминлаш тизими - кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларида, ташки бозорда рақобатчил маҳсулот ишлаб чиқариш учун ускуналар ва технологик линиялар харид килиниши, хомашё, материаллар, жамловчи эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун шартномалар тузилиши, шунингдек халқаро кўрғазмалар ва ярмаркаларга қўмақлашиш ва уларда иштирок этилиши ёрдам кўрсатади.

Бозор инфраструктурасининг энг муҳим, муассасаларини кўриб чиқамиз.

2.1. Биржалар.

Биржа мунтазам иш олиб боровчи улгуржи бозорнинг энг ривожланган шакли бўлиб, унда стандартлар ва намуналар бўйича товарлар алмаштирилади, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта сотилади. Ярмаркалардан фарқи равишда товарларни сотиш чоғида битишувлар мавжуд товарлар юзасидан амалга оширилмайди.

Даставвал мавжуд товар биржаси пайдо бўлди. У мануфактура ишлаб чиқаришига ва шу ишлаб чиқариш даврига мос эди. Унинг ҳозирги биржаларга ҳам хос бўлган алоҳида хусусиятлари шунда эдики, савдо-сотик мунтазам янгиланган борилар, савдо муайян жойда ўтказилар ва олдиндан белгиланган қоидаларга бўйсунарди.

Биржа операцияларининг энг характерли тури нақд товар билан савдо қилиш эди. Бу босқичда биржа савдоси фақат экспортчи билан импортчи, савдогар билан ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи ўрталаридаги алоқаларни белгиларди. Биржаларни таъсис этиш ниҳоятда

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

секин борди ва, асосан, халқаро савдо билан банд бўлган етакчи портлар билан чекланарди.

Саноат инкилоби хом ашё ва озиқ-овқатга бўлган талабни улкан даражада кенгайтириб юборди, савдо ҳажми ва хилининг кўпайишига олиб келди. Товарлар сифатининг ўхшашлигига ва етказиб беришнинг мунтазамлигига талабни кучайтирди. Машина ишлаб чиқаришининг мана шу талабларини қондириш зарурияти дастлабки турдаги биржаларнинг ўзгаришига, унинг янги шароитларга мослашувига олиб келди. Хусусан, бозор жойини бериш, биржа олди-сотдиси ташкил этиш ва савдо одатларини қайд қилиш билан бирга товарга нисбатан стандартларни белгилаш, намунавий контрактларни ишлаб чиқиш, нархларни котировка қилиш, баҳсларни бартараф этиш (арбитраж) ва ахборот фаолияти ҳам товар биржасининг асосий вазифаларига айланиб борди. Биржалар аста-секин халқаро савдо марказларига айланди.

Бозор иқтисодиётини юзага келтиришда молиявий бозор биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, фуқаролар бу жараёнда шахсан иштирок этишини таъминлаш учун аҳолининг ва корхоналарнинг эркин маблағларини сафарбар этишнинг янги механизми зарур.

Қимматбаҳо қоғозларнинг маҳаллий ва минтақавий бозорларини ягона тизимга уюштириш, уларнинг тузилмаларини мана шу тизимлар доирасида мувофиқлаштириш, қимматбаҳо қоғозларни рўйхатга олиш, савдосини ташкил этиш, ҳисоб-китоб ва ҳисоботнинг ягона қондаларини белгилаш ҳар бир инвестор Ўзбекистонда ҳар қандай эмитентдаги ўзига керакли қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишини таъминловчи ягона ахборот макони ни вужудга келтиришни талаб қилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Буларнинг ҳаммаси, пировардида, қимматбаҳо қоғозлар бозорида нархларни барқарорлаштиришни, талаб ва таклифнинг мувозанатини кўзда тутати.

Қудратли маблағ етказиб берувчиларнинг эркин муомаладаги пул воситаларини сафарбар этиш ва уни қимматбаҳо қоғозлар оқди-сотдиси орқали инвесторлашнинг энг муҳим иқтисодий омилларидан бири фонд биржаси ҳисобланади. Ҳар қандай маданийлашган мамлакатда фонд биржаси қимматбаҳо қоғозлар бозорида амалга оширилган битишувларни қайд қилиш, нарх белгилаш, маблағнинг бир тармоқдан бошқасига қўйилиши ва шу сингари жараёнларнинг воситасигина эмас, балки бутун иқтисодиётнинг мезони бўлиб хизмат қилади.

Фонд биржаси - қимматбаҳо қоғозларнинг сотувчиси ва харидори бири бирини топадиган жойдир. У қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосий элементи ҳисобланади, уни кўпинча жўн қилиб “фонд бозори” деб ҳам аташади.

Биржа - уюшган бозор. Шундай қийслаш қилиш мумкин. Одамга, масалан, сабзавот билан мева керак. Уларни уйнинг яқингинасида, айтиш мумкинки, пиртоволданок сотиб олиш мумкин. Аммо одам, албатта, бозорга отланади. Биринчидан, бозорда сотувчилар анча кўп, демак, танлаб олиш имконияти кенг. Иккинчидан, бозорлар қошида махсус хизматлар бўлиб, товарнинг сифати текшириб турилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳам шундай. Ҳар бир киши акцияларни биржадан тапшарида, “кўчада” сотиш ёки сотиб олиши мумкин. Бироқ, бу иш фонд биржасида қилингани ҳам фойдалироқ, ҳам хавфсизроқ.

Энг муҳими эса - биржада энг яхши қимматбаҳо қоғозлар сотилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Қимматбаҳо қоғоз сифатини текшириш учун биржада эксперт комиссияси ишлаб туради. Муайян усуллар билан у мазкур қимматбаҳо қоғоз сотувга қўйилиши мумкинми - йўқми эканлигини ҳал қилади.

Бутун жаҳонда фақат молиявий аҳволи муқим, ривожланиш истикболлари яхши тузилмаларнинг қимматбаҳо қоғозларигина биржага бемалол қира олади.

Акцияларини фонд биржасига сотувга қўйиш компаниянинг юксак нуфуздан дарак беради, унинг учун энг яхши реклама бўлиб хизмат қилади.

Битишувларнинг ўртача нархидан биржада қимматбаҳо қоғозларнинг нархи келиб чиқади. Ҳаридорлар ва сотувчиларнинг айрим қимматбаҳо қоғозларга муносабатини қайд қилар экан, биржа айрим корхоналар ва умуман, бутун иқтисодиёт молиявий саломатлигининг аҳволини бамисоли барометр каби ойдинлаштириб кўрсатади. Ҳукумат, корхоналарнинг раҳбарлари, аҳоли ўз ҳўжалик ва молиявий стратегияларини биржа ахбороти асосида юритадилар.

Фонд биржаси Ўзбекистон қимматбаҳо қоғозлар бозорининг шаклланиши ва ривожда алоҳида ташкилотчилик ролини ўйнайди. Бозор иқтисодиёти юз йиллардан буён амал қилиб келаётган мамлакатларда фонд биржаси қимматбаҳо қоғозларнинг стихияли бозордан ўсиб чиқиб, унинг ташкил этилиши ва янада ривожланишини тезлаштирувчи бир омилга айланди.

Бизнинг республикамызда қимматбаҳо қоғозлар бозори давлат ташаббуси ва унинг қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилмоқда. Давлат корхоналари негизда очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилмоқдаки, уларнинг акциялари эркин савдога чиқилиши керак. Шу мақсадларда Республика фонд биржаси ташкил этилди. У:

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- *Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар хиссадорлик жамиятларининг акциялари;*
 - *Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар, шунингдек хиссадорлик жамиятлари ҳамда бошқа ҳуқуқий шахсларнинг облигациялари;*
 - *давлатнинг қарз мажбуриятлари;*
 - *эгаларининг ҳоқорида санаб ўтилган кадриятларни сотиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи опцион сертификатлар ва қимматбаҳо бошқа ҳосила қоғозлар;*
 - *депозит ва омонат сертификатлар;*
 - *векселлар;*
 - *ипотеклар;*
 - *кредит ресурслари;*
 - *бошқа кредит-молия инструментлари билан савдо қилиш ҳуқуқига эга.*
- Фонд биржаси қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:
- *қимматбаҳо қоғозлар билан эркин савдо қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратади;*
 - *ўз аъзоларини савдо бинolari, ахборотлар билан таъминлайди, профессионал воситачилик фаолиятига қўмаклашади.*
 - *листинг маросимини ўтган қимматбаҳо қоғозларнинг котировкасини амалга оширади;*
 - *савдо фаолияти жараёнида биржа аъзолари орасида келиб чиқадиган бахсларни ҳал этишга қўмаклашади;*
 - *қимматбаҳо қоғозлар операцияларини олиб бориш билан шуғулланувчи мутахассислар малакаларини ошириш учун шарт-шароитлар яратади;*
 - *биржа олди-сотдиси усуллари ва технологиялари-*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- ни, шу жумладан, электрон технологияларни та-
комиллаштириш учун шарт-шароитлар яратади;
- бозор инфраструктурасини ривожлантиришга қўмаклашади;
 - ўзининг қимматбаҳо қоғозлар билан бевосита му-
омала қилувчи аъзолари ва мутахассисларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқади
ва тасдиқлайди, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбури-
ятларини белгилайди;
 - янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликдан чиқа-
ришни амалга оширади;
 - биржа аъзоларининг савдо сессияларидаги вакил-
лари ҳисобланган брокерлар, дилерлар ва бошқа
мутахассисларни рўйхатга олади;
 - савдо-сотикни амалга ошириш учун биржа йиғ-
илишларини ташкил этади, биржа савдоси қонд-
аларини ишлаб чиқади ва чоп этади;
 - битишувларни олиб бориш, қимматбаҳо қоғозлар
бозори иштирокчиларининг савдо эҳтиёжини
аниқлаш ва қондириш учун ихтисослашган сек-
циялар ташкил этади;
 - биржада қимматбаҳо қоғозларни муомалага қўйиш
ва чиқариш қоидаларини ишлаб чиқади;
 - қимматбаҳо қоғозларни котировкалашга қўйиш
қоидаларини ишлаб чиқади, шунингдек, листинг
ва делистинг маросимини ўтказиши;
 - биржа савдоси эҳтиёжлари билан белгиланувчи
биржа бўлинмалари ва бошқа тузилмаларини
ташкил этади.
 - котировка, эксперт ва статистик комиссиялар,
рўйхатга олиш бюрolari ва биржа савдоси

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

эҳтиёжлари учун зарур бошқа тузилмаларни таъсис этади;

- кимматбаҳо қоғозлар бозорига чиқиш, товар айир-бошлаш шарт-шароитларини ва у билан боғлиқ масалаларни маслаҳатлашувлар ва йиғилишлар чақириш, зарур таҳлилий ва тадқиқот ишларини олиб бориш йўли билан ўрганди;
- биржада муомалага қўйиладиган кимматбаҳо қоғозлар ва бошқа фондлаштирилган қадриятларнинг олди-сотдисининг стандарт контрактларини тузди;
- минтақалараро ва биржалараро алоқаларни ривожлантиради, кимматбаҳо қоғозлар бозорида ўз-ўзини тартибга солиб туриш, ўз аъзолари учун юксак касбий стандартларни қўллаб-қувватлаш, ходимларни тайёрлаш, кимматбаҳо қоғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш, қоғозлар бозорининг ҳолати юзасидан биргаликда илмий ечимларни амалга ошириш ўз манфаатларини жамоавий вакиллик ҳуқуқи ва инвесторлар манфаатларини муҳофазалаш мақсадларида ташкил этиладиган касбий уюшмалар, ассоциациялар, бирлашмалар, жамоат ташкилотларига киради;
- очик савдолар ўтказди ва савдо-сотикнинг бошқа усулларини амалга оширади;
- филиаллар, гармок корхоналари ва ваколатхоналар ташкил этади;
- реклама-ноширлик фаолиятини амалга оширади, биржа бюллетенлари, ахборот гўлламлари, конъюнктура умумлашмаларини ва бошқа ксракли ахборот материалларини чоп этади;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан фойдаланиб, биржа аъзолари, филиаллари ва ваколатхоналари ўртасида биржа ахборотлари алмашинувини ташкил этади;
- аъзолик бадалларини, шунингдек бошқа тўловларни белгилайди, кўрсатилган хизматлар учун тўлов ундиради;
- Низомни, Биржа савдоси қоидаларини бузганлиги ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларга амал қилмаганлиги учун жарималар солади;
- хизматларнинг биржа фаолияти ҳусусиятидан келиб чиқадиган маслаҳат, ахборот, аудитор ва бошқа усулларини кўрсатади;
- мавжуд қонуларга биноан ташки иктисодий фаолиятни амалга оширади;
- Давлат ва ҳукумат ташкилотларига Биржа фаолиятига дахлдор масалалар бўйича таклифлар киритади;
- қимматбаҳо қоғозларни сақлайди.

Биржа ҳуқуқий шахс сифатида инвестиция муассасаси мақомидаги савдо-воситачилик ва бошқа фаолиятни амалга оширмайди. У қуйидаги қоидалар асосида иш олиб боради:

- битишувларни фақат биржа йигилишида тузиш;
- битишувларни биржада сотилаётган товарлар олди-сотдисини эркин механизмлар асосидаги очиқ савдо ва эркин нарх ҳосил қилиш орқали таъминлаш ва тузиш;
- битишувларнинг мажбурий рўйхатга олинishi ва бу битишувлар тўғрисидаги ахборотни мазкур биржа йигилиши мобайнида олди-сотди иштирокчиларига етказиш;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- котировкатар, шунингдек котировкага қўйилган қимматбаҳо қоғозлар хусусидаги маълумотларни чоп этиш.

Биржа ишлаб чиқариш-хўжалик, молия ва бошқа фаолиятни, шунингдек ижтимоий ривожланишга сарф-харажатларни шартномалар ёки мажбуриятларнинг бошқа усуллари ва уларнинг мавзуини эркин танлаш, ўзаро хўжалик ҳамкорлигининг тартибини ва зиммага олинадиган мажбуриятлар бўйича шартлашувчи томонлар масъулиятини аниқлаб қўйиш асосида мустақил белгилайди ва режа тузади.

Биржанинг муваффақиятли фаолияти қимматбаҳо қоғозларни сотувчи ва сотиб олувчиларга, уларнинг фаоллигига ва тасарруфларидаги маблағнинг миқдорига боғлиқ.

Хўжаликлар (ҳиссадорлик компаниялари, тижорат ва инвестиция банклари, инвестиция фондлари ва бошқалар) ўзларининг ривожланишлари ва инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришлари учун маблағ жалб этиш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар чиқарадилар.

Жисмоний шахслар томонидан (иккиламчи бозорда) қимматбаҳо қоғозларни сотиш шу қимматбаҳо қоғозлар курси (қиймати) ўзгариши натижасида юзага келадиган фойдани олиш мақсадида амалга оширилади.

Хўжаликлар фойзалар ва шу қабилар кўринишида фойда олиш, шунингдек фаолиятнинг турли соҳаларида мулкка эгаллик ва назорат ҳуқуқига эга бўлиш учун қимматбаҳо қоғозларни сотиб оладилар. Уларни шартли равишда икки катта туркумга: жиддий инвесторлар ва чайқовчиларга бўлиш мумкин. Инвестор қимматбаҳо қоғозларни узоқ муддатга сотиб олиб, маблағни муқаррар жойлаштиради. Чайқовчи қийматнинг қисқа муддат-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ли тебранишлари туфайли фойда кўриб қолишга интилади. Инвестицион ва чайқовчилик таркиблари узвий чатишиб кетади ва бири бирисиз ривожлана олмайди.

Аҳоли қимматбаҳо қоғозлар сотиб олишдан даромад жамғариш ва пул кадрсизланиши шароитларида жамғармаларини сақлаш учун фойдаланади.

Қимматбаҳо қоғозларнинг одатдаги харидори инвестициялар соҳасида мутахассис эмас, у пулини қаерга ва қандай қилиб тўғри жойлаштиришни билмайди. Шунинг учун қимматбаҳо қоғозларнинг олди-сотдиси кўп ҳолларда воситачиларнинг алоҳида тоифаси - молия брокерлари орқали амалга оширилади. Улар юқори малакали мутахассислар бўлиб, инвестициялар соҳасида билимга эга бўладилар, қимматбаҳо қоғозлар сифатига доир ваколатли тавсиялар, маслаҳатлар бериб, пулни қаерга жойлаштиришни танлашда ва эртанги кунга назар танлашда кўмаклаша оладилар. Бу мутахассислар, қоида тариқасида, қимматбаҳо қоғозларнинг тартибга солинган бозори, яъни фонд биржасига кира оладилар.

Брокерлардан ташқари қимматбаҳо қоғозларнинг сотувчиси билан харидори ўртасидаги алоқа ва ўзаро муносабатлар инвестиция фондлари ва инвестиция компаниялари синғари муассасалар орқали ҳам амалга оширилади.


Товар биржаси

Товар биржаси биржа савдосини ташкил этиш ва тартибга солиш йўли билан улгуржи бозорни шакллантирувчи бозор иқтисодиётининг классик муассасасидир.

Муайян жойда ва белгиланган вақтда ўтказиладиган ошқора оммавий олди-сотди вақтида товар битишувлари

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ



◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

учун энг кулай шарт-шароитларни вужудга келтириши товар биржаси фаолиятининг асосий мазмунидир.

Биржа ҳуқуқий шахс ҳуқуқлари бўлган ташкилот сифатида олди-сотди битишувларида бир томон бўлиб қатнашмайди, яъни савдо-воситачилик фаолиятини амалга оширмайди. Товар биржасининг асосий вазифаси доимий иш олиб борувчи товар бозорини ташкил этиш ва биржа олди-сотдиси қатнашчиларига воситачилик, ахборот ва бошқа хизматларни кўрсатишдан иборат.

Бозор муҳити, корхоналарнинг мустақиллиги, биржа товарларининг старли даражадаги тўла бозори, сотувчилар, харидорлар ва воситачиларнинг чекланмаган микдори ҳўжалик барликларининг рақобатта мойиллиги, пул тизимининг барқарорлиги, ривожланган инфраструктура шароитидаги товар биржаси бир маромда иш олиб бориши мумкин бўлади. Биржа механизми муайян қондаларга бўйсунувчи очик бозор, нарх-наво эркинлиги, эркин савдони кўзда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистонда биржа фаолиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу Фармон асосида корхоналар ва ҳўжалиқлар тасарруфида қолувчи маҳсулотларнинг республика биржа ва ярмарка савдосини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ишлаб чиқилди.

1994 йил 8 апрелда Адлия вазирлигида Ўзбекистон республикаси товар-хомашё биржаси очик турдаги ҳиссадорлик жамияти сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Ҳам Ўзбекистон Республикасида, ҳам ундан ташқарида

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ишлаб чиқарилган биржа товарларининг эркин улгуржи савдоси учун шарт-шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг бош мақсадидир.

Товар-хом ашё биржаси фаолиятининг предмети;

- биржа савдоси, очиқ савдоларни ўтказиш;
- биржа товарларини сотиб олиш, сотиш ва айир-бошланг бўйича профессионал воситачилик хизматларини кўрсатиш учун олди-сотди қатнашчиларига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;
- биржа товарларига нарх котировкасини амалга ошириш;
- биржа олди-сотдиси технологиялари ва услулари-ни, шу жумтадан электрон услулари-ни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- шаҳар, вилоят, республика ва халқаро кўрғазмалар, ярмаркалар ва тендерлар ўтказишни ташкил этиш;
- консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- биржа фаолияти билан боғлиқ ноширлик, реклама-ахборот ишларини амалга ошириш;
- биржа операциялари инфраструктурасини ривожлантириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида эслатиб ўтилган Фармонини бажара бориб, рухсатнома бериш ва бож тўловлари бўйича имтиёзлар белгиланиши, шунингдек, биржа ва божхонада контрактларни расмийлаштиришнинг қисқа муддатлари кўплаб тadbиркорларни қизиқтирди ва биржа олди-сотдилари чоғида битишувлар миқдори ва ҳажмлари кўпайишида ижобий ифодаланди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Биржа олди-сотдиси орқали сотилган жами маҳсулотлар орасида пахта толаси ва линт, минерал ўғитлари ва рангли металллар, яъни чинакам биржа товарлари ҳисобланувчи ва Ўзбекистон ташқарисида доимий талаб юқори бўлган маҳсулотлар энг катта салмоққа эга. Бу маҳсулот турлари экспортнинг умумий ҳажмида 75,5 фоизни ташкил этади.

Биржа олди-сотдиси брокерлар орқали амалга оширилади. Улар товарларнинг сотувчилари ва харидорлари манфаатларини ифодалайдилар.

Биржада 450 га яқин брокерлик идоралари иш олиб бормоқда. Биржанинг асосий ички меъёрий ҳужжатлари: биржа савдоси қоидалари, брокерлик идоралари тўғрисидаги низом, биржа ўринларини сотиш ва қайта расмийлаштириш қоидалари, брокерлар учун ҳужжатлар туркуми (шартномалар, контрактлар ва бошқа ҳужжатларнинг намуналари) ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республика товар-ҳом ашё биржаси биржа иштирокчиларини аттестациялайди. Бу талбир брокерларни аттестациялаш тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади. Брокерларнинг тақлифига биноан ва уларнинг иштирокида брокерлар гильдияси - асосий мақсади брокерларга уларнинг фаолиятида кўмаклашиш, брокерларнинг манфаатларини муҳофазалашдан иборат бўлган жамоат ташкилотини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатлар тайёрланди.

Биржа олди-сотдисида саноат корхоналари, колхозлар, ҳиссадорлик компаниялари ва мулкчилик усулидан қатъий назар, бошқа ҳар қандай хўжаликлар, шунингдек, хорижий фирма ва компаниялар тасарруфидаги маҳсулотларни жалб қилиш мақсадларида биржа ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

борасида муайян ишларни олиб боради. Биржа реклама материали республика телевидениеси орқали намойиш этилмоқда. “Бизнес-Вестник Востока (БВВ)”, “Мулкдор” газеталари саҳифаларида суҳбат ва мақолалар эълон қилинади, улар биржа тўғрисида ўзбек, рус ва инглиз тилларида ахборот варақалари чиқарадилар, биржа раҳбарларининг республика вилоятларига чиқишлари ташкил этилмоқда.

Биржа ўтказилган олди-сотди натижалари бўйича товарлар ва хом ашёнинг асосий турларига нарх баҳолари ишлаб чиқади, улар ҳар ҳафтада “Бизнес-Вестник Востока (БВВ)”, “Мулкдор” ва бошқа газеталарда чоп этилиб, республика талбиркорларининг эътиборига етказилмоқда.

РТБ фаолиятининг дастлабки босқичида биржа олди-сотдиларида барча битишувлар фақат мавжуд реал товар контрактларда белгиланган (форвард битишувлари) келишилган муддатларда етказиб берилиши асосидагина тузилди. Бироқ, давр фьючерс битишувларини ўтказишни ҳам тобора қатъий талаб қилмоқда.

Фьючерс битишувлари бўлғуси маҳсулотга унинг ҳақи олдиндан тўланган ҳолда тузилади. Улар хўжалиқларни молия ресурслари билан ўз вақтига таъминлаш муаммосини ҳал қилади. Шу билан бирга фьючерс битишуви ҳақи тўланган буюртма ҳисобланиб, келгуси даврда маҳсулот нарх даражаси чекланган ҳолда сотилишини кафолатлайдики, бу ишлаб чиқарувчи фаолиятида барқарорлик ва ишонч туғдирмоқда.

1995 йилдан бошлаб шундай битишувларни ўтказиш бошланди. Фьючерс битишувларининг кенг қўламларда жорий этилиши бозордаги аҳволни ҳисобга олиш, у ёки бу

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

маҳсулот турига эҳтиёжни аниқлаб, шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини белгилаш, шунингдек яна бир муҳим жиҳат - нархларни муайян бир даражада барқарорлаштиришга имкон беради.

Моддий ҳаражатлар кўрсаткичидан фойдаланиб, биржа ва ярмарка фаолиятининг ривожланишини таҳминлаш

Марказлаштирилган республикалараро маҳсулот етказиб бериш ва олиш хорижга маҳсулот чиқариш

Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида бевосита ҳўжалик алоқалари

Биржа ва ярмарка айланмаси

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ва ярмаркасида

Товар айланишининг республика умумий ҳажмидаги салмоғи

Биржа ҳажмларининг таҳминланиши

Республикада бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичи иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларни аниқ кузатиб боришни, уларни тартибга солиш ва таҳминлашни талаб қилади. Бу биржа ва ярмарка айланишини ҳам қўшиб, моддий-техника ресурслари айланишига тўла маънода тегишлидир.

Таҳминлашнинг таклиф этилаётган усули биржа ва ярмарка таркибларига эга бўлган минтақаларда ҳам фойдаланилиши мумкин.

Бу усул ялпи ижтимоий маҳсулот ва унда моддий ҳаражатлар ҳиссаси кўрсаткичларини қиёслаш ва ўсишни кейинги қиёслашга (ялпи ижтимоий маҳсулотнинг таҳминланаётган ўзгаришларига биноан моддий ҳаражатларнинг камайишига) асосланади. Масалан, 1994 йили республика бўйича ялпи ижтимоий маҳсулот 109,6

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

миллиард сўмни, унда моддий харажатлар 63,7 миллиард сўм, ёки 58,2 фоизни ташкил этди.

Бу хиссани етарли барқарор даража сифатида сақлаб қолиб, яппи ижтимоий маҳсулотнинг тахминлаш даражаларидан келиб чиқиб, моддий харажатлар 1995 йили 61,2 миллиард сўмни, 1996 йили эса - 64,9 миллиард сўмни, яъни 57,9 фоизни ташкил этади. 1994 йили моддий харажатларда биржа айланмасининг ҳиссаси 2,6 фоизни ташкил этганлигини, 1995 йилнинг биринчи ярмида 15,1 фоизгача ўсганлигини ҳисобга олиб, 1995-1996 йилларда биржа айланмасининг тахминланаётган ҳажмлари уларнинг ўсиши тўғриланган тақдирда тегишли равишда 6,4 ва 11,3 миллиард сўмни ташкил этади.

Кўриб чиқилаётган ёндошувдан фойдаланиб, моддий харажатлардан товар-хом ашё биржалари ва ярмаркалари доирасидан ташқарида тақсимланувчи ҳамма нарса - ёқилги, электр қуввати, технологик иссиқлик ва буғни чегириб ташлаб, марказлаштирилган экспорт, МДХ доирасида республикалараро етказиб бериш ва биржалар ҳамда ярмаркалар хизматлари қамраб олиши керак бўлган товар-хом ашё массасининг умумий миқдорини чиқариш мумкин. Аслини олганда, агар жамики ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳар қандай воситачи тармоқларни четлаб ўтиб, истеъмолчиларга тўғридан тўғри етиб борса, олинган умумий миқдор моддий-техника таъминоти бўйича битишувлар ҳажмининг энг кам даражаси ҳисобланади.*

* Яппи ижтимоий маҳсулотни яратиш бўйича моддий харажатларни М; Марказлаштирилган республикалараро мол етказиб бериш ҳажмларини С; Бевосита хўжалик алоқалари ҳажминини Х; Энергиянинг киймагини Э деб ифодаласак.


У ҳолда биржа айланмаси - О.

О = М - (С+Х+Э) бўлади, унда тенгламанинг ўнг томонидаги барча рақамлар аниқ ҳисоб миқтақалари учун осонгина белгиланади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

*Биржа ва ярмарка фаолияти ривожланишини
моддий чиқимлар кўрсаткичидан фойдаланиб
башорат қилиш*



*ЎЗР ТХБ ва ярмарка товар
айланмасининг республика буйича умумий
ҳажмдаги салмоғи*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Шуни унутмаслик керакки, ўзининг нисбатан содда-лигига қарамадан, бу усул фақат оралик истеъмолининг моддий-техника ресурслари сифимини тавсифлайди. Бунда у пировард истеъмол товарлари чакана савдосини назарда тутмайди. Баҳолаш натижалари моддий харажатлар ва моддий-техника ресурслари айланишининг қиёсланмайдиган кўрсаткичларига асосланади, шунинг оқибатида тебранишларнинг хийла катта ўзгаришларига эга бўлишлари мумкин.

Шунга қарамадан таклиф этилаётган услуб муайян минтақа учун имконли биржа айланмасининг старли даражадаги ҳолис рақамини беради.

Бу ўз навбатида, истеъмолчиларни ресурслар билан таъминлаш учун зарур чакана савдо субъектлари ва объектлари микдорини ҳисоблаб чиқиш имконини яратади.

Валюта биржаси

Республика валюта биржаси ислохотлар жараёнида гоят муҳим ўрин тутади. Унинг вазифалари:

- *валюта бозорида операцияларни ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси пул бирлигининг хорижий валюталарга нисбатан жорий бозор курсини белгилаш;*
- *корхона ва ташкилотларнинг ноқонвертлаштирилган валютадаги пул маблағларини талаб ва таклиф асосида таркиб топган курси бўйича конвертлаштирилган валютага алмаштириш бўйича операцияларни ташкил этиш;*
- *пул бозоридаги операцияларнинг ташкилий ва ахборот таъминоти;*
- *қимматбаҳо қоғозлар операциясини амалга ошириш;*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- *хисоб-китобларни биржада тузилган битишувлар бўйича биржа хисоб-китоб тўлови орқали чет эл валютасида ва Ўзбекистон Республикаси пул бирликларида ташкил этиш ва амалга ошириш;*
- *биржа хиссадорлари ва аъзолари, валюта ҳамда пул бозорларининг бошқа иштирокчиларига зарур бўлган маслаҳат, ахборот ва хизматнинг бошқа турларини кўрсатиш;*
- *валюта ва пул, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бозорларидаги операциялар ва хисоб-китоблар учун дастурий воситалар ва автоматлашган мажмуаларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва тарқатишдан иборат.*

1995 йилдан бошлаб республика тижорат банклари валюта олди-сотдисидида иштирок этиш ва чет эл валютасида операциялар олиб бориш ҳуқуқига эга бўдилар. Валюта савдолари натижаларига асосланиб, Республика Марказий банки чет эл валюталари, шу жумладан АҚШ доллари тижорат курсларини мунтазам белгилаб бормоқдаки, бу тадбиркорларнинг валюта операциялари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Амлок биржаси

Ўзбекистонда 1994 йил апрелида амлок биржаси барпо этилди.

Унинг вазифалари;

- *хусусийлаштириш жараёнини интенсивлаштириш;*
- *амлок, Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари мулки, нодавлат корхоналар, хиссадорлик жамиятлари, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мулкининг биржа савдосини ташкил этиш;*

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- *Ўзбекистонда амлокнинг очиқ савдосини ташкил этиш;*
- *биржада қадрга қимматга эга бўлган амлок ва мол-мулк баҳосини белгилаш ҳамда тартибга солиш йўли билан бозор муносабатларини ташкил этиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш;*
- *ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, шунингдек чет эллик инвесторларга давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида бевосита иштирок этиш учун кенг имкониятлар очиб беришдан иборат.*

Биржа ўз фаолиятининг дастурини Низом ва амалдаги қонунларга биноан тўла ҳўжалик ҳисоби қодалари асосида мустақил режалаштиради.

У қуйидаги вазибаларини амалга оширади:

- олди-сотдида бевосита иштирок этувчи мутахассисларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
- уларнинг ҳуқуқлари ва вазибаларини белгилайди;
- янги аъзолар қабул қилиш ва ҳаракатдагиларини чиқаришни амалга оширади;
- биржа аъзоларининг савдо сессияларидаги вакиллари ҳисобланган брокерлар, дилерлар ва бошқа мутахассисларини рўйхатга олади;
- савдоларни ўтказиш учун биржа йиғилишларини ташкил этади;
- Биржа савдоси қодаларини ишлаб чиқади ва чоп этади;
- битишувларни амалга ошириш, амлок бозори иштирокчиларининг савдо эҳтиёжларини аниқлаш ва қондириш учун ихтисослашган секциялар ташкил этади;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- амлокни нарх белгилашга кўйиш қоидаларини ишлаб чиқади,
- шунингдек листинг ва делистинг маросимини ўтказади;
- талаб ва таклиф нисбатини аниқлайди, листинг маросимидан ўтган амлокка нарх белгилашни ўтказади;
- биржа савдоси эҳтиёжларига биноан биржа бўлинмалари ва бошқа тузилмаларини барпо этади;
- нарх белгиловчи, эксперт ва статистик комиссиялар, рўйхатга олиш бюролари ва биржа савдоси эҳтиёжлари учун зарур бошқа тузилмаларни таъсис этади;
- биржа ходимларининг ваколатлари ва функционал вазифаларини белгилайди, ходимларнинг меҳнат ҳақи шакллари, тизими ва миқдорини, уларнинг бошқа даромад турларини мустақил белгилайди;
- биржа мутахассислари ва хизматчиларини, шу жумладан чет элда, тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини йўлга қўяди, ўз ходимлари меҳнат қилиши учун керакли шарт-шароитларни яратади, шу жумладан кийим-бош бичими, уй-жой олиш, овқатланиш, суғурталаш, фоизсиз қарз бериш ва бошқа тадбирларни ҳам ҳал қилади;
- биржа аъзолари манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, савдо операциялари бўйича баҳсларни ҳал қилиш учун зиддият комиссияларини таъсис этади;
- кенгашлар ва йиғилишлар чақириш, зарур таҳлилий ва тадқиқот ишларини бажариш йўли билан товар айлиниш шароитларини, у билан боғлиқ масалаларни ўрганади;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- биржада савдога қўйилган амлок ва мол-мулкнинг олди-сотдисига стандарт контрактлар иштаб чиқади;
- минтакалараро ва биржалараро алоқаларни ривожлантиради, амлок бозорида ўзини-ўзи тартибга солиш, ўз аъзолари учун юксак касб стандартларини сақлаб туриш, ходимларни тайёрлаш, амлок бозори инфраструктурасини ривожлантириш, амлок бозори фаолиятини биргаликда илмий-текшириш ва тадқиқ қилиш мақсадларида ташкил этиладиган касб уюшмалари, ассоциациялар, бирлашмалар, жамоат ташкилотларига қиради;
- кимовши ва танловлар, савдонинг бошқа шакллари йўтказди;
- филиаллар ва бошқа алоҳида ваколатхоналар ташкил этади;
- биржа фаолияти учун кадрлар тайёрлашни ташкил этади;
- реклама-ноширлик фаолиятини амалга оширади, биржа бюллетенлари, маълумотномалар, нархнаво обзорлари ва бошқа керакли ахборот материалларини чоп этади;
- биржа аъзолари, филиаллар ва ваколатхонлар билан алоқа-ҳисоблаш техникаси, алоқа воситаларидан фойдаланиб биржа ахборотини айирбошлашни ташкил этади;
- аъзолик бадалларини, шунингдек бошқа йиғимларни белгилайди, кўрсатилаётган хизматлар учун тўловларни ундиради;
- Низом, биржа савдоси қоидалари ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун жарималар солади;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- биржа фаолиятининг хусусиятидан келиб чикиб, маслахат, ахборот, аудитор ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатади;
- биржа фаолияти мақсадларига етишишни таъминловчи объектлар, шунингдек профессионал жамоалар ташкилотлари, ассоциациялар, уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш тузилмалар доирасида бажариладиган лойиҳаларга маблағларни сарфлайди;
- конунларга биноан ташкилотнинг иқтисодий фаолиятини амалга оширади;
- биржа фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат ва ҳукумат ташкилотларига таклифлар киритади;
- биржа фаолиятига дахлдор бошқа ҳар қандай вазифаларни бажаради.

Республика амлок биржаси кўрган чоралар муайян натижаларни берди. 1994-95 йилларда 1000 дан зиёд объект очик савдога қўйиб сотилди, бу савдоларда бир неча минг ҳуқуқий ва жисмоний шахслар иштирок этишди. Очик савдога сотилган объектларнинг дастлабки нархи унчалик юқори бўлмагани ҳолда сотиш баҳоси 1,5 миллиард сўмга етиб борди.

Амлок биржасининг вилоятлардаги бўлинмалари кимовчи савдосини мунтазам тус олдирдилар. Шунинг таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда Америка Қўшма Штатларининг Халқаро Ривожланиш Агентлиги кўмаги доирасида иш олиб бораётган “Прайс Уотерхаус” фирмасининг мутахассислари бу ишда катта ёрдам кўрсатишди.

Дастлабки очик савдолар Ўзбекистонда бирмунча юксак даражада ўтди, фақат мамлакатимиз тадбиркорларидагина эмас, балки оддий фуқароларда ҳам улкан

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

қизиқиш туғдирди, республикадаги вакил қилинган дипломатия ваколатхоналари ва бизнесменларнинг синчков эътиборини ўзига жалб қилди. Бу очик савдолар чет эл оммавий ахборот воситаларида ўз ифодасини топди (“Деловой мир”, “Рабочая трибуна”, “Озодлик” радиоси, “Интерфакс” агентлиги).

Умуман, ўтказилган очик савдолар:

- амлок объектларини хусусийлаштиришга аҳолининг турли катламларини жалб қилиш ва уларнинг иштироки учун тенг шарт-шароитлар яратиш;
- объектларни сотишдан тушган маблағларнинг бир қисmini тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг ижтимоий жихатдан кам таъминланган катламларини муҳофазалашни ташкил этишга сарфлаш;
- сотилаётган объектларнинг бозор нархини белгилаш;
- тадбиркорлар томонидан талаб катта бўлган объектларни аниқлаб олиш;
- Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига ишбилармон доираларнинг эътиборини жалб қилиш ва чет эл инвесторларини унинг иқтисодиётига маблағ жойлаштиришга қизиқтириш имконини берди.

Очиқ савдода:

- корхоналар, цехлар, ишлаб чиқаришлар, участкалар ва бу корхоналарнинг мустақил корхона бўлиб ажралиб чиқиши мумкин бўлган бошқа бўлинмалари;
- ускуналар, бинолар, иншоотлар, лицензиялар, па-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

тентлар ва мулкдор қарорига биноан тугатилган корхона ҳамда унинг бўлинмаларига тегишли бошқа активлар;

- тугалланмаган қурилиш объектлари;
- ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари;
- ер майдонлари сотилади.

Олди-сотди тугатич, очик савдони олиб борувчи ваколатли киши “қимомидига” кўйилган объектлар сотилганлигини эълон қилади, сотиш нархини ва ғолиб билетининг сонини айтади.

Очик савдо ғолиби мазкур объект бўйича олди-сотди тугатилганидан кейин очик савдони ўтказиш қоидаларида белгиланган муддат давомида очик савдо натижалари тўғрисидаги протоколни имзолайди. Очик савдо ёки танловлар чет эл инвесторлари иштирокисиз ўтказилганда объектларнинг қиймати Ўзбекистон миллий валютасида баҳоланади. Республикамиз ҳуқуқий ва жисмоний шахслари (ҚҚлардан ташқари) очик савдода ютган тақдирларида сотиш объектларини шу валютада сотиб оладилар. Чет эл ҳуқуқий ва жисмоний шахслари гаров пули ва сотиб олинаётган объект қийматини эркин муомаладаги валюта билан очик савдо ўтказилган кундаги биржа курси бўйича қайта ҳисоблаб тўлайдилар. Очик савдода қўшма корхона (ҚҚ) иштирок этган ҳолда гаров пулининг бир қисми ва сотиб олинаётган объект қиймати ўзбек томонининг ҚҚда қатнашган хиссасига пропорционал равишда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади. Қолган қисми эса миллий валютанинг очик савдо ўтказилган кунги биржа курси бўйича чет эллик шерикнинг ҚҚда иштирок этган хиссасига пропорционал тарзда қайта ҳисобланиб, эркин муомаладаги валюта билан тўланади. ●

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Белгиланган тўлов муддатлари ва усулларига биноан сотиб олувчи хусусийлаштирилаётган объектнинг тўла қиймати миқдоридаги маблағни гаров пулини чегириб ташлаган холда давлат мулкани тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ жамланадиган махсус ҳисоб рақамига ўтказиши керак. Сотиб олувчининг объект ҳақини тўламаслик ёки тўловни кечиктириб юборганлик учун масъулияти олди-сотди шартномаси қодалари билан белгиланади.

Сотувчидан олинган маълумотлар асосида очиқ савдо ташкилотчиси “кимощди”да сотувга қўйилаётган объект тўғрисида ахборотнома тайёрлайди ва унинг очиқ савдо ўтказиладиган кундан камида 3 ҳафта илгари матбуотда ва махсус ахборот рисоаларида чоп этилишини уюштиради.

Ахборотнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- а) очиқ савдода корхона сотилаётган тақдирда:
- хусусийлаштирилаётган корхонанинг номи ва манзилнохи;
 - ер майдонининг катта-кичиклиги ва унда жойлашган қурилишларнинг хусусиятномаси;
 - ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми ҳамда асосий турлари;
 - корхонада ишлаётганларнинг сони ва таркиби;
 - асосий фондларнинг гуруҳлар бўйича, ноишлаб чиқариш объектлари ва ер участкаси ҳам қўшилган рўйхати ва баҳоланган қиймати;
 - бошланган инвестиция лойиҳалари, уларнинг сметта қиймати ва сарфланган ҳаражатлар;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- пул маблағларининг аҳволи;
- моддий қадриятлар захиралари;
- корхонага тегишли кимматбаҳо қоғозлар ва бошқа корхоналарнинг низомий жамғармасидаги ҳиссалар, пайларнинг миқдори;
- номоддий активлар (патентлар, савдо маркалари ва бошқалар) миқдори;
- корхонанинг (савдо, биржа, кредит) мажбуриятлари;
- корхонанинг йиллик баланси ва сўнгги йилдаги фойдалари ҳамда кўрган зарарлари тўғрисидаги ҳисобот;

б) акциялар пакетини сотиш чоғида қўшимча равишда ҳиссадорлик жамиятининг низомий жамғармаси, бир акциянинг белгиланган баҳоси, сотилаётган акцияларнинг умумий сони;

в) тутатилган корхонанинг активларини очик савдода сотиш чоғида уларнинг асосий хусусиятлари келтирилади;

г) барча ҳолларда:

- ўтказилаётган очик савдо усули;
- бошланғич сотув нархи;
- тўлов усули;
- очик савдо иштирокчиларини объект билан олдиндан таништириш тартиби;
- очик савдода иштирок этиш учун талабномалар, бошқа ҳужжатларни қабул қилишнинг узил-кесил муддати;
- дастлабки нархдан фоизлардаги гаров пули миқдори ва у ўтказилиши керак бўлган ҳисоб рақами;
- очик савдо ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- очик савдо ташкилотчисининг боғланиш телефони номери маълум қилинади.

2.2. Кредит-банк тизими

Банк тизимининг фаолияти:

- давлат ва банкларнинг ўзаро муносабатлари;
- яқка ҳуқуқронлик сиёсати ва банк соҳасида рақобатнинг ривожланиши;
- қарз берувчи билан олувчи ўртасида бевосита муносабатларни ташкил этиш, кредитда воситачилар тизими ва уни тартибга солиш механизмини яратиш;
- тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўзаро ҳамкорлиги;
- банк сиёсатининг йўналишлари;
- кадр имкониятлари каби асосли муаммоларнинг ҳал этилишига таяниши керак.

Мамлакатда сиёсий ҳокимият барқарор бўлганида, бардошли пул муомаласи вужудга келтирилганида, банклар ва корхоналарнинг манфаатларига зиён етказилмаганидагина банклар самарали иш олиб бора оладилар.

Ҳам давлат, ҳам Марказий банк томонидан бирор даражада чеклаб қўйилмай, актинча фаол равишда қўллаб-қувватланишига эҳтиёжманд тижорат банкларига алоҳида эътибор берилиши керак. Бундан ташқари улар хизмат кўрсатадиган миқозлар орасида молиявий жиҳатдан барқарор корхоналар ва фирмалар билан бир қаторда кредит қобилияти паст даражада бўлган объектлар кўпчилигини ташкил этади. Бундай миқозлар билан кредит муносабатлари ҳийла таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, банклар учун қизиқарли жиҳатлари кам.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Шу билан бирга мазкур корхоналар каторида шундайлари ҳам борки, уларнинг иш олиб бориши умумиктисодий ва халқ хўжалиги нуктаи назаридан ғоятда зарурдир. Мазкур ҳолатларда муаммо тижорат банклари ҳисобига эмас, балки давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига ҳал этилиши керак.

Шундай қилиб, банк соҳасида давлатнинг иштироки сақлаб қолиниши ва банк тузилмаларини шакллантиришга қаратилиши керак.

Оқилона солиқ сиёсати банк фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Банклар фойдасини камайтиришга қаратилган кучли солиқ тазйиқи пировардида ишлаб чиқаришни ривожлантириш самарадорлигида ўз аксини топади. Шу муносабат билан солиқ солишнинг баъзи банкларга нисбатан, айниқса, улар фаолиятининг дастлабки босқичида қўлланиладиган табақалаштирилган ставкалари оқилона туюлади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитларида банк маблағларига яқка эгалик қилишни бартараф этиш ва банк мулкани давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодий сиёсатнинг ғоят муҳим жиҳати ҳисобланади. Банк тизимини қайта ташкил этиш ўз навбатида ривожланишни тизгинлаб, банк ишида рақобатни мураккаблаштирувчи бошқарувнинг марказлаштирилган тизими, қуйи тузилмалар хўжалик мустақиллигининг кучсизлиги билан характерланадиган улкан банкларни ислоҳ қилишга йўналтирилиши керак.

Банклар ўз моҳиятларига кўра бозор тузилмасининг элементлари сифатида рақобатлашувчи корхоналар ҳисобланганлиги учун ҳам уларнинг шохобчалари жиддий равишда кенгайтирилиши керак. Бу фақат ўз фаолият турлари жиҳатидан хитма-хил банклар (ишбилармонлар, омо-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

нат, гаров банклари ва бошқалар) мавжуд бўлганидагина бозор иқтисодиёти самарали тус олиши билан изоҳланади. Банк тижоратчи корхона сифатида мулкчилик усуллари-нинг хилма-хиллиги ва бири бирига нисбатан тенг ҳуқуқ-лиги асосида иш олиб бориши ғоятда муҳимдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида Ўзбекистонда икки даражадаги банк тизими шаклланди. Марказий банк жорий хизмат кўрсатиш ва банк муассасаларининг кундалик фаолиятини тартибга солишдан ҳалос бўлди. У республиканинг бош банки ҳисобланиб, Тошкент шаҳрида жойлашган марказий девон ва Қорақалпоғистон Республикаси, 13 вилоят ва Тошкент шаҳрида бошқармаларга эга. Унинг низомий жамғармаси 100 миллион сўмни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Марказий банк тизимида 4000 га яқин ходим ишлайди.

Марказий банкнинг фаолияти “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” 1992 йил феврида қабул қилинган Қонунга биноан амалга оширилади.

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, бутун банк тизимининг дарҳол нақд пулга айланиши мумкин бўлган жамғармаси мавжудлиги, тўловга қобилияти ва узлуксиз ишлашидан иборат ҳисобланади. Асосий вазифалар, хусусан, давлат пул-кредит ва валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш шу мақсаддан келиб чиқади.

Давлатнинг жамланган пул айланиши ва расмий олтин-валюта захираларини бошқариш Марказий банк вазифасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки нисбатан киека муддат мобайнида халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятида чуқур функционал ўзгаришларни амалга оширди. Банкнинг олтин-валюта

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

захираларини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда, валюта қадриятлари ва қимматбаҳо металлларнинг жаҳон бозорига дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Яхши маълумки, банк иши тadbиркорликнинг энг кўп даражада назорат қилинадиган соҳасига киради, чунки тижорат банкларининг иқтисодий манфаатлари давлат ва шахсий корхоналар манфаатлари билан бевосита чагишиб кетади. Шу муносабат билан тижорат банкларининг фаолияти иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ғоят муҳим объекти ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳудудида 30 тадан кўпроқ ҳиссадорлик-тижорат банклари рўйхатга олинган ва иш олиб бормоқда. Халқ банки билан “Пахтабанк” улар орасида энг йиригидир. Бу банклар аҳолининг асосий қисми, иқтисодиётнинг саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалик корхоналари секторларини маблағ билан таъминлаш ва уларга қарз беришни амалга оширади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлигини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилган.

Халқ банки аҳоли билан муомалаларни, яқка тартибдаги уй-жой қурилишига ва шахсий тadbиркорликка қарз беришни амалга ошириш бўйича энг йирик банк ҳисобланади. Бу банк 2100 дан зиёд филиалларга эга.

Аграр секторда тadbиркорлик ва мулкчиликнинг янги усулларини ривожлантиришга молиявий ёрдам кўрсатиш учун жойларда кенг филиаллар шохобчасига эга бўлган “Тadbиркорбанк” ҳиссадорлик-тижорат банки ташкил этилган.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

1994 йили “Ўзсавдогарбанк”, хиссадорлик-биржа “Трастбанк”и, “Галлабанк”, “Мевасабзавотбанк” ва бир қатор бошқа банклар иш бошлади.

Ўзбекистонда қўшма банклар ҳам ташкил этилмоқда. Халқаро “Ўзхусусбанк”, 2 миллион АҚШ доллари баробарида низомий капиталга эга бўлган ўзбек-турк “УТ-банк”и ишлаб турибди. Ҳиндистон Давлат банки, “Дойчебанк”, “Берлинербанк” немис ва бошқа банкларнинг ваколатхоналари очилган.

Тижорат банклари молия оқимларини тартибга солувчи сифатида тобора катта мавқени эгаллаб бормоқдалар. Давлат иктисодиёти катта қўламлардаги инвестицияларга муҳтож ва банклар корхоналар билан аҳолининг эркин маблағларини сафарбар эта бориб, кишлоқ хўжалиги, олтин қазиб олиш ва нефт-газ саноати сингари ус-тувор тармоқлар маблағ билан таъминланишига кўмаклашмоқда.

Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти рағбатлантирилмоқда. Чунончи, ҳукумат ва Марказий банкнинг қарори билан Марказий банкдаги мажбурий захиралар агар уларга тегишли активларнинг 20 фоиздан кўпроғи инвестицияга йўналтирилса, тижорат банкларига қайтарилади.

Аҳолининг омонатларини рағбатлантиришнинг асосий қисми Халқ банки хиссасига тўғри келади. Бу банк филиалларнинг энг йирик тармоғига эга бўлиб, аҳолининг пулларини қабул қилиш бўйича етакчи ўрин тутиб келмоқда. Аҳоли ҳозирги пайтда ўз маблағларининг фақат 20 фоизини банкларда сақламоқда, бу банклар, шу жумладан чет эл банклари учун ҳоят кенг фаолият майдонини мавжуд эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон молия бозорига чет эл ва қўшма банклар

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

учун йўл очишга банк соҳасини янада ривожлантиришнинг истиқболлари сифатида қаралмоқда.

Бозор муносабатлари ривожланиб боргани сари асосий тижорат банкларининг таркиб топган ташкилий-функционал тузилмалари жиддий ўзгаришларга эҳтиёж сезади. Шу муносабат билан Марказий банк томонидан банк тизимини ривожлантириш борасида кўрилаётган чоралар тижорат банкларининг функциоал мақсади ва Низомий жамғарма миқдорига кўра а) барча операция турларига бош банк лицензиялари бўлган универсал тижорат банкларига б) банк операцияларининг муайян доирасига ихтисослашган тижорат банкларига в) кичик бизнес, майда ва деҳқон хўжаликлари учун кредит кооперациялари ва кооператив банкларга табақалаштиришга қаратилмоқда. Банк тизимини ислоҳ қилиш иқтисодий молиявий барқарорлаштиришнинг кўпгина муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

Банк тизими ва унинг хизматларидан фойдаланувчи қорхонанинг ўзаро муносабатларида ҳам анчагина ўзгаришлар юз берди. Ҳали яқингача банк назорат қилувчи, йўналтирувчи ва раҳбар идора сифатидан бошқача тушунилмасди. Чунки у алоҳида давлат тузилмаси бўлиб, миждозларга (яъни, ўзи хизмат кўрсатаётган қорхонага) ўз шартларини зўрлаб тикиштириши мумкин эди. Бутунги кунга келиб эса, вазият мутлақо ўзгарди, ҳар ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан ўзгарди.

Банк ҳам, миждоз ҳам бозор шароитларида умумий бир ишда тенг ҳуқуқли шериклар ҳисобланадилар. Уларнинг ўзаро муносабатлари бўйича ҳуқуқлари ва вазифалари улар ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

Қонда тариқасида, ҳозир банклар ўз миждозлари билан

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

типовой шартномани имзолайдилар. Бирок у қотиб қолган бир нарса сифатида қабул қилинмаслиги керак. Жорхона, ҳар қандай тенг ҳуқуқли шериклар ўртасида бўлгани каби, шартномага ўзи учун зарур деб ҳисоблайдиган бандлар киритилишига эришади. Бошқа томон, яъни банк ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлади.

Банк корхона томонидан ўзида сақланаётган маблағлардан ўз тижорат фаолиятига фойдалана олади. Бунинг учун у корхонага муайян йиллик фоизни ой сайин ўтказиб боради. Бу шарт ҳам шартномада қайд қилинади.

Мижоз пулсиз ҳисоб-китобларни расмийлаштириш қоидаларига банк муассасаси, Марказий банк ёки бошқа тегишли идоралар томонидан киритилаётган барча ўзгаришлардан ҳамиша хабардор қилиб турилиши керак. Шунинг учун шартномада хизмат кўрсатувчи банкнинг шу ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида бериб туриш, ҳужжатларни тайёрлаш юзасидан оғзаки маслаҳатлар бериш, банк операцияларини расмийлаштиришга тегишли маълумотларни тақдим этиш борасидаги мажбуриятлари ёзиб қўйилади.

Шартлашувчи томонларнинг ҳар бири мустақил ҳўжалик субъекти, шу боис банк миждознинг пул маблағларидан қандай мақсадларда фойдаланишини белгилаш ҳуқуқига эга эмас. Бирок, у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан клиентнинг пул маблағлари сарфи, унинг низомий фаолиятига мослигини назорат қилиш, ўзи хизмат кўрсатаётган миждознинг пул ва бошқа ҳўжатлари, ҳисобхона қайдлари, жорий маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга.

Ўз манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадларида банк ўз миждозидан маблағ билан таъминлаш ўзининг

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

кредитлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган қурилиш, қайта тиклаш ва объектларни техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳа ечимларини мутахассис текширувидаги ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Мижознинг ишлаб чиқариш ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоботларида ноаниқлик кузатилган ёки у бухгалтерия ҳисоб-китобини нотўғри юритган ва шунга ўхшаш ҳолларда банк ҳисоб-китоб хизматини тўхтатиб қўя олади.

Шартномада банкнинг миждоз аризаси, ёки корхонани барпо этган идоранинг қарорига биноан, ташкилотни тугатиш чоғида, давлат инспекцияларининг қарори бўйича ўзи хизмат кўрсатаётган корхонанинг ҳисоб-китоб рақамини ёпиб қўйиш ҳуқуқи ифодаланиши керак. Ҳисоб-китоб рақами унда 12 ой мобайнида молиявий маблағлар бўлмаган тақдирда ҳам ёпиб қўйилади.

Томонларнинг ҳуқуқий масъулияти ҳар қандай шартноманинг энг муҳим бўлимларидан биридир. Муайян нуқсонларга йўл қўйилган тақдирда бир шерик иккинчисига нисбатан қўллаши мумкин бўлган барча жазо чоралари унда аниқ-равшан қайд қилиниши зарур.

Хусусийлаштиришнинг бошланиши ва мулкчиликнинг янги усуллари юзага келиши билан банк кредитларининг тугган ўрни кескин кўтарилди. Кредит билан таъминланиш масалалари майда ва ўрта корхоналар учун айниқса долзарб тус олди. Чунки талбиркорларнинг ўз иштини йўлга қўйишга бўлган интилишлари ва потенциал имкониятлари, қоида тариқасида, молиявий ресурслар билан мустаҳкамланмаган. Дастлабки маблағларнинг йўқлиги ва маблағ етишмаслиги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан биридир.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Маблаг билан таъминлаш тижорат банклари кўрсатадиган асосий хизмат тури ҳисобланади. Бу хизматларнинг моҳияти мижозларга олдиндан келишилган шарҳлар билан тўлов учун пул қарз беришдан иборатдир. Кредит хизматларининг хилма-хиллиги пул қарз беришнинг мавжуд турларини таснифлаш эҳтиёжини туғдирмоқда. Банк қарзлари уларнинг мақсади, қарз олувчининг мўлжали, таъминотнинг мавжудлиги, муддатлилиги, қоплаш усули, ҳажми, фоиз ставкаси ва шу қабилар билан тавсифланади.

Анъанага кўра кредитларни қисқа муддатли (бир йилгача), ўртача муддатли (бир-уч йил) ва узоқ муддатли (уч йилдан зиёд) кредитларга ажратадилар. Кейинги пайтда бир йилдан ортиқ муддатга берилган барча қарзлар узоқ муддатли қарз тоифасига киради. Қарз бериш муддатларининг узайиши ташқи иқтисодий муҳит ва қарз олувчининг молиявий аҳволи тавсифлари ўзгариши оқибатида қарзнинг тўланмай қолиш ҳавфи ортиши, шунингдек кредит ресурслари бозорида фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлиги оқибатида туғиладиган хатар билан боғлиқ.

Мижоз ўзининг банк олдидаги мажбуриятларини бажариш эҳтимоли кўп жиҳатдан кредитнинг мақсади билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, қарзнинг қийматига таъсир кўрсатади.

Қарз олувчи самарали ишлаб чиқаришга, зарур фойдага, яъни пухта молиявий ҳолатга эга бўлиши керак. Агар қарз олувчининг кредитга қобилияти етарли бўлмаса, ёки маблаг билан таъминланаётган операция дангалчилик тусида бўлса, кредит билан таъминланиш учун қўшимча кафолатлар талаб қилинади. Мол-мулкни қаровга қўйиш, кредитни суғурталаш, учинчи шахсларнинг

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

кафолатлари (кафиллиги) шундай кафолат бўлиши мумкин.

Қарз олувчининг мулкида асосий ва айланма маблағларнинг мавжудлиги унга кредит олиш учун устун ҳуқуқлар беради, чунки бу ҳолларда банкнинг зиммасига тўғри келадиган хатар анча камаяди, мавжуд товар-моддий кадриятлар гарови эса, кредитнинг таъминланишига хизмат қилиши мумкин. Қарз олувчининг у кредит шартномаси амал қиладиган муддатда қарз берувчига қарз олувчи тўловга ноқобиллиги юз берганида қарзни қоплаш мақсадида берган (ёхуд саклаш масъулияти юк-лаб, бироқ уни сотиш ёки учинчи шахсга бериш ҳуқуқсиз қолдирилган) мол-мулки гаров сифатида тушунилади. Мижоз кредит шартномаси шартларини бажаришга қодир бўлмаган чоғда (қарзни қайтариб, фоизни тўлай олмаганда) банк гаровни сотиб, тушган маблағдан қарз олувчининг қарзини ва гаровни сотиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш ҳуқуқига эга. Тушган маблағнинг қолган қисми қарз олувчига қайтарилади. Гаров ҳажми қарз ҳажмидан ортиқ бўлиши керак. Банк ва мижоз томонидан белгиланадиган гаров қиймати шу мулкнинг баланс қийматидан фарқ қилиши мумкин, чунки унда гаровга қўйиладиган мулкнинг амалдаги нархини ҳисобга олади. Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма равишда тузилади ва кредит шартномаси шартларидан келиб чиқувчи мустақил ҳужжат сифатида амал қилади. Товар-моддий кадриятлар гаровга қўйилган тақдирда гаровга қўйилган кадриятларнинг нотариус томонидан тасдиқланган рўйхати шартномага илова қилинади.

Ҳозирги пайтда банк кредитларини суғурталаш ғоят фаол ривожланиб бормоқда. Суғурталаш шартномаси икки томон - мижоз, суғурта компанияси ёхуд уч томон-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

мижоз, суғурта компанияси ва банк ўртасида тузилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам суғурталаш эҳтимол тутилган зарарларни банк ҳисобига коплашни кўзда тутиши керак.

Кафолот (кафиллик) учинчи шахс қарз олувчининг тўлов қобилиятсизлиги юз берган ҳолда унинг қарзини тўлаш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятни англади.

Кафил сифатида:

- ваколатли идоралар тимсолида давлат;
- банклар;
- жамоат жамғармалари, уюшмалар, ассоциациялар, корпорациялар;
- қарз олувчининг асосий ҳиссадорлари ёки муассислари;
- қарз олувчига сотилишидан манфаатдор бўлган йирик хом ашё етказиб берувчилар;
- бошқа ҳуқуқий шахслар намоён бўлишлари мумкин.

Кафилнинг тўловга қобилити, яъни ўз маблағлари ва мол-мулки билан жавоб бериш имконияти кафолот бериш учун асосий шартдир. Шу мақсадда банк кафилнинг кафолот хатиши унга хизмат кўрсатадиган банк белгиси қўйилган ҳолда тақдим этилишини сўрайди.

Кафолот сўралган қарз миқдориға фоизларни ҳам қўшиб берилади. Кафолотларнинг амал қилиш муддати кредит муддати ва кафолатланган ҳол юз берган чоғда аҳволни аниқлаб чиқиш учун қўшиб берилган бир неча кун билан белгиланади.

Айни пайтда, масалан, гаров ва кафолот, ёхуд суғурта ва кафолот ҳамда шу қабилар бир вақтнинг ўзида кре-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

дитни таъминловчи сифатида фойдаланилиши мумкин. Кредит микдори чекланган маблағ кўринишида ёки энг кўп микдорда белгиланади, бу, ўз навбатида, кредит бериш тартиби билан боғлиқ. Кредит шартнома имзоланганидан кейин дарҳол ёхуд муайян фурсат ўтгач бир йўла (бирваракай) ёки бўлиб-бўлиб берилиши мумкин.

Банк ишончига сазовор бўлган корхоналарга кредит бериш қарз линиясини очиш усулида амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда кредит бўйича энг кўп даражадаги қарз қайд қилинади. Кредит линияси (кредит лимити) муайян муддатларга, масалан, квартал, ярим йил, бир йилни мўлжаллаб очилади, қарз олувчи шу муддат мобайнида банк билан қўшимча музокараларсиз истаган фурсатда қарз олиши мумкин. Қарз очиқ ва мақсадли бўлиши мумкин. Очиқ кредит линияси бўйича кредит ҳисобидан ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўлови ва бажарилаётган тўловларнинг хусусиятидан қатъи назар бошқа ҳамма тўловлар амалга оширилади. Мақсадли кредит линияси шартномага биноан конкрет тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган.

Кредит шартномасида қарздан фойдаланишнинг уни олиш санасидан батамом қайтариб тўлаш санасигача бўлган тўла муддат кўрсатилали. Бунда қарзни тўлаш кўпинча белгилаб қўйилган муддатдан анча илгари бошланади ва кредитни тўлаш графигига мувофиқ қисмларга бўлиб амалга оширилади.

Қарзни тўлаш тартиби уни қайтариш манбалари билан белгиланади. Бу манбалар фойда, чиқарилаётган маҳсулотни сотишдан тушумлар, активлар, қимматбаҳо коғозлар, бошқа кредиторларнинг қарзлари ва бўлак пул тушумларидан иборат. Реал манбаларнинг мавжудлигига боғлиқ равишда кредитни турлари ва муддатлари бўйича

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

қоплашнинг аниқ режаси ишлаб чиқилади. Чунончи, фойда тўлов манбаи ҳисобланса, у ҳолда фойда олиш ва уни тақсимлаш шартларини ҳисобга олиб, фойда олиш муддатларига мослаштириб, қарзни аста-секин, қисмларга бўлиб қоплаш кўзда тутилади. Бу тартиб ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар учун хос бўлган хусусиятдир.

Савдо-тижорат битишувлари чоғида улгуржи савдо пайтида қарзни тушумдан бирваракайига қоплаш энг кўп қўлланиладиган тажрибадир.

Товарлар бўлиб-бўлиб, кичик туркумларда ва чаканасига сотилганида эса, қарз тушган даромадлардан қисмларга бўлиб тўланади. Қарзни тўлаш қарздорнинг ҳужжатларига асосан амалга оширилиши мумкин. Бу муддатли мажбуриятлар, ёхуд тўлов қоғозлари, ёки тушум бевосита қарз ҳисоб рақамига ўтказилиши кўринишида бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда қарзни тўлаш тартиби кредит шартномасида қайд қилиб ўтилади.

Бунда, агар қарз ва ҳисоб-китоб рақамлари турли банкларда бўлса, у ҳолда бу банклар ўртасидаги ҳужжат айланиш муддати назарга олинади. Ҳужжатлар айланишига кетган давр қарздан фойдаланишнинг умумий муддатига киради.

Амалда қарзни тўлаш муддатлари кредит шартномасида кўзда тутилган муддатлардан фарқ қилиши мумкин.

Кредит бўйича қарзни тўлаш:

- муддатидан илгари;
- белгиланган муддатларда;
- белгиланган муддатлардан кечикиб амалга оширилиши мумкин.

Бу ҳолатларнинг ҳаммаси ва банкнинг муносабати шартномада ифодаланган бўлиши керак.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Қарз муддатидан илгари тўланиши қарз олувчининг молиявий аҳволи яхшиланганлигидан далолат беради. Шу билан бирга қарзнинг муддатидан илгари қайғарил-иши банк учун қарз беришнинг янги субъектлари ва объектларини излаш билан боғлиқ муайян ташвишлар келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шунинг учун қарзни муддатидан илгари тўлаш айрим ҳолларда банкнинг у қўриши мумкин бўлган зарарни қоплаш хусусидаги тала-бини юзага келтириш мумкин.

Қарзни ўз вақтида тўламаслик қарз олувчи томонидан шартномани қўпол равишда бузиш ҳисобланади, бунинг учун банк томонидан кредит жазо чоралари кўзда тути-лади. Қоида тариқасида, бу чоралар кредит учун тўловни анча (бир неча маротаба) ошириш, ёхуд тўлов муддати ўтиш билан ҳар кун учун жарима солишдан иборат бўла-ди. Агар шартномада бошқа чоралар кўзда тутилган бўлса, улар ҳам қўлланилиши мумкин.

Кредитдан фойдаланганлик учун тўлов банк томони-дан фоиз ундириб олиш кўринишида, шунингдек вос-итачилик йўли билан устама тўлаш тартибида амалга оширилади.

Кредит учун фоиз ставкаси кредит ресурсларнинг қиймати, қарз берилаётган тадбир банк учун таваккал-нинг иши эканлиги ва банк маржидан таркиб топади. Бозор иқтисодиёти шароитларида бу уч таркибий қис-мларнинг ҳар бири кескин ўзгариб туриши мумкин. Бу ҳол қарз бериш амалиётига фоиз ставкаларининг икки турини: бутун қарз бериш мобайнида ўзгармас бўлиб қолувчи аниқ қайд қилиб қўйиладиган ва қарз бериш давомида пул бозоридаги аҳволдан келиб чиқиб ўзгариб турувчи-сузувчи турларининг жорий этилишига олиб келди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Сузувчи фоиз ставкалари ўртача ва узок муддатли кредитлар учун купроқ хосдир. Бироқ хатто каттиқ фоиз ставкалари белгиланган пайтда ҳам банк пулнинг кад-рсизланиши билан боғлаб, кўпинча қарз учун тўловлар фоизини ошириш томонига ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бу ҳолда кредит шартномасида фоиз ставкаларини ўзгартириш тартибини баён этиб қўйиш зарур. Масалан, банк фоиз ставкалари ўзгариши тўғри-сида қарз олувчини бир ой илгари оғохлантириб қўйиши, корхонанинг рентабеллиги ва фойда кўриши-дан келиб чиқиб, буни миқдорлари билан мувофиқлашти-риб олиши, ўзгаришни кредит шартномасига қўшимча равишда илова ҳужжат билан расмийлаштириши керак.

Турли банкларда фоиз ставкалари турлича бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, улар бир йил ҳисобида бел-гиланади ва қарз учун фоизнинг ҳажми кредит бериш муддатига боғлиқ бўлади. Айрим банкларда алоҳида ха-тарли операциялар учун қарз тўлови берилган кредит миқдорига фоизларда белгиланади.

Комиссион рағбатлантиришлар:

- кредит линиясини очиш чоғида қарз ресурслари-нинг банд қилиниши, яъни банкнинг кредитни келишилган миқдорда ва белгиланган муддатлар-да беришга тайёрлиги учун;
- қарзнинг сўраб олинган миқдорларидан тўла фой-даланилмагани учун;
- банк томонидан қўшимча ишлар ва хизматлар тур-лари (экспертиза, маркетинг, лизинг ва бошқа-лар) бажарилганлиги учун кўзда тутилади.

Кредит учун фоизларни қўшиб ҳисоблаш, қоида тариқ-асида, ой сайин амалга оширилади. Фоизларни тўлаш

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

муддатлари ҳар турли бўлади. Фоизларни тўлаш муддатлари бўйича ой-сайин, ҳар чорақда амалга оширилишига йўл қўйилади. Бу иш қарз бир йўла тўланиб (3 ойгача бўлган қисқа муддатли қарзлар бўлганида) тушум олиш муддатларига мослаштирилиши мумкин. Тўлов муддати ишлаб чиқариш ва фойда олина бошланадиган пайтгача (узок муддатли қарз инвестицияда олинган ёки ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш чоғида) кечиктирилиши мумкин.

Қарз учун тўловни ўтказиш кредитни узишга ўхшаб, ёхуд қарз олувчининг тўлов қоғози орқали, ёхуд фармойиш ёки талаб қоғози билан амалга оширилади.

Қуйидагилар қарз олувчи томонидан кредит шартномасининг энг жиддий ҳолдаги бузилиши ҳисобланади:

- қарзни ўз вақтида қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан зиммага олинган мажбуриятларнинг ба-жарилмаслиги;
- кредитлардан мақсадли фойдаланмаслик;
- шубҳали маълумотлар ва кафолотлар бериш;
- қарз олувчининг уни тўлашга қодир эмаслиги ёки инкирози.

Кредит жазо чоралари қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- оширилган фоиз ставкалари, воситачилик хақи, йиғимлар, жарималар белгилаш;
- қарз муддатларини қисқартириш;
- қарзни таъминлаш бўйича қўшимча кафолотлар тақдим этиш юзасидан талаблар;
- қарз беришни тўхтатиб туриш ёки унинг ҳажмларини қисқартириш ва бошқалар.

Қарз олувчи инкирозга учраганлигини эълон қилиш таъсир кўрсатишнинг энг охириги чораси ҳисобланади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

2.3. Инвестиция фондлари

Инвестиция фонди деганда ўз қимматбаҳо қоғозларини чиқариш йўли билан хусусий инвесторларнинг пул маблағларини жамловчи ва уларни ўз мамлакати ҳамда чет элдаги бошқа корхоналар акциялари, облигацияларига жойлаштирувчи кредит-молия муассасаси тушунилади. Улар қарз олувчи билан якка инвестор ўртасидан оралиқ ўринни эгаллайдилар, лекин инвесторнинг маънафатларини тўла ифодалаш билан фарқ қиладилар.

Инвестиция фонди фаолиятининг асосий мақсади қўйилган маблағларнинг даромад келтиришини ва қимматбаҳо қоғозларга инвестицияланган маблағларнинг ўсишини таъминлашдан иборат.

Бунда шундай сарф-харажатлар билан боғлиқ ҳамма таваккалчиликлар, маблағларнинг бозор баҳоси ўзгаришидан кўриладиган даромадлар ва зарарлар тўла ҳажмда фонд ҳиссадорларига дахлдор бўлиб, улар томонидан фонд акцияларининг жорий нархини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Молиявий инвестиция фонди фаолиятининг асосий мақсадлари:

- инвесторларнинг пул маблағларини сафарбар этиш мақсадида акциялар чиқариш ва бу маблағларни қимматбаҳо қоғозлар, банк рақамлари ва омонатларга кафолотли жойлаштириш;
- фонд томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозларни иккиламчи банкда “макетайкер” тарзида сотиш;
- ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг қимматбаҳо қоғозларини бошқариш бўйича ишончли траст операцияларини бажаришдан иборат.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Юқорида кўрсатилган операциялар фонд фаолиятининг ўзига хос турлари бўлиб, уларни чеклаш қонунлар билан белгиланади.

Молиявий фонд:

- инвестицияни жойлаштиришнинг қимматбаҳо қоғозлардан бўлак турларини амалга ошириш;
- эгалари тақдим этувчига бериладиган оддий акцияларнинг эгаларига нисбатан фонднинг мол-мулкига устун ҳуқуқлар оладиган облигациялар, имтиёзли акциялар ва бошқа пул мажбуриятлари (банк қарзларини Низомда белгиланган тартибда жалб қилишдан ташқари) чиқариш;
- фондга тегишли бўлмаган ёки у сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган қимматбаҳо қоғозларни сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;
- қарз мажбуриятлари чиқариш, ҳар қандай кўринишдаги кафолотлар бериш, гаров битишувларини амалга ошириш;
- қарз мажбуриятларига давлатнинг қимматбаҳо қоғозларидан бошқа маблағ қўйиш;
- бўлак инвестиция фондларининг акцияларини сотиб олиш ёки уларга эга бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

Фаоизлар ва дивидендлар кўринишида олинган даромадлар инвестиция фондларининг маъмурий-хўжалик харажатлари чиқариб ташланганидан кейин ҳиссадорлар ўртасида тақсимланади, қимматбаҳо қоғозларнинг биржа курси ошишидан тушган фойда эса захирага қолдирилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин ортиб қолган соф фойда инвестиция фонди тасарруфида қолади ва жамғармаларни тўлдиришга сарфланади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Инвестиция фондлари одатда хиссадорлик жамиятлари ёки корпорация кўринишида ташкил этилади.

Инвестиция фондлари даставвал Англияда 19-асрнинг 60-йилларида юзага келди ва жойлаштирилган маблағ учун юқори фойда меъёрларини таъминловчи колониал компанияларнинг кимматбаҳо коғозларини сотиб олишга кўпроқ эътибор берарди.

Ҳозирги вақтда инвестиция фондлари бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, айниқса, АҚШда (ўзаро жамғармалар) кенг ёйилган.

Тарихан ёпиқ турдаги инвестиция компаниялари шаклидаги инвестиция фондлари биричи бўлиб пайдо бўлган. Улар шуниси билан фарқланардики, бу фондларни ташкил этиш чоғида чекланган миқдордаги акциялар чиқарилиб, бу акцияларни инвесторлар сотиб олар ва эмиссия қилган инвестиция компанияларига тўлаш учун қайтарилиши мумкин эмасди. Шундай қилиб, фаолият бошланиши олдидан жамланган маблағ фонднинг кўшимча акцияларини чиқариш ёки акцияларнинг бир қисmini тўлаш ҳисобига кўпайтирилиши мумкин эмас эди.

Инвестиция фондларининг бир қисми контракт туридаги муассаса сифатида ташкил этилган. Уларнинг ташкилий таркиби уч шахс ўртасидаги шартномага асосланади. Контрактни фонд бошқарувчиси, депозитар банк ёки ишончли вакил ҳамда инвестиция “портфели”нинг эгаси имзолайдилар. Контрактнинг ҳар бир иштирокчисига тегишли вазифалар юклатилган:

- Ҳиссадор, инвестиция “портфели” эгаси ўз активлари жамланмасини ёки унга баробар нақд жамғармани фондга топширади ва иштирок этиш ҳиссасига тўғри келадиган сертификатларни (ёки акцияларни) сотиб олади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- менежер (жисмоний ёки ҳуқуқий шахс) якка ҳиссадорларнинг жамики инвестиция маблағларини бошқариш мажбуриятини олади.
- ишончли шахс ёки депозитар банк фонднинг активларини сақлайди ва унинг ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатади.

Австрия, Германия, Швейцарияда инвестиция фондларининг контракт тури энг кўп тарқалган. Канада, Буюк Британияда улар корпорация шаклини олган. Италия, Нидерландияда – масъулияги чекланган корпорация кўринишида ташкил топган. Бирок, ҳуқуқий шахс сифатидаги фонд билан унинг активларини бошқарувчи менежер ўртасидаги мустақил шартнома барча мамлакатлардаги инвестиция фондларига хос бўлган умумий ҳолат ҳисобланади.

Инвестиция фондлари инвестиция жараёнида воситачи бўғин, жамғармалар ва инвестициялар ўртасидаги ўзига хос “канал” сифатида намоён бўлади. Ўз акцияларини чиқариш йўли билан инвестиция фондлари инвесторлар (асосан аҳоли)нинг турли гуруҳлари пул маблағларини жамлайди ва уларни бошқа эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозларига жойлаштирадилар. Шу билан инвестиция фондлари ўз ҳиссадорларининг инвестиция хатарини ғоят камайтиради.

Инвестицияларни диверсификациялаш ва инвестициялар жамламасини бошқариш ИФнинг асосий вазифалари ҳисобланади. ИФ инвестициялар жамламаси қоида тарихида, қаида 100 та турли эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозларини ўз ичига олади. Бунда бозордаги вазиятга мувофиқ ИФ қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдисини мунтазам амалга ошириб, маблағларни энг кўпроқ истиқболли корхоналар ва тармоқларга қайта таксимлаб боради.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

Профессионал “инвестицион менеджмент” ИФ фаолиятининг асосий жиҳати бўлиб, у ҳозирги бозор ҳужалиги шароитларида ғоят муҳим ўрин тутаети. ИФ инвестицияларни диверсификатлаш ва бошқаришнинг шундай даражасини таъминлайдики, алоҳида якка инвестор буни уддалай олмайди, зеро бу махсус билимларни, ахборотларни юксак даражада эгаллашни ва инвестиция бозорлари ҳолатини мунтазам таҳлил қилиб боришни талаб этади.

ИФ акцияларининг бозор қиймати фонднинг унинг ўзи чиқарган акциялари миқдорига тақсимланган барча маблағлари (активлари)нинг соф мажбуриятлар чегирилган бозор қийматига монанд келади. Бошқача қилиб айтганда, ИФ тасарруфидаги қимматбаҳо қоғозларнинг бозор қиймати ошса, ИФнинг ўз акциялари бозор қиймати ҳам кўтарилади. Ёки, аксинча.

Шу билан бирга ИФ акциялари бозор қийматининг ўзгаришидан кўрадиган фойда ёки зиёнларини инвесторлар фонд турига боғлиқ ҳолда икки турлича йўл билан рўёбга чиқаришлари мумкин.

Ёпиқ турдаги ИФларнинг акциялари белгили миқдорда чиқарилади. Улар қимматбаҳо қоғозлар бозорида эркин муомалада бўлиши мумкин, бироқ инвесторлар томонидан бу қимматбаҳо қоғозларнинг бозор қиймати бўйича ИФнинг ўзига “берилиши” (баъзи истиснолардан ташқари) мумкин эмас. Шундай қилиб, ёпиқ турдаги ИФлар акцияларининг бозор қийматининг қимматбаҳо қоғозлар бозорида олди-сотди йўли билан ўзгаришидан инвесторлар ўз фойдалари ва зарарларини рўёбга чиқаришлари мумкин.

ИФ акциялари (уларни ўзаро жамғармалар деб юришиш қабул қилинган) талабга биноан фонд томонидан

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

чиқарилади ва сотилади. Бундан ташқари инвесторлар томонидан акциялар уларни чиқарган фондга бозор кийматида “топширилиши” мумкин. Ўзаро фондларнинг акциялари чиқариладиган ёки қайтариладиган бўлиши мумкин. Қайтариладиган акцияларнинг эгасига уларни қимматбаҳо қоғозлар бозорида сотиш мантлики эмаслиги аён. “Қайтарилиш” ўзаро фондлар акцияларининг юксак даражадаги қувватлилигини таъминлайди, бу билан кўлаб инвесторларни ўзига жалб қилади. Оммавий ҳиссадорлик мулкчилиги юксак даражада ривожланган мамлакатларда ўзаро фондлар инвестицияларнинг анчагина қисмини зухур этади. Масалан, АҚШда жамланган маблағ миқдори жиҳатидан улар суғурта компаниялари ва нафақа жамғармаларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Жаҳон “бизнес инвестицион фондлари” амалиётида қаттиқ ҳуқуқий тартибга солиш мажбурий бўлиб, бу инвесторлар ва, умуман, жамият манфаатларини муҳофазалашнинг ишончли кафолатини таъминлайди. Тажриба кўрсатадики, ИФ иш олиб бораётган мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлмаган ҳолда инвестор ва жамият манфаатлари бузилиши мумкин, қачонки:

- инвесторлар ИФ фаолиятига, унинг молиявий ахволига, бошқарув идораларининг ваколатлари ва масъулиятига доир тўла текширилган ва вақтида берилган ахборотларга эга бўлмасалар;
 - ИФ асосан “инсайдерлар” - директорлар кенгаши ёки бошқарув аъзолари, хизматчилар, инвестиция бўйича ишловчи маслаҳатчилар, даллол дилерлар ёки ҳиссадорларнинг алоҳида гуруҳлари манфаатларини кўлаб ташкил этилса ва иш олиб борса;
 - ИФ акциялари унинг эгаларига тенг ҳуқуқлар бер-
- ◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- маса ва уларни чиқариш шартлари инвесторлар алоҳида гуруҳларининг фаолиятига нисбатан камситувчи хусусиятга эга бўлса;
- ИФни бошқариш ва унинг фаолияти устидан назорат ҳаддан зиёд марказлаштирилса ёхуд билим-сизлик билан амалга оширилса;
 - ИФ қимматбаҳо коғозлар бозорида чайқовчилик операцияларига ҳаддан ташқари жалб қилинса ва ўз фаолиятида чайқов хусусиятидаги ёхуд кадрини йўқотган қимматбаҳо коғозлар тимсолида анчагина маблағга эга бўлса;
 - ИФ акциялари уларнинг дастлабки эгалари томонидан бир акцияга ҳисоблаганда ИФ активларининг соф бозор қийматига номуносиб бўлган нархларда сотилса, шунингдек сотиб олинса (бу очиқ турдаги ИФ бўлган тақдирда), ёхуд ИФ воситачи - дилерларига асоссиз юқори ҳақларни ўз ичига олса;
 - ИФ ўз фаолиятини ҳаддан ташқари кўп қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириб, етарли захира-ларга эга бўлмаса;
 - ИФ фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар инвестицияларни диверсификацияланган ва бошқариш бўйича унинг хизматларидан кўриладиган фойдали самарадан ортиб кетса;
 - ИФ активлари инвестиция жамламасини бошқаришни самарасиз қилиб қўядиган катталikka етса ёхуд ИФ фаолияти иқтисодиётга ҳаддан ташқари таъсир кўрсатиб, молия бозорида эркин рақобатга тўсқинлик қилса.
- ИФ хусусидаги қонунларнинг энг муҳим жиҳатлари-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

дан бири ИФ хусусийлаштириш жараёнида бажарадиган вазифалар аниқ белгилаб қўйилишидан иборат бўлиши керак.

ИФ капитал маблағларни таъминлашнинг маъмурий тизими “мимикрия”сининг усулларидан бирига айланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

АҚШда инвестиция фондларининг классификацияси уч асосий турни ўз ичига олади. Улар нақд қийматли сертификатлар фонди, бирлашган инвестицион трас-тлар; бошқарув (менеджерлик) фондидан иборат.

Ўзбекистонда 1994 йил 1 июндан бошлаб Хусусий-лаштиришнинг миллий инвестиция фонди иш бошлади. У Низомий жамғармаси 4 миллион сўм маблағдан иборат очик турдаги хиссадорлик жамияти кўринишида рўйхатга олинди. Бу маблағ энг кам қиймати 100 сўмга тенг бўлган 40000 оддий акцияни ўз ичига олади. Ўзбекистон Давлат мулк кўмитаси (53%) ва Ўзфининвест “Тошкент” хиссадорлик жамияти унинг хиссадорлари бўлишди.

2.4. Депозитарийлар

Депозитарий мижозларнинг топшириғига биноан уларнинг қимматбаҳо қоғозлар кўринишидаги ҳам нақд пулли, ҳам нақд пулсиз маблағларини сақлаш ва бошқаришни амалга оширади. Қимматбаҳо қоғозлар махсус ҳисоб-китоб рақамларида (“дело” рақамлари) сақланади ва эмитентлар учун ҳам, акцияларнинг эгалари учун ҳам очик бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июнда “Тошкент” республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

тўғрисида чиқарган қарорида фонд бозори самарали фаолият кўрсатиши ва унинг инфраструктурасини мустақкамлаш учун “Вакт” миллий депозитарийси ташкил этилди. Унга қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга олиш, сақлаш ва ҳаракатини бошқариш вазифаси юкланган.

Депозитарий фаолиятининг предмети:

- акциялар, облигациялар, векселлар, опционлар, сертификатлар ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сақлаш (депотентлаш) бўйича хизматлар такдим этиш;
- депонентларнинг улар номидан ва улар ҳисобига ёки депозитарий номидан депонент ҳисобига битишувлар тузишдан ташқари қимматбаҳо қоғозлар билан тасдиқланган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш юзасидан топшириқларини бажариш;
- қимматбаҳо қоғозлар эмитентларига хизмат кўрсатиш, қимматбаҳо қоғозларни пулсиз чиқариш учун рўйхатга олувчи ва Марказий депозитарий хизматларини кўрсатиш;
- қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомаласи чоғида ишончли шахс, қимматбаҳо қоғозларнинг белгили сақловчилари сифатида фаолият кўрсатиш;
- миждозлар, шу жумладан хорижий миждозларнинг қимматбаҳо қоғозларини сақлаш ва жойлаштириш;
- миждозлар ва корреспондент-ташкilotлар топшириғи бўйича қимматбаҳо қоғозлар ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш;
- МДХ мамлакатлари, бошқа хорижий давлатлар банклари ва депозитарийларида қимматбаҳо қоғо-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

злар бўйича “ностро” туридаги ҳисоб-китоб рақамларини очиш;

3 қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар бўйича учинчи шахслар учун кафилликлар, кафолотлар бериш ва бошқа мажбуриятлар олиш;

4 МДХ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар эмитентларининг қимматбаҳо қоғозлар республика бозоридаги муомаласи чоғида ишончли шахс сифатида фаолият кўрсатиш;

қимматбаҳо қоғозлар жамламаларининг назоратини ва уларни тарғибга солишни амалга оширишдан иборат ҳисобланади.

“Вакт” Миллий депозитарийси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Низомий жамгарма тамомила муассислар - Давқўммулк, “Ўзинвест “Тошкент” ҳиссадорлик жамияти, “Грант” САМТУ, “Тошкент” Ўзбекистон Республикаси фонд биржасининг бадаллари, шунингдек “Турон” АКБКси акцияларини Россиянинг “Ринако” депозитарийсига ва бошқа ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларга сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан шакллантирилган.

Ўзбекистон фонд бозори учун ягона ахборот ва технологик маконни вужудга келтириш Миллий депозитарий учун асосий вазифа қилиб белгиланган.

Бу вазифанинг ҳал этилиши:

5 хусусийлаштирилаётган корхонага - акцияларни ўз вақтида чиқариш, эмиссиянинг пулсиз шаклдан фойдаланиш ҳисобига сарф-харажатларни камайтириш, меҳнат жамоаси аъзолари учун малакали сертификатлар олиш имкониятини;

6 инвесторга - акцияларни сотиб олиш бўйича би-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- тишувларни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш ва уларни ўз ҳисоб рақамига ўтказиш имкониятини;
- давлат идораларига - маълумотларнинг ягона банкдан кимматбаҳо қоғозлар эмиссияси ҳажми ва муомаласи тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятларини;
- фонд бозорининг ахvoli ва ривожланиш тамойиллари, кимматбаҳо қоғозлар муомаласи борасида қонунчилик меъёрларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш учун маълумот-ахборот материалларини олиш имкониятини;
- Давқўммулк ва фонд биржасига - хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини кенг миқёсда сотиш чоғида солиштириш операцияларини бажариш, давлат акцияларини ишончли сақлаш имкониятини;
- оддий фуқароларга - акцияларга эгаллик қилишдан (сотиш, совға қилиш, гаровга қўйиш, мерос қолдириш ва бошқалар) келиб чиқадиган ҳуқуқларни рўёбга чиқариш бўйича топшириқлар бажарилишининг содда ва ишончли механизмини таъминлайди.

Депозитарий кимматбаҳо қоғозларга нисбатан банк тизими айнан пул маблағларига нисбатан амалга оширадиган вазифаларни бажаради, бироқ банкдан фарқли ўларок депозитарий сақлаш учун ўзига топширилган активларни тасарруф этиш ва улар билар бирор операциянинг ташаббускори бўлиб чиқиш ҳуқуқига эга эмас.

Банкда бўлгани каби, Депозитарий билан унинг мижозлари (ҳуқуқий шахслар ёки оддий фуқаролар) ўртасидаги муносабатлар топшириқлар асосига қурилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Акциялар сотилган тақдирда мижоз Депозитарийга уларнинг олди-сотдисига тааллуқли шартномани тақдим этади ва акцияларни чегириб ташлаш ёки ўз ҳисобига ўтказишни топширади. Мижоз кўлига сертификат ёки ҳисоб рақамидан кўчирма олади. Уларда ҳиссадорлик жамиятининг номи ёки мижознинг ҳисоб рақамидаги акцияларнинг миқдори акс эттирилади.

Миллий депозитарий сертификат қозонининг сифати мижознинг хоҳишига боғлиқ бўлади. Полиграфия корхоналари қўллайдиган одатдаги химоя воситаларидан ташқари, сертификат эгасининг ноёб шифрига эга бўлади, шунингдек голографик химоянинг махсус белгиси қўйилади. Бунда сертификатнинг йўқотиб қўйилиши унинг эгаси учун унда қайд қилинган акцияларга бўлган ҳуқуқнинг йўқотилишини асло билдирмайди. Эғалик қилувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда Депозитарий йўқотилган сертификатни тиклайди. Шунингдек, ўғирлаб олинган ёки ясама сертификат бўйича бошқа кишиларнинг акцияларига эга чиқиб олишнинг ҳам имкони йўқ - маълумотларнинг компьютер банкидаги мажбурий текшириш ясамалик аниқланишини кафолатлайди. Бундан ташқари маълумотлар банкида акцияларни ўтказиш юзасидан бажарилган барча операциялар муддатсиз сақланади ва хатто кўп йиллардан кейин ҳам акциялар қайси ҳисоб рақамидан чегириб ташланганлигини ва қаерга жўнатирилганлигини аниқлаш мумкин бўлади. Шунга кўра Депозитарийнинг ҳар бир мижози ҳисоб рақамидан тарихий кўчирма, яъни кўрсатилган ҳар қандай давр учун чиқариш ва қўшиш бўйича барча операцияларнинг рўйхатини олиши мумкин.

Ҳисоб рақами эгаларининг берган кўчирмаларидан

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ташқари Депозитарий эмитентга ўз хиссадорлари рўйхати асосида тузилган турли ҳужжатларни беради. Булар овоз бериш учун рўйхатлар, дивидендларни тўлаш учун ҳисоб-китоблар ва улар тўланганлиги юзасидан ҳисоботлар ҳамда шунга ўхшаш ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Депозитарийнинг филиаллари Андижон, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Нукус, Термиз, Наманган, Фарғона шаҳарларида иш олиб бормоқда.

Суғурталаш жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг муайян ҳодисалар (суғурта ҳолатлари) юз берган пайтдаги мулкӣ манфаатларини улар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта мукофотлари)дан шакллантирилган пул жамғармалари ҳисобидан муҳофазалаш борасидаги муносабатларни англатади.

Суғурталаш - иқтисодий муносабат бўлиб, унда энг камида икки томон иштирок этади.

Бир томон (субъект) - бу суғурта ташкилоти (давлат, ҳиссадорлик ёки хусусий) бўлиб, уни суғурта қилувчи деб аташади. Суғурта қилувчи суғурталаш шартларини ишлаб чиқади (жумладан, суғурта ҳолати юз берган тарзда суғурта қилдирувчига зарарни тўлаш мажбуриятини олади) ва бу шартларни мижозларга - ҳуқуқий шахсларга (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар) ва жисмоний шахсларга (алоҳида фуқароларга) тақлиф қилади. Агар бу шартлар мижозларга маъқул тушса, улар белгиланган шаклдаги суғурта шартномаларини имзолайдилар ва суғурта қилувчига суғурта мукофотини (тўловлар, бадаллар) бир марта ёки келишилган давр мобайнида шартномага биноан мунтазам тўлаб борадилар.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Сугурта-иктисодий муносабатларнинг иккинчи томони (субъект) ёки сугурта қилдирувчи - ҳуқуқий ёки жисмоний шахс ҳисобланиб, тўла фуқаролик лаёқатига эга бўлади, ўз шахсий манфаатини ёки учинчи томоннинг манфаатини сугурталайди, бунинг учун сугурта мукофотини (тўловлар, бадаллар) тўлайди ва қонун ёки сугурта шартномаси бўйича сугурта ҳолати (табиий офат, одам йиқилиб майиб бўлганида ва бошқалар) юз берган, сугурта қилдирувчига зиён (иктисодий ёки унинг саломатлигига) етказилган пайтда сугурта қайтимини (товон) олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таҳлил қилинган белгилардан келиб чиқадикки, сугурта қилувчи ва сугурта қилдирувчи сугуртали иқтисодий муносабатларни махсус шартнома билан тартибга солидилар. Жаҳон тажрибасида у полис деган ном олди.

Полис-сугурта шартномасининг тузилишини тасдиқлаб, сугурта қилувчининг сугурта қилдирувчига сугурта ҳолати юз берган тақдирда шартнома шарти билан белгиланган пул қийматини (сугурта товони ёки қайтариш) тўлаш мажбуриятини ифодалаган ҳужжатдир. У номли бўлиши ёки тақдим этувчига берилиши мумкин.

У ўз ичига:

- сугурта шартномаси субъектларининг номларини;
- сугурта манфаатларини белгилашни;
- сугурта қилувчи содир бўлиши билан сугурта қилдирувчига товон тўлашга мажбур бўлган сугурта ҳолатлари рўйхатини;
- сугурта маблағининг миқдори;
- субъектлар сугурта муносабатларининг бошланиши ва тугалланишини;
- товон тўлаш муддати ва сугурта қилувчининг уни

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

бузганлик учун жавобгарлигини ўз ичига олади.

Суғурта шартномасини рўёбга чиқаришни шакллантириш механизмининг асосий босқичлари:

- шартнома тузишнинг мақсадлари;
- суғурталаш қоидалари;
- суғурта қилинадиган (қилинмайдиган) объектлар;
- суғурта ҳолатларининг рўйхати;
- суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг вазифалари ҳамда ҳуқуқлари;
- шартнома муносабатларининг молия кўрсаткичлари;
- шартноманинг амал қилиш муддатлари;
- бахсларни ҳал қилиш тартиби ва шу кабилардан иборат ҳисобланади.

Корхоналар ва тadbиркорлик фаолияти тўғрисида, суғурта тўғрисида ҳозирда амалда бўлган қонунлар билан бир қаторда суғурта ташкилотларининг улар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлари ҳам Ўзбекистонда суғурта бизнесининг тартибга солувчилари ҳисобланадилар. Суғурта ташкилотларининг ҳужжатлари:

- 1) Суғурта ташкилотларининг Низомлари;
- 2) Суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта қилдирувчиларга хизмат кўрсатишнинг умумий шартлари (қоидалари);
- 3) Мулкий суғурта, ҳаётни суғурта қилдириш ва шу кабиларнинг умумий шартлари (қоидалари);
- 4) Ҳар бир аниқ суғурта турининг шарт-шароитлари;
- 5) Суғурта жамиятлари раҳбар идораларининг фармойишлари ва кўрсатмаларини ўз ичига олади.

Суғурта компаниялари фуқароларни, уй хайвонларини, мол-мулкни, транспорт хавф-хатарини, тижорат

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

операцияларини, қарзнинг қайтарилмаслик хавфини суғурталаш ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини амалга оширади.

Кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури доирасида ривожланишнинг ўз лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун хусусий корхоналар ва фирмаларга давлат ва тижорат тузилмалари томонидан анчагина миқдорлардаги қарзлар берилляпти. Давлат суғурта идоралари ҳам, тижорат суғурта идоралари ҳам бу таркиблар учун кафиллик берапти.

Кафиллик вазифаси шундан иборатки, зиммага олинган мажбуриятлар бажарилмай қолганида кафиллик берувчи учун унинг қарздорга нисбатан талаблари кафиллик томонидан таъминланадиган мажбуриятлар бўйича талаблари амалий жиҳатдан қондирилишига катта эҳтимолликни вужудга келтиради. Катта эҳтимолликка кафиллик чоғида кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун қарз берувчи олдида қарздор билан бир қаторда яна бошқа бир шахс - кафил ҳам жавобгар бўлиши туфайли эришилади. Бундан ташқари ҳар бир конкрет ҳолатда бундай эҳтимолликни кўпайтирувчи, масалан, қарздорга нисбатан кафиллик берувчининг тўловга қодирлиги юқорилиги каби вазифалар мавжуд бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари томонидан объектни эмас, субъектни қарзга маблағ билан таъминлаш тажрибаси кенг қўлланилаётгани муносабати билан кредит хавф-хатари ортади.

Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганида, унинг фаолиятида қутилмаган мураккабликлар юзага келганида, бозордаги номақбул вазиятда кредит хавф-хатари юзага келади. Чиқарилаётган маҳсулотта талаб-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

нинг пасайиши, харидорларнинг тўловга кодир эмасликлари, иқтисодий танглик, корхона раҳбариятининг укувсизлиги, унинг виждонсизлиги ҳам шу йўналишда таъсир кўрсатади.

- Кредит ажратмаларининг хусусий ресурслар билан қопланадиган алоҳида энг кам салмоғини белгилаш;
- қарзларни қайтариш муддатлари бузилган тақдирда харажатларни қоплаш учун захиралар вужудга келтириш;
- алоҳида бир корхонанинг банкдан энг кўп даражада қарз бўлишига йўл қўйиладиган фоиз ҳисобкитоби;
- кредит маблағларининг диверсификацияси;
- берилаётган кредитлар бўйича таъминотнинг етарли олинishi;
- банкнинг қарзларнинг суғурталаниши кирази.

Банк умуман ўз зиммасига оладиган ва қарзлар бўйича тўланмаган маблағлар миқдори, фоиз ва бошқа таваккалчиликнинг кредит маблағларининг жами миқдори, қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли ташқи омиллар таъсирига кўра тўғрилланган кредитлар бўйича таваккалчиликка шисбати билан тавсифланувчи кредит таваккалчилигини банк миҳозига ҳар бир алоҳида қарзни бериш чоғида юзага келувчи кредит таваккалчилигидан фарқламоқ лозим. Кейинги ҳолатда хийла сермеҳнат ҳисоб-китоблар, тижорат, сиёсий ва бошқа сиртки таваккалчиликларни аниқлаб олиш, ҳисоб-китобларнинг турли-туман кўринишларини яратиш талаб қилинади.

Суғурталаш роят мураккаб молиявий ҳужжатдир. Суғ-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

урталовчи мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадларида жаҳонда суғурта компаниялари ва фирмаларининг тўловга лаёқатлилиги зиммага олинаётган масъулият миқёслари ва бу масъулиятнинг юқори даражадаги тўлов қобилияти бўлган активлар билан таъминланганлиги устидан назоратнинг қаттиқ тизими амал қилади.

Ўзбекистонда кичик бизнесни бир йўла суғурталаш йўли билан бирга кредитлашнинг ноёб тузими амал қилмоқда. Давлат бизнес жамғарма ташкил этган. У мадад махсус суғурта агентлиги томонидан бериладиган полис асосида тадбиркорларга қарз беради. Бундай полислар бўйича бериладиган қарзлар энг паст фоиз ставкаларига эга бўлади. Бу кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларига ўз ишени тез ўзлаштириб, барвақт оёққа туриб олиш имконини беради.

Бу ҳолда давлат кўра-била туриб, юксак даражада таваккалчилик қилади. Қайтиши таваккал бўлган бундай қарзлар беришдан асосий мақсад тадбиркорликни жадал ривожлантиришдан иборатдир.

Аудиторлик фаолияти

Аудиторлик аудиторлар (аудиторлик фирмалари)нинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларни, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларини, солиқ делорақияларини, бошқа молиявий мажбуриятларни ва иқтисодий субъектларнинг талабларини идорадан ҳолис мустақил текширишни амалга ошириш, шунингдек бошқа аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир. Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Қонуналарига биноан махсус ваколат берил-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ган давлат идоралари амалга оширадиган иқтисодий субъектлар фаолияти устидан молиявий назорат билан бир қаторда амалга оширилади.

Аудиторлик фаолиятининг асосий соҳаси иқтисодий субъектлар бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг тўғрилигини ва улар амалга оширган молиявий ҳамда хўжалик операцияларининг Республикада амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир.

Ҳисоботларга оид ҳужжатларни текшириш чоғида аудитор томонидан унинг алоҳида шакллари ва, аввало, бухгалтерия баланси ўрганилади, ҳисобот кўрсаткичларининг асосланганлиги, улар бухгалтерия ҳисоб-китоби рақамларидаги кайдлар, бу ҳисоб-китоб эса бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланиши аниқланади. Шу тариқа ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ундаги кўрсаткичларнинг реаллиги тўғрисида ижобий хулоса беришдан аввал у теширилаётган корхонада бажарилган жамики хўжалик операцияларининг ҳисоб-китоби аниқ, тўла ва вақтида юритилишининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Тез орада барча корхоналар иш юритадиган бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари фавкулотда қаттиқ ва, бинобарин, ҳам мамлакат ичидаги, ҳам чет эл рақобатчи корхоналари мавжуд бўлган бир пайтда самарали, фойдали ва фаолият йўллари ва воситаларини тўғри белгилаш қобилиятининг аҳамияти ошади. Бу аудиторларга кўшимча вазифалар юклайди. Улар корхоналарнинг молиявий аҳволи ва унинг кейинги ривожини истикболларини тўғри баҳолашлари зарур.

Шуни таъкидлаш керакки, аъъанавий тафтиш эски фактлар, муайян даражада тезгина тарих мулкига айла-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

нувчи жорий воқеаларни қайд қилиш ҳамда баҳолаш билан кифояланади. Аудит бўлса, на фақат эски ва айни шу оснодаги ҳолатни баҳолаши, балки қорхонанинг хўжалик фаолиятига ва унинг натижаларига таъсир кўрсатишга кодир бўлғуси ходисаларни ҳам олдиндан кўра билиши лозим. Алоҳида фактлар бўйича, уларни киёслаш ва ўрганиш асосида хўжалик фаолиятининг ривождаги тамойилларни илғаб олиш, у ёки бу маҳсулот, ишлар ва хизматларга талаб ҳажмини, бўлғуси даромадлар ва харажатларни, фойда ва рентабелликни тахминлаш зарур.

Табийки, бу аудиторнинг малакасига оширилган талаблар кўяди. Аудитор башарот қила олиш фазилатига эга бўлиши, бунда у гоят бой иқтисодий-математик девон ва замонавий ҳисоблаш техникасидан фойдаланиб амалга ошириладиган хўжалик фаолиятининг иқтисодий тахлили усулига таяниши керак.

У ёки бу қаттиқ ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш ва баҳолаш имконияти аудитор томонидан ёриладиган масъалаларнинг қийматини анча оширади, чунки, аниқ тахмин алтақачон ўғиб кетган воқеаларни муфассат қайд қилиб чиқишдан анча фойдалидир. Чунки бу пайтда бирор нарсага аралашиб, таъсир кўрсатиш ва аҳволни тўттириб олишнинг имконияти бўлмай қолади.

Аудиторларни ҳар қандай муассаса уларсиз бир маромда ишлай олмайдиган ҳисоблаш ва ташкилий техника билан қуроллантириш аудиторлик хизматларнинг энг муҳим вазифасидир.

Техника жиҳатидан жиҳозлаш билан бирга ахборот базасини дастурий таъминот, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар бўйича маълумотнома адабиётларининг салмоқли жамламаси каби турлари билан тўлдириш зарур.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Турли хизматларни кўрсатиш аудиторлар фаолиятининг муайян соҳаларга ихтисослашишини тақозо этади.

Айтиш мумкинки, эндиликда қўшма корхоналардаги аудит, банк аудити, ўз ишлаб чиқаришига эга бўлган ҳиссадорлик жамиятларида ишловчи аудит, инвестиция фондларининг аудити ва суғурта компанияларининг аудити шаклланиб чиқди.

Бошқа бозор тузилмалари-биржалари, савдо-ҳарид фирмалари, шунингдек тижорат фаолияти билан шуғулланувчи жамоат ташкилотларида шуғулланадиган аудитларнинг ихтисослашиб чиқиши кун тартибида турибди.

Албатта, аудиторлик ташкилотида бирон-бир тармоқда тижорат фаолиятининг хусусиятлари билан яхши таниш бўлган, молиявий аҳволни таҳлил қилиб, текшириладиган корхона ёки муассасанинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича малакали хулоса беришга қобилиятли мутахассислар бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли ташкилотлар одатда ўз куч-қайратларини ўзлари ишда чиқармаганига ёрдам бера олишларига қодир бўлган мижоз-корхоналарга жамлайдилар.

Маълумки, ҳар қандай фаолият муайян даражада ва муайян тартиб-қоидаларга риоя қилиб амалга оширилиши керак. Аудит стандартлари аудиторлик фаолияти мобайнида ўзининг мақсадга мувофиқлиги ва пухталигини тасдиқлаган ҳамда жаҳоннинг турли мамлакатларидаги ғоят кўп сонли аудиторларнинг амалий иш тажрибасида пишиқтирилган профессионал меъёрлар ва қоидаларни ўз ичига олади. Бунда аудит бўйича ягона стандартларни дарҳол ва тўла ҳажмда жорий этиш вазифаси кун тартибига мутлақо қўйилмайди. Зеро, ҳар бир мамлакатда конкрет иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар, турлича анъаналар ва миллий ўзига хослик мавжудки,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

аудиторлик хизматини ташкил этиш чоғида улар албатта ҳисобга олиниши керак. Аудитнинг халқаро стандартлари хусусидаги гап-сўзларга келганда эса стандартларнинг бундай кенг қамровли ва умум томонидан қабул қилинган стандартлар тизими табиатан мавжуд эмас.

Барча халқаро стандартларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- **биринчи гуруҳ** - ҳар қандай мамлакатда дарҳол, бутунича ва тўла қабул қилиниши мумкин бўлган;
- **иккинчи гуруҳ** - маъқулланиб, арзимас ўзгаришлар билан қабул қилиниши мумкин бўлган;
- **учинчи гуруҳ** - фақат аниқлик киритишигина эмас, балки ўзининг жорий этилиши учун тегишли шарт-шароитларни (масалан, бозор муносабатларининг янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши) вужудга келтиришга эҳтиёж сезувчи;
- **тўртинчи гуруҳ** - мазкур мамлакатда унинг тарихий анъаналари ва миллий руҳиятига кўра қабул қилиниши мумкин бўлмаган стандартларни ўз ичига олади. Аудиторлик ишида, у амалга ошириладиган мамлакатдан қатъий назар, қуйидаги мажбурий таркибий қисмлар мавжуд бўлади: у ёки бўлак хўжалик омиллари текшириш, кузатиш, ўрганиш ва тўғрилиги ёки мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш. Аудитнинг бу ҳамма ҳаракатлари конкрет вазифаларни хал қилиш учун энг кўп даражада яроқли бўлган айрим ўзига хос ёндашувлар ва усуллар билан фарқланиши бошқа гап. Аудитнинг зарур шарти ҳисоб-китобнинг қўлланилаётган шакл ва усуллари мутаносиблиги-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ни текшириши, ҳисобдаги мол-мулк ва маблағларни баҳолаш, у ёки бу мамлакатда ҳозирги вақтда амал қилаётган қонунлар ва меъёрларга ҳисоботни қиёслашдан иборат.

Аудитнинг ўз стандартлари хусусида шунги айтиш керакки, улар аниқ, қисқа ва очик-ойдин тарифланиши, амалда бажариладиган ва ғоят кенг равишда маъқулланиб, малакали аудиторлар томонидан қўллаб-қувватлан-адиган бўлиши лозим.

Аудитор стандартлари билан камраб олинadиган соҳаларни қисқача санаб ўтамиз:

Аудиторлик стандартлари доираси

Аудит моҳияти, фаолият доираси, мақсадлари ва вазифалари

Аудиторлик касблари вакилларига қўйилadиган малакавий талаблар

Аудитнинг ҳуқуқлари ва вазифалари

Аудит ўтказиш шартномасининг тузилиши ва мазмуни

Аудиторлик текширишларининг тартиби ва ўтказилиши

Аудиторлик текшириш акти ва аудиторлик хулосасининг тузилиши ва мазмуни

Маслаҳат ишини ташкил этиш

Аудиторлар ва мижозларнинг ўзаро масъулияти

Шундай қилиб, аудит стандартлари аввало мазкур хизмат турини ўтказишнинг мажбурий шартлари, хусу-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

сан, малака талаблари, тайёргарлик иши, аудитор текширишларини бевосита ўтказиш ва яқунловчи босқич - аудиторлик текшириш акти ҳамда аудиторлик хулосасини тузишга дахлдор бўлиши керак.

2.7. Консалтинг фирмалари

Тегишли консалтинг концепциясининг мавжудлиги - консалтинг муваффақиятининг шартидир. Консалтинг концепцияи тушунчаси остида умумий, идрок қилинган тасаввур англаштилади, унинг асосини маслаҳатчилар мушоҳадаси, улар таклиф қилган дастур ва унинг маслаҳат беришга ёндашуви ташкил этади.

Консалтинг фалсафаси маслаҳатчининг мақсадли йўл-йўриклари ва кадриятлар тизимини ўз ичига олиб, консалтинг концепциясини ҳосил қилади. Бу фалсафа кўпинча фирманинг бозор муҳити таъсири остидаги консалтинг фаолияти натижаси ҳисобланган тарихидан, шунингдек маслаҳатчиларнинг шахсий тажрибасидан келиб чиқади. Консалтинг фалсафаси маслаҳатчининг стратегик ва тактик хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлади. Бинобарин, кўпинча консалтинг фалсафасининг танланиши маслаҳатчи билан буюртмачи ҳамкорлигининг хусусиятини белгилаб беради.

Маслаҳат хизматларининг тури маслаҳат берилаётган корхонанинг ўзига хос хусусияти ва маслаҳатчининг шу хусусиятдан келиб чиқувчи таклифи билан белгиланади. Бунда консалтинг фирмалари ва алоҳида консултантлар томонидан таклиф қилинаётган консалтинг дастурлари кўпчилик ҳолларда бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Йирик консалтинг фирмалари комплекс дастурларни таклиф қилишга қодирлар, чунки улар ўзларининг кўп

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

сонли мутахассисларининг қимматли тажрибасига суянадилар.

Консалтинг стратегиясида консалтинг фирмасининг иш услуги, яъни маслаҳатчи билан буюртмачи корхона ўртасидаги муносабатларни ташкил эти тажрибаси катта ўрин тутади. Маслоҳатчи ёки маслаҳатчилар гуруҳининг маслаҳат берилаётган корхона билан муносабатининг тури, нечоғли тез-тез такрорланиши ва шакли муҳимдир. Тажриба муваффақият ва маслаҳатчига ишонч кўп жиҳатдан маслаҳат бериш услугига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Мижозни топиш аквизиция пайтидан бошлаб натижа олингунича консалтинг, қоида тариқасида, бир неча босқичда кечади.

Бунинг устига, консалтинг мазмунига боғлиқ ҳолда турли босқичларни алмаштириш ва умумлаштириш мумкин.

1-босқич: аквизиция.

- корхонанинг ўзига хос муаммоларини муҳокама қилиш;
- консалтингнинг мақсадлари, ташкил этилиши ва давомийлигини белгилаш;
- кутилаётган натижаларни изоҳлаш,
- қалам ҳақи ва қўшимча харажатлар, масалан, суткалик сарф-харажатлар ва бошқалар тўғрисида ахборот;
- маслаҳатчиларнинг мўлжалдаги гуруҳини тайинлаш.

2-босқич: корхона иктисодий фаолиятининг таҳлилини тайёрлаш.

- ўтиш ва унинг айрим одимларини келишиб олиш;

◆ **ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ** ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- тушунтириш ва талаб килинадиган ахборотни олиш;
- босқичлар аниқ чегаралаб чиқилган календар реж-графигини тузиш.

3-босқич: корхона иктисодий фаолияти тахлили-нинг натижаларини муфассал муҳокама қилиб чиқиш

- тахтил натижаларини муфассал баҳолаш ва так-тифларни ишлаб чиқиш.
- киритилган тактифлар муваффақиятини таъмин-лашнинг шарт-шароитлари;
- муқобиллардан бири фойдасига умумий қарор қабул қилиниши.

4-босқич: қабул қилинган чораларнинг бажарили-ши

- ишлаб чиқилган ҳаракат дастурининг рўёбга чиқ-рилиши;
- ёндош фаолият: ҳаракат дастурининг бажарилиши устидан назорат;
- барча зарур ҳужжатлар топширилаб, ишни якун-лаш.

Консалтинг фирмасига қўйилаётган талабларга боғ-лиқ равишда консалтингнинг икки қатламини фарқ-лайдилар:

1. Умумий консалтинг. Корхонанинг ташкил этили-шидан тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган жамики фао-лият соҳасини қамраб олади.

Тажриба фақат баъзи бир корхоналаргина мана шун-дай комплекс консалтингга эҳтиёж сезишини кўрсат-моқда. Кўпчилик ҳолларда алоҳида участкалардаги муай-ян ожиз жойларни аниқлаш ва етилган муаммоларни ҳал этиш тўғрисида сўз боради.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Бошқача қилиб айтганда, умумий консалтинг фақат куйидаги ҳолларда тавсия этилади;

- корхона тузилаётганида;
- ҳуқуқий шакллар ўзгарганида;
- корхонанинг турли бўлимлари бирлашганида;
- ташкилот тубдан қайта ташкил этилганида.

2. Махсус консалтинг. Мутахассисларнинг вазифалари ва фаолият майдони ғоят кенг. Корхонани ташкил этиш, ишлаб чиқариш, бошқарув ва ахборотни электрон қайта ишлаш соҳаларида керакли ходимларни танлаб олиш, шунингдек маркетинг (харид ва корхона ҳуқуқий шакллариининг ўзгариши) соҳаларида консалтинг хизматларини кўрсатиш шулар жумласидандир.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш чоғида маслаҳатчиларнинг фақат корхона раҳбарияти билан эмас, балки корхонанинг тегишли махсус бўлимлари ва бўлимлари билан ҳам алоқасини йўлга қўйиш зарур.

Фақат баъзи корхоналаргина хизматлар ҳажмини белгилаш ҳуқуқини консалтинг фирмасининг ўзига топшириб қўядилар. Корхоналар, аксинча, ўз истаklarини баён қилиб ва таҳлил қилинадиган соҳаларни олдиндан белгилаб, изчил иш олиб борадилар.

Бинобарин, буюргма ҳажми корхонанинг масалли кўрсатмалари ҳажмига боғлиқ бўлади. Консалтинг фирмаларининг кўпчилиги консалтинг фаолиятининг муваффақиятини таъминлаш учун лойиҳани тўла кузатишни (яқуний мақсадга эришгунча) тақлиф қиладилар.

Корхоналарни лойиҳалаштириш чоғида консалтинг хизматлари кўрсатиш муддати бор-йўғи бир неча кунни ташкил қилиши мумкин; муваффақият ёки унинг акси кейинрок маълум бўлади, яъни консалтинг хизматлари

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

кўрсатиш муддатини чеклаш эмас, аксинча, лойиҳани кузатишга интилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Масалан, машина паркини қайта жиҳозлашда вазифани аниқ қўйиш, маблағ билан таъминлаш, ҳолимларни ташкил этиш ёки танлаш чоғида муайян даврга шартнома тузиш талаб қилинадики, бундай ҳолларда мақсад аниқ муддатлар билан белгиланади.

Тажриба консалтинг фирмаси бамисоли фақат меҳнатга қараб ҳақ тўланадиган сартки штаб ҳисобланиб, исталган вақтда миждоз хизматига тайёрлигини кўрсатади. Узоқ муддатли ихтисослашган ҳамкорлик корхона муваффақиятига ўз ҳиссасини қўшади.

2.8. Улгуржи савдо тизими

Улгуржи-воситачи тузилма бозор муассасаларининг энг муҳимларидан биридир. У қуйидаги асосий вазифаларни бажаришга даъват этилгандир:

- мулкчилик шаклларида қатъи назар корхона ва ташкилотларга, шу жумладан тadbиркорларга тижорат воситачилик, савдо, ишлаб чиқариш, лизинг, транспорт, молиявий, аудиторлик, ахборот хизматларини кўрсатиш;
- улгуржи, биржа, ярмарка ва очиқ савдони ташкил этиш ва барча ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга товар-хом ашё ресурслари бозорида савдо битишувлари тузишларига қулай шарт-шароитларни яратиш;
- мамлакат ичидаги ва ташқи товар ишлаб чиқарувчилардан, тижорат фирмаларидан, компаниялар ва бизнесменлардан давлат эҳтиёжлари учун Ҳукумат буюртмалари бўйича траст контракт-шарт-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

нома асосида маҳсулот харид қилиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда истеъмолчиларга сотиш;

- давлат идоралари билан контракт асосларда корхоналар ва ташкилотлар - масъул сакловчилар пунктларида давлат захиралари моддий ресурсларини қабул қилиш, сақлаш, янгилаб қайта ишлаш, қисман қайта ишлаш ва беришни таъминлаш;
- вилоятларнинг товар-хон ашё биржалари, ярмарка ва қимощди савдосини ташкил этиш;
- мулкчилик усулларида қатъи назар, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга маҳсулотларни сотиш ва моддий ресурсларини олиш борасида қулай ва ўзаро фойдали шарт-шароитларни яратиш;
- хон ашё ресурсларини излаб топиш бўйича аҳборот хизматлари кўрсатиш фойдали битишувларни амалга ошириш учун республика ҳудудида ва хорижда нархларни белгилаш.

Тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш мақсадларида 1994 йилнинг май ойида республикада ҳиссадорлик жамиятлари ва компанияларнинг ваколатли вакиллари томонидан “Ўзулгуржибиржасавдо” ассоциацияси ташкил этилди. Унинг таркибига фаолият турлари бўйича 13 та республика ҳиссадорлик улгуржи-воситачи фирмалар, “Идишкартон-саноатсавдо” ҳиссадорлик ишлаб чиқариш-савдо бирлашмаси, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 14 та ҳудудий тижорат-воситачилик ҳиссадорлик компанияси, ҳиссадорлик транспорт-экспедиция агентлиги, ҳиссадорлик товар-хон ашё биржаси, “Трастбанк” ҳиссадорлик биржа банки, доимий иш юритувчи ярмаркалар ва очиқ савдолар дирекцияси, “Ўзтаъминотғизим” илмий-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ишлаб чиқариш бирлашмаси киришди. Бундан ташқари унинг таркибида кўпдан-кўп кичик улгуржи савдо магазинлари, 9 та техника воситаларини прокатга бериш пунктлари, тайёрлов ва тара-ремонт корхоналари, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш истеъмолига тайёрлаш цехлари ва участкалари, савдо уйлари ва бошқа бозор тузилмалари ишлаб турибди.

“Ўзугуржибиржасавдо” ташкилотлари - ассоциациянинг аъзолари товарларни харид қилиш ва республика истеъмолчиларига сотишни амалга оширадидлар, тижорат-воситачилик, савдо, транспорт, молиявий, аудиторлик, ахборот хизматларини мулкчилик шаклларида қатъи назар барча корхоналар ва ташкилотларга контракт-шартнома асосида кўрсатадилар.

Республика бозорининг давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ва товарлар билан тўлдириш асосан уларни Ҳукуматлараро савдо-иқтисодий битимларга мувофиқ МДҲ давлатларидан етказиб бериш, хом ашё, материаллар ва ускуналарни бевосита тайёрловчилардан тўғридан-тўғри тижорат шартномалари бўйича харид қилиш йўли билан амалга оширилади.

1994 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасидан ҳукуматлараро савдо-иқтисодий битимлар бўйича собик Иттифоқ мамлакатларига 780 миллион АҚШ доллари миқдоридан ортиқроқ маҳсулот етказиб берилди.

Ҳукуматлараро битимлар имзоланган Россия Федерацияси, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Украинадан олиб келтирилган жами маҳсулот 712,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Товар айирбошлашнинг ижобий қолдиғи Ўзбекистон фойдасига 68 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Россия Федерациясидан шартнома мажбуриятлари

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

доирасида кора металллар прокати, пўлат ковурулар, газета когози, озик-овқат ўраладиган алюминий фольгаси, титан прокати, кўйма қалай, баббит, припой, ёғоч-тахта, ДСП, ДВП, троллейбуслар, алюминий симлар, фенол, каустик сода, паркет бўёғи, кальцийлаштирилган сода, юкори босимли полиэтилен, ПВА эмульцияси ва нитрат аралашмалари, юк автомашиналари шинаси ва етишмовчилик катта бўлган бошка махсулотлар олиб келинди. МДХнинг бошка мамлакатларидан ҳам шундай товарлар етказиб берилди.

Ҳукуматлараро битимлар бўйича товарларни ташиб келтиришдан ташқари, уларни тўғридан-тўғри тижорат шартномалари билан ҳам бошка давлатлардаги шериклар билан ўзаро ҳамкорлик асосида харид қилиш таъминланди.

Харид қилинган махсулотлар асосан кичик улгуржи савдо магазинлари тармоғини, прокат пунктлари ва “Ўзулгуржибиржасавдо” инфраструктурасига қирувчи бошка ташкилотларни тўлдиришга йўналтирди. Бу кичик корхона, кооперативлар, фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорларга ишлаб чиқариш фаолияти учун керак бўладиган материаллар ва ускуналарни муайян даражада ўзаро фойдали шартлар билан олиш имконини берди.

3.0. Инфраструктуранинг амал қилиш механизми

Бу механизмни соддалаштирилган мисолда баён қилиб, асосий иштирок этувчи шахслар, уларнинг хатти-харакати ва ўзаро таъсирини ифодалаймиз.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар жараёнининг асосий участкалари:

- махсулот (хизматлар) ишлаб чиқарувчи;
- товар-хом ашё биржасининг воситачиси;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- тижорат банки;
- улгуржи база (консигнацион омбор);
- автотранспорт корхонаси, юк автомашиналар эгаси.

Ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг энг мухим вазифалари (қишлоқ хўжалиги мисолида) қўйидагилардан иборат:

3.1. Қишлоқ хўжалик маҳсулоты ишлаб чиқарувчи

У:

- қишлоқ хўжалик экинлари турлари бўйича экин майдонларининг оқилтона тузилмасини танлайди, қутилаётган ҳосилни баҳолайди. Бунда ўтган йилги маълумотлар бўйича маҳсулотнинг тайёрлов улгуржи нархлари ва чакана нархлар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланади;
- режалаштирилган маҳсулотни етиштиришга натура ифодасидаги моддий харажатларни ҳисоблаб чиқади;
- моддий харажатларни пул ифодасида қайтадан ҳисоблаб чиқади ва пул харажатларини уруғлик, ўғитлик, ёнилғи сотиб олиш, қишлоқ хўжалик техникасини созлаш бўйича сервис хизмати, ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича транспорт хизмати, суғурта компанияларига фоизларни тўлашга таксимлаб чиқади;
- қутилаётган ҳосилни натура тарзида таксимлайди, (жами ҳажмининг (50-70%) форвард контракти бўйича сотишга ажратади, ўз кучи билан (20%) яқин орадаги бозорларда ва тасодифий фойдали улгуржи харидорларга сотишга ажратади;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- товар маҳсулотни сотишдан кутилаётган даромадларни ҳисоблаб чиқади;
- ишлаб чиқариш фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг фойдали манбаларини, унинг ҳажмларини, олдинги йилги ҳосилдан келган фойдадан таркиб толувчи ўз маблағлари, Бизнес-фонд ва бошқа инвестиция компанияларининг қарзларини аниқлайди ва танлаб олади;
- кутилаётганда фойданинг ҳисоб-китобини амалга оширади ва уни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш, ички истеъмол, суғурта захираси ва пул жамғармаларига тақсимлайди.

Сўмнинг қадрсизланиб бориши муносабати билан ҳисоб-китобларни енгиллаштириш учун аввалги нархлар, тарифлар ва прејскурантлар бўйича асос қилиб олинган барча маълумотларни доллар ҳисобига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу келгусида уларнинг ишонarli қиёсланишини таъминлайди.

3.2. Маҳсулот тайёрловчи агент

Яқин атрофдаги хўжаликларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари, жорий йилдаги бозор нарх-навосига оид билимлари, жаҳондаги нархлар тўғрисидаги ахборотларга асосланиб, маҳсулот тайёрлаш бўйича агент:

- яқин атрофдаги хўжаликларда етиштирилаётган барча турдаги маҳсулотларга бозор талабини таъминлайди;
- ишлаб чиқарувчилардан ҳар бир маҳсулот тури бўйича фойдаланилаётган уруғлик, экиш вақти, ҳосилнинг етилишини ҳисобга олган ҳолда эртаги, ўртаги ва кечки ҳосилни ҳажмларини аниқлаб чиқади;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- тайёрлов нархларини ҳисоблаб чиқади ва маҳсулот етказиб бериш учун форвард ҳамда фьючерс битишувларининг лойиҳаларини тайёрлайди;
- тайёрлов базаси билан барча турлари бўйича маҳсулот етказиб беришнинг мўлжалланаётган ҳажмларини келишиб олади; база мавжуд совутиш қувватлари, майдонлар ва бир йўла сақланадиган маҳсулот ҳажмларидан келиб чиқиб, ҳар бир агентнинг маҳсулот тайёрлаш ҳажмига аниқликлар киритади;
- база томонидан киритилган тузатишларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқарувчилар билан маҳсулот етказиб беришга контрактларни расмийлаштиради;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга аванс услубида тузилган битишувларни тўлаш учун қарз (тайёрлов базасидан, банкдан ёки бошқа қарз берувчи муассасалардан) олади;
- тузилган битишувлар асосида маҳсулот етказиб бериш учун фьючерс контрактлари тайёрлайди ва уларни, битишув қўламларига боғлиқ ҳолда, тайёрлов базаси орқали унга хизмат кўрсатаётган воситачига беради.

3.3. Товар-ҳом ашё биржасининг воситачиси

У:

- келгуси йил ҳосили ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг саноатда қайта ишланадиган ҳажмларини тахминлаш бўйича ахборотларни тўлаш ва таҳлил қилишни;
- ўтган йилларнинг ахбороти асосида қишлоқ хўжа-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

лик маҳсулотларини унинг турлари бўйича ички хўжалик истеъмолига, саноатда қайта ишлашга, ички бозорга тақсимланишининг таҳлилини, истеъмолчи мамлакат ташиб бориш воситалари (транспорт тури), транспорт хизматларига тарифлар, товар бирлигининг нархи ва етказиб бериш шартлари сингари омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобга чиқаришни;

- олинadиган ҳосилнинг кишлоқ хўжалик маҳсулотларига экин турлари бўйича улгуржи ва чакана нархларини тахминлашни;
- молиявий чекланганликдан (ўз маблағларининг мавжудлиги, қарз олиш имконияти ва шу каби-лар) келиб чиқиб фьючерс контрактлари бўйича битишувлар ҳажмларини режалаштиришни;
- битишув ҳажмларини ички ва ташқи бозорларнинг улгуржи базалари, кичик улгуржи савдо бўйича, кейинчалик кичик улгуржи олди-соттига сотиш учун маҳсулотни консигнацион омборларда узок муддатли сақлаш бўйича тақсимлашни;
- режалаштирилган битишувлардан қутилган фойдани ҳисоб-китоб қилиб, уни битишувлар кўламларини кенгайтиришга, ички истеъмолга, юқори фойзли фойда келтирувчи инвестицияга, суғурга ва пул жамғармаларига тақсимлашни амалга оширади.

3.4. Тижорат банки

- Банк хизмат кўрсатадиган минтақа кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш тўғрисидаги статистик ахборотни йиғади;
- ахборотларни таҳлил қилади, келгуси йилги ки-
◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

шлюк хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш ҳажмларини тахминланлайди;

- корхоналар даромадлари ва харажатларининг йириклаштирилган баҳосини белгилайди;
- инвестиция лойиҳаларини бажаришга буюртмалар экспертизасини амалга оширади, улар орасидан энг фойдали, ишончли, юқори кадрлиларини танлаб олади;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича агентларнинг, товар хом ашё биржаси далолиларининг улар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга форвард ва фьючерс контрактлари асосида аванс беришлари учун қарз беришни таҳлил этади;
- Кредит ресурсларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича агентларнинг, ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга бўлган корхоналар, улгуржи базаларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш лойиҳаларини рўёбга чиқараётган инвесторларнинг, фьючерс контрактлари асосида битишувларни расмийлаштириш учун брокерларнинг кредит ресурсларига эҳтиёжини таъминлайди.
- Кредитлар бўйича чекловларни ҳисобга олган ҳолда тахминлаш маълумотларини тўғрилаб, бозорнинг юқорида санаб ўтилган агентларига келгуси йил учун молиявий маблағлар ажратиш режасини ишлаб чиқади.

3.5. Улгуржи база (консигнацион омбор)

У:

- маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича сақлаш ҳажмлари, сақлаш омиллари (музлатиш, машинада

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- совутиш, табиий шамоллатиш ва ҳ.к) ва сақлаш муддатлари тўғрисида статистика таҳлилини;
- хизматларга қониқарсиз талаб табиий шамоллатишга эга бўш ҳажмлар йўқлиги, музлатиш хоналари етишмаслиги, машина-совутиш сифимлари йўқлиги, маҳсулотни сақлашга тайёрлаш учун техника (ювиш, қуриштириш, саралаш, маҳсулотни музлатиш, контейнерларга жойлаш, чакана совутишчиларга жўнатиш олдида қад оқлаш ва идишга солиш) йўқлиги учун сақлашга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги маълумотларни йиғишни;
 - маҳсулот турлари, сақлаш муддатлари, сақлашнинг календарь даври юзасидан ҳисоб-китобини;
 - сақлашга қўйилган маҳсулотнинг харид нарҳини ва сақлашдан кейинги сотиш нарҳини таҳминлашни, қўйилган даромадларни баҳолашни;
 - қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сақлаш учун қабул қилинаётган ҳажмлари, маҳсулот турлари ва уларни етказиб беришнинг календарь муддатлари бўйича агентлар билан тузилган контрактларни тўғрилаб чиқишни;
 - хизматларни кўрсатишга моддий харажатларнинг натура ва пул кўринишидаги ҳисоб-китобини;
 - қўйилган фойда ҳисоб-китобини ва уни омбор ҳажмлари ва совутиш қувватларини ривожлантиришга, суғурта захираси ва пул жамғармаларига тақсимлашни;
 - улгуржи база хизматларига қўйилган талабга биноан омбор ва совутиш хўжалигини ривожланти-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

ришнинг техника-иқтисодий самарадорлигини белгилашни амалга оширади.

3.6. Автотранспорт корхонаси (уюшмаси, ассоциацияси), юк автомашиналарининг эгаси, транспорт кооперативи.

- Ўтган йилларнинг маълумотлари бўйича юк ташиш тузилмаси (юкларнинг турлари, йўналишлари, ҳаракатдаги состав тури, ҳар бир юкни ташишнинг календарь вақти, ҳажмлари бўйича тақсимланиши) тўғрисидаги статистикани таҳлил қилади;
- ташишга тақдим этилаётган маҳсулот ҳажми, юкларнинг тури, ҳаракатдаги состав типи, йил фасли, юк ташиш йўналишлари ва шарт-шароитлари бўйича автотранспорт хизматига талабнинг қониктирилмаганлигига тааллуқли маълумотларни тўғлайди.
- автотранспорт хизматларига қўйилаётган талабни - юк ташиш маршрутлари: маҳсулот далаалардан уни темир йўл транспортига юклаб жўнатиладиган пунктларгача тайёрлаш пунктларигача, оралик сақлаш базаларигача (консигнацион омборлар), машинали совутгичи бўлган ёки совутгичсиз улгуржи омборларгача, энг яқин бозорларгача, чет эл буюртмачиларигача ташиш;
- ҳаракат таркибининг талаб қилинадиган турлари: юк кўтариш қуввати кўрсатилган бортли автомобиллар, рефрежераторлар, усти ёпиқ юк машиналари;
- юк ташишнинг календарь вақти бўйича тахминлайди;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- транспорт хизматларига харажатларни натура ва қиймат ифодаларида тахминлайди;
- юк ташиш тарифлари ва улардан тушадиган даромадларни тахминлайди;
- Тахмин қилинган юк ташиш ҳажмлари маълумотларига кўра ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, ҳаракат таркибларини етказиб беришга шартномалар тузади;
- режалаштирилаётган хизматлар ҳажмидан келиб чиқиб, қутилаётган фойдани ҳисоб-китоб қилади ва уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга
- ички истеъмолга, пул жамғармалари тўплашга тақсимлайди.

4.0. Маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчиларнинг инфраструктура билан ўзаро ҳамкорлиги

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича агент маҳсулот етказиб бериш, шу жумладан келуси йил ҳосилидан ҳам маҳсулот етказиб беришга форвард (фьючерс) битими тузади, унга мўлжаллаб кредит олади, тузилган шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқарувчига аванс пули беради ва ўз навбатида маҳсулот етказиб беришга база билан контракт тузади.

База шу контракт асосида савдо-хом ашё биржасида фьючерс контрактини расмийлаштиради.

Ишлаб чиқарувчи олинган қарзга асосланиб ўз шахсий ва хўжалик сарф-харажатлари - уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуна сотиб олиш, ишчи кучини ёллашга кетадиган харажатларни тўлайди.

Ишлаб чиқарувчи Агросервис, ремонт-техника хизматлари ва бошқалар билан ўз техникасига хизмат кўрсатиш, экинлар ва мевазорларга кимёвий ишлов бериш ва шу

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

кабилар ва суғурта компанияси билан келгуси йил ҳосилини суғурталаш юзасидан шартномалар тузади.

Биржада ички ва ташқи савдо билан шуғулланувчи улгуржи базалар, шунингдек қайта ишлаш корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади. Фьючерс контрактлари асосида биржада келгуси йиллар ҳосилига нархлар қиймати шаклланади.

Контракт эгаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб беришга транспорт корхоналари, юк машиналарининг эгалари (юк машиналари эгаларининг уюшмаси), темир йўл билан шартномалар тузади.

Транспорт корхоналари суғурта компаниялари билан ҳосилни ташиб беришга шартнома тузиб, ўзларини поездлар тўқнашиши, кўприклар, йўллар бузилиши, ер сурилиши, чўкиши ва шу сингари юкларни етказиб беришни кечиктирувчи, ҳатто табиий офатлар минтақасига тушиб қолган транспорт воситаларини йўқ қилиб юборувчи ҳолатларни келтириб чиқарувчи табиат офатларидан суғурталайдилар.

Улгуржи базалар кичик улгуржи савдогарлар ва чакана савдо корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиб, шу контрактларга керакли қарзни банкдан оладилар.

Агросервис ва бошқа сервис хизматлари ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномаларни бажарадилар ва ўзларига тегишли ҳақни оладилар.

Ишлаб чиқарувчи агентга фьючерс контрактда кўзда тутилган ҳажмда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беради. Агент бутун контрактнинг қолдиқ қийматини тўлайди.

Транспорт корхонаси маҳсулот эгаси билан тузилган контрактта биноан маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан улгур-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

жи базаларга ёки қайта ишлаш корхоналарининг консигнацион омборларига ташиб беради. Махсулотни қабул қилиб олувчилар уни етказиб берганлик учун ҳақ тўлайдилар.

Улгуржи корхоналар, консигнацион омборлар контрактда белгиланган муддатларда махсулотни кичик улгуржи сотувчиларга ва чакана савдо корхоналарига етказиб берадилар ва унга пул оладилар.

Кичик улгуржи сотувчилар ва чакана савдо корхоналари махсулотни ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол бозорига чиқарадилар, сотишдан даромад оладилар.

Ишлаб чиқарувчи ортиқча махсулотни (тузилган контрактлардан ортиб қолганини) яқин орадаги бозорларга ва қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериши учун транспортга буюртма беради ва бу махсулотни сотишдан нақд пул олади.

Амлоқни сотиш бўйича агент, даллол, улгуржи базалар, консигнацион омборлар ва қайта ишловчи корхоналар олинган кредитларни фоизлари билан банкка қайтардилар.

Ишлаб чиқарувчи аудитор хизмати билан йиллик ҳисоботни тайёрлашда ёрдам кўрсатиш учун контракт тузади, олган ёрдами учун ҳақ тўлайди, фаолиятининг натижалари бўйича солиқ тўлайди.

Муҳокама учун саволлар

Тўртинчи бўлишни ўқиб, жавоб беринг



“Бозор инфраструктураси” тушунчасини ойдинлаштириб беринг.



Ишлаб чиқариш инфраструктураси нима?

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- 3 Ижтимоий инфраструктура нима?
- 4 Инфраструктуранинг мақсади нимадан иборат?
- 5 Инфраструктура қандай вазифаларни ҳал қилади?
- 6 Инфраструктуранинг асосий вазифаларини санаб беринг.
- 7 Бозор инфраструктураси нималардан иборат бўлади? (Бу мавзуни жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон Республикаси тажрибаси мисолида очиб беринг).
- 8 “Таннарх” нимани билдиради?
- 9 “Биржа нима?” мавзуида реферат тайёрланг (Қўшимча материалдан фойдаланиб, ўз рефератингизда биржаларнинг ташкил этилиш тарҳини ёритиб беринг).
- 10 Биржа қандай фаолиятни амалга оширади?
- 11 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда фонд биржаси қандай роль ўйнайди?” мавзуида маъруза тайёрланг.
- 12 “Товар биржаси раҳбари - Фонд биржаси раҳбари - Бизнесмен” ўйини шаклида мунозара ўтказинг. (Мунозаранинг мақсади товар биржасининг фонд биржасидан фарқи нимада эканлигини аниқлашдан иборат).

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- 13 Валюта биржаси нима?
- 14 Амлок биржасининг мақсадлари қандай?
- 15 Амлокнинг қайси объектлари амлок сотиш бўйича очиқ бозорларда сотилиши керак? деган савол бўйича матбуот конференцияси ўтказинг.
- 16 “Амлокни сотиш бўйича очиқ савдони ташкил этиш шартлари” мавзуида матбуот конференцияси ўтказинг.
- 17 Бўлим материаллари ва қўшимча материалга таяниб, “Бозор инфраструктураси тизимида банклар қандай ўрин тутади?” мавзуида маъруза тайёрланг.
- 18 Ўзбекистон ва ҳорижда банк тизимининг ривожланиши қандай муаммоларни ҳал этишга қаратилган? - шу хусусда қиёсий таҳлил ўтказинг.
- 19 Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ёритиб беринг.
- 20 “Банкнинг мижозлар билан муносабати қандай бўлади?” ўйини шаклида мунозара ўтказинг.
- 21 “Тижорат банклари раҳбарларининг давра суҳбати” шаклида мунозара ўтказинг (мунозаранинг мақсади - тижорат банклари қандай хизмат турларини кўрсатаётганликларини аниқлаб олишдан иборат).
- 22 Кафолат нимани англатади?

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- 23 Кредит учун фоиз ставкаси нимадан ташкил топади?
- 24 “Инвестиция фондлари нима?” мавзуида жаҳон ва Ўзбекистон Республикаси тажрибасидан олинган мисоллар билан реферат тайёрланг (Реферат устида ишлаш чоғида бўлим материаллари, қўшимча материаллар, шунингдек, матбуот материалларидан фойдаланинг).
- 25 Инвестиция фондлари қандай ташкил этилади?
- 26 Инвестиция фондлари фаолиятининг асосий турлари тўғрисида гапириб беринг.
- 27 “Инвестиция фондларини текшириш” ўйини шаклида мунозара ўтказинг (Мунозаранинг мақсади - инвестиция фондлари қандай ҳуқуқларга эгалитини аниқлаб чиқишдан иборат).
- 28 Инвестиция фондларининг асосий вазифаларини айтиб беринг.
- 29 “Депозитарий нима?” мавзуида реферат тайёрланг. (Қўшимча материаллар асосида унинг ташкил этилиш тарихини ёритиб беринг).
- 30 Депозитарий фаолиятининг предмети нима ҳисобланади?
- 31 Депозитарий банк тизимидан нима билан фарқланишини қиссий таҳлил қилиб чиқинг.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- 32 “Ўзбекистон Республикаси Миллий депозитарийсининг фаолияти қандай вази­фаларни ҳал этишга қаратилган? мавзуида аниқ мисоллар билан асослаб маъруза тайёрланг (маъруза устида ишлаш чоғида матбуот материалларидан фойдаланинг).
- 33 Суғурталаш нима?
- 34 Полис нима?
- 35 Кредит хатари қачон юзага келади? (Матбуот ва телевидение материалларидан аниқ мисоллар келтиринг).
- 36 Ўзбекистон Республикаси суғурта бизнесини тавсифловчи ёзма обзор тайёрланг (Бирор аниқ суғурта компанияси мисолида).
- 37 “Аудиторлик нималарни ўз ичига олади?” мавзуида реферат тайёрланг (Иш чоғида аудиторлик тарихига оид кўшимча матери­аллардан фойдаланинг).
- 38 Аудиторлик фаолиятининг асосий соҳаси қандай?
- 39 Аудиторлик хизматлари олдида қандай ва­зифалар туради?
- 40 Аудитнинг халқаро стандартлари тўғрисида гапириб беринг.
- 41 Аудит ва консалтингнинг қиёсий таҳлилини қилиб чиқинг. (Мақсад - “консалтинг” тушунчасини ойдинлаштириб олиш).

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

- 41. Консалтинг қандай кечади?
- 42. “консалтингнинг кўринишлари” матбуот конференциясини ўтказинг.
- 43. Улгуржи-воситачилик таркиби қандай вазифаларни ҳал қилиши керак?
- 45. Товар-хом ашё биржалари ва ярмаркалари қамраб олиши керак бўлган моддий-техника ресурслари ҳажмларини тахминлашнинг моҳияти нималардан иборат?
- 46. Инфраструктуранинг амал қилиш механизмини очиб беринг.
- 47. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи қандай фаолиятни амалга оширади?” матбуот конференциясини ўтказинг (жавоблар вақтли нашрлардан олинган аниқ мисоллар билан асосланиши керак).
- 48. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича агент зиммасида қандай вазифалар бўлади? масаласи бўйича “савол-жавоб” мунозарасини ўтказинг.
- 49. “Товар-хомашё биржасининг даллоли нима учун керак?” матбуот конференциясини ўтказинг (жавоблар вақтли нашрлардан олинган аниқ мисоллар билан асосланиши керак).
- 50. “Инфраструктура амал қилиш механизмида тижорат банклари қандай роль ўйнайдилар?” мавзуда “Савол-жавоб” мунозара-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

сини ўтказинг (жавоблар вақтли нашрлардан олинган мисоллар билан асосланиши керак).

- 51 Ултуржи база нимага хизмат қилади? - шу мавзуда матбуот конференцияси ўтказинг. (Жавоблар вақтли нашрлардан олинган мисоллар билан асосланиши керак).
- 52 “Инфраструктура амал қилиш механизмида автотранспорт корхонаси қандай ўрин тутади?” мавзуида “Савол-жавоб” мунозарасини ўтказинг (жавоблар вақтли нашрлардан олинган мисоллар билан асосланиши керак).
- 53 Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар)нинг инфраструктура билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида таҳлиллар билан умумий суҳбат ўтказинг

Тушунилиши кийин сўзлар изоҳи

Брокер - фонд, товар ва валюта биржаларида битишувлар тузиш чоғида воситачилик билан шугулланувчи алоҳида шахс ёки фирма. Даллол, қонда тариқасида, мижозларнинг топшириғига биноан ва улар ҳисобидан битишувлар тузади, шунингдек, ишонч билдирувчилар ҳисобидан ўз номидан ҳам саъй-ҳаракат қилиши мумкин.

Депозит - 1) Кредит муассасаларида сақлаш учун жойлаштириладиган пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозлар; 2) Қарздор томонидан суд муассасаларига кредит берувчи (масалан даъвони таъминлаш учун ва маъмурий муассасаларга (масалан,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

квартирани бўлиш чоғида унинг тўлови ҳисобида нотариал идорага бадал сифатида топшириш учун қарздор томонидан бериладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо қоғозлар.

Дилер - қимматбаҳо қоғозлар, товарлар ва валютанинг олди-сотди савдо битишувларида воситачи ҳисобланувчи шахс ёки фирма.

Гаров - мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш воситаси бўлиб, қарздор кредит берувчи топшириб қўядиган пул ёки бошқа мулкый қадриятлардан иборат бўлади, қарздор ўз мажбуриятларини бажара олмаган тақдирда кредит берувчи ўз талабини қондириш учун унинг қийматидан фойдаланишда устун ҳуқуққа эга бўлади.

Корхона мулки - корхонага тегишли асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, бошқа моддий ва молиявий ресурсларни ўз ичига олади, уларнинг миқдори корхонанинг мустақил балансида акс этади. Корхонанинг мулки унинг моддий-техника базаси ва маблағларини ташкил этади.

Тижорат банки - саноат, савдо ва бошқа корхоналарни тижорат (ҳақ тўлаш) асосида кредитлаш, ҳисоб-китоб ва маблағ билан таъминлашни амалга оширувчи банк турларидан бири. Ўз операцияларини асосан миқдори банкнинг ўз маблағлари ҳажмидан ортиб кетиши мумкин бўлмаган жалб қилинган депозитлар ҳисобига амалга оширади.

Кредит - қарз маблағининг ҳаракат шакли. Қайтариш ва тўлов (фоизни тўлаш) шартлари билан бериладиган пул ёки товар шаклидаги қарз кредит берувчи билан қарз олувчининг иқтисодий муносабатларини ифодалайди. Кредитнинг тижорат, давлат, банк, истеъмол, халқаро шакллари мавжуд.

Нарх белгилаш - амалдаги қонун-қоидалар ва таркиб топган амалиётта мувофиқ биржаларда хорижий валюта курсини қимматбаҳо қоғозлар ёки товар нархини белгилаш. Нарх белгилашни давлат муассасаларининг вакиллари, махсус идоралар

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

валюта фонд биржалари ва товар биржаларида (расмий нарх белгилаш), йирик компаниялар ва банклар уюшмаган бозорда (бозор нарх белгилаш) амалга оширадлар.

Валютанинг эркин муомаласи - амалдаги валюта киймати-га кўра бир валютани бошқасига алмаштириш. Валюта курси (киймати) бир валютанинг бошқа ҳорижий валюта ёки халқаро тўлов воситалари (СДР, ЭКЮ)га нисбаган нархи. Валюта киймати валютанинг тўлов қобилиятига кўра белгиланади.

Консигнация - товарларни воситачиларнинг консигнация омборлари орқали сотиш усули бўлиб, бунда воситачи омборига тушган товарга эгаллик ҳуқуқи токи товар олувчиларга сотил-гунча товар етказиб берувчида (консигнат) қолади.

Лизинг - кейинчалик ижарага бериш мақсадида узок муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун ускуналар сотиб олишга қилинадиган ҳаражатларни маблаг билан таъминлашнинг ўзига хос усули. Одатда бу операция ихти-сослашган молия (лизинг) компанияси воситачилигида амалга оширилади. У учинчи шахс учун мулкка эгаллик ҳуқуқини бера-ди ва ўрғача муддатли ёхуд узок муддатли ижарага берилади.

Листинг - компания акцияларини мазкур биржада қадрли бўлган акциялар рўйхатига киритиш. Бу рўйхатга киритилма-ган акциялар “пештахтада” ёки “кўча” бозорида сотилади.

Лизинг - товарларни олиб чиқиб кетиш ва олиб қирпшга, бирор маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи маънадан фойдаланишга, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулла-ниш ва маҳсулотнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга рух-сатномалар. Давлат бошқарувининг турли идоралари томони-дан корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга қонунда белгиланган тартибларга мувофиқ берилади.

Максимизация - энг юқори исталган натижаларга эришиш.
Минимизация - номақбул жиҳатларни энг қуйи даражагача камайтириш.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Улгуржи савдо - ички савдонинг ишлаб чиқариш корхоналари томонидан товарларнинг катта туркумларини чакана савдо корхоналарига ёки ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмини - шу маҳсулотни ишлатувчи корхоналарга сотилишини аниқлашчи қисми. Улгуржи савдо ишлаб чиқарувчи корхоналар билан истеъмолчилар ўртасидаги бевосита тижорат алоқаларини ҳам, улар ўртасида савдо воситачилари орқали бўладиган алоқаларни ҳам ўз ичига олади.

Полис - 1) суғурта жамияти томонидан ўзида бирор нарса-ни суғурта қилдирган шахс ёки муассасага берилиб, суғурталанганлик тўғрисида тузилган шартноманинг шартларини ифодаловчи шаҳодатнома; 2) Тилхат, квитанция.

Иқтисодий потенциал - мамлакатнинг муайян иқтисодий мақсадлари ва кўрсаткичларига эришишни таъминловчи иқтисодий имкониятларининг йиғиндиси.

Фоиз ставкаси - банклар ўзлари амалга оширадиган операцияларнинг хилма-хил турлари бўйича белгиланадиган фоиз миқдори. Фоиз ставкасининг энг кўп миқдори мамлакатнинг марказий банки томонидан тартибга солиб турилади. Шу даражада тижорат банклари хўжалик идоралари билан шартлашувлар бўйича ўз операциялари юзасидан фоиз ставкасини белгилайдилар. Фоиз ставкасининг ўзгариши қарз маблағларига таълаб ва тақлифнинг ўзгариши билан белгиланади.

Сертификат - ҳужжат, гувоҳнома, ёзма шаҳодатнома. Пул белгилари ва уларнинг ўрнини босувчилар, облигациялар, давлат заёмлари ёки омонат сертификатлар сертификат деб юрилади.

Сотиб олувчи, истеъмолчи талаби - бозорда жисмоний ва ҳуқуқий шахслар томонидан истеъмолга мўлжалланган товарларни сотиб олув учун ажратиладиган пул маблағларининг йиғиндиси.

Ссуда - қарз шартномасининг бир иштирокчиси томонидан

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

бошқасига, қоида тарихида фоизи билан кайтариб бериш шарти билан пул ёки моддий кадриятларни бериш.

Банк ссудаси - банкнинг фоиз тўланадиган қарзга берилган пул маблағлари.

Суғурталаш - муайян ҳодисалар (суғурта ҳолатлари) юз берган тақдирда жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мулкӣ манфаатларини шу шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта мукофотлари)дан шакллантирилган пул фондлари (суғурта жамғармалари) ҳисобидан суғурта товони ёки суғурта таъминоти йўли билан муҳофазалаш бўйича иқтисодий муносабатлар тизими.

Молия бозори - ўртача ва узоқ муддатли маблағлар бозори. Бу бозорнинг амал қилиши битишувларни амалга ошириш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва жавоб олиш, музокаралар жараёни, битишув тузиш маросими, битишувни расмийлаштириш ва қимматбаҳо қоғозларни амалда бериш тартиби билан белгиланади.

Фьючерс битишуви - товар ёки фонд биржасидаги битишувлар тури. Фьючерс битишуви товар ёки акция учун пулни битишув тузилганидан кейинги муайян муддатдан сўнғ контрактда шартлашилган нарҳда тўлашни кўзда тутади. Асосий мақсад тугатиш муддатида нарҳлар ва акция қийматида рўй берадиган фарқни олишдан иборат.

Ярмарка - 1) товар намуналари кўргазмаси бўлиб, бир жойда муайян вақт мобайнида иш олиб боради. Уни ўтказиш чоғида савдо битишувлари тузилади ва товарлар туркумини улгуржи сотиш амалга оширилади. 2) Давлат томонидан руҳсат берилган муваққат оқли-сотди бўлиб, унга олдиндан маълум бўлган вақтда савдо-саноат корхоналари, ташкилотлар, хусусий савдогарлар келишади, турли-туман товарлар келтирилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

5-булим

Совет Иттифоқи тарқалиб кетгач постсовет ва Шарқий Оврупо давлатларида иктисодиётни ислох қилишнинг фаол жараёни бошланди. Табиийки, бу жараён ҳар бир давлатда халқ ва мамлакатнинг алоҳида хусусиятлари билан белгиланувчи жиҳатларга эга эди. Шунга қарамасдан кўпгина халқаро ташкилотлар ва муассасалар бу жараёнларни муайян даражада қонунлаштиришга уриниб кўрдилар. Чунончи, “шок терапияси” деб ном олган Польша тажрибаси кенг қўллаб-қувватланди. У ерда хусусийлаштиришнинг тезлаштирилган услублари қўлланилган эди. Собиқ ССРнинг барча республикаларига хусусийлаштиришнинг ваучер ечими тикиштирилди. Россия шу йўлдан борган эди.

Ўзбекистонга ҳам тайёр ечимлар тиришиб-тортишиб таклиф қилинишига қарамасдан республика ҳукумати бозор муносабатлари сари ўз йўлидан борди. Бу йўл миллий ўзига хосликни ҳам, иктисодиёт аҳволини ҳам,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

чукур ижтимоий ларзаларни четлаб ўтиш мақсадида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси масалаларини ҳам ҳисобга оларди. Ўзбекистон ислохотларнинг ўз йўлини танлаб олди ва шу йўлни изчил амалга ошира бориб, кўзлаган мақсадларига ишонч билан эришмоқда.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг ўзига хослигини белгиловчи асосий жиҳатларни кўриб чиқамиз.

1.0. Хусусийлаштиришнинг босқичма-босқичлиги, узвийлиги

Ўзбекистон Ҳукумати аввал бошданок популистик ғоялар ва ширалардан воз кечди. Ислохотларга халқнинг доно бир ақидаси: “Янги уйни курмай туриб, эскисини бузма” деган нақл асос қилиб олинди. Бўл-бўлчилик билан ёндашиш ўрнига иқтисодийётни босқичма-босқич, аста-секин ислох қилиш усули, уни бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик омилларида бозор муносабатларига ўтказиш усули қабул қилинди.

Республикада мулкчилик шакллари қайта қуриш ва ўзгартиришнинг ўз тажрибаси кунт билан орттирилди ва сабот билан тўпланди. Ижара корхоналари, кооперативлар меҳнат жамоаларида мулкдорлик ҳиссиётини ислох қилишни бошлаб берган дастлабки кўринишлар бўлди.

Ўзбекистонда 1990 йили дастлабки хусусий корхоналар ташкил этилганлиги тарих бўлиб қолди. Бу иқтисодийётни боши берк кўчадан олиб чиқишни новаторона, дадил излашнинг мислсиз намунаси дир.

Ўша 1990 йилиёқ республикада ҳалигача ўхшаши бўлмаган корхоналар - мулкчиликнинг аралаш усулига асосланган давлат ва хусусий-кооператив корхоналари ташкил этилди. Шу билан ёнма-ён вазирликлар, идора-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

лар, давлат бошқарув идоралари тузилмаларини кайта ташкил этиш давом этди.

Бу жараёнларнинг ҳаммаси меҳнат жамоалари ва халқ хўжалиги тармоқларининг ходимларига нисбатан эҳтиёт-корона тусда эди. Ислохотлар ижтимоий муҳофазанинг тегишли тадбирларига рия қилинган ҳолда амалга оширилди.

Мулкчилик шакллариини ўзгартиришнинг асосий босқичлари ҳам белгиланиб қолди. Агар 1990-1991 йиллари ислохотлар тажрибасини ортгириш ва ўрганиш даври деб ҳисоблаш мумкин бўлса, 1992-1993 йиллар фаол хусусийлаштиришнинг биринчи босқичига айланди.

Бу босқичда деярли жами уй-жой хусусийлаштирилди. Қишлоқ аҳолисига, ҳар бир оилага ёрдамчи томорка хўжалигини ривожлантириш мақсадида шахсий фойдаланиш учун ер майдонлари берилди. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат ва халқ хўжалигининг бошқа бир қатор тармоқларидаги кичик ва ўртача корхоналар сотилди ёки ҳиссадорлик корхоналарига айлантирилди.

Давлат ижтимоий дастурида белгилаб берилган иккинчи босқичи 1994-1995 йилларга тўғри келди. Бу босқичда минглаб йирик ва ўртача корхоналар ҳиссадорликка ўтди. Уларнинг акциялари республика қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосини ташкил этди. Ҳиссадорликка айлантириш билан айна бир пайтда кичик бизнес корхоналари қизғин барпо этилди. 70.0 минг шундай корхона рўйхатга олинди.

Бозор инфраструктураси жадал ривож топди. Биржалар, тижорат банклари, хусусий суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, улгуржи савдо тизими, аудиторлик, консалтинг фирмалари ва бозорнинг кўпгина бошқа омиллари иш бошлади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Ислохотнинг концепцияси ва мантикини белгилашда шундан келиб чиқиш керакки, бозор иқтисодиётига у ўз имкониятларини тўла намоеън этадиган паллагача бўлган ўтиш даври нисбатан узоқ давом этиб, халқ хўжалигида чуқур тузилмавий қайта қуриш, миллионлаб кишиларнинг йўриқлари ва хулқ-атвор меъёрларида жиддий ўзгаришларнинг бутун бир даврини камраб олади. Мустақил Ўзбекистон яшаб келаётган даврда муқим бозор макони вужудга келди, мулкчилик шаклларида ўзгаришлар юз берганлигини қайд қилиш мумкин. Бу қуйидаги маълумотлар билан тасдиқланади. Республикада корхоналарнинг 85 фоизи мулкчиликнинг нодавлат шаклига эга. Уларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 65 фоизидан кўпроғи ишлаб турибди, яппи маҳсулотнинг 67 фоиздан зиёди уларда ишлаб чиқарилмоқда. Шундай қилиб, иқтисодий ўзгартиришларни босқичма-босқич, изчил амапта ошириш тажрибаси ўзини тўла оқлади.

1996 йилдан бошлаб хусусийлаштиришнинг учинчи босқичига кирдик. Бу босқич яқунловчи хусусиятга эга бўлади. Республика Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштирилмайдиган объектларнинг номма-ном рўйхатини белгилаб қўйдилар. Булар сувдан фойдаланиш объектлари, мелiorация тармоқлари, музейлар, санэпид-станциялар, стратегик ва ҳарбий мақсадлардаги бюджетдан ташқари жамғармалардир. Бу рўйхатга қирмаган бошқа барча объектлар ва корхоналар хусусийлаштирилади.

2.0. Ўзбекистон ваучерлашдан нима учун поз қсди?

Хусусийлаштириш стратегиясини белгилашда бу ғоят мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу саволга жавобни аниқ ва очиқ-ойдин англаш республи-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

ликада ваучер-чек тизими ривож топмаганидан аҳолининг айрим қисмида туғилган кўнгилсиз муносабатни бартараф этишга ёрдам беради.

Маҳаллий ва чет эл матбуотида бу тизимни қўллашни лозим кўрмаган Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш сиёсатига таъналар ҳам айтилди. Айрим олимлар, Ўзбекистон жамоатчилиги ва матбуот намойندалари республикамизда ваучерлаштиришни тезроқ амалга оширишни талаб қилганларида, улар аввало ваучерлаштиришнинг ҳаммага маълум бўлган афзалликлари - аҳолини ёппасига қамраб олиш, умумий тенглик ва адолатпарварлик хусусиятларини санаб кўрсатишарди.

Бирок, инсониятнинг бугун тарихи очик-ойдин кўрсатадики, ялпи тенглик, бу - идеал бўлиб, унга интилиш мумкин ва лозим, бироқ унга бугунги шароитларда етишиш мумкин эмас. Россия тажрибаси ваучерлаштиришнинг кўпгина ва ғоят жиддий камчиликларини очиб ташлади. Кўплаб одамлар ўз ваучерларини дарҳол сотиб юбордилар. Кам таъминланган кишилар тўй ўтказиш, дафн маросими, кундалик турмушда эҳтиёж катта бўлган ноёб нарсаларни сотиб олиш учун нақд пулга алмаштириб, ваучерларидан дарҳол қутула қолдилар. Масаланинг иккинчи томони:

- биз ҳаммамиз фойдаланаётганимиз ижтимоий бойликка тенг ҳисса қўшмаган одамлар - директор, фаррош, ишчи, муҳандис ва ҳисобчига тенг тақсимлаш;
- жамият учун ҳеч нима яратмаган ногиронларга ваучер бермаслик;
- балоғат ёшига етмаган болаларни, кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларни, ишсизларни, шу-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

нингдек, нафакачиларни бир-бирига тенглаштириш;

- ваучерларни меҳнатчилар билан бир қаторда жамиятга юк бўлиб тушувчи лайдиларга, жиноятчиларга, камоқхоналарда ўтирган ва фукаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилган шахсларга, ўғриларга, фоҳишаларга, бангиларга, руҳий касал фукароларга тарқатиш;
- узоқ вақт ўз мансабларида ўтириб қолган кишилар, дангасалар, маҳсулотининг катта қисми бракка чикиб кетадиган ишчини қўли гул усталарга; якка яшовчи аёлларга ва кўп болали оилаларга тенглаштириш инсофданми?

Санаб ўтилган бу ҳолатларнинг ҳаммаси учун мувофиқ бўладиган, ягона адолатли ечимлар умуман бўлмаслиги тушунарли. Хусусийлаштиришнинг чуқурда ётган қоялари хийла хавфли, ғоят кўп ва ҳар қандай муваффақиятсиз ечим кучли ижтимоий фалокатлар келтириб чиқариши, жамиятни бир-бирига душман қисмларга бўлиб юбориши мумкин. Бироқ, бамисоли назарий жиҳатдан бўлса ҳам ҳисоблаб чиқишга уриниш каби барча сув ости қояларини илғай битиш лозим, шундагина амалий ишларга киришиш мумкиин. Бундан ташқари ваучерлар ёки чекларни бепул тарқатиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кўшимча маблағларни жалб қилиш имконини бермайди ва, бинобарин, капитални жўнгина еб битиришдан иборат бўлиб қолади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохот ишлаб чиқариш самарадорлигини ва халқ турмушининг фаровонлигини кўтаришни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Жаҳондаги турли мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибаси кўрсатадики, ишлаб чиқариш самарадорлигига

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

унинг юксак даражада ташкил этилиши ва инвестициялар ҳисобига эришилади. Айни пайтда бизнинг ишлаб чиқаришни режали-маъмурий ташкил этишнинг 70 йиллик тажрибамиз халқ хўжалигини қайта ташкил этиш, уни эркинлаштириш, аҳолининг кенг қатламларига ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш ва мустақил бошқариш ҳуқуқини бериш заруриятини яна бир бор тасдиқлади.

Худди мана шунинг учун Ўзбекистонда давлат корхоналарини очик турдаги хиссадорлик жамиятларига айлантириш ва шахсий мулк қилиб бериш жараёнлари кенг тус олдирилди. Бу, биринчидан, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги сифат даражасига эришиш, иккинчидан, акцияларни чиқариш ва сотиш ёки давлат мулки объектларини сотиш чоғида кўшимча маблағларни жалб этиш имконларини беради. Бу йўл билан чет эл инвесторларининг маблағларини жалб қилиш айниқса муҳимдир.

Фақат иқтисодиётга миллий ва чет эл валютаси кўринишидаги кўшимча пул маблағларининг қўйилиши ҳисобига халқ хўжалик тармоқларини техника жиҳатидан қайта қуроллантиришни амалга ошириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни жаҳон даражасига олиб чиқиш мумкин.

Давлат турли молия-саноат гуруҳлари, бирлашмалари, корпорациялари ташкил этилишини қўллаб-қувватламоқда. Бундай тузилмалар МДХ мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти интеграцияланиш жараёнларини кучайтириши, хўжалик алоқалари учун зарур бўладиган амалий хизматларнинг бугун комплексини намоён этиши, уларга муқимлик ва умрбоқийлик бағишлаши, клиринг асосида ўзаро ҳисоб-китоблар масаалаларини ҳал этиши керак.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Ёқилғи-энергетика, кимё, кончилик, пахтани қайта ишлаш комплексларининг тармоқлари бўйича салмоқли инвестицион маблағлар, шу жумладан, валюта маблағларини жалб этган ҳолда давлат тасарруфидан чиқаришнинг махсус дастурлари тасдиқланмоқда. Бу тармоқларни чет эл инвестицияси билан қувватлаш ишига имтиёзли режим белгиланмоқда, инвесторларни жалб қилиш чоғида давлат гарант сифатида майдонга чиқмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мулкни ҳаммага тенг тақсимлашнинг турли усулларига муқобил сифатида адресли хусусийлаштириш белгиланган. У аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялашга ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, четта чиқаришга яроқли, рақобатчил маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун корхоналарни техника жиҳатидан қайта жиҳозлашни таъминлашга қаратилгандир.

3.0. Хусусийлаштиришнинг адресли йўналтирилганлиги

Адресли хусусийлаштириш аҳолининг барча қатламларига хусусийлаштиришда аниқроқ ва натижалироқ иштирок этиш имконини беради. У шунингдек, халқ оммасининг энг кам муҳофазаланган ва заиф вакиллари кўпроқ устунликларга эга бўлишларига қаратилгандир.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг адресли йўналтирилганлиги қуйидагиларда ифодалангани:

¹Ижтимоий адолатнинг таъминланишига тақсимлаш жараёни ёрдамида эришилади. Аҳолининг энг кўпроқ муҳтож бўлган ва заиф қатламларини қўллаб-қувватлашнинг турли хил дастурлари ишлаб чиқилган. Бу дастурлар бюджет маблағлари

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

хисобидан қўлаб-қувватланади. Давлат энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, болаларга ва қарияларга мўлжалланган товарларни дотация билан таъминлайди.

2. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бўйича тадбирлар мажмуи хусусийлаштиришнинг бошлангич босқичида (уч-беш йил) хомиладор аёллар, ногиронларни ишдан бўшатиш бўйича вақтинча чеклашларни, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ихтисосини сақлаб қолиш, иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгиланган энг кам даражадан паст тўланмаслигини таъминлаш каби чораларни кўзда тутати. Қўшимча иш жойларини барпо этиш, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилади.
3. Уй-жойларни хусусийлаштириш чоғида адресли йўналтирилганлик айниқса ёрқин ифодаланди. Иш ҳақи оқладларнинг ягона тариф сеткаси билан чекланган ўқитувчилар, фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа бюджет ташкилотларининг ходимлари уни бепул олишди.
4. Хусусийлаштириш жараёнида:
 - акцияларнинг имтиёзли пакетларини олган;
 - эскириш даражаси юқори бўлган барча асосий фондларни бепул олган;
 - корхонадаги ижтимоий инфраструктура объектилари (ошхоналар, душхоналар, ечиниш-кийиниш жойлари, медпунктлар, профилакторийлар ва бошқалар)дан бепул (сотиб олмасдан) фойдаланиш имконини олган;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

УЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

- мулкнинг сотиб олиш қийматидан корхона асосий фондларини сотиб олишга ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармасидан сарфланган маблаг ҳажмида чегирма олган;
 - савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари эгаллаган ер майдонларини сотиш ҳисобига мулк эгаси ҳуқуқини олган меҳнат жамоаларига алоҳида эътибор берилади.
5. Қишлоқ аҳолиси шахсий ёрдамчи хўжалиги учун чек ер олди. Аграр хўжаликларнинг жамоаларига совхозларнинг мол-мулкни, фермалар, мевазор боғлар, токзорлар ва шу қабиларни имтиёзли хусусийлаштириш имконияти берилган.

Мутлақо равшанки, хусусийлаштиришнинг бундай услуби чоғида ҳар бир киши учун аниқ фойда ҳам салмоқли, ҳам кўринарли бўлади. Ҳолбуки, унчалик юқори бўлмаган пул қийматига тенг ҳужжат бўлган ваучерни бепул ва адрессиз олиш одамларни бозор ислохотларининг фаол иштирокчиларига айлантира олмайди.

4.0. Хусусийлаштиришнинг тўловли хусусияти

Мутлақо аниқки, давлат мулкни бепул тарқатиш чоғида хусусийлаштирилган корхоналар ўз муаммоларини ҳал этиш учун маблағга эга бўлмайдилар. Бундан ташқари мулкни бепул тақсимлаш адолатли амалга оширилиши мумкин эмас. Ўзларини нимадандир камситилган, деб ҳисобловчи кишилар қатлами албатта бўлади. Мулкни бепул бўлиб бериш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашни давлат даражасида амалга ошириш имконини бермайди, чунки бунинг учун маблағнинг ўзи йўқ. Яна шуни ҳам таъкидлаш

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

керакки, “сув-текин” олинган мулк ҳеч қачон янги соҳибга хўжайинлик туйғусини бағишлай олмайди, чунки ўзи бепул эга бўлиб қолган мол-мулкни қайтариб олиб қўймасликларига унинг ишончи асло собит бўлмайди.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мулкчилик шакллари унги ўзгартириш тўлови хусусиятга эга бўлади.

Аслини олганда мулкни сотиб олиш учун на меҳнат жамоаси аъзоларига, на республика фуқароларига, на хорижий жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларга чекловлар қўйилади. Бироқ, фақат пул тўлаган тақдирдагина корхоналар ёки акцияларнинг эгаси бўла олиш мумкин.

Масаланинг бу тариқа қўйилиши бир йўла бир неча муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

- хусусийлаштирилаётган корхона эҳтиёжлари учун реал молиявий манбалар пайдо бўлади;
- тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун маблағлар жамланади;
- бозор инфраструктурасини барпо этиш учун ресурслар юзага келади;
- аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастури рўйга чиқарилади;
- мулкни тақсимлаш, бепул тарқатиш хусусияти билан боғлиқ муаммо бартараф этилади.

Хусусийлаштириш жараёнида рўйхатта олиш тушумлари ва бошқа тўловлар кўринишида давлат мулкни сотишдан тушган маблағлар Давлат мулк қўмитаси томонидан қайта ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятининг акцияларини сотишдан тушган даромадлар, шунингдек давлатта тегишли акциялар бўйича дивидендлар ҳамда давлат мулкнинг ижараси учун тўловлар қўшилиб, мах-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

сус ҳисоб рақамларида тўпланади. Ҳукумат Ўзбекистон Республикаси молия тизими ҳолати мулк объектлари бозоридаги конъюктурани ҳисобга олган ҳолда хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш меъёрларини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Хусусийлаштирилган иншоот учун ҳисоб-китоб қилиш шакли ва муддатлари Давлат мулк қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари (иншоотларни сотувчилар) томонидан белгиланади ва ўзгартириш режасида ўз ифодасини топади.

Хусусийлаштиришдан маблағ шуни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгиланади.

5.0. Хусусийлаштириш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш

Иқтисодий ётти кўп укладли тизимга қайта йўналтиришнинг юксак суръатлар билан амалга оширилиши аҳоли барча табақаларининг ижтимоий манфаатларига чуқур дахл кўрсатади ва ижобий жиҳатлар билан бир қаторда қорхоналарни қайта ташкил этиш жараёнида ёки у синганидан кейин, қорхоналар хўжаликни юриштишнинг янги шароитларига мослашиш даврида ишлаб чиқариш, бинобарин, жамоа аъзолари иш ҳақининг бақарор бўлмаслиги, қорхона ҳиссадорлик жамияти гуруҳига ўтишидан кейин янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши билан боғлиқ бир қатор мураккаб муаммоларни юзага келтиради.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодий ётини бозор муносабатларига ўтказишнинг Ўзбекистон Президенти то-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

монидан эълон қилинган энг муҳим қоидаларидан бири аҳолини ижтимоий муҳофазалашдир.*

Ҳозирги босқичда “аҳолини ижтимоий муҳофазалаш” тушунчаси янада аниқроқ маъно, янги жиҳатлар ва устунликлар касб этди.

Ижтимоий муҳофазалаш масаласи икки жиҳатдан: ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш нуқтаи назаридан қараб чиқиляётир.

Ижтимоий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига, шу жумладан, иқтисодиётнинг подават секторида иш билан банд бўлган фуқароларга ҳам берилади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бюджетнинг (давлат, маҳаллий, корхона даромадлари) аҳоли, иқтисодий ва ижтимоий вазият билан бевосита боғлиқ бўлган муайян шароитларда белгиланади.

Хусусийлаштириш жараёнида давлатнинг аҳолига тўғридан-тўғри мақсадли кафолатлари тизими Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ижтимоий муҳофазалашнинг энг асосий қоидаларидан биридир. Бу кафолатлар истеъмол халтасининг энг кам миқдорини кузатиб бориш ва шу муносабат билан энг кам иш ҳақини, даромад солиғи ва бошқаларнинг тартибга солинишини ўз ичига олади.

Иккинчи томондан, давлат аҳолини асосий кўпчилик учун мутлақо нотаниш турмуш кечириш шароитларига мулкдор сифатида жалб этиш мобайнида унинг манфаатларини муҳофаза қилиш юзасидан кафолатларни ўз зим-

* Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган жамияки маблағлар солиқдан озод қилинади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

масига олади. Яъни, давлат мулкдор: хиссалдорлар, хусусийлаштирилган уй-жойларнинг, умр бўйи фойдаланиш учун сотиб олинган автотранспорт воситалари, ер майдонлари, хусусийлаштирилган фермалар ва бошқа воситаларнинг эгалари ҳуқуқлари муҳофазаланишига давбят этилгандир. Мол-мулкка эгалик қилиш амалда фуқаронинг жамиятдаги мақомини ўзгартиради, чунки унда ёлланма меҳнат вақитидан ўз куч-гайрати ёки ёлланма меҳнат асосида иш олиб боровчи тadbиркорга айланиш имконияти бор. Мулкка эгалик қилиш тўғридан-тўғри даромад: акциялардан дивидендлар, пайлардан фойданинг бир қисми, таъсис маблағидан ҳисса,

хусусийлаштирилган уй-жойни, транспорт воситаларини ижарага беришдан даромад келтиради.

Хусусийлаштириш натижасида Ўзбекистон Республикасида мулкдор мақомига эга бўлдилар. Мулкдорларда:

- ер участкаларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, хусусий қорхона қуришда фойдаланиш, шунингдек, фермер (деҳқон) хўжаликлари ерларидан мевазорлар, тоқзорлар барпо этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш;
- хусусийлаштирилган автомашиналардан йўловчилар ва юкларни ташиш;
- банкдан қарз олиш ёки мулкни гаровга қўйиб, ломбарддан нақд пул олиш ва бошқа йўллар билан

қўшимча даромад жамғариш имконияти кенгайди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

УЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ УЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Меҳнат жамоаларининг аъзолари	2 миллион киши.
Уй-жой ижарачилари	1074 минг киши.
Ёрдамчи хужалик эгалари	3 миллион оила.
Хусусий ва кичик корхоналарнинг эгалари	50 минг киши.
Амлок мулкдорлари	5 минг киши.

Давлат мулкдор ижтимоий муҳофазасининг энг муҳим кафолатларидан бири бўлиб, қонунчилик тизими орқали унга, тадбиркорга ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳаракатларига муайян эркинлик беришнинг ишончли ва таъсирчан механизмини тақдим этади. Масаланинг бу томонига қанчалик кўп эътибор берилиши хусусида Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорларга қараб ҳам хулоса чиқариш мумкин. Уларда хусусий тадбиркорлик ва қимматбаҳо қоғозлар бозори, корхоналарни акционерлаш жараёни ва мулкдор доирасининг кенгайтирилиши энг кўп даражада рағбатлантирилади. “Хусусий тадбиркорликни руҳлантириш ва рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида” 1995 йил 14 февралда қабул қилган 55-сонли қарори, “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси девони, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари таркибида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик, хусусий бизнес ва тижоратчиликни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш бўлимларини тузиш тўғрисида” 1995 йил 4 апрелда қабул қилинган 117-сонли қарори, “Меросга қолдирилдиган ер участкаларини сотиш тартиби тўғрисида” 1995 йил 7 сентябрда қабул қилинган қарор, “Республикада қимматбаҳо

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

коғозлар бозорининг иш олиб бориш ва уни янада ривожлантириш тadbирлари тўғрисида” 1995 йил 7 сентябрда қабул қилган 351-сонли қарор шулар жумласидандир.

Санаб ўтилган мана шу ҳужжатлар рўйхатида 1995 йил 28 августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришнинг давлат дастури тўғрисида”ги 344-сонли қарор марказий ўрин эгаллайди.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари орасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси алоҳида аҳамиятга эга. У меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида демократик асосларни кенгайтиришни кўзда тутди. Хусусан, унда ходимлар ва иш берувчиларнинг қонунлар билан кафолатланган меҳнат ҳуқуқлари кўламини анча кенгайтирадиган меъёрлар таъкидлаб кўрсатилган, меҳнат муносабатларида шартномавийлик қондаси ривожлантирилади, меҳнат муносабатларини тартибга солишда жаҳон амалиёти меъёрлари ҳисобга олинади.

Фуқаролик кодекси ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас. У фуқаролар билан республикадаги ҳуқуқ субъектлари ва ҳокимият ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни белгилаб беради.

Меҳнат вазирлигида “Аҳолини ижтимоий муҳофаза-лаш, ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимларини янада ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан аҳолининг 1992 йил бошигача бўлган даражадаги пул омонатларини 1 сўмга 4000 нисбатида индексациялаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хусусийлаштириш жараёнида, аввало, иш жойини, муайян ижтимоий кафолатларни иш ҳақини мунтазам тўлаб бориш ва унинг ошиши, уй-жой бепул ажратилиши-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

га, соғломлаштириш ва даволаш муассасаларига имтиёзти йўлланмалар берилишига бўлган ҳуқуқларнинг йўқотилиши, шунингдек, бепул хизматлар доирасининг, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқалар чекланиши билан ифодаланувчи хатар ва зиён омилларини ҳисобга олмоқ керак.

Фақат ишловчилар учунгина эмас, балки аҳолининг муҳофазаланган қатламлари - нафақачилар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар учун ҳам ижтимоий кафолатлар масаласи келиб чиқади.

Асосан давлат ва қисман жамоат ташкилотлари шу мақсадлар учун махсус фондлар ташкил этиш йўли билан бу муаммоларни ҳал этишни ўз зиммаларига олдилар. Чунончи, иш билан бандликка кўмаклашиш фонди, Нафақа фонди, Ижтимоий сугурта фонди, Бизнес-фонд шулар жумласидандир. Тиббий сугурта фондини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Масалан, иш билан бандликка кўмаклашиш фондининг маблағлари ҳисобига 1995 йили 5 мингдан зиёд иш ўринлари ҳосил қилинди, нафақа ёшининг қисқариши муносабати билан 98,6 минг муддатидан илгари тайинланган нафақа тўланди, кредит ресурслари сифатида 33 миллион сўмдан ортик маблаг ажратилди.

Ижтимоий кафолатларда хатарнинг энг юқори даражаси хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда мулк эгаси билан ёлланма ходим ўртасида зиддият келиб чиқади.

Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 8 февралда иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлган фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги муваққат низомни тасдиқлади. Шу ҳужжатта биноан юқорида кўрсатилган тоифадаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ишга ёлланиш ва озод қилиш,

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

меҳнатта ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта, Нафақа таъминоти, касаллик варақаларига ҳақ тўлаш, ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқа ижтимоий кафолатлар бўйича давлат секторидан банд бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларига тенглаштирилди. Яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар, фермерлар ва ёрдамчи хўжаликда шуғулланувчи шахслар учун шу ҳужжат билан уларнинг меҳнат фаолиятини ижтимоий истеъмол фондларидан тўловларни амалга ошириш учун умумий меҳнат стажига қўшиш кафолатланди.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг 20 фоизидан фойдаланиш ҳокимиятларга жойларда таркиб топган ахволдан келиб чиқиб, шу маблағларни асосан минтақа аҳолисини ижтимоий муҳофазалаш ва тадбиркорликни, бозор инфраструктурасини ривожлантиришга йўналтириш имконини беради. Маблағнинг 50 фоизидан яқка тартибдаги уй-жой қурилиши эҳтиёжларида, 5 фоиздан - аҳолининг кам таъминланган қатламларини дори-дармон билан имтиёзли таъминлашда, қолганларидан - тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бозор инфраструктурасини ва қўшма корхоналар барпо этиш ҳамда ривожлантириш, деҳқон (фермер) хўжалиқларига имтиёзли кредит ёки фоизсиз қарз беришда фойдаланиш таклиф қилинди.

Мулкчилик шакллариининг ўзгариши жараёнида, аввало, ишчи кучининг бўшаб қолиши билан боғлиқ ҳолда ижтимоий кафолатлар масаласи муқаррар келиб чиқади.

6.0. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланиш

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланиш тизими Ўзбекистонда хусусийлаштириш ўзгаришларини фарқловчи энг ёрқин хусусият ҳисобланади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕК РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА ЎЗИГА ХОС ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзига хослик шундан иборатки, давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган жамики маблағлар хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб қувватлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон ҳукумати бюджетдан ташқари махсус фонд барпо этиш тўғрисида мислсиз, жаҳон амалиётида ўхшашли бўлмаган қарор қабул қилди. Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида тушган барча пул маблағлари шу фондда жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йилнинг июлида “Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, объектларни ким ошди савдосида, танлов ва биржа олди-сотдисида сотишдан маблағлар тушиши, тақсимланиши, ҳисобга олиниши ва улардан фойдаланишни назорат қилишнинг ягона тартиби”ни тасдиқлади. Бу ҳужжатни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банки ишлаб чиқдилар.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига ҳосил бўладиган маблағларни, қайта ташкил этилган давлат корхоналарининг акцияларини, ким ошди савдоси, танлов ва биржа олди-сотдисида объектларни сотишдан тушган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар, эркин маблағлардан фойдаланишдан олинадиган маблағларни қайта тақсимлашнинг қайтадан кўриб чиқилган тартибига мувофиқ бу маблағлардан кейинчалик шу тариха фойдаланилади:

- тушумларнинг 50 фоизи кичик корхоналар ва хусусий бизнесга имтиёзли ставкалар билан кредит берувчи Республика бизнес фондига ўтказилади;

- 20 фоиз - минтақаларнинг бозор инфраструктурасини ривожлантириш учун ҳокимликларга ўтказилади;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

- 20 фоизи - халқ хўжалиги турли тармоқларининг хусусийлаштирилган корхоналарини кредитлашга йўналтирилади;

- 10 фоизи - Давмулкқўм томонидан кадрларни ўқитиш, бозор таркибларини (биржалар, депозитарийлар, ярмаркалар, дарсликлар, рекламалар, акциялар чиқариш ва бошқалар) ташкил этиш ва жиҳозлашга сарфланади.

Иккинчи ўзига хос омил шундан иборатки, акцияларнинг давлат ҳиссаси бўйича барча дивидендлар хусусийлаштирилган корхоналарнинг тўла тасарруфида қолади ва қайта тиклаш ҳамда техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга йўналтирилади.

Шундай қилиб, фақат 1995 йилнинг ўзида марказлаштирилган бюджетдан ташқари фонддан 24 миллиард сўмдан фойдаланилди ва акцияларнинг давлат ҳиссаси ҳисобига берилган дивидендлар бўйича хусусийлаштирилган корхоналар тасарруфида қолдирилган 2,9 миллиард сўм реновацияга йўналтирилди.

Бундан ташқари, Давмулкқўм ҳисоб рақамидаги вақтинча эркин маблағлардан Молия вазирлиги билан келишиб, депозитларга жойлаштириш ва банклар томонидан тадбиркорларга қарз беришда фойдаланишга руҳсат этилди. Кўрсатилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш тасдикланадиган тартибга мувофиқ белгиланади ва Давмулкқўм томонидан назорат қилинади.

Шундай қилиб, ҳам янгидан ташкил топган тадбиркорлик таркибларини, ҳам давлат корхоналари ва ташкилотларини қайта тузишдан кейинги ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни, мулкчилик шаклларида қатъий назар, жиддий қўллаб-қувватлаш қафолатланган.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш чоғида ташкил топувчи таркибларни ривожлантириш ва қайта йўналтириш тадбиркорлик муҳитида ишлаш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакаларини ошириш тизимини шакллантириш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Шу муносабат билан ўқитишнинг янги шакллари - бизнес-инкубаторлар, бизнес-мактаблар, шунингдек, курслар, доимий ҳаракатдаги семинарларга катта эътибор берилди.

Давмулкқўм ЮНИДО билан ҳамкорликда ишлаб чиққан FZ/93/012 “Бизнес-инкубаторлар ташкил этиш ва нодавлат иқтисодиётни ривожлантириш бўйича мутахассис дастури”га мувофиқ Тошкентда ТошДУ ва ТИИ-ИМСХ ва Самарқандда меъморчилик-қурилиш институти ҳузурида 3 та бизнес-инкубатор ташкил этилди.

Республика фонд биржаси бозор иқтисодиёти бўйича юқори малакали мутахассис кадрларни тарбиялашга муайян хисса қўшмоқда. Унинг ҳузурида Қимматбаҳо қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш миллий маркази иш олиб бормоқда. Ташкил этилганидан буён 600 дан кўпроқ киши битириб чиқди.

Муҳокама учун саволлар

Бешинчи бўлимни ўқиб, жавоб бериш

- 1 Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш босқичлари муфассал ёритиб берилган реферат тайёрланг.
- 2 “Ўзбекистон ваучерлаштиришдан нима учун воз кечди” мавзуйида кичик иншо

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

ёзинг. (Унда бу масалага ўз муносабатингизни акс эттириб, ўз нуктаи назарингизни асосланг).

- 3 “Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштиришнинг адресли йўналиши нимада ифодаланади?” масаласи бўйича “Давра суҳбати” шаклида мунозара ўтказинг. (конкрет мисоллар келтиринг).
- 4 Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг тўловли хусусиятининг устунликлари нимада? (МДХ бошқа мамлакатларидаги хусусийлаштириш жараёнлари билан қиёсий таҳлил ўтказинг).
- 5 “Ўзбекистон Ҳукумати хусусийлаштириш жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза-лаш тўғрисида қандай гамхўрлик кўрсатмоқда?” масаласи бўйича биринчи шахс (юз бераётган жараёнларни ўзида ҳис этган киши) номидан қисқа маърузалар туркумини тайёрланг.
- 6 Аҳолининг кам таъминланган қатламларига қандай қафолатлар берилади?
- 7 Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришнинг давлат дастурининг асосий қоидаларини айтиб беринг.
- 8 Матбуот материаллари асосида “Ўзбекистон ҳукумати тadbиркорлар фаолиятига қўмаклашувчи шарт-шароитларни яратиш

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

учун қандай қадамлар қўйилмоқда?" масаласи бўйича аниқ мисоллар келтиринг.

Тушунилиши қийин сўзлар изоҳи

Бизнес-инкубатор - кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ва унга қўмаклашиш учун (техника, ахборот ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш) ташкил этиладиган ташкилот.

Ваучер - қарз олиш ҳуқуқи, пул олиш, товарларни ва хизматлар ҳақини тўлашни тасдиқловчи ёзма гувоҳнома, қафолатнома, қафолат ва тавсиянома ва шу қабилир.

Кодекс - тартибга солинган қонунчилик ҳужжати. Унда ҳуқуқнинг бирор-бир соҳасига доир меъёрлар йиғилади. Масалан, фуқаролик кодекси - фуқаро ҳуқуқи субъектлари (фуқаро ва юридик шахслар), умумий қоидалар, битишувлар, вақиллик ва даъво эскилиги; мулкчилик ҳуқуқи, вазифа юқловчи ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи, кашфиётга бўлган ҳуқуқ, яратилган бўлган ҳуқуқ, мерос ҳуқуқи ва бошқалар. Меҳнат кодекси - қонулар мажмуи.

Индексациялаш - аҳоли турли гуруҳлари омонатларини нарх даражаси ўзгаришига боғлиқ ҳолда мунтазам ўзгартириб бориш.

Клиринг - товарлар, қимматбаҳо қоғозлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими. У ўзаро талабномалар ва мажбуриятлар ҳисобига асосланади. Банклараро клиринг - банклар ўртасида мазкур мамлакат ҳуқуқий шахсларининг ўзаро пул талабномаларини ҳисоб қилиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб. Халқаро валюта клиринги - мамлакатлар ўртасида халқаро тўлов битимлари асосида ташқи савдода ва иқтисодий муносабатларнинг бошқа шаклида амалга оширилувчи ҳисоб-китоб.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Ломбард - айланма мулк гаровига пул бериб турувчи кредит муассасаси.

Мулкдор - товар, қимматбаҳо қоғозлар, амлок объектлари ва бошқаларга эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан мулкчилик ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва ҳуқуқий шахс.

Давлат ижтимоий суғурта идораларининг фондлари - давлат суғурта идоралари тасарруфида бўлган мақсадли пул маблағларининг йиғиндиси: нафақа фонди, бандлик фонди, ижтимоий суғурта фонди.

“Шок” терапияси - танг вазиятларни бартараф этишга қарата ҳукумат томонидан йўналтирилган тубли иқтисодий чоралар тизими.

ЮНИДО - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноат Тараққиёти бўйича идораси - 1966 йили ривожланаётган мамлакатларни индустриалаштиришга, шунингдек, БМТнинг саноат тараққиёти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкил этилган. ЮНИДОнинг асосий вазифалари - алоҳида мамлакатларга уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишлари дастурини тайёрлашда тавсиялар бериш ва, аниқ ёрдам кўрсатиш; техника кадрлари тайёрлаш; хилма-хил йўналишлар бўйича тажриба ва ахборотлар алмашинувини йўлга қўйувчи ташкилот. Манзилгоҳи - Вена (Австрия).

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

6-бўлим.

Иқтисодий тизим мувофиқлаштиришнинг фойдаланаётган механизми, ишлаб чиқариш ва моддий неъматлар ва хизматларни тақсимлашнинг муқобил вариантларини танлашга боғлиқ.

Жамиятда одамларнинг моддий неъматлар ва хизматларга эҳтиёжи билан ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги чуқур, бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар мавжуд бўлади. Бинобарин, иқтисодий ташкил этиш ва ижтимоий саъйи-ҳаракатларнинг шундай типини излаш керакки, токи у энг кам моддий ресурслар сарфланган ҳолда аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражасини оширишга имкон берсин.

“Тадбиркорлик” билан “тадбиркорлар” тушунчалари тасодифий эмас. Улар катта, фақат иқтисодий маънони эмас, балки ижтимоий маънони ҳам ўз ичига олади.

1.0. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қондалари

Агар бозор тушунчаси ўз сифат хусусиятларига кўра қўпгина мамлакатларда мос келса ва умумий хусусиятларга эга бўлса, одамлар фаолиятининг кўриниши сифа-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

тидаги тадбиркорлик хийла фарқланиши мумкин, бу хатти-ҳаракатларда - минтакавий хусусиятлар келтириб чиқарган ўзига хосликдан дарак беради. Шунинг учун, тадбиркорлик бозор муносабатлари (айрим иқтисодчилар айтадигандек) эмас, балки бозор шароитларида турли субъектлар ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, ривожланиш даражаси, модификациялашнинг ўзига хослиги, тарихий, ижтимоий ва бошқа белгилар бўйича хийла фарқ қилади.

Тадбиркорлик америкалик, Ғарбий Европалик ва япон учун турлича кўринади. Агар Америка “бозор иқтисодиёти” тадбиркорликнинг мумтоз ташаббусга асосланган моделига мойил бўлса, французларники - давлат “дирижизми”га, Ғарбий Германияники - ижтимоий бозор ҳўжалигига, Японияники - ишлаб чиқариш фаолиятининг кооператив турига мойил. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва инсон хатти-ҳаракати доираларида бозор муносабатларини шакллантириш ва уларни рўёбга чиқариш босқичлари тадбиркорликнинг у ёки бу турини келтириб чиқарди.

Инсон - тадбиркорнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат натижаларига, ўз ишининг, ўз бизнесининг асослов омилларини яратишга жамланган таъсирини сифат жиҳатидан шакллантиришнинг эволюцион жараёни ўз ўзидан юз бермайди. Бу иқтисодиётни тадбиркорлик фаолияти янги босқичга ўтишининг қонуний жараёни бўлиб, ходим, тадбиркор манфаатларини менежмент, маркетинг қоидалари билан кўшиб юборади.

Одамларнинг юриш-туришида трансформацияланиш юз беради, унда бозор тизимидаги фаолият кўриниши сифатидаги тадбиркорлик асосий ўринни эгаллай бошлайди. Табиийки, янги бозор жамиятининг субъектлари

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

бўлган тадбиркорлар ўз прогрессив хусусиятларига кўра фақат иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришдагина эмас, балки сиёсий ва ижтимоий идеологияни шакллантиришда ҳам иштирок этадилар.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб иқтисодий танглик даврида иқтисодий ўсишнинг янги модели шакллана бошлади. Уни инновацион ёки ахборот-индустриал модел сифатида таърифлаш мумкин. Кўпчилик фирмалар учун ўрганиш бўлган ишлаб чиқариш ва маркетинг инфраструктураси сифат жиҳатидан янги технологиялар, талаб ва тактиф конъюнктураси билан алмашдики, бу хўжаликни юритиш субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда ўзгаришларга олиб келди. Иқтисодий ўсиш самардорлигини оширишда янги босқич бошланди. У тадбиркорлик саъй-ҳаракатининг хийла ҳужумкор типини шарт қилиб қўйдики, бу руҳ товар ишлаб чиқарувчига бозор муваффақияти ва етакчиликни таъминлади. Тадбиркорлик фаолият тури сифатида ўзини ўзи тартибга солиб турувчи тизим хусусиятларини эгаллайди.

Бу жараён қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади.

1. Бозор иқтисодиёти амал қилган барча мамлакатларда ўз хусусий ишини йўлга қўйишга кўлам жиҳатидан мислсиз интилиш юзага келди. АҚШда кейинги йигирма йил ичида корхоналарнинг умумий миқдори деярли уч баробар, Японияда - тахминан икки марта кўпайди. Италияда эса, ҳар йили 300 мингта яқин янги корхона пайдо бўларди.

2. Тадбиркор жамиятнинг ижтимоий таркибида муҳим ўрин эгаллаб, “замонасининг янги қаҳрамони”га айланди.

3. Барча даражаларда турли хил маъмурий-қонунч-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

илик чекловларини бекор қилиш натижасида тадбиркорликнинг хўжалик эркинлиги даражаси кескин ошди.

4. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун сифат жиҳатидан бошқача шарт-шароитлар таркиб топди: венчур маблағи бозори тез ўсди, молия муассасаларини диверсификациялаш ва аҳолининг молия маблағларини жалб этиш имконлари кенгайди, фуқаролар ва ташкилотларнинг бизнесдаги ахборотларга етишиши яхшиланди (инкубаторлар, инновацион парklar, грюнлер марказлари ва шу қабилар).

Ўзбекистон хусусийлаштиришдан олинган барча маблағлар бюджетга эмас, балки хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашга, тадбиркорлик ва бозор таркибларини ривожлантиришга йўналтириладиган ягона давлатдир.


Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлаштиришнинг давлат дастурида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар бир маромда ишлашини таъминлаш чоралари кўзда тутилган.

Бунинг учун давлат:

- махсус инвестиция фондлари ва банклари тузади;
- хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлашда фойдаланади;
- давлатга тегишли акцияларга олинган дивидендларни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва асосий фондларни янгилашга йўналтиради;
- халқ хўжалигининг давлат тасарруфидан чиқарилиши энг кўп енгилликлар режими бўйича амалга ошириладиган устивор тармоқларини белгилайди;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

1996 йил учун хусусийлаштиришнинг бюджетдан ташқари жамғармасидан маблағ билан таъминланувчи мақсадли дастурлар



1. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармасига
2. Хусусийлаштирилган корхоналарга техника жиҳатидан қайта қуролантириш амалга ошириш учун.
3. Ҳокимиятларга ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари учун.
4. Хусусийлаштиришнинг давлат дастурини амалга ошириш, инвестиция ва бозор таркибларини барпо этиш учун.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- муқим ҳўжалик алоқалари бўлган миллатлараро компаниялар, бирлашмалар, таркиблар ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади;
- божхона тўловлари ва солиқларнинг айрим турларини пасайтириш ёки бекор қилиш, нарх белгилаш ва лицензиялаш ҳажмларини камайтириш ва шу каби қўринишлардаги турли имтиёزلарни белгилайди;
- тадбиркорларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий муҳофазаланишини кафолатлайди.

Ҳукуматлар тадбиркорлар учун шарт-шароитлар яратишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Улар тегишли сиёсат ўтказиб, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқадилар. Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларда зарур шарт-шароитлар яратилганидан кейингина хусусий сектор барқ уриб ривож топди.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти йўлига ўтаётган мамлакатлар олдида ҳам шундай вазифа турибди. Улар тадбиркорликни муқим ривожлантириш ва гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи шарт-шароитларни яратишлари керак.

Бу зарур шарт-шароитлар нималардан иборат? Бу саволга жавоб турли мамлакатлар учун, албатта, бир хил эмас. Бироқ бир неча асосий қоидалар борки, уларга амал қилмоқ керак:

- салмоқли ҳуқуқий ва маъмурий таркибларга асосланган бозор иқтисодига йўналган сиёсат;
- бошловчи тадбиркорларни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- маблагдан унчалик катта бўлмаган янги қорхоналар ҳам фойдалана олишини таъминловчи тад-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК. КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАШТИРИШ

биркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.

Ҳар учала шартлар фавқулодда муҳим.

Масалан, фақат ўқитиш ва техникавий ёрдам кўрсатишнинг ўзи ёки тор даражада йўналтирилган қарз бериш дастурларининг ўзини яратиш етарли эмас. Кўпгина мамлакатларда тадбиркорлар қонунлар ва чекловларнинг шунчалик мураккаб тизимига дуч келадиларки, янги фирмаларни ташкил этиш ёки ишлаб турганларини кенгайтиришнинг деярли имкони йўқ. Чунончи, Перула янги фирмани рўйхатдан ўтказиш учун 11 та рухсатнома талаб қилинади. Перу эркинлик ва демократия институтининг маълумотларига кўра, уларни олиш учун 289 кун керак бўлади.

Иккинчи томондан, юқорида қайд қилинганидек, давлат хусусий секторда иқтисодий ўсишнинг бош манбаини кўриб, уни рағбатлантирган мамлакатлар сезиларли муваффақиятларга эришди.

Польша намунаси ғовларни баргараф этиш хусусий тадбиркорликнинг гуллаб-яшнашига қандай кўмаклашаётганлигини кўрсатади. Бу мамлакатда тадбиркорликни рад этувчи марказлашган режалаштириш тизими 40 йил амал қилган бўлса ҳам уч йил ичида кийин иқтисодий вазиятга қарамасдан фойда олувчи бир миллиондан ортиқ янги фирмалар пайдо бўлди.

Лотин Америкаси муваффақиятли ривожланишнинг бундай намуналарига бой. Чилида бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат ўтказила бошлаганидан буён мамлакатда иқтисодий ўсиш кузатилмоқда.

Давлат сиёсати барча фирмалар иш олиб бораётган қулай иқтисодий вазиятни вужудга келтира бориб, хусусий секторнинг ўсишига кучли таъсир кўрсатмоқда.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бозор нархи ҳосил қилиниши ва фоиз ставкалари, пухта молиявий тизим ва балансланган давлат бюджети, эркин ташқи савдо ва эркин инвестрлаш (мамлакат ва хорижий маблағлар) унинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланадилар.

2.0. Тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан хусусий мулкчилик асосидаги тадбиркорликнинг юзага келиши иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги энг асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилди. Бу вазифани ҳал этиш учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. У конулар, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ўз ичига олувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

Халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, БМТ-ЮНИДО) томонидан қайд қилинишича, корхоналар ва тадбиркорлик фаолиятини хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватлашнинг Ўзбекистонда амал қилаётган тизими МДХ мамлакатлари орасида ўхшашига эга эмас.

Республика бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўз йўлини танлаб олди. У иқтисодий ислохотларни ўтказишининг беш асосий қондасига асосланади. Бу қондаларнинг бири “Давлат - бош ислохотчи” эканлигини изҳор этади. Ўзбекистон ҳукумати тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қудратли йўлини қабул қилди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг давлат дастуридан ташқари Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида алоҳида, тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. 1994 йили Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини камраб олувчи минтақавий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Солиқ солиш соҳасидаги қонунларни такомиллаштириш борасидаги ишлар чуқур ўйлаб олиб борилади. Мутахассисларнинг баҳолашича Ўзбекистондаги солиқ тизими собиқ СССРнинг барча республикаларидагидан, Европадаги кўпгина мамлакатлар ва АҚШдагидан кўра прогрессивроқдир. Солиқ имтиёзларининг қуйида келтирилатган рўйхати изоҳга муҳтож эмас.

Қишлоқ хўжалик, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари кўшимча қиймат учун солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

Халқ истеъмоли буюмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар икки йил мобайнида даромад солиғидан озод қилинганлар, кейинги икки йил ичида эса, камайтирилган ставкаларда солиқ тўлайдилар.

Бундан ташқари, хусусий корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот чиқаришни кўпайтириш, солиқ олинмаган маблағларни ижтимоий эҳтиёжларга йўналтириш мақсадида даромаддан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Иш бошлаган дастабки икки йил ичида хусусий корхоналар мулкка солинадиган солиқдан, 1995 йилдан бошлаб эса, барча корхоналар 20 фоизлик амортизация ажратмалари тўлашдан озод қилиндилар.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хусусий мулк шаклида хусусийлаштирилган корхоналар (маҳаллий саноат, маиший хизмат, давлат савдоси, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси, “Ўзмева-сабзавотузумсаноат”) ордер олган вақтларидан бошлаб дастлабки икки йил ичида мулк солиғи, ресурс тўловлари, 20 фоизли амортизация ажратмаларини тўлашдан озод қилинганлар.

Қўрғонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида жойлашган кичик корхоналар, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, хунармандчилик мол-мулкига, қўшимча қиймат, ер, транспорт солиғи, амортизация ажратмалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга солиқлар ставкаси 50 фоиз камайтирилган.

Халқ истеъмоли буюмлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янгидан ташкил этилаётган хусусий корхоналар кўпгина солиқлардан озод этилган, бошқа чет эл давлатлари билан қиёсланса, уларнинг солиқ юки анча енгил. Чунончи, Германия, Франция, АҚШ ва бозор иқтисодиёти ривожланган бошқа мамлакатларда, Туркия ва ҳатто ўша Россияда ҳам хусусий корхоналар учун солиқ юкининг ҳиссаси тушумнинг 40 фоизидан 60 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади.

3.0. Чет эл инвесторларини жалб қилиш

Иқтисодий ислохотлар муваффақиятли боришини таъминловчи жиддий омиллардан бири ҳам кредит кўринишидаги, ҳам маблағни тўғридан тўғри жойлаштириш йўли билан хорижий инвестицияларни жалб этишдан иборат.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ҳукумат таяниб ўз инвестиция сиёсатини йўлга қўювчи қуйилаги қондаларни таърифлаш мумкин:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятга янада кўпроқ энгиликлар бериш борасида бир мақсадга қаратилган сиёсатни ўтказиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига тўғридан тўғри маблағ жойлаштиришга кенг жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини барпо этишга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини изчил амалга ошириш;

тўртинчидан, республика мустақиллигини таъминловчи, шунингдек, рақобатчил маҳсулот чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устивор йўналишларга маблағларни жамлаш.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонунчилик-ҳуқуқий асослари яратилган. Инфраструктура бўғинлари Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида қимматбаҳо қоғозлар тўғрисида, банклар ва банк тизими тўғрисидаги ва бир қатор бошқа қонунлар асосида иш юритадилар.

Муассасавий қурилиш соҳасида чет эл инвесторлари, ташкилотлари ва муассасаларини жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида бир қатор қадамлар қўйилди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

“Ўзбекинвест” - Миллий суғурта компанияси ташкил этилди. У сиёсий ва бошқа хатарлардан суғурталаш юзасидан хизматлар кўрсатишга даъват этилгандир.

Давқўмтахминстат ҳузурида ЕБРР билан ҳамкорликда ташкил этилган лойиҳалар тайёрлаш гуруҳи иш олиб бормокда, кейинчалик у ЕБРР маблағлари билан молиявий таъминлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги инвестицион лойиҳаларнинг техника-иқтисодий асосларини тайёрлашга кўмаклашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ/ЮНИДО техникавий ёрдам лойиҳаси билан ҳамкорлик доирасида Инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ташкил этилган. Бу хизмат мамлакат ва чет эллик инвесторларга (аввало кичик ва ўрта бизнес соҳасида) шериклар излашда, инвестицион таклифлар тайёрлашда, бошқа маслаҳат хизматлари кўрсатишда кўмаклашишга даъват этилгандир.

Хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб қилишга кўмаклашишга даъват этилган Амлок ва чет эл инвестициялари бўйича агентлик ташкил этилган.

Малайзиянинг энг йирик банки иштирокида халқаро лизинг компанияси иш бошлади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташаббуси билан халқаро стандартлар даражасида техника-иқтисодий асослар (ТИА) тайёрлаш ва ишлаб чиқиш институти ташкил этилди. Шу жумладан, лойиҳа институтлари ва ташкилотлари мавжуд шахобчаларини иш турини ўзгартириш ва улар замирида ТИАлар тайёрлаш юзасидан ихтисослашган бўлинмалар ташкил этиш йўли билан жалб қилинмокда.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Чет эл инвесторлари учун имтиёз ва рағбатлар тизими шаклланди. Уларнинг таркибий қисми:

халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, низомий жамғармасида чет эл маблағларининг хиссаси 50 фоиздан ортадиган қўшма корхоналарни корхона рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 5 йилгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валюта тушумларини мажбурий сотишдан озод қилиш;

ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт товарлари (ишлари, хизматлари) 30 фоиздан кам бўлмаган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъи назар, амалдаги даромад солиғи ставкаларидан 2 мартаба кам солиқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

республика давлат дастурига киритилган лойиҳаларни 5 йилга солиқларни тўлашдан озод қилиш;

халқаро, минтақавий ва миллий молиявий муассасалар ҳамда ташкилотлар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадларида республикага бериладиган кредит ресурсларидан чет эллик инвесторларнинг фойдаланишларига имкон бериш;

чет эл инвестициялари бўлган корхоналар даромадларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва технологик модернизациялашга реинвестрланган қисмини солиқдан озод қилиш;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳеч бир даҳлсиз (лицензияларсиз) олиб чиқиб кетиш;

ишлаб чиқариш омилларини олиб кириш-олиб чиқишни асосли равишда соддалаштириш (Ўзбекистон ҳудудида қўшма ва хорижий корхоналар низомий жамғармасига ҳиссалар учун мулкни пошлинасиз олиб келиш);

республикага товарлар олиб келишга божхона тўлов-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, ХИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАШТИРИШ

лари йўқлиги; жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, шу жумладан хорижий шахсларнинг амлок кенг қўламда сотилиши ҳам қўшилиб, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига эркин киришини таъминлаш:

савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини хусусийлаштириш чоғида сриги хўжалик иншоотлари ва бинолари билан қўшиб хусусийлаштириш имкониятидан иборат.

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунга биноан хорижий шериклар учун миллийлаштириш ва тортиб олишдан кафолатлар белгиланган. Шунингдек, уларга қонуний фаолиятлари натижасида олинган фойда ва бошқа маблағларни чет элга ўтказиш, фойдани Республика ҳудудида қайта жойлаштириш, республика банкларида ҳар қандай валютада чекланмаган ҳисоб рақамига эга бўлиш имконияти кафолатланади.

Ҳорижий инвесторлар учун шундай кафолатни ҳам таъкидлаш лозимки, агар кейинги қонунлар инвесторлар шарт-шароитларини ёмонлаштириб қўйса, у ҳолда чет эл инвестициялари учун инвестиция амалга оширилган вақтда амалда бўлган қонунлар 10 йилгача қўлланилади.

Давлат идоралари хорижий инвесторлар ҳуқуқларини камситувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилган тақдирда, бу идоралар етказилган зарарни судлов тартибида қоплашлари керак.

Ҳорижий шерикларга молиявий кафолатларни кучайтириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси валюта қадриятларининг бир қисмини чет эл банкларида депонентлаш, республика ҳудудида хорижий маблағ иштирокидаги суғурта компанияларини очиш кўзда тутилган.

Шундай қилиб, мавжуд ҳуқуқий асослар хорижий шерикларга мамлакатимиз билан ҳамкорлик, уларнинг

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

манфаатлари ва маблағларини муҳофазалаш учун гоёта кулай имкониятлар яратали.

Республика раҳбарияти кўрсатган чоралар Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга, хорижий инвестициялар ўсишига самарали таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 1600 дан кўпроқ қўшма корхона рўйхатга олинган. Улар орасида жаҳонда машҳур “ДЭУ корпорейшн” (Корея Республикаси), “РЭНК ксерокс” (Буюк Британия), “Бурсель” (Туркия), “Бултер” (Швейцария), “Ньюмонт” (АҚШ), “Мерседес-Бенц (ГФР), Кока-кола” ва “Пепси-кола” (АҚШ) каби бир қатор фирмалари иштирокидаги қўшма корхоналар бор.

Республика Германия, Япония, АҚШ, Туркия, Хитой, Индонезия, Хиндистон ва бошқа бир қатор давлатларнинг қарзларидан фойдаланмоқда.

Туркия, Миср, Индонезия, Майлайзия, Покистон, Финландия, Корея Республикаси, АҚШ, Франция билан инвестицияларни ўзаро муҳофазалаш тўғрисида битимлар имзоланди. Бир қатор бошқа мамлакатлар билан ҳам шундай битимларни имзолашга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон ГАТТнинг ҳиссадорлаштирилган аъзосидир. Республиканинг инвестиция баҳсларини ҳал этиш тўғрисидаги 1965 йилги Вашингтон конвенциясига ва чет эл инвестицияларини суғурталаш бўйича халқаро агентлик тўғрисидаги 1985 йилги Сеул конвенциясига қўшилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки жаҳоннинг йирик банкларида корреспондент ҳисоб рақамларига эга.

Эътибор этиш керакки, бой табиий ресурслари ва потенциал имкониятларига қарамадан Ўзбекистон жаҳон бозорида ҳали етарли маълум эмас ва бизнинг ташқи

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, ИҚТИСДИ ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

иқтисодий имкониятларимиз тўла ишга солинаётгани йўқ.

Республика раҳбарияти Ўзбекистон тўғрисидаги тўлақонли ахборотни ҳар бир потенциал шерик, жаҳон ишбилармон доираларига етказиш борасида катта иш олиб бормокда.

Шу мақсадда хорижий инвесторлар учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган гоаят устивор тармоқлар таъкидлаб кўрсатилган республика инвестицион дастури ишлаб чиқилган.

“Ўзбекистон Республикасининг инвестицион лойиҳалари” тўплами чоп этилди. Унда тадбиркорлик маҳоратини самарали намойиш этиш мумкин бўлган йўналишларгина ифодаланган.

Маҳаллий хом ашё ва ресурсларни қайта ишлашга асосланган, шунингдек, четдан олиб келинадиган товарларнинг ўрнини босиб, республика экспорт имкониятини ривожлантиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларга хорижий маблағларни жойлаштириш устивор соҳалар ҳисобланади. Улар фаолиятнинг қуйидаги соҳаларидир:

қишлоқ хўжалик маҳсулотини чуқурлаштириб қайта ишлаш; минерал-хом ашё ресурслари, шу жумладан, нефть ва газ қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича экологик соф ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

саноат ва маиший чикитлар ва чиқиндиларни қайта ишлаш;


ёқилғи-энергетика метални қайта ишлаш ва мажмуаларининг ишлаб турган қувватларида табиатни муҳофазалаш тадбирларини амалга ошириш;

радиоэлектрон саноати ва асбобсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАЗБИРКОРЛИК. КИЧИК ВА ХУСУСИИ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасида нодавлат
секторнинг ривожланиши динамикаси



◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

замонавий ахборот ва телекоммуникация тизимлари, шу жумладан, космик алоқа тизимини ташкил этиш; ресурсларни ва энергияни тежовчи ускуналар ишлаб чиқариш; ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш;

курилиш материаллари ишлаб чиқариш;

дори-дармонлар, тиббий техника ва ускуналар ишлаб чиқариш;

саёхат индустриясини ривожлантириш.

4.0. Имтиёзли солиқ тизими

Тадбиркорликни рағбатлантиришнинг энг кучли иқтисодий омилларидан бири имтиёзли солиқ солишдир. Ўзбекистонда турли табақа тадбиркорларини тафовутли рағбатлантириш имконини берувчи тизим барпо этилган.

Даромад солиғидан озод этиладиган корхоналар, ташкилотлар ва даромад турлари қонун билан белгилаб қўйилган.

Уларга:

а) ходимларининг умумий сонига:

- ногиронлар камида 50 фоизни ташкил этадиган;

- ўрта мактаблар ва хунар-техника билим юртларининг ўқувчилари камида 75 фоизни ташкил этадиган корхоналар;

б) протез-ортопедик буюмлар ишлаб чиқариш, ногиронларга протезлаш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослашадиган корхоналар;

в) корхоналар тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклашдан олинган даромадлар бўйича;

г) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

д) ногиронларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган жамоат ташкилотлари, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари;

е) Қизил Ярим Ой жамияти, Уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти, Афғонистон фахрийлари уюшмаси, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, “Орол”, “Наврўз”, “Эко-сан”, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аклий заиф болаларга ёрдам жамғармалари, Ўзбекистон Маданият ассоциацияси, Байналминатчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар ассоциацияси, бошқа ҳайрия жамғармалари ва уларнинг бўлимлари, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатта олинган ёшлар жамғармалари ўзларининг ҳайрия фаолиятларига йўнаттирилган маблағлари бўйича;

ж) ёшлар, касаба уюшмалари томонидан олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ўрта ва хунар-техника битим юртлари хузурида ташкил этилган корхоналарнинг улар талабалар ва ўқувчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга сарфлаган даромадлари;

з) деҳқон бозорларининг қурилиш ва моддий-техника базасини кенгайтириш, идоравий меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, ободонлаштириш ва бозорлардан фойдаланиш ҳаражатларини қоплаш учун фойдаланилган даромадлари;

и) шаҳар йўловчи транспорти (таксидан ташқари) даромадлари;

к) матбуот тарқатиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатишдан тушган даромадлар;

л) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини созилаш ва батартиб тутиб туришга қаратилган ишлардан олинган даромадлар;

м) уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари хузурида тузилиб, уларда ишловчи нафақа ёшидаги шахслар (на-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РЎВОЖЛАШТИРИШ

факачилар) камида 50 фоизни ташкил этадиган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар;

н) меҳнат-тарбия муассасаларининг корхоналари;

о) Қизил Ярим Ой жамияти. “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси корхоналари ва ташкилотлари маблағлардан жамият ва жамғарманинг хайрия вазифаларини бажариш учун тўла фойдаланиш шарти билан асосий фаолият бўйича;

п) ижодий уюшмалар ва уларнинг корхоналари томонидан асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олиниб, шу ижодий уюшмаларнинг низомий фаолиятини бажаришга йўналтирилган даромадлари;

р) илмий-техника ишлов, таъмирлаш, муқовалаш ва архив ҳужжатларидан фойдаланиш, иш юритишни такомиллаштириш бўйича пулли хизматларни бажаришдан тушган даромадлар;

е) режали даромадларнинг ўз даромадлари билан таъминланмаган қисмини қоплаш учун бюджетдан дотация олувчи корхоналар;

т) Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг почта алоқаси корхоналаридан тушган даромадлар;

у) диний ташкилотларнинг молиявий ва мулкий хайрияларига солиқ солинмайди.

Янгидан ташкил этилган корхоналарга катта имтиёзлар берилган.

Янгидан ташкил этилган корхоналар (биржалар, тайёрлов, улгуржи, таъминот-харид, воситачилик ва савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) ташкил этилгандан (рўйхатга олингандан) кейинги биринчи йили белгиланган даражанинг 25 фоизи микдорда, иккинчи йили 50 фоизи микдорда солиқ тўлайдилар.

Солиқдан вақтинча озод қилиш жиддий омил ҳисобланади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАШТИРИШ

Солиқдан:

1) ҳуқуқий шахс томонидан олинган даромад йиғиндиси шу жумладан валюта тушумлари;

а) патент (лицензия) эгаси хусусий ишлаб чиқаришда саноат мулки объектларида фойдаланишдан, шунингдек, улардан фойдаланиш бошланган санадан амал қилиш муддати даражасида лицензияларни сотишдан тушумлар; патент бўйича ихтиролар - 5 йил мобайнида; олдинда олинган патент бўйича ихтиролар - 3 йил мобайнида;

патент бўйича саноат намунаси олдиндан олинган - 3 йил мобайнида.

гувоҳнома бўйича фойдали моделлар - 2 йил мобайнида;

б) лицензиат (лицензия шартномаси предметидан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахс) саноат мулки объектларидан улардан фойдаланиш бошланган санадан эътиборан:

патент бўйича ихтиролар - 5 йил мобайнида;

олдиндан олинган патент бўйича ихтиролар - 3 йил мобайнида;

патент бўйича саноат намунаси - 3 йил мобайнида;

олдиндан олинган патент бўйича саноат намунаси - 2 йил мобайнида;

гувоҳнома бўйича фойдали моделлар - 2 йил мобайнида;

товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси - 1 йил мобайнида (лицензиар маҳсулотини ишлаб чиқариш чоғида); (Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 94 йил 29 сентябрдаги №2022-ХII тахрири остида).

2) кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш (узум ва мевадан тайёрланган винолар, қучли

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ичимликлардан ташқари), халқ истеъмоли товарлари ва қурилиш материаллари, тиббиёт усқуналари кишлок хўжалиги енгил ва озик-овқат саноати, иккиламчи хом ашё ва маиший чикитларни тайёрлаш, қайта ишлаш учун машина ва усқуналар - рўйхатта олинган вақтдан бошлаб 2 йил мобайнида.

Солиқ тўлашдан озод этилган қўшма қорхона 3 йиллик муддат ўтмасидан тугатилган тақдирда у фаолият кўрсатган жами вақт учун тўла хажмда солиқ ундирилади.

3) деҳқон (фермер) хўжаликлари ва кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштириб, қайта ишлашга, халқ истеъмоли буюмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқишга ихтисослашган хусусий қорхоналар ташкил этилганидан (рўйхатта олинганидан) кейинги дастлабки 2 йил мобайнида;

4) Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга маблағ жойлаштиришни амалга оширган қўшма қорхоналар дастлабки беш йилги иш вақтида.

Тадбиркорларни рағбатлантирувчи қуйидаги омиллар солиқ солинадиган асоснинг қамайиши ҳисобланади.

Солиқ солинадиган асос:

- қорхона балансида бўлган соғлиқни сақлаш объеклари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия муассасалари, болалар оромгоҳлари, маданият ва спорт, халқ таълими муассасалари иншоотлари, уй-жой фондини сақлаб туриш, шунингдек, санаб ўтилган муассасаларни сақлаб туришда қорхона ўз ҳиссаси билан ишгирок этган тақдирдаги сарф-ҳаражатлар бўйича маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланган меъёрларга биноан амалга ошириладиган харажатлар;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- ишлаб чиқаришни инвестициялаш, конверсиялаш, шунингдек, инвестицияга олинган кредитларни қоплаш учун харажатларнинг 50 фоизи микдорда қисқартирилади.

Кўрсатилган имтиёз инвестицияларни амалга ошириш учун ўзларида мавжуд амортизация ажратмаларидан тўла фойдаланган корхоналарга берилади;

- алоқа корхоналари тасарруфида қолдирилган даромадлар билан қопланмайдиган микдордаги капитал харажатларни маблағ билан таъминлаш учун корхоналарга берилган қарзни қоплаш мақсадида фойдаланилган даромад;

- табиатни муҳофазалаш тадбирларини амалга ошириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, янги технологиялар ва маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича харажатларнинг 30 фоизи;

- корхонанинг халқ истеъмоли буюмлари ва доридармонлар ишлаб чиқариш ҳажмларини олдиндан ҳисобот давридагига қараганда ошириш ҳисобига олинган даромади;

- экологик, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар бу жамғармалар ҳуқуқий шахс сифатида рўйхатга олинган бўлса), корхоналар, маданият, халқ истеъмоли, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари ва ташкилотларга солиқ солинадиган даромаднинг 1 фоизидан ошмайдиган микдордаги бадаллар;

- диний ва жамоат ташкилотлари ҳамда бирлашмалари (касб уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармалари белгиланган тартибда рўйхатга олинган бўлсалар, улар олган даромадлардан шу ташкилотлар, жамиятлар, бирлашмалар, уюшмалар

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРҚОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ва жамғармаларнинг низомий фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган ажратмалар;

- Ўзбекистон Республикаси Граждан мудофасининг ихтисосланган фалокат-қутқарув бўлинмалари моддий-техника базасини тайёрлаш, жиҳозлаш, фалокатлар, табиий офатлар чоғида қутқарини ишларини олиб бориш билан боғлиқ харажатларнинг 30 фоизи;

- касб ўқувлари, малака ошириш, ходимлар стажировкаси, ўсмирлар билан мактабдан ташқари иш олиб боришга йўналтирилган харажатлар;

- вақтли матбуот нашрлари, нархлар, болалар, ўқув, кам нусхали (2000 нусхагача) илмий ва техника адабиёти, камсонли халқлар тилида чикарилган адабиётлар ва етишмовчилиги бўлган шахслар учун нашрлардан олинган даромадларнинг 20 фоизи;

- ижтимоий соҳа иншоотлари қураётган қурилиш ташкилотлари даромадининг 15 фоизи;

- умум фойдаланишидаги йўлларни сақлаб туриш, созлаш ва қуришга ажратмалар;

- Қизил Ярим Ой жамиятига бадаллар ва бошқа хайриялар;

- мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар томонидан ногиронлар учун қурилишларни маблағ билан таъминлаш, ускуналар олиш, ижтимоий-маданий ва спорт иншоотларини сақлаб туришга ажратилган маблағлар;

- белгиланган меъёрдан ташқари (камида 34 киши ишлайдиган корхоналарда) ишга жойлаштирилган ҳар бир 2,5 фоиз ногиронлар учун даромад солигининг 1 фоизига тўғри келадиган қисми;

- хорижий маблағ иштирокидаги қўшма корхоналар даромадининг ишлаб чикаришни кенгайтириш, техноло-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАШТИРИШ

гик модернизациялаш ва ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришни реинвестирлашга сарфланган қисми;

- айланма маблағларни қўпайтиришга йўналтирилган даромаддан (Ўзбекистон Республикасининг 94 йил 6 майдаги Қонуни билан жорий этилган);

- корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз маблағларини жамлаш усулида уй-жой қурилишига, шунингдек, ўз ходимларига яқка тартибда уй-жой қуриш ёки уй-жой сотиб олиш учун махсус уй-жой қарз сакловчи ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш йўли билан ёрдам кўрсатишга йўналтирилган даромадларидан (Ўзбекистон Республикасининг 94 йил 23 сентябрдаги N2022-XII Қонуни билан жорий этилган) ҳисобланади.

Мазкур моддага биноан берилган солиқ имтиёзлари ҳисобга олиниб ҳисоблаб чиқилган даромад солиғининг умумий миқдори имтиёзлар ҳисобга олинмасдан ҳисоблаб чиқилган солиқ ҳисоб-китоб миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак (Ўзбекистон Республикасининг 94 йил 6 майдаги Қонуни билан жорий этилган).

Хусусий тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари

Ҳозирги вақтда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга кўра хусусий тадбиркорларга бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган:

Қишлоқ хўжалик, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган.

Халқ истеъмоли буюмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича хусусий корхоналар икки йил мобайнида корхона даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинган, кейинги икки йил мобайнида эса камайти-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

рилган ставка бўйича солиқ тўлайдилар. Бундан ташқари хусусий корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, махсулотни кўпайтиришга йўналтирилган даромадларга солиқ бўйича имтиёзлардан фойдаланишлари, ижтимоий эҳтиёжларга солиқ солинмайдиган маблағларни йўналтиришлари мумкин.

Хусусий корхоналар дастлабки икки йилги иш даврида корхона мулкига солиқ тўлашдан озод қилинганлар, 1995 йилдан бошлаб барча корхоналар 20 фоизли амортизация ажратмаларини тўлашдан озод қилинганлар.

Хусусий мулк шаклида хусусийлаштирилган корхоналар (махаллий саноат, маиший хизмат, умумий овқатланиш, матлубот жамияти, давлат савдоси, “Ўзмеvasабзавотузумсаноат”) мулк учун ордер олинган вақтдан бошлаб дастлабки икки йил ичида мулк солиғи, 20 фоизли амортизация ажратмаларини тўлашдан озод қилинганлар.

Даромад, кўшимча қиймат, ер, транспорт даромадлари, кўрғонлар, қишлоқлар, овуллар жойлашган қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришга, қайта ишлаш, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, хунармандчилик корхоналари мулкига солинадиган солиқлар 50 фоизга камайтирилган.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик махсулотини қайта ишлаш бўйича янгидан барпо этилаётган корхоналар кўпчилик солиқлардан озод қилинган, бошқа хорижий давлатларга нисбатан солиқ салмоғи анча кам. Масалан, Германия, Франция, АҚШ ва бозор иқтисодиёти ривожланган бошқа мамлакатларда, Туркия ва ҳатто ўша Россияда солиқ юки тушумнинг 40 дан 60 фоизгача қисмини ташкил этади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИНДИ ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Масалан, Тошкентдаги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарувчи Баходир, Саид, Сарбон хусусий корхоналарида бир сўм тушумга жамики солиқлар ва тўловлар тегишли равишда 9 тийин, 22 тийин, 19 тийинни ташкил этади, агар бу миқдордан бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар чегириб ташланса, тегишлича 2 тийин, 11 тийин, 6 тийинни ташкил этади (1995 йилги маълумотлар).

Шундай қилиб, Ўзбекистонда амал қилаётган солиқ солиш тизими прогрессив моҳиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва хусусий бизнесни рағбатлантиради.

5.0. Қонунчилик асоси

Бугунги кунда Ўзбекистонда салмоқли қонунчилик асоси амал қилмоқда. Шунга кўра бизнес учун қулай муҳит яратилди, сиёсий барқарорлик, иқтисодий башорат ва тахминлаш ишончли қўллаб-қувватланмоқда. Мисол тариқасида қўйидагиларни келтириш мумкин: фақат 1994 йилнинг ўзида 100 дан зиёд меъёрий ҳужжат - қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Уларнинг ҳаммаси тадбиркорликни ривожлантириш ва муҳофазалашга қарагиландир.

Амалга оширилган таҳтил ва Иқтисодий ислохотлар бўйича идораларо кенгаш тавсиялари асосида Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий тадбиркорликни ташаббуслантириш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бу Қонун жойлардаги ҳокимият идоралари, тармоқларнинг раҳбарларига:

- тадбиркорлар ва давлат корхоналарининг моддий-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАШТИРИШ

- техника, ахборот ва кадрлар ресурсларига етишишдаги тўла тенглигини оғинмай таъминлаш;
- тадбиркорларнинг жорий-хўжалик ва хўжалик-тижорат фаолиятига қонунларда кўзда тутилганидан ташқари ҳолларда аралашшига йўл қўймаслик;
 - бошқарув идоралари ва тадбиркорларнинг ўзаро масъулияти қонидасидан, томонлардан бирининг айби билан қўрилган зарар ва бой берилган имкониятни қоплашдан келиб чиқиш;
 - маҳсулот ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун фойдаланилаётган ишлаб чиқариш биноларини хусусий корхоналарга белгиланган тартибда ижарага бериб қўйиш;
 - тугалланмаган қурилишларнинг ишлаб чиқариш объектлари ва фойдаланилмаётган ускуналарни очиқ савдо ва танловлар орқали сотиш;
 - деҳқонлар (фермерлар) ва хусусий тадбиркорлардан қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини сотиб олиш бўйича доимий улгуржи ихтисослашган бозорлар очиш;
 - бўш бинолардан тадбиркорларнинг тайёр маҳсулотларини сақлаш учун омборлар ташкил этиш ва фойдаланишга қўмаклашиш;
 - тадбиркорлар - товар ишлаб чиқарувчиларни маҳаллий хом ашё ва материаллар билан таъминлаш учун улгуржи-воситачилик таркиблари ташкил этиш;
 - хом ашё ва материалларига буюртмалар тўплаш, уларни сотиб олиш, навларга ажратиш, сақлаш, зарур даражага етказишни ва уларни тадбиркорларнинг буюртмалари бўйича сотишни амалга

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

оширувчи тижорат марказлари ва савдо уйлари барпо этишни юклайди.

Хусусий корхоналарни рўйхатга олиш муддати (3 кун) белгиланди, товар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун имтиёзлар кўзда тутилган, ишчиларни ёллаш бўйича чекловлар бекор қилинди, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашуви жамғармага анчагина маблағлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ва Адлия вазирлигига тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш юзасидан қабул қилинган қонунлар ва фармонларнинг оғишмай бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, бу борадаги ҳар қандай қонунсизликларнинг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўриш топширилди.

Қонунларда хорижий инвесторлар учун кўпгина имтиёзлар кўзда тутилган. Уларга барча зарур кафолатлар, шу жумладан, сиёсий хатардан суғурталаш кафолати ҳам таъминланган. Бу кафолатлар Республикамиз иқтисодиётига ҳеч қўрқмасдан маблағ сарфлаш имконини беради. “Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистонда иш олиб боришни истовчи барча ишбилармонлар учун ғоят қулай шарт-шароитларни вужудга келтирди.

6.0. Молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси (Бизнес-фонд) энг муҳим молиявий восита ҳисобланади. Жамғарма бюд-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

жетдан ажратилган, давлат ва муниципал мол-мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан ўз фаолиятидан келган даромадлардан хусусий ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, кимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва жойлаштиришдан тушган даромадлардан иборат пул маблағларини жамлаш йўли билан кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни маблағ билан таъминлайди. Унинг бўлинмалари барча вилоятларда жойлашган бўлиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кредит буюртмаларини кўриб чиқиш учун қабул қилмоқдалар. Жамғарма ҳуқуқий шахс ҳисобланиб, тўла хўжалик ҳисоби асосида иш олиб боради, ўз мустақил балансига, шу жумладан, чет эл валютасидаги балансига эга бўлади.

Жамғарма халқаро молиявий ташкилотлар, агентликлари ва ваколатхоналар, корпорациялар, ассоциациялар, идоралар, шунингдек, МДХ мамлакатлари ва ундан ташқаридаги жамғармага ўхшаш ташкилотлар билан бозор инфраструктурасини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва, умуман, миллий иқтисодиётни соғломлаштириш учун ўз маблағларини ажратиш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалаларида ҳамкорлик қилади.

Бизнес-фонд эътироф этилган ва ишончли хорижий шерикларни тез топиш, улар билан истикболли иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва ғоят кенг қўламли фаолият турлари бўйича қўшма тадбиркорлик тузилмаларини вужудга келтиришга қўмаклашади.

Бизнес-фонднинг асосий мақсадлари:

- устивор йўналишларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш йўли билан бозор муносабатла-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

рини босқичма-босқич ривожлантириб бориш мобайнида давлат сийсатини ўтказишга кўмаклашиш;

- кичик ва ўрта бизнеснинг бозор инфраструктурасини вужудга келтиришга кўмаклашувчи инфраструктура элементлари (банк, ахборот, сугурта, лизинг ва бошқалар) шакллантириш;
- кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш учун ўз маблағларини ажратиш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш масалаларида халқаро молиявий ва жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалари, корпорациялари, агентликлари, ваколатхоналари, идоралари, хусусий, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашдан иборат.

Бизнес-фонднинг асосий вазифалари:

- кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмаларига республика товар бозорларини тўлдириш, четдан келтириладиган товарлар ўрнини босиш ва четта чиқариладиган товарлар турини кенгаштириш, янги иш ўринларини барпо этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;
- кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмалари инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатга бардошли тайёр маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- Ўзбекистон Республикасида маълумотлар банкни вужудга келтириш ва бизнесни ташкил этиб, ривожлантириш борасида ахборот-ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- кичик ва ўрта бизнеснинг камёб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва хизматларни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалари ҳамда дастурлари учун молиявий маблағлар ажратишдан иборат.

7.0. Тадбиркорларнинг давлат суғуртаси

Бизнес фонд билан бевосита ҳамкорликда “Мадад” суғурта агентлиги иш олиб боради. У ҳар бир вилоятда ўз бўлимларига эга бўлади. Давлат унинг ҳаммуассиси бўлиб, кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ каттагина хатарнинг молиявий таъминотини ўз зиммасига олди.

“Мадад” суғурта агентлиги:

- кичик ва ўрта бизнеснинг дастурлари ва лойиҳаларини эксперт баҳолаш ва танлаб олишни ҳамда уларни рўёбга чиқариш учун молиявий маблағлар ажратилиши мақсадларини кўзлаб халқаро молиявий ташкилотлар билан ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлик тузилмалари Бизнес-фонддан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиши устидан назорат механизмини ишлаб чиқишни амалга оширади;
- буюртманинг фонд дастурий йўриғига мувофиқ, даражасини;
- лойиҳанинг долзарблиги, ноёблиги, реаллиги, рақобатга бардошлилиги, лойиҳанинг минтака манфаатларига мувофиқ, лойиҳа бюджети ва графиги (хаётий цикли) мукамаллиги лойиҳанинг молиявий асосланганлигини белгилайди;

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталайди.

Агентлик лойиҳанинг кутилган потенциал натижаси ва унда аҳоли, шунингдек, лойиҳа тайёрлаш ва рўёбга чиқаришда кўмаклашишга қодир ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг иштироки даражасига алоҳида эътибор беради. Буюртмаларни кўриб чиқиш ва мутахассис текширувидан ўтказиш тартиби ва молиявий ёрдам кўрсатиш рақобатчил хусусиятига эга.

Агар лойиҳа хайрия ва тадбиркорлик хусусиятига эга бўлса ва иқтисодий ислохотларга ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бевосита дахлдор бўлса, “Мадад”, шунингдек, тижорат тузилмаларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, суғурталаш соҳасида давлатнинг яқка ҳокимлиги тугатилди ва Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорида бугун 24 та суғурта компанияси иш олиб бормоқда.

Молиявий қўллаб-қувватлаш тизими кичик ва ўрта бизнес қорхоналарининг миқдори ошишини рағбатлантиради. 1995 йилнинг ўзида 64 мингтадан кўпроқ шундай қорхоналар барпо этилди.

8.0. Тадбиркорликни ривожлантиришни фаоллангириш

Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури” (1995 йил 28 августдаги 334-сонли қарори) қабул қилиниши билан Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда янги босқич бошланди.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Дастурнинг асосий мақсади аҳолининг кенг қатламларини бозор фаолиятига жалб қилиш, боқимандалик, истеъмолчилик руҳиятини бартараф этиш, “тадбиркорлик вируси”, хусусий бизнес билан фаол шугулланиш истиғини сингдиришдан иборат ҳисобланади.

Шу муносабат билан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун кредит муассасаларини ривожлантириш, ихтисослашган тижорат банклари, шоҳобчаларини, шу жумладан, хорижий капитал иштирокида кенгайтиришга алоҳида эътибор бермок зарур.

Савдо уйлари, инвестиция компаниялари, инвестицион воситачилар, фонд магазинлари, клиринг ва агентлик шоҳобчаларининг фаолияти кенгайди. Кичик ва хусусий корхоналарнинг ахборот таъминоти, бозор нарҳини ўрганиб, бозор имкониятларига ахборот хизмати кўрсатишни таклиф қилувчи хусусий фирмалар ишига, тармоклараро маълумотлар банкни яратишга ёрдам кўрсатилади.

Қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илм ва меҳнатни қўп талаб қилувчи хусусиятдаги хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни, интенсив деҳқончиликка ўтишни, қишлоқнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш, қишлоқ жой экологияси талаблари, шунингдек, аҳолининг зарур ҳаракатчанлигини таъминлаш субъектларини вужудга келтириш тадбиркорлик муҳитини шакллантиришнинг устивор йўналиши ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмоли буюмлари, ишлаб чиқариш-техника йўсинидаги маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, шунингдек, қурилиш, созлаш, созлаш-қуриш, май-

◆ ХУСУСИЙЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК. КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ший ва коммунал хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. иқтисодий таъсир чоралари асосида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш жараёнлари давлат томонидан тартибга солиб борилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқаришни оқилона марказлаштириш, ихтисослаш ва жойлаштиришни белгилаш, инвестициялар тузилмасининг ўзгариши, ишлаб чиқаришни унинг эҳтиёжига мослаб қайта йўналтириш билан таъминланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий механизм такомиллаштирилмоқда. Барча шаклдаги мулкчиликка мансуб корхоналар тенглиги таъминланади. Давлат эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан устивор деб белгиланган маҳсулот турлари бўйича харид қилиш ва етказиб бериш шартномаларини шакллантириш, жойлаштириш ва тузиш чоғида мазкур маҳсулот турини давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган умумий ҳажмидан 15 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказиладиган танловлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида жойлаштирилади.

Давлат бошқарув идоралари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини замонавий ускуналар ва технологиялар билан таъминлашга, технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес-инкубаторлар, ишлаб чиқариш-технология марказлари ва инфраструктуранинг бошқа объектлари тармоғини вужудга келтиришга кўма-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

клашиш бўйича тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни амалга оширадилар.

Давлат идоралари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтисослашган ускуналар ва бўлак маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва етказиб бериш чораларини амалга оширадилар, ихтисослашган улгуржи бозорлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маҳсулотини сотиш бўйича ярмаркаларни ташкил қилиш, шунингдек, давлат мулки бўлган бинолар, иншоотлар, ускуналар, ишлаб чиқариш ва хизмат биноларини бериб қўйиш йўли билан уларнинг фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашадилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш-технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имтиёзли шартларда амалга оширилиши мумкин. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш-технология жиҳатидан қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар амалдаги қонунларда белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Кичик ва хусусий корхоналарга иктисодиётнинг устивор соҳалари ва аввало кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш, озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли буюмлари, дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш, коммунал ва маиший хизматлар кўрсатиш, уй-жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий нуфуздаги объектлар қурилишида, инновация фаолияти ва илмий ечимларни қўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришларни вужудга келтиришда имтиёзлар ҳамда енгилликлар берилди.

Кишлоқ хўжалик ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш учун замонавий технологик ускуналар туркумини

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

етказиб бериш ташкил этилмоқда; кооперациялашган сервис хизмати тизими шаклланмоқда. Кичик заводлар ва кичик технологиялар тайёрлаш бўйича ишлаб чиқаришлар барпо этилмоқда.

Стандартлар ва маҳсулот сифатини тартибга солиш, илмий-техника ва ишлаб чиқариш негизини мустаҳкамлаш йўли билан кичик ва хусусий корхоналар ишлаб чиқараётган товарларнинг рақобатга бардошлилигини ошириш бўйича тадбирлар тизими ишлаб чиқилмоқда.

Кичик ва хусусий корхоналарни техника жиҳатидан жадал қайта жиҳозлаш рағбатлантирилади. Технолофик бизнес-инкубаторларнинг моделлари, қайта ишлаш қувватларининг ва маҳсулот янги турларини чиқаришнинг намунавий лойиҳалари яратилмоқда, уларни кенг ёйиш ва одамларни янги технологиялар шароитида ишлашга қарата ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Кейинчалик кичик ва хусусий корхоналарга сотиш учун мулақо янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига лицензиялар сотиб олиш амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштириш амалга оширилганидан кейинги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳўжалик юригувчи субъектлари барқарорлигини таъминлаш учун корхоналарнинг қайта тузилиши ва қайта тикланишини инвестицион қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилади. Бу тартиб бозор талаблари ҳисобга олинган ҳолда уларни техникавий, технолофик ва ташкилий-иқтисодий қайта ташкил этиш режаларини ишлаб чиқилишни ўз ичига олади.

Кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ускуналар, жажжи технологиялар, шу жумладан, хорижий ускуналарнинг доимий кўрғазмалари ташкил этилади.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК КИЧИК ХУСУСИЙ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Давлат идоралари ёрдами, функционал, илмий-ишлаб чиқариш, фан ва илмий ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи кичик ва хусусий фирмалар, компаниялар, марказларни ўз ичига олган янги илмий-техника инфраструктурасини барпо этишга кўмаклашадилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш имтиёзли шартлар билан амалга оширилади. Кредит муассасалари, қимматбаҳо қоғозлар бозорининг аҳволи ва акциялар қадри тўғрисидаги ахборотлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ва потенциал шериклар тўғрисидаги ахборотлар чоп этилади.

Маркетинг, бошқарув маслаҳати бериш, аудит, реклама, контроллинг, ташқи иқтисодий операциялар соҳаларида ихтисослашган кичик ва хусусий корхоналар тизими раванк топади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга дахлдор илмий, ахборот ва ўқув адабиётлари, рўйхатлари, “Хусусийлаштириш” рисоласи, ускуналар комплекти рўйхатлари, бизнес-каталоглар ҳар чорақда чоп этилади.

Давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришни таъминлайди. Аҳолининг бандлик дастури доирасида амалга оширилётган кадрларни қайта тайёрлаш тизими ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эҳтиёжларига қарата қайта йўналтирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар амалдаги қонунлар билан белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар. Касбларга йўналтириш тизими ташкил

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

этилади, бизнес-инкубаторлар барпо этилади, барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қишлоқ ёшларини кабул қилиш бўйича квоталари жорий этилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларида, шунингдек, бу субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, халқаро кўرғазмалар ва ярмаркалар дастурлари ҳамда лойиҳаларини рўёбга чиқаришда иштирокини кенгайтириш борасидаги тадбирлар амалга оширилаяпти.

Чет эл маблағлари инвестиция лойиҳалари, чет элда рекламалар ташкил этиш негизида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этилмоқда. Очик тендер асосида ва махсус инвестиция савдолари, шунингдек, бошқа муассасалар ва механизмлар воситасида чет эл инвестицияларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига жалб этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам тўғридан-тўғри, ҳам бевосита (имтиёзли солиқ) маблағ билан таъминлаш, жамоат жамғармалари, тижорат банклари томонидан кредитлар инвестирлаш, чет эл ва тадбиркорлик капиталини, шунингдек, хусусий хайрия ва қонунларда тақиқланмайдиган бошқа манбаларни инвестицион жараёнга жалб қилиш йўли билан республика ва маҳаллий бюджетлари маблағларини жалб этиш ҳисобига амалга оширилади.

Солиқ солиш тартиби, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқлар тўлашдан озод қилиш, уларни кечиктириш ва бир қисмини насия қилиш солиқ қонунларига биноан белгиланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг солиқ кредити тизими, шунингдек, давлат тасарруфидан чиқа-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

рилган ва хусусийлаштирилган мулкдан ва табиий ресурслардан самарали фойдаланилишини тартибга солувчи соликлар жорий этилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан хиссадорлик иштироки шартларида ва қарз бериш шаклида олинган маблағлар устун даражада инфраструктурани ривожлантириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг устивор йўналишларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли фоиз ставкалари бўйича қарз бериш, қарз берувчи ташкилотларга тегишли фарқнинг товонини тўлаш Бизнес-фонд маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартлар билан қарз беришни амалга оширувчи кредит ташкилотлари имтиёزلардан қонунлар билан белгиланган тартибда фойдаланадилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банклар олдидаги қарзни тўламасдан қолиш таваккалчилигини суғурталашнинг мажбурий тизими жорий этилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитларни ўз вақтида тўла қопламаганлик ва кредитлардан фойдаланганлик учун фоизларни суғурта шартномасида белгиланган муддаг мобайнида тўламаганлик учун банк олдидаги масъулияти суғурталаш объекти ҳисобланади.

Тадбиркорлик маблағларини инвестиция жараёнларига жалб этиш мақсадларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзаро кредитлаш жамиятини тузиб, кўрсатилган жамиятлар иштирокчиларининг муваққат эркин пул маблағларини молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан жамлашни ташкил қиладилар, манба-

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ларни кўрсатмасдан, хусусий ажратмаларга асосланган агроинвестиция фирмалари барпо этадилар.

“Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури”нинг асосий қоидалари шундай. Бу дастурни изчил рўйбга чиқариш Республикамизда бозор муносабатларини шакллантиришга фаол хизмат қилади. Бу дастур барча тармоқ бошқарув идоралари, вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар, тадбиркорлик таркиблари ва бозор инфраструктураси объектларига ҳаракат учун қўлланма бўлиб қолди.

Муҳокама учун саволлар

Олгинчи бўлимни ўқиб, жавоб бериш

- 1 “Нима учун тадбиркорлик барча мамлакатларда ўзига хос хусусият касб этади?” деган савол қўйиб, кичик баён ёки ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб чиқинг.
- 2 “Иқтисодий ўсиш жараёни қандай хусусиятлар билан тавсифланади?” мавзуида реферат тузинг (Ўз фикрларингизни конкрет мисоллар билан мустаҳкамланг).
- 3 Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусийлаштиришдан кейинги даврда бир маромда ишлашни таъминлаш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқда? Ўз жавобингизни бўлим материали ва матбуот билан телевидение материаллари асосига қуришг.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- 4 Тадбиркорлик раvнақ топиши учун зарур шарт-шароитларни санаб кўрсатинг. (Мазкур масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб чиқин., мазкур бўлимда шу мавзу бўйича келтирилган материалга кўшилшингиз ёки кўшилмаслигингизни ифодаланг. Ўз жавобингизни тушунтириб беришг.
- 5 Ўзбекистон Республикаси ҳукумати хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва хусусийлаштиришнинг қандай асосий қоидаларини белгилади? (Матбуот ва телевидение материалларига асосланиб, конкрет мисоллар келтиринг).
- 6 Тадбиркорликни ривожлантириш ва кўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурларининг ҳаммасини санаб кўрсатинг.
- 7 “Ўзбекистон Республикасида қандай солиқ имтиёзлари кўзда тутилган?” деган масала бўйича матбуот конференцияси тайёрланг.
- 8 “Президент Ислон Каримов томонидан “Хусусий тадбиркорликни таппаббуслантириш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармон нима учун чиқарилган?” мавзуида кичик бир баён ёзинг.
- 9 Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштиришдан олинган маблағлар қандай мақсадларга йўналтирилади?” деган масалада матбуот конференцияси ўтказинг.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- 10 “Ўзбекистон Республикасида Бизнес-фонд нима учун ташкил этилган эди?” мавзуда “Бизнесмен-”Бизнес фонднинг раҳбари” (савол-жавоб) шаклида мунозара ўтказинг.
- 11 “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг давлат сугуртаси қандай амалга оширилади?” деган масала бўйича маъруза тайёрланг. (Ўз маърузангизни конкрет мисол билан асосланг).
- 12 “Тадбиркорликни ривожлантириш” фаоллаштирилган пайдан бошлаб уни равнак топтириш йўлида қандай ўзгаришлар юз берди?” деган масала бўйича матбуот конференцияси ўтказинг.

Тушунилиши кийин сўзлар изохи

Жаҳон банки - 1944 йили иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, маориф, соғлиқни сақлашни инвестициялаш ва ижтимоий инфраструктуранинг барпо этиш учун ташкил этилган халқаро ташкилот.

Даромадлар декларацияси, солиқ декларацияси - солиқ тўлашга жалб этилган жисмоний ва ҳуқуқий шахснинг даромад миқдори, мол-мулк қиймати ва шу қабилар хусусидаги баённомаси.

Импорт ўрнини тўлдириш - ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатга чет эллардан олиб келинадиган маҳсулотлар ва товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматларни амалга оширишга қарата йўналиш олиши.

Инновация (инновацион жараён) - буюмлар, технология-

◆ **ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ** ◆

лар, ташкилий шаклларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва сифат жиҳатидан такомиллаштиришга қаратилган жараён. Фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашнинг янги шакллари билан тавсифланади.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) - халқаро валюта-молия ташкилоти бўлиб, валюта курсларини тартибга солиш меъёрларини белгилаш ва уларга ривож этилиши устидан назоратни амалга ошириш, тўловларнинг кўптомонли тизими ва валюта чекловларини бартараф этиш, шунингдек тўлов балансларининг тайинсизлиги билан боғлиқ валюта қийинчиликлари юз берганида ўз аъзоларига валюта ресурслари ажратиш йўли билан халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашади.

Хусусийлаштиришдан кейинги кўллаб-қувватлаш - хусусийлаштирилган корхоналарга ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳукумат тадбирлари мажмуи.

Савдо уйи - конгломерат туридаги кўпрофилли савдо компанияси бўлиб, кучли ташқи савдо компанияси билан бирга ишлаб чиқариш, банк, суғурта, транспорт, чакана, улгуржи савдо ва бошқа фирмаларни ҳам ўз ичига олади. Савдо уйи тушунчаси турли мамлакатлар бўйича ниҳоятда табақалашган. Бундай ташкилотларнинг кўпчилиги учун хос бўлган умумий белгилар: ўз номдан ва асосан ўз ҳисобидан товарлар алмашишнинг экспорт-импорт ва бошқа операцияларни амалга ошириш, хусусий товар айланишларининг қудратли жараёни мавжудлиги ва бошқалар.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

- И.А.Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995.
- В.А.Чжси.* Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг ўзига хослиги. Тошкент, 1994.
- В.А.Чжси.* Ўзбекистонда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими, Тошкент, 1995.
- В.А.Чжси, И.Бутякова.* Все об акциях, Тошкент, 1996.
- В.А.Чжси, Э.Мирзахмедов.* Ўзбекистоннинг бозор инфраструктура-си. Тошкент, 1996.
- Ш.Р.Ғафуров, А.Г.Безбородов, Т.Х.Хусанов, Р.А.Жолбоев.* Процесс акционирования и инвестиционная деятельность.
- В.Безобразов.* Биржевые операции, М., 1956.
- Бжеский.* Биржа и биржевые посредники в Западной Европе. Счетоводство, 1888.
- Е.Борисов, В.Волков.* Основы экономической теории: журнальный вариант учебного курса для средней школы. Экономические науки, 1991 № 1-12. № 1-2.
- С.В.Брагинский, Я.А.Певзнер.* Политическая экономия: дискуссионные проблемы, пути обновления. М., Мысль. 1991.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ЎЎШИМЧА ЭКИШ ЭЧУН ТАВСОЯ ЭТИПАДИГАН АСАРЛАР РЎЙХАТИ

- А.Васильев.* Биржевая спекуляция. СПб. 1912.
- А.Волков.* Обзор организации бирж, биржевой торговли товарами и торгово-промышленных палат в Западной Европе. СПб, 1903.
- А.Волков.* Биржевое право. Т.1.СПб., 1905.
- К.Гаттенбергер.* Законодательство и биржевая спекуляция. Харьков, 1872.
- Ш.Р.Гафуров, Б.Бернинов, О.Пичугина.* Рынок ценных бумаг. Тошкент, 1995.
- Ф.Глэзер.* Биржа СПб.
- А.Дмитрев.* Биржа, биржевые операции и биржевые посредники. СПб 1863.
- Э.Ж.Далай, Д.Линдсей.* Рынок: микроэкономическая модель/под общ.ред. Б.Лисовика и В.Лукашевича. СПб, 1992.
- Р.Кэмпбелл, Макконнелл, Стенли Л.Брю.* Экономикс. Т I, II. Таллин, 1993.
- Э.Маленко,* Лекция по микроэкономическому анализу. М., 1985.
- А.Маршалл.* Принципы политической экономии. М., Прогресс, 1983-1984.
- В.Моньетти.* Современная биржа. М., 1896.
- А.Невзоров.* Русские биржи. Вып. 1-IV. Юрьев, 1989. 1901.
- А.Нислович.* О биржах, биржевых установлениях и мерах ограничения биржевой игры. СПб, 1879.
- Основы предпринимательского дела. Ред. Ю.М.Осипов, М., 1992.
- Основы предпринимательской деятельности, Ред. В.Н.Власова, М., 1995.
- И.Розен.* Постановка хлебной торговли в Соединенных Штатах. Екатеринослав. 1909.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

ҚУШИМЧА УҚИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИПАДИГАН АСАРЛАР РҮЙХАТИ

- В.Розенберг.* Товарные ликвидационные кассы. СПб, 1905.
- П.Самуэлсон.* Экономика. Вводный курс. М., Прогресс, 1964.
- Сборник типовых документов по контрактации. Тошкент, 1996.
- М.Студентский.* Биржа, спекуляция и игра. СПб, 1892.
- Справочник по хлебной торговле. СПб, 1911.
- В.Студейкин.* Биржа и биржевые операции. СПб, 1892.
- Голстая тетрадь (курс лекций по микроэкономике). Экономическая школа. 1991. Т.1., Вып.1.
- А.Тигранов.* Биржа, биржевая спекуляция и положительные законодательства. СПб, 1879.
- К.А.Улибин, И.С.Андропина, Н.Л.Хадисова.* Брокер и биржа. М., 1991.
- Д.Н.Хайман.* Современная микроэкономика: анализ и применение. В 2-х т. М. Финансы и статистика. 1992.
- П.Хейне.* Экономический образ мышления. М., Новости, 1991.
- О. Шпиллх.* Биржа и её деятельность. СПб, 1992.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

МУНДАРИЖА

Хусусийлаштириш стратегияси.....5

1-бўлим. Хусусийлаштиришнинг усули

18

1.0. Хусусийлаштириш усуллари.....	19
2.0. Хусусийлаштириш жараёнининг босқичлари.....	22
3.0. Давлат мулки объектлари.....	29
4.0. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида корхонанинг қийматини белгилаш.....	32
5.0. Корхоналар ва объектларнинг сотиб олиш қийматини белгилаш услубияти.....	39
5.1. Баланс усули.....	39
5.2. Олинаётган фойда бўйича корхона қийматини белгилаш.....	43
5.3. Соф активлар баҳоси.....	45
5.4. Қийсий битишувлар усули.....	48
5.5. Инвестиция лойиҳаларининг дисконтирланган ўз харажатларини ўзи қоплаш усули.....	51
5.6. Корхоналарнинг илганмайдиган воситаларини баҳолаш (гудвилл).....	53
<i>Муҳокама учун саволлар.....</i>	<i>54</i>
<i>Тушунилиши кийин сўзлар изоҳи.....</i>	<i>56</i>

2-бўлим. Корхоналарнинг

ташкилий-ҳуқуқий шакллари.....59

1.0. Ижара корхонаси.....59

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

МУНДАРИЖА

2.0. Кичик корхоналар.....	64
3.0. Хусусий корхоналар.....	66
4.0. Ҳиссадорлик жамиятлари.....	71
5.0. Қўшма корхоналар.....	81
6.0. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий йўналишлари.....	84
7.0. Ер муносабатлари.....	95
<i>Муҳокама учун саволлар.....</i>	<i>98</i>
<i>Тўққизинчи китоби сўзлар изохи.....</i>	<i>100</i>

3-оғуш <i>Давлат тасарруфини чиқариш янги бонқарув таркибларини барпо этиш.....</i>	<i>103</i>
---	------------

1.0. Тармоқ хусусийлаштириш модули.....	109
2.0. Корпорациялар (ассоциациялар).....	113
3.0. Концернлар.....	121
4.0. Холдинглар.....	122
5.0. Агрофирмалар.....	133
6.0. Молия-саноат гуруҳлари.....	136
<i>Муҳокама учун саволлар.....</i>	<i>142</i>
<i>Тўққизинчи китоби сўзлар изохи.....</i>	<i>144</i>

4-бўлим. Бозор инфраструктураси.....	147
--------------------------------------	-----

1.0. Инфраструктуранинг мақсади, вазифалари ва функциялари.....	150
2.0. Инфраструктура таркиби	159
2.1. Биржалар.....	162

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

МУҲДАРИЖА

2.2.	Кредит-банк тизими	190
2.3.	Инвестиция фондлари.....	206
2.4.	Депозитарийлар.....	213
2.5.	Суғурта компаниялари.....	218
2.6.	Аудиторлик фирмалари.....	223
2.7.	Консалтинг фирмалари.....	229
2.8.	Улғуржи савдо тизими.....	233
3.0.	Инфраструктуранинг амал қилиш механизми.....	236
3.1.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи	237
3.2.	Маҳсулот тайёрловчи агент.....	238
3.3.	Товар-хом ашё биржасининг воситачиси.....	239
3.4.	Тижорат банки.....	240
3.5.	Улғуржи база (консигнацион омбор).....	241
3.6.	Автотранспорт корхонаси (уюшмаси, ассоциацияси), юк автомашинаси эгаси, транспорт кооперативи	243
4.0.	Маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчиларнинг инфраструктура билан ўзаро ҳамкорлиги.....	244
	<i>Муҳокама учун саволлар</i>	246
	<i>Тушунилгани киши сўзлар изоҳи</i>	252

5-бўлим.	<i>Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусияти.....</i>	257
----------	--	-----

1.0.	Хусусийлаштиришнинг босқичма-босқичлилиги, узвийлиги.....	258
------	---	-----

2.0.	Ўзбекистон ваучерлаштиришдан	
------	------------------------------	--

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

МУНДАРИЖА

	нима учун воз кечди?.....	260
3.0.	Хусусийлаштиришнинг адресли йўналтирил-ганлиги.....	264
4.0.	Хусусийлаштиришнинг тўловли хусусияти.....	266
5.0.	Хусусийлаштириш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.....	268
6.0.	Хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланиш.....	274
	<i>Муҳокама учун саволлар</i>	277
	<i>Тушунилиши кийин сўзлар изоҳи</i>	279
	<i>6-бўлим. Тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш.....</i>	<i>281</i>
1.0.	Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш коида-лари.....	281
2.0.	Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши.....	288
3.0.	Чет эл инвесторларини жалб қилиш.....	290
4.0.	Имтиёзли солиқ тизими.....	298
5.0.	Қонунчилик асоси.....	307
6.0.	Молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари.....	309
7.0.	Тадбиркорларнинг давлат сугуртаси.....	312
8.0.	Тадбиркорликни ривожлантиришни фаоллаштириш.....	313
	<i>Муҳокама учун саволлар</i>	321
	<i>Тушунилиши кийин сўзлар изоҳи</i>	323

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

Blank lined area for text entry, consisting of a thick black header bar at the top and 18 horizontal lines below it.

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆

МАВЗУЛАР БУЙИЧА СЕМИНАРЛАР

◆ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ ◆


“Хусусийлаштириш асослари”

Ислохотларнинг ўзбек модели

Ўзбекистон иқтисодийтини ислоҳ қилишнинг 5 қоидаси:

1. Иқтисодийнинг сиёсатдан устунлиги;
2. Давлат бош ислохотчи;
3. Қонунларга итоатқўйлик;
4. Кучли иқтисодий сиёсат;
5. Бозорга босқичма-босқич ўтиш.

Улар ҳокимиятнинг уч шохобчаси орқали рўёбга чиқарилади:



1. Қонун чиқарувчи ҳокимият;
2. Ижроия ҳокимияти;
3. Судлов.

Ислохотларнинг бош мақсадларига эришиш учун ҳар бир Оила фаровонлигини кўзлаб:

1. Ҳуқуқий демократик давлат қурилади;
2. Муқим бозор иқтисодини йўлга қўйилади;
3. Очик ташқи сиёсат ўтказилади.

Босишга рухсат этилди 1996 йил 30 июль.

Формат 84x108 1/32.

21 нашр ҳисоб табиғи. Нусхаси 5000

Буюртма № Д-7370. Баҳоси келишилган нарҳда.

Китоб рус тилидан таржима қилинди
Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг
Тошполиграфкомбинати

Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй. 1996